

Абдунаби Ҳамро

СУЙГАНИМ – СЎЗ, СУЯНГАНИМ – СЎЗ

**ёхуд
сўз салтанатининг сарбози**

*(Шоир, журналист, адабиётшунос ва таржимон
Абдуҳамид Парда портретига чизгилар)*

Тошкент
«OYDIN» нашриёти
2022

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)-5

X 25

Абдунаби Ҳамро

Суйганим – сўз, суянганим – сўз [Матн]: мақолалар / Абдунаби Ҳамро. – Тошкент: «OYDIN» нашриёти, 2022. – 288 б.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Абдунаби Ҳамро ўзининг йигирмадан ортиқ шеърий, насрый ва публицистик китоблари билан муҳлисларга яхши таниш. Адабнинг бу галги китоби ҳаётини адабиётга баҳшида этган камтарин ижодкор Абдуҳамид Парданинг ижодий фаолиятига бағисланган. Муаллиф ўз қаҳрамонининг ички ва ташқи дунёсини очишида турли воситалардан фойдаланади. Китоб мутолааси давомида ўқувчи кўз ўнгидаги Адабиёт деган оғир юқнинг қўпчилик назаридан пинҳон залворини оғринмай елкасига олган камсуқум ва заҳматкаш ижодкор сиймоси гавдаланади.

ISBN 978-9943-7572-6-4

© Абдунаби Ҳамро
«Суйганим – сўз, суянганим – сўз»
© «OYDIN» нашриёти, 2022

МУҚАДДИМА

Аслида бу китобни битиш ниятим йўқ эди. Чунки қиёматлик қадрдоним Абдуҳамид ака ҳақида қуида эътиборингизга ҳавола этиладиган мақолада айтадиганимни айтиб қўйгандим. Бу мақола бир неча йил олдин «Фаровон юрт» газетасида чоп этилганди. Сўнг ўйлаб қолдим: назаримда, нимадир камдек туйилди... Бу одам ҳақида манаман деган ижодкорлар катта-катта мақолалар битишган, унинг кўп йиллик холис ва beminnat хизматларини эътироф этишган. Наҳотки шундай одам битта китобга арзимаса?! Бугун, масалан, Шўро даврида ўн йил бир колхозга раис бўлиб, одамларни қон қақшатганлар ҳам, йигирма йил «орган»да ишлаганлар ҳам кимларгадир буюртма қилиб, ўзлари ҳақида китоб ёздиришяпти. Мен нега энди ўзим учун қадрдон бўлган, умрида бирорнинг ризқига кўз олайтиргаган, бутун умрини СўЗга бағишилан, чумолидай меҳнаткаш бир инсон ҳақида китоб ёзмаслигим керак?

Ана шу ўйлар китобни бошлишга туртки бўлди. Келинг, олдин, яххиси, юқорида эслатганим – ўша мақолани сиз азиз ўқувчилар билан баҳам кўрай, сўнг яна сафаримиз давом этади. Дарвоҷе, аввалдан айтиб қўяй: ушбу мақола бир қадар тезоблик билан, андак эркаланниб ёзилган. Бу оҳанг ва услугуб каминанинг мақола қаҳрамонига бўлган инсоний меҳрини зинҳор камайтирмаиди. Халқда «От тепкисини от қўтаради», деган гап бор, Абдуҳамид акам менинг бу эркаликларим ва шартакилигимга аллақачон кўнишиб кетган, ниятларим холис, меҳрим беғараз эканлигини яхши билади. Демак, бошладик!

ПАРДА ОРТИДАГИ ПАРДА

*Ҳамиша ўзгадир сурат ва сийрат
(Абдулла Орипов)*

Бу одамни илк бор қачон ва қаерда кўрганимни, рости, эслолмайман. Назаримда, минг йилдан бери танийдигандекман. Ҳолбуки, янгишмасам, танишганимизга ҳали йигирма йил ҳам бўлгани йўқ. Хотирам панд бермаса, у билан раҳматли қадрдоним Ғулом Каримий таниширганди. Балки Ғуломнинг уйидаги қайсиdir ўтиришда танишгандирмиз? Ишқилиб, аниқ эсимда йўқ. Эсимда қолгани шуки, биринчи бор кўрганда уни... ёқтиргандим. Қандайдир мужмалроқми-ей... Ўрисларнинг «Балиқ ҳам эмас, гўшт ҳам» ибораси унга айнан мос тушадигандай эди, назаримда. Тағин қандай тушунтирсам экан? Бизнинг Олот шевасида «маламажир», «миллинг», «суртса юқмас», «сипойи» деган сўзлар бор, ҳар қайси алоҳида маъно ташийди. Масалан, маламажир кишининг қилган ишида, гапирган гапида тайини бўлмайди, бир боғдан, бир тоғдан келаверади. Миллинг одам – ўта юмшоқфеъл, қатъиятсиз, бирон ишни эплаб уддалаёлмайди. Суртса юқмас – хайру баракасиз, бефайзу футур, Худо ўттиз қилганни у тўққиз қиласди бирпасда. Сипойи энди, сиртига сув юқтиргайдиган, ичи фато-ратроқ бўлса-да, ўзини ўта озодаваш кўрсатувчи, бировнинг кўзи олдида ҳатто пиёланиям совунлаб ювадиган кимса. Қарангки, бу одам айнан шундай кўринди. Бир қарасанг, гап-сўзларида шиддат, қарашларида ўқтамлик йўқдай. Ни-ҳо-ят-да маданиятли! Мушукниям «сиз»лаб

гапиради! Бироздан сўнг боқсанг, нигоҳлари тўла киноя, пичинг, истеҳзо! Бўлар-бўлмасга тиржаяверади! Сур-да, бориб турган сур! Одам деганиям шунчалик турланиб-тусланадими?! «Суртса юқмас»лиги шундаки, ҳеч нарсани, биронта пасту баланд гапни ўзига олмайди. Нима десангиз ҳам бирдек илжайиб тураверади. Фулом эса уни салкам авлиёга чиқарди: Парда ундан, Парда бундан... Олдинига, рости, исми-шарифи ғалатироқ туюлди, шу ёшга кириб эркакнинг оти Парда бўлиши мумкинлигини билмаган эканман. Син солиб қарасам, ёши ҳам биз тенгилардан уч-тўрт ёш каттароқ, лекин у раҳматлик Фуломга худди муршид - ўз пирига қарагандай термулади! Бунинг устига, укаси тенги Фуломга «Фулом ака» деб мурожаат қиласди! «Хушомад ҳам эви билан-да..!» деб ўйладим ижирғаниб. Фулом мендан бир ёш кичик эди, лекин барибир мени «ака» демасди. Темир Қурбон ҳам шундай (у ҳам олотлик). Ўзимни босиб, Фулом раҳматлининг бу «ука»сига тузукроқ разм солдим: баҳмал дўппи кийган, лиbosлари оддийроқ, қомати тўла ҳам, ориқ ҳам эмас. Сал қозоқбашара, дўппи остидан кўриниб турибди: тепа соchlари тўкила бошлаган. Ҳаракатлари чақон, ёш йигитчалардай абжир. Кўп ўқигани гап-сўзларидан билиниб турибди, лекин андак шошилироқ хулоса чиқариш қонида бор шекилли, бирон масалага дарров муносабат билдиради-қўяди. Фуломдан бошқа барча билан баҳслашаверади, унинг фикрига эса қулоқ қоқмай кўшилади. «Тавба, одам ҳам шунаقا бўладими?» дейман ич-ичимдан гоҳ кулиб, гоҳ куйиб.

Хуллас, кейин яна уч-тўрт бор учрашдик ва ...кўнидик бир-биримизга! Мен унинг айрим қилиқларига, у эса менинг бироз бетгачопар ва шарттакилигимга. Ойлар ўтган сайин бу одамнинг руҳияти ва қўнгли ташқи кўринишию бъязи «атторнинг қутисидаям топилмайдиган» қилиқларига асло мос келмаслигига амин бўл-

дим. Адабиёт ва илм аҳли орасида Абдуҳамид Парда сифатида танилган бу инсон аслида боладай беғубор, сал нарсага кўнгли бўшаб, кўзи ёшланадиган ва андак ...қитмироқ экан! Майли, бу ҳақда кейинроқ тўхталаман, ҳозир бу чумолидай заҳматкаш оғайнимнинг (йиллар ўтиб, оғайни бўп кетдик) адабиёт ва илм йўлидаги хизматларини, айрим инсоний фазилатларини санамоқни ният қилдим. Даставвал унинг қисқача таржимаи ҳоли, ботиний дунёси, эл кўзидан пинҳон, мисоли парда ортида сақланиб келаётган хусусиятлари ҳақида.

Раҳматлик Ғулом Каримий оддийгина қилиб Парда деб атаган Абдуҳамид aka ўз умрини сўзга бағишлаган одам. Дарвоқе, унинг ўзи бир тўртлигидаам ёзган буни:

*Кутуб олган доям сўз билан,
Янграгай ҳар ғоям сўз билан,
Рўзи маҳшар савол-жавобда
Шубҳасиз, ҳимоям сўз билан.*

Шундай инсонлар бўладики, уларнинг ботини, яъни ички дунёси мисоли очилмаган кўриқ, сирли бир хазина. Сиз уларни ҳар куни кўрасиз, мулоқот қиласиз, аммо фақат ташқи кўриниши ёхуд кундалик ишига қараб баҳолайсиз. Бу тоифа кишиларнинг аксарияти ўта камтарин ва хокисор бўлишади. Улар ўзлари ишлаётган соҳани мукаммал эгаллашган бўлишса-да, айримлардай кўкракка уриб мақтанишни, қилган иши, эришган ютуғини кўз-кўзлашни, иззатталабликни ёқтиришмайди. Инсон қалби ва руҳини кашф этиш воситаси бўлмиш адабиёт аксар ҳолларда ана шундай камсуқум, андак уятчан, аммо ўз ишида шижоатли фидойиларга таянади. Шоир, журналист, таржимон ва адабиётшунос Абдуҳамид Пардани ҳеч иккиланмай ана шу тоифанинг вакили, деса бўлади.

Унинг олтмиш йиллик умри ва меҳнат фаолияти матбуот, адабиёт билан чамбарчас боғлиқ. 1958 йилнинг 17 январида Тошкент вилояти, Бўка тумани Қорақўйли қишлоғида, чорвадор оиласида туғилган шоир болалигию ёшлигида, бир қарашда, кўп қатори бола эди. Аммо Яратган унинг қалбию руҳиятига СўЗга улкан меҳрни жойлагини кўп ўтмай аён бўлди.

– Мактаб ва қишлоқ кутубхоналаридағи китобларни ютоқиб ўқирдим, уйимиздаям анча-мунча китоб бор эди, – деб ҳикоя қилганди у бир суҳбатимизда. – Раҳматлик ўгай отам халқ достонларини яхши кўрарди. Қиши кунлари уйимизга қишлоқнинг бир неча зиёлилари, халқ оғзаки ижодининг муҳиблари тўпланишиб, достон ўқишарди. Уларни тинглаш жараёнида хаёлан ўтмишга саёҳат қиласар, қаҳрамонликлар кўрсатгим келарди. Кеийинроқ, ёшим катталашган сайин бу сирли олам мени бутунлай ўзига ром этди, қўлимга қалам олишга ундали.

Абдуҳамид Парда ўз битиклари билан фахрланадиган, ўзининг бу ҳаётдаги миссиясини тўла англаб етган инсон:

*Ашъорларим фахру номус-ор,
Мангу яшил наврўз, наўбаҳор.
Имон аҳли учун машъала
Имонсизни қўйдирар шарор!*

Бир қарашда унинг таржимаи ҳоли оддийгина: ўрта мактаб, Миллий университетнинг журналистика факультети, ҳарбий хизмат... У меҳнат фаолиятини Бўка шаҳар босмахонасида ҳисобчиликдан бошлади. Университетда ўқиш баробарида «Ўзбексельмаш» заводида экспедитор, оддий ишчи бўлиб ишлади. Бир сўз билан айтганда, ҳаёт қозонида обдон қайнади.

Ўқиши тамомлагач, 1985 йилдан то 1991 йилгacha Ўзбекистон Республикаси телерадиокомитетида оддий

ходим, таржимон ва шарҳловчи бўлиб ишлади. 1991 йилда «Ўзбекистон матбуоти» журналида бўлим муҳаррири сифатида фаолият кўрсатди. 1991-1996 йилларда у яна қадрдан жамоасига, телерадиокомитетга қайтди: таржимон ва шарҳловчи сифатида республика ҳаётидаги муҳим янгиликларни халққа етказиша жонбозлик кўрсатди. 1996-1997 йилларда у ўзини босма оммавий ахборот воситаларида синаб кўрди: «Ишонч» газетасида олдинига шарҳловчи, сўнг масъул котиб бўлди. Қай даргоҳда ишламасин, Абдуҳамид Парда ўзига бўлган талабчанлик ва масъулиятни унутмади, ўз вазифасини сидқидилдан адо этди. Ва ана шу оғир йўлда фақат ва фақат ўз иродасига, ўз ижодига, ўзи яратган СЎЗ ЛАШКАРИГА суюнди:

*Юкиниб минг сирли соҳир салафга,
Сўзларим лашкарин тизарман сафга.
Муродга етсам не ажаб, лашкарим –
Бошлиб от солсам гар ҳар тўрт тарафга!*

Шоирнинг (менинг ҳам) яқин дўстларидан бири, филология фанлари номзоди, шоир ва адаб, истеъфодаги подполковник Темир Қурбон унинг журналистик фаолиятига алоҳида ургу беради:

– Абдуҳамид aka энг аввало, қалами ўткир журналист. «Ишонч» газетасида ишлаганда унинг журналистлик иқтидори яққол намоён бўлди. Муаммоли масалаларни дадил, аммо бирорвга оғир ботмайдиган тарзда, мулойим ва самимий ёрита оларди. Газетачиликдан бироз хабардор киши яхши биладики, газетанинг энг оғир юки масъул котиб гарданига тушади. Ҳар бир соннинг мазмун-мундарижаси, макети, дизайнни энг аввало масъул котибининг диди ва савиясига боғлиқ. Агар у ўқимишли, маърифатли, назари ўткир, холис фикрли инсон бўлса,

газетанинг обрўйига-обрў қўшилади. Абдуҳамид ака бу вазифани қойиллатиб уddeлади.

Адабиётга меҳр қонида жўш уриб турган Абдуҳамид Парда 1997-2001 йилларда «Жаҳон адабиёти» журналида муҳаррир ва масъул котиб сифатида хизмат қилди. Бу ерда улкан адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофиддинов раҳбарлигидаги жамоанинг аъзо-си сифатида тинмай изланди, дунё адабиётининг улкан намоёндалари асарларини ўзбек тилига ўғирди.

Аммо умр йўллари ҳеч қачон силлик, бир текис ва равон бўлмаган. Инсон бу йўлларда гоҳ дадил қадам ташласа, гоҳ тўхтаб, эртанги кун режаларини пишитади. Атрофга қарайди, замоннинг равишига син солади. Жамиятдаги муҳит инсон кўнглига, айниқса, ижодкор руҳига кучли таъсир кўрсатади. У теваракдаги дунёнинг нокомиллиги, одамларнинг турланишлари боис ҳаётдан зада бўлгандай сезади ўзини, барчасига этак силкиб кетгиси келади. Бундай руҳий тебранишлар ҳар бир ижодкор каби Абдуҳамид Парда ҳаётида ҳам бўлиб туради. Ва у бундайин ларзаларни одатий ҳол сифатида қабул қиласи. Чунки ўртамаган қалб, қалқиб турмаган руҳият шоирга бегона. У 2003-2005 йилларда Бектемир туманидаги Мажнунтол маҳалласида посбон сифатида хизмат қилганида халқ турмуш тарзини яқинроқ ўрганиш баробарида ижодий режалар тузди, эртанги мashaққатли кунлар учун замин ҳозирлади. 2005-2006 йилларда Республика Маънавият марказида бош мутахассис лавозимида фаолият олиб бораркан, қаддини тиклаётган мамлакатнинг маънавий-маърифий ҳаётида рўй бераётган янгиликларни диққат билан кузатди, холосалар чиқарди. Шундан сўнг у то 2014 йилгача Бектемир туманидаги «Сувмаш» заводида таржимонлик қилди, корхонанинг маънавият соҳасига масъул бўлди.

Эътибор беринг: умрини СЎЗга бағишилаган одам гоҳ маҳаллада посбон, гоҳ қандайдир заводда таржимон! Нима бу, даврнинг, муҳитнинг шоирни тушунмаслиги-ми? Ё инжа қўнгилнинг атрофдаги дунёни борича қабул қила олмаслиги, ўзига хос исёними? Нима бўлганда ҳам, «Банданинг боши – Аллоҳнинг тоши» экан-да, қайси тарафга юмалатса, йўзи билади... Банда эса ноилож, унинг кучи фақат ўз қўнгли ва қаламига етади, холос:

*Таъмирлай олмадим қўнглим уйини,
Тўйиб тингламадим қўнглим қуйини.
Аксар заъфар кўрдим ранги-рўйини
Соғиниб яшадим қўнглим қўйини.*

Ногоҳ хаёлга раҳматлик устоз, улуғ шоир ва буюк инсон Абдулла Ориф сатрлари ёпирилиб келади:

*Югурук сув ўғай тоғлар орасида,
Булбул ўғай эрур зоғлар орасида.
Муҳаббат дардидан бемор қалбларимиз
Ўғай бўлсан, не тонг, соғлар орасида.*

Аслида ижодкор ҳам кўп қатори оддий одам, фақат қўнгли нозикроқ, руҳи бекарорроқ унинг. Агар ялқов ва дангаса киши бир ерда узоқ ишлай олмаса, бу унинг қусури. Бордию бундай қўнимсизлик ижодкорда учраса, уни тўғри тушуниш керак: у ўзини, ўз таъбига, қалбига мос муҳитни изляяпти. Эҳтимол, ўша посбонлигу таржимонлик ҳам пайти келиб аскотгандир унга? Ким билади, ҳарқалай, у бой тажриба тўплади. Мана, оддий мисол: журналистика, шоирлик, адабиётшунослик каби соҳалар, гарчи бир-бирига яқин бўлса ҳам, ҳар қайси-нинг ўз қонунлари, мезонлари бор. Абдуҳамид Пардаев барчасини эплади ва салмоқли ютуқларга эришди. Қо-

йил қолмай илож йўқ. Руҳият тебранишлари эса давом этаверади:

*Қалб қасрига ташлайман назар,
Гоҳ меҳробин ганжи ишқ безар.
Тўрт томонин, минг дард, алҳазар –
Минг тегирмон тошидек эзар!*

2018 йилда нафақага чиққан Абдуҳамид Парда энди ўзини бутунлай ижодга бағишилади. Бунгача ҳам талайгина китоблар чоп эттириб ултурганди. Чунончи, 1989 йилда «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилган «Олтин беланчак» баёзи ва 2004 йилда «Наврӯз» нашриётида дунё юзини кўрган «Соҳил оҳанглари» тўпламларига шеърлари киритилган бўлса, 2008 йилда «Шарқ» матбаа-нашриёт бош муҳарририятида нашр этилган «Чорлов» шеърлар ва шеърий таржималар тўплами мухлислар қўлига тегди. Шунингдек, 2011 йилда «Ичсўз ифшоси», 2015 йилда «Уммондан инжулар» китоблари, 2016 йилда «Дўстнома» достони ва 2018 йилда «Номалар» тўпламлари чоп этилди.

Унинг шеърлари дабдабадан, баландпарвозликдан йироқ, ўзидай содда ва самимий сатрлардан иборат. Ижод оламига киргандан то бугунги кунгача Абдуҳамид Парда ўз битикларида инсон қалби тебранишлари, халқ дарди, муҳаббат изтироблари каби умрбоқий мавзуларда қалам тебратди.

*Минг дарду ҳасратим сўзларман,
Минг бир дардим сўзлаб бўзларман.
Гўянда деб қилманг маломат,
Минг дардимга даво қўзларман.*

Абдуҳамид ака кўп ва соз ёзадиган ижодкорлар сирасига киради. Айниқса, унинг тўртликлари мағзи тўқ-

лиги, ҳаётий фалсафаларни ўзида жамлаганлиги билан ажралиб туради. Унинг Шарқ мумтоз адабиётини пухта ўрганганлиги ижодий фаолиятида қўл келди. Кўплаб классик шоирларимиз ижодининг сара намуналарини табдил этиши ундаги сўзга бўлган масъулиятни оширганлиги аён қўриниб турибди.

Ўзбекнинг «жангчи» шоири Шавкат Раҳмоннинг тут ҳақида машҳур шеъридаги манзара кўз олдимга кела-ди. «Илдизларим мени кўтариб турибди», дейди шоир. Улуғ аждодлар, ёвқур боболар, сўз мулкининг жаҳон-гирлари...

*Ўқ илдизим мозий қаърида,
Хаёлим иқболдан нарида.
Сўрама ҳеч замон-маконим,
Яшагайман бари-барида!*

Мозийнинг оҳанграбосини англаб етган, бор меҳ-рини адабиётга берган Абдуҳамид Парда Юсуф Ҳо-жибнинг «Кутадғу билиг» достонини замонавий ўзбек тилига табдил этиб, Fafur Ғулом номидаги нашриётда 2015 йилда чоп эттирди. Шундан сўнг у янада теранроқ ва масъулиятироқ ишга қўл урди, яъни ҳазрат На-воййнинг барча достонларини бугунги ёш китобхонлар ҳам тушунадиган замонавий ўзбек тилига табдил этди. Шунингдек, у Фридрих Нитшенинг «Зардўшт нидоси» асарини ўзбек тилига шеърий ўгириб, 2016 йилда Ўзбе-кистон файласуфлари миллий нашриётида нашр эттирди. Абдуҳамид Пардаев сўнгги йилларда Рабинранат Тагор, Жорж Байрон, Жон Китс, Александр Блок, Иосиф Бродский сингари машҳур шоирларнинг туркум шеърларини, жаҳоннинг таниқли адилари қаламига мансуб романларни ва кўплаб машҳур файласуфларнинг рисо-лаларини ўзбек тилига таржима қилиб, «Жаҳон адабиё-

ти» журналида ва алоҳида китоб ҳолида нашр эттириди. 2012 йилда унинг «Севги сеҳри» рисолалар тўплами «Ўзбекистон» нашриётида дунё юзини кўргани ҳам мухлисларга ажойиб совға бўлди. Шоирнинг шеърлари ва шеърий таржималари бошланғич синф мактаб дарсликларидан ўрин олгани ҳам унинг нечоғлик заҳматкаш қалам соҳиби эканлигини кўрсатиб турибди. Адабнинг асарлари рус, немис, инглиз, турк, қозоқ ва қирғиз тилларига таржима қилинган.

*Топганим-тутганим шеър, ашъор,
Эрта-кеч кутганим шеър, ашъор.
Сухан саррофиман, дунёда –
Ягона ютганим – шеър, ашъор.*

«Ҳар қандай улуғ шахс ортида, албатта, бир буюк аёл туради», деган гап бор. Гарчи Абдуҳамид Парда буюкликка даъвогар бўлмаса-да, қисмат уни яхши аёлга дуч қилгани аниқ. Келинайимизни мақтаб ёзганларини ўқиб, «Сиз ҳам Темир Курбонга ўхшаб хотинга сотилганлардансиз!» дейман ҳазиллашиб, у эса киприк қоқмай рози бўлади! (Шу ўринда бир ҳангомани айтиб кетмасам, кўнглим тўлмайди. Эҳтимол, Абдуҳамид ака бундан норози бўлар, лекин, айнан ана шу ва шу каби яна бир-икки воқеалар унинг афандитабиатлигини очиб беради. Алқисса, у пайтлари ҳали раҳматли дўстим Фулом ҳаёт эди. Кўпчилик яхши билади, бизнинг Олотда, саҳро бағрида шифобаҳш туз ва қум бор, турли юртлардан келган беморлар бу ерда туз ва қумга кўмилиб, дардларига шифо топишади. Бир йили авжи сараторда Фулом Тошкентдан бир-икки дўстларини тузга олиб келди, табиийки, мен уларни кутиб олдим. Бордик, қум ва тузга кўмилиб, терлаб-пишиб чиқдик. Ҳар ким юкхалтасидан бир эскироқ чопон чиқариб, ўраниб

олди. Бўлмаса, енгил шабада ҳам бўшашган танани қотириб қўяди. Абдуҳамид ака эса ...хотинининг пальтосини чиқарди! Жа унақа қалин пальто эмас, сал юпқароқ, кигизмонанд матодан қилинган. Лекин аёллар пальтоси эканлиги аниқ. Кулгудан қотиб қолдик! У эса соддалик билан илжаяди:

– Чопон қидирдим уйда... Хотин қаерга қўйган, худо билади. Кўзим шунга тушди: қарасам, қалингина экан, олиб келавердим...

У юмалаб кулаётган шерикларига анграйиб қарайди, унинг соддалигию анойилигини кўриб, кулгу авжланади... Ана шунақа одам бу Парда деганимиз!)

Мана, унинг турмуш ўртоғига атаб ёзган тўртлиги:

*Ишим йўқ нариси-бериси билан,
Сулувларнинг ёшу қариси билан.
Яратган эгамга минг ҳамду сано,
Никоҳлаган илҳом париси билан!*

Шоирнинг аёли Машкурахон унинг ҳамқишлоғи, улар бир юрт фарзандлари. Машкурахон опанинг асл касби шифокор, ҳозирда тадбиркорлик билан шуғулланади. Оиласа икки қиз ва икки ўғил вояга етди: Хосиятхон, Алишер, Севара ҳамда Муҳаммадбобур. Қизлар ўзидан тинчиб, бола-чақали бўлиб кетишган, ўғиллар эса оила қуриш тараддутида. Икки қиздан етти нафар набира кўрган шоир уларнинг шўхликларини кўриб, кўнгли яйрайди.

Абдуҳамид Парданинг инсоний фазилатларига келсак, табиийки, аксарият ижодкорлар сингари, унда ҳам бироз инжиқлик бор. Ёлғизликка бошқалардан кўра кўпроқ интилишини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин. Гарчи, адидан тўрт ёш кичик бўлса-да, у билан жуда қадрдон бўлган, таъбир жоиз бўлса, уни шоир сифати-

да элга танитишга ҳисса қўшган марҳум Ғулом Каримий ҳам унинг ҳазил-мутойибани нозик тушуниши, ҳозиржавоблиги ва камтаринлигини қадрларди.

Қаҳрамонимизнинг қаерларидир 20-аср бошларида яшаб ўтган жадид боболаримизга ўхшаб кетишини таниш-билишлару дўйстлари кўп таъкидлашган. Дарҳақиқат, унинг фикрлаш тарзи, дунёқариши, илмга, адабиётга фидойилиги ва ҳатто айрим ҳолларда, кийиниши ҳам жадидларни эслатади. «Билса – ҳазил, билмаса – чин» қабилида бир-икки танбеҳ ҳам берганман: «Ўв-в, менга қаранг, Пардаев, эл қатори нормальний бир дўппи кийсангиз бўлмайдими? Нима юриш бу, қори акаларга ўхшаб?!» Йўқ, таъсир қилмади, айтдимку, суртса юқмас бу, деб. Бу нима, Чўлпон, Усмон Носири Қодирийларга улкан меҳрнинг нишонасими ва ёки шунчаки тақлидми?

*Кўкка боқдим – осмондан назар бўлди,
Навоийдек султондан назар бўлди.
Маърифатга кенг очдим дил уйини,
Қодирийдан, Чўлпондан назар бўлди.*

– Жадид боболаримиз жуда улкан ишларни қилишган: миллатни уйғотишган, унга ўзлигини кўрсатишган. Уларнинг барини, айниқса, Қодирий ва Чўлпонни жуда қадрлайман, – дейди Абдуҳамид ака, – Эътибор берилса, уларнинг ҳар бирлари, айниқса, Фитрат, Чўлпон ва Ҳамза жуда серқирра ижодкорлар бўлган. Адабиёт ва журналистиканинг қарийб барча жанрларини, шу билан бирга театр санъатини ҳам мукаммал билишган. Улар қолдирган меросни кўп ўқийман, мушоҳада юритаман ва керакли хулосаларни чиқараман. Йўқ, мен уларга тақлид қилмайман, худо берган аъмолим, тийнатим бу. Башангликни, дабдабани унча ёқтирмайман. Оддийлик

ва самимиликни суюман, бошқаларда ҳам шу хислатларни қадрлайман.

Мақола аввалида Абдуҳамид аканинг феълини тасвирлаётib, уни андак қитмироқ дегандим. Ва бир ўринда унинг афандича қилиқлари борлигиниям айтгандим. Келинг, даъво беисбот бўлмасин. Ҳозир мен айтиб берадиган воқеа унинг ана шу икки хусусиятини яққол исботлайди. Хуллас, Ғулом дўстимиз бу оламни тарқ этгач, бир йилдан сўнг унинг оиласи, жигарлари эҳсон берадиган бўлишди. Менгаям қўнғироқ бўлди, Олотдан Тошкентга етиб келдим. Ўша ўзимизга қадрдон бўлиб қолган ҳовли, улкан кутубхона, фақат... Ғулом йўқ! Уни эслаб дуои фотиҳа қилдик, ошдан сўнг анча ўтириб, марҳумни эсладик, инсоний фазилатларини ёд этдик. Сухбат адабиётга уланди. Ўзи даврага аксар илм ва адабиёт аҳли тўпланганди. Бир пайт Абдуҳамид aka мени ташқарига имлаб қолди:

– Шоир, бир минутга чиқинг, гап бор!

Чиқдим, дарвоза олдидаги сўри ёнида турган экан. Қўлида оқиш елим пакетга солинган бир даста китоб. Биттасини олиб, дастхат ёзди-да, менга узатди. «Дўстнома» эди бу, олдин ҳам икки бор нашр этилган, марҳум Ғулом Каримийга аталган китоб. Қарасам, янги нашри экан. Савол назари билан қараганимни сезиб, у изоҳ беришга тушди:

– Ғулом акам ўтиб қолганларидан сўнг буни қайта ишладим, учинчи нашри бу...

– Пардаев! – дедим кулимсираб. – Бир кун келиб ҳаммамиз ҳам ўтамиз. Айниқса, сиз ўтганингиздан сўнг кимдир тарихингизни ёзмоқчи бўлса, ижодингиз ҳақида нималар ёзиши мумкин?

– Билмадим... – деди у талмовсираб.

– Мен биламан. Ўша тадқиқотчи «Абдуҳамид Парда» ўз умри давомида фақатгина битта «Дўстнома» деган

китоб ёзган ва уни нақ йигирма маротаба нашр қилдирган», деб ёзади!

У самимий, чин юракдан завқланиб кулди. Сўнг бироз жиддийлашди-да, овозини пасайтириди:

– Нима деб ўйлайсиз, Шоир, китобни ановиларга таклиф қилсам, олишармикан?

– Нега энди олишмайди, олишади, албатта. Шартташартта дастхат ёзиб, тарқатинг, вассалом!

– Йўқ... мен... сотмоқчийдим... – деди у ийманиб.

– Пардаев! – дедим кулишниям, куйишниям билмай,

– Ғулом сизни умри охиригача қўллади, қаноти остида сақлади. Энди сиз келиб-келиб унинг йил ошида... китоб сотмоқчимисиз?! Ўйлаб гапиряпсизми ўзи?

– Ҳа-я, бу гапингизда жон бор... Бу ёғини ўйламабман... – деди у ўзига хос думбулликми, соддаликми билан. Менам пайт келганда бир чақиб олмасам, кўнглим жойига тушмади:

– Ака, сиз яххиси, эртага жума намозида мачитга оборинг китобингизни, икки-уч минг одам йифилади, bemalol сотасиз ҳаммасини.

Шундаям бу Пардаев тушмагур пичингни тушунмади, кўзларимга умидвор термилди:

– Бу гапдаям... Нима деб ўйлайсиз, олишадими?

– Э-э, даф бўлинг-ей, Пардаев! – дедим қоним қайнаб.

– Нима бало, Марсдан тушанмисиз?!

Ниҳоят, кинояни англаб, шарақлатиб кулиб юборди. Менинг эса ичимдан қиринди ўтарди: хаҳ, замон-а! Шоирни не кунларга солдинг?! У бечора китобни ЁЗСИНМИ, ЧИҚАРТИРСИНМИ Ё СОТСИНМИ?

Феъл-автори сир пардаси ортида яширин Парда шунаقا одам. Ўрни келганда фаҳрланишниям, надомат чекишиниям жойига қўяди, ўзига нисбатан шафқатсиз ва истеҳзоли. Адид ўзининг бир тўртлигида:

*Үлғайдик, сарбаланд төг бўлмадик ҳеч,
Гулладик, сермева боғ бўлмадик ҳеч.
Тиллога топилмас ҳаёт жавҳарин
Пулладик – имони соғ бўлмадик ҳеч...*

дэя оҳурганди. Албаттa, бу ўтган умрдан нолиш эмас, балки айрим олчоқлар, иккиюзламачилар, бемақсад яшаётганлар ва бебаҳо умрни ҳою ҳаваслар учун совураётганларга берилган танбеҳдир. Зеро, ижодкорнинг ўзгармас вазифаларидан бири ҳам кўнгилларни тарбиялашдир. «Ижодкор қабрга киргандагина тинчийди» деган гап бор, шу боис қалам аҳли, гарчи ёши ўтса ҳам эл дарди, халқ ташвиши, кўнгил орзуси билан яшайди. Бир қарашда қалвидаги ниятларнинг бари амалга ошгандай кўринса-да, эртасига унинг кўнглида янги фикр, янги орзу туғилади. Бир пайтлар шоирнинг ўзи ёзганидай:

*Хаёлингга бораман қочиб,
Хаёлингдан тилайман мадад.
Юрагимни, ишон, кенг очиб,
Айтадиган дардим беадад.*

Ҳа, токи ер юзида ҳақсизлик, кибру ҳаво, манфаат ва зўравонлик бор экан, шоирнинг айтадиган дарди тугамайди. У халқ, муҳлислар хаёлига қочади, уларнинг хаёлидан мадад тилайди ва ижод қиласди.

Мен эндинга олтмиш ёш – етуклик остонасидан ҳатлаган қадрдоним, ҳаммаслагим, шоир, таржимон ва адабиётшунос Абдуҳамид Пардага кўнгил ва руҳ парвозини, яхши маънодаги дардмандлик ва бедорликни тилайман. Бугун пардани сал четга суриб, ўқувчига Пардани кўрсатдим. Насиб этса, етмиш-саксонга кирганда сирли пардани бутунлай олиб ташлаб, Парданинг бор бўй-бастини муҳлисларга кўрсатиш ниятим бор. Аллоҳ барчамизни ўша кунларга етказсин!

СҮЗГА САЖДА

Абдуҳамид Парда адабиёт аҳли аро дастлаб шоир сифатида танилди. Қатор шеърий тўпламлари чоп этилди. Камина гарчи адабиётшунос ёхуд тадқиқотчи бўлмасам-да, бир қаламкаш ва мухлис сифатида унинг шеърларини имкон қадар ўқиганман. Айниқса, «Чорлов» тўпламини қизиқиб ўқидим. Назаримда, айнан шу тўпламда муаллифнинг шоир сифатидаги қиёфаси аниқроқ намоён бўлгандай. Ижоднинг дастлабки йилларида сатрлар қатида бўй кўрсатган шиддат ва ўқтамлик ўрнини йиллар ўтиб сокинлик ва ўзбекона фалсафа эгаллайди. Шоир, гарчи севиш ва севилишдан тўхтамаган инсон, эртадан умиди кўп некбин фуқаро сифатида куйиб-ёнса ҳам, мисралар бағридан гоҳ афсус ва алам, гоҳ пичинг ва киноя сизиб чиқаверади. Чунки ёши олтмишдан ошган, умрнинг пасту баланд йўлларида турфа савдоларга дуч келган шоир энди амин бўлганки, дунёни тузатиб бўлмас экан. Ниҳоят, кўнгил тубида ўтли бир надомат қолган, холос. Шу номли шеърга бир диққат қилинг:

*На эҳтирос тонди таскин,
На ташна қалб ҳаловат.
Улкан умид боғлаб лекин –
Кўрдим катта талофат.*

*Хаёл бошқа, ҳаётм бошқа,
Дилда беадад армон.
Уролмайман бошим тошга,
Яшашга ҳам иўқ дармон.*

*Бамисоли қанотсиз қуш,
Фақат унсиз бўзлайман.
Совумаган мурдам учун
Қаро қабр излайман.*

Бу улкан ва этни сескантирувчи армон гўё сув остида-ги совуқ тўлқиндек зимдан чайқалиб, шеърни қалқитиб тургандек. Худди Тоғай Мурод айтганидек, «Бу дунёда ўлиб бўлмайди...» Шоирнинг орзулари мўл эди, барча эзгу ниятли инсонлар каби у ҳам дунёни мукаммал кўрмоқчи эди, бироқ, унинг ўзи ушбу шеърда таъкидлага-нидек, хаёл бошқа, ҳаёт бошқа. Муаллифнинг «мен»и дунёдан ҳафсаласи совуган аксарият хаёлпаратлар каби шафқатсиз ва аччиқ ҳақиқат олдида гунгу лол, энди бу дилозор ҳаётга қўл силтаб, жонини қўярга жой ахтара-ди: «Совумаган мурдам учун, Қаро қабр излайман».

Шундай бўлса-да, шоир – умид одами, у ҳамон мўъ-жизага ишонади, эрта-бир кун барчаси изга тушиб кетишига ишонади. Ўз қаҳрамони каби минглаб ноумидларга умид бағишилагиси келади, уларга таскин беради. Аслида эса бу ўзини алдаш, ўз кўнглига тасалли излашдан бошқа нарса эмас. Шоир зоти алданишни яхши кўрадиган, ундан ҳузур туядиган дунёдаги ягона тоифадир.

Шеърдан-шеърга ўтган сайин шоир ногоҳ эслаб қолади: ахир, у руҳият яловбардори, кўнгил кишиси, унинг бу дунёда ўз миссияси бор! Истаса-истмаса, у ана шу вазифани бақадри имкон бажаришга мажбур. Чунки Аллоҳ унга инжа қалб, донишманд тафаккур ва исёнкор руҳ берган. Омонатга эса хиёнат қилиб бўлмайди! У яна ўзининг эзгулик жангчиси эканлигига ишонади, қалбига қулоқ солади ва ўзи бу ҳаётдан нима истаётганлигини теранроқ англайди. Туйғулари таранглашади, сўзлари кескирла-шади, белини маҳкам боғлаб, адолат жангига отланади. «Озод қалб» шеърида ана шу манзара чизилган:

*Кетолмадим ташлаб қаламни,
Қалампирдан аччиқ аламни,
Болдан тотли умидга қүшдим
Ва эринмай чилвирдай эшдим.
Пайдо бўлди дунё ранг-баранг,
Асаблардай тортилди таранг.
Хиёлгина чертиб қўйсанг бас,
Жаранглагай илоҳий ҳур сас!
Озод қалбим созладим шундай,
Ловуллагай у ёзги қундай.
Чақмоқдайин кескир, шиддатли,
Арслондайин ёвқур, ҳиддатли.
Даррандалар султони шердай,
Эл ишонган мардона эрдай.
Бўронларга тўш ураг дадил,
Довюракдир жумла мард одил.
Йўқ-йўқ, бу не мардликка шўхлик,
Кўрқитолмас заволу йўқлик.
Қай зот ахир яшар мардона,
Азал-абад завол бегона,
Азал-адаб завол бегона!*

Абдуҳамид Парданинг лирик тўпламига сўзбоши ёзган таникли шоир ва ёзувчи, адабиётшунос олим, фан доктори Улуғбек Ҳамдам шоир ижодиётини таҳлил этар экан, унинг шеърдан-шеърга, китобдан-китобга «ўсиб» борётганлигини ҳақли равишда таъкидлаб, бундай дейди:

«Шоир лирикасидаги, умуман ижодидаги тадрижийликка назар солсак, кичик лирик шеърлардан йирик манзумалар, кейинчалик эса салмоқли шеърий номалар, ниҳоят, салмоқли достонлар яратганига гувоҳ бўламиз. Унинг «Муножот», «Кетиб борар...» каби барча макон ва замонлар учун хос муаммоларни қамраб олган залвор-

ли манзумалари яна ҳам салмоқли шеърий номалари ва достонлари учун замин бўлгани, шубҳасиз.»

Дарҳақиқат, Абдуҳамид Парда шеърияти – некбин шеърият, у худди устозлари Абдулла Орипов, Рауф Парфи ва Усмон Азим сингари ўзини ҳақиқат лашкарида бир навкар мисол ҳис этади, ҳаётдаги турфа талотўплар боис қўнгил қатига чўккан умидсизликларни қалбдан қувиб, ўқувчини алал-оқибат яхшиликнинг ғалабаси муқаррар эканлигига ишонтиришга уринади. Ва бу йўлда ўзини курашга чоғлайди. Гарчи нотавон дунёning минг турли ўйинларидан, разолат ва қабоҳат салтана-тининг шотирларидан қўнгли зада бўлса ҳам, уларни аёвсиз фош этади, бундай каслардан халос этмоқни сў-раб Яратганга тавалло қиласи. «Муножот» сарлавҳали салмоқли шеър фикримизга исботдир:

*Нечун мени бадбинларга қўшиб қўйдинг,
Бир чилвиру бир арқонга эшиб қўйдинг.
Нечун ахир тубан мұҳит фарзандиман,
Юҳолардек нафсимга мен ҳам бандиман.
Нечун ахир айро тушиб имон билан,
Сулҳ тузай худобезор шайтон билан.
Нечун собит юриб бўлмас Ҳақ йўлидан,
Нечун ахир чиқиб бўлмас куфр чўлидан.
Нечун ахир миллат борки, иллати кўп,
Шайтонсифат каслар кезар бисёр, тўп-тўп.
Покдомонлар уруғими ё анқонинг,
Очилмасми эшиги кенг хонақонинг...*

Атоқли мунаққид Иброҳим Faфуров шоир шеърияти тўғрисидаги «Ихлосманд» мақоласида ёзади:

«Абдуҳамид Парда қўнгил қўзини ўз дардларига кенг очган қаламкаш. Унинг дардлари ўзи севган ва эътиқод қўйган ўша икки китобга уйқаш дунёning носозлигидан,

туганмас, битмас, йўқолмас зиддиятларидан туғилган дардлар. Оlam тазодларининг мангалигидан унинг дили яра. Етимликнинг хаста армонлари юрагини дам-бадам қиймалайди. Дунёнинг носозликлари ҳеч қачон шеър билан тузалмагандай, унинг тутаб ётган жароҳати – вулқони ҳам тузалмайди. Ундан нафас сайин азоб, алам, армон сочилади. Булар оламнинг танглигига яна танглик қўшади. Ажабланарли эмасдирки, у танглик ва тазоддан шеърий илҳом олади. Аламларини шеърга тўқади¹.

И.Faфуров фикрини давом эттириб, шоирга маломат қиласди:

«Абдуҳамид Парда... бир шеърида фақат йиғла, деб нидо қиласди. Кучингни йиғида кўрсат, дейди. ... Йиғи қилиб ким қачон нимага эришибди бу дунёда».

И. Faфуров ўзи таъкидлагандек, «йиғлаш фалсафаси теран тизимдаги ғоя». Қолаверса, мумтоз шеъриятилизда икки кўзни икки дарё – Амударё ва Сирдарёга ўхшатиш анъанаси бор. Икки кўзини юртимизнинг икки улкан дарёсига қиёслаган Навоий ҳазратларига хос йиғлаш фалсафаси ҳам теранлиги билан ажалиб туради:

*Баҳри ишқ ичра, Навоий, ошнолиғ топмадинг,
То бу бир қўзни Арас, ул бирни Ому қилмадинг².*

Атоқли шоир Абдулла Орипов кўзёшларига ўзгача таъриф беради:

*Хорғин бир йўлчингман, дарвозангни оч,
Бошлиб келди дема қайғуни, ғамни.
Ногоҳ кўзларимда кўрсанг қатра ёш,
Севинч ёшлари деб қабул эт уни.*

¹ Қалбим ҳар сатримда, Шоир Абдуҳамид Парда ижодига чизгилар, «Muharrir» нашриёти, 2010 й., Т., 3-бет.

² Алишер Навоий, Бадое ул-васат, 356-ғазал.

Нодонга жавоб сукут ҳисобланади. Бинобарин, инсон ҳатто ҳақиқатни сўзлаш имкониятидан ҳам маҳрум қилиниб, ўта чорасиз аҳволда қолганда, Абдуҳамид Парда таъкидлагандек, «кўз ёши-да қудратли қуролга айланади».

Есенин ўзини қишлоқдан етишиб чиққан сўнги рус шоири, деб таърифлаган. Абдуҳамид Парданинг халқона содда шеърлари беихтиёр Есенин шеърларини ёдга солади. Ҳатто айрим шеърларида Есенин шеърларига ҳамоҳанглик яққол сезилади. Маълумки, Есениннинг «Форс оҳанглари» туркумига кирувчи, устоз Эркин Вонхидов таржима қилган «Хурсоңда бир дарвоза бор...» сатри билан бошланувчи шеъри шеърият мухлисларига яхши таниш. Абдуҳамид Парданинг қуидаги шеъри Есениннинг ўша шеърини эслатади. Бироқ бу шеърни Есенинга тақлид маҳсули, десакadolатдан бўлмайди. Назаримда, Есениндан илҳомланган шоир ўз кечинмаларини оригинал тарзда самимий шеърга айлантира олган:

*Ўйларимнинг ниҳояси сен,
Куйларимнинг ниҳояси сен.
Изтиробим-истагим учун,
Мақсадиму маслагим учун,
Сендан нари тугайди ҳаёт,
Сен шунчалар эдингми, ҳайҳот,*

Оқ дарвоза, оппоқ дарвоза!

*Сендан нари ўзга бир олам,
Сендан нари ўзга бир дунё.
Унда билмай на фироқ, на ғам,
Бир қиз яшар, париваш гўё,*

Оқ дарвоза, оппоқ дарвоза!

*Бошинг узра оқарған тонглар,
Бошимни ҳам кетмиш оқартыб.
Тегранг узра ўзга жаранглар,
Фақат сенда ўшал ҳол, тартиб,*

Оқ дарвоза, оппоқ дарвоза!

*Гарчи дунё беҳад, бепоён
Ва бетимсол бўлса ҳам гарчи:
Қалб қушимга азиз ошён,
Ўксик дилнинг танҳо таянчи,*

Оқ дарвоза, оппоқ дарвоза!

Шоир лирик шеърларининг ўзига хослиги шундаки, у ўз кўнглидан кечган ўй-хаёлларни, ҳаётида рўй берган воқеаларни қофияга солиб, шоирона қиссанхонлик қила-ди. «Оқшом тушди қўшни ҳовлида...» сатри билан бошланадиган шеър ана шундай воқеабанд шеърлар жумла-сидан. Бу шеърни ўқиши асносида сўлим қишлоқ, юксак ёнғоқ дарахти, унинг пойида, дастурхон атрофида жой олган она ва ўғил, уларнинг самимий сухбати беихтиёр кўз олдингизда жонланади, олис хотиралар хаёлингиз-да тикланади:

*Оқшом чўқди. Қўшни ҳовлида –
Беданалар сайрап жўровоз.
Оҳангробо таратгай шундай
Моҳир машиоқ қўлга олган соз.*

*Мен ниҳоят онам ёнида
Қишлоғимда кутаман шомни.*

*Чой хўплайман масрур, баҳтиёр –
Сипқоргандай лиммо-лим жомни.*

*Атрофимда парвона онам,
Гапни гапга аста улади:
– Тенгдошларинг бари уй-жойли
Уйланмасанг, болам, бўлмайди!*

*Кулоч ёйган ёнғоқ пойида
Она-бола, қизийди суҳбат.
– Фалончининг қизи бор, шунга –
Совчи бўлай, ийқ дема фақат.*

*Юрагимда бир парирухсор –
Яшар мудом, бехабар онам:
– Фалончининг кўҳлик қизи бор,
Борайнин, сен ийқ дема, болам!*

Энди «Тоғлар» сарлавҳали қуидаги шеърга эътибор қаратинг:

*Оташ қалар соғинчимнинг ўчоғига,
Тоғлар чорлар, чорлар қайноқ қучоғига!
Дардларимнинг деворидан ўтолмайман,
Етолмайман тоғларимга, етолмайман.
Бўлсам нетар булутларнинг ўтоваидা,
Ё елдирим ҳур елларнинг етоваидা,
Нигоҳимдай оламни жо этсам нетар,
Етсам нетар, тоғлар, сизга етсам нетар!
Токай дилим вайрон қилар оҳ-воҳларим,
Токай сизни йиғлаб қучар нигоҳларим?!
Ёниб-йтмай армон оташ ўчоғида,
Яйрасам бас баланд тоғлар қучоғида!*

Шоир лирикасида тоғлар образи кўп учрайди. Самоларга туташ сарбаланд тоғлар шоир лирик қаҳрамони наздида нажотбахш хаёлий масканларга айланади. «Наво истаб...» шеъри шу жиҳатдан эътиборга молик. Аслида «доғларга-тоғларга», «даво-наво» – бир жуфт қофиядош сўзлардан шоир такрорлаш санъатидан унумли фойлаланиб, уч банд, яъни ўн икки қатор гўзал лирик шеър яратган. Халқона оҳанглар билан йўғрилган шеърда дарду ҳасрат ҳам, орзу ва армон ҳам, энг муҳими, дарду ҳасратлардан нажот топишга комил ишонч ҳам бор. Бу шеър Гёте таъбири билан айтганда, мукаммал соддлик намунаси бўлган гўзал лирика дейишга арзийди:

*Кўксимдаги доғларга
Малҳаму даво топсам.
Чиқиб баланд тоғларга
Илоҳий наво топсам.*

*«Кўксингдаги доғларнинг
Давоси йўқ!» – дедилар.
«Сен учун бу тоғларнинг
Навоси йўқ!» – дедилар.*

*Мен ҳамон бор доғларга,
Бедорман даво истаб.
Ва хаёлан тоғларга
Чопарман наво истаб...*

Уламоларнинг фикрича, «қалб» ва «қаллоб» сўзлари бир ўзакдан олинган бўлиб, араб тилида «ўзгариб турувчи» маъносини беради. Шоир инсон қалбининг тебранишларини (аслида ўзгаришларини), унда бир лаҳза ичида юзлаб туйғулар жон талашишини теран англайди ва уларнинг ҳар бирини шеърий сатрларда тасвирлашга

уринади. Афсус, пушаймонлик туйғуларини инсон одатда «надомат» деб атайди. Юқорида биз шу сарлавҳали шеърни келтирдик. «Совумаган мурдам учун, Қаро қабр излайман» деган этни жунжиктирувчи мисралар эсин-гизда бўлса керак. Аммо, таъкидлагинимиздек, шоир – умидвор инсон, у эртами-кечми бу олам мукаммал бўлишига ишонади ва ўзига таскин беради:

*Гар бошингга тушса ғам,
Солаверма дод-фарёд.
Сендан-да бечорароқ
Бандаларни айла ёд.*

*Фурсат етиб саодат
Кулбангни қилса обод,
Бир нафас баҳти қаро
Бандаларни айла ёд.*

*Кўрмай десанг бошингга
Бевақт қўнган қировни.
Шодликда ҳам, ғамда ҳам
Маҳкам тут, бас, жиловни!*

Ижодкор – умр бевафолигини, фурсат ғаниматлигини, «армонлар яқину орзулар йироқ» (каминанинг бир шеъридан иқтибос бу) эканлигини бошқалардан кўра аввалроқ, теранроқ англайдиган шахс. Зотан, ўзгалар истаса-истамаса унга инжа кўнгил ва жиндек башоратгўйлик хислатини ато этган. Ўттиз-қирқ ёшларидаёқ етмиш ёшли файласуфдек фикрласа, шоирни маломат қилманг. Аслида унинг тийнати шундай. Бу – қўлдан кетган имконлар учун надомат чекиш эмас, борни бори-ча қабул қилиш, кўникиш, Ҳаққа таслим бўлиш. Чина-кам мўминлик шу эмасми?!

КЕТИБ БОРАР...

*Кетиб борар умримизнинг карвонлари,
Карвонларда дилимизнинг армонлари.
Тишлар тушар, яккам-дуккам соч ҳам сийрак,
Гоҳ паришон хастаҳолмиз, гоҳо тийрак.
Ортимизда гарчи қанча ёзу қишилар,
Ярим ёрти ҳали ҳануз сакта ишлар.
Кўр қисматнинг ҳукмидамиз ҳали ҳамон
Ва занжирбанد этмиш бизни золим замон...*

Ҳақиқатан ҳам, шоир Ҳақ йўлида жонни фидо қилишга тайёр қаҳрамонлар сафида туришни истайди. Унинг азалу абад матлаби ҳам шу асли. Ахир, шоир улуснинг дардларига дармон бўлмоқ, унинг тил учida турган, бироқ айтолмай қийналлаётган дардларини рўйи рост айтмоқ учун туғилган! Бунинг бирламчи асоси эса – унинг кўнглида Яратганга шаксиз эътиқод ва улкан Ишқ бор. Ана шу мустаҳкам асос уни ҳар сафар тушқунлик ботқоғидан тортиб олиб, яна ҳақ йўлга тўғрилаб қўяверади. Ўзининг бу дунёдаги тарихий вазифасини тўлиқ англаған кишигина шоир бўла олади.

Шоир «эрлар шайтон, хотинлар ялмоғизга хеш» бўлган замонлар зулмини кўрган, у сўнгсиз курашлар йўлининг навбатдаги бекатида андак нафас ростлаётган пайтда атрофга теранроқ назар солиб қарасаки, тузумлар, сиёсаллар ўзгаргани билан одамзот тийнати ҳамон ўша-ўша: амалталабу унвонталаблар ҳали-ҳануз бисёр, кимларнингдир қаеринидир ялаб кун кўрадиганлар тобора урчиб бораётир. Нафси юҳо кимсалар қўлга илинган нарсани аждардай ямлаб бормоқда, одамлар бир-бирини сотиб, мансаб отига минмоқда, иймону эътиқод ғорат. Умр карвони эса имиллаб ўтиб борверади...

Абдуҳамид Парда, юқорида таъкидлаганимиздай, мустабид тузум зуғумларини кўрган, истиқлолга интиқиб кўз тиккан шоир. Аммо Абдулла Шер битганидек:

*Гўзаллик изладим, ҳижоб алдади,
Дўстим деб ишондим, ниқоб алдади.
Дарё деб қувондим, сароб алдади,
Ростман деб алдаган ёлғондаман мен...*

Алданган авлод қисмати Абдуҳамид Пардани ҳам четлаб ўтмади: у истиқлолнинг дастлабки ўн йилликларидағи айрим ноҳақликларни, ростгўй қаламкашу аламкашларнинг турмаларга тиқилишини, қатағон қилинишини кўрди. «Наҳотки, менинг орзуларим саробга айланса, наҳотки, яна алданган бўлсан?!» дея ўқинди, кўнглига шубҳа ва ҳадик оралади. Чўлпону Фитрат қисматини эслади. Сўнг эса кўпчилик қаламкашлар каби ўзини бу жирканч ўйинлардан четроққа тортди, умид билан дориломон кунларни кута бошлади. Билардики, қояга ўқ отсанг, сапчиб қайтиб, ўзингга тегади...

Шоирнинг ишонгани яна – умид. У қора кунларнинг ўткинчи эканлигига, ёруғ ва ойдин лаҳзалар келишига умид қилиб яшайди. Ўз кўнгли ва руҳиятини қайта-қайта тафтиш этади, қай манзилдан чиқиб, қаерга бораётганини, олдинда уни нималар кутаётганини фикр чиғириғидан ўтказади. Қалб тубидаги надоматлар олови куйдириб турса-да, умид ниҳолини парваришлаб яшашга қасд қиласди. «Таҳаммул» шеъридаги лирик қаҳамон айнан муаллифнинг ўзи деса ҳам бўлади:

*Маъзур тутинг, бир замон сизга
Бағоятда таниш содда, ғўр,
Ҳар бир зотни ҳур дея билган
Кўр-кўрона инсон зотига*

*Ҳаддан зиёд ишонган гўлнинг
Фақат синиқ суврати ҳамда
Ўргамчакнинг итидек нозик
Ришта тутган, нотавон, ўксик
Бор умиду ишончи сароб,
Қариб кўнгли қонгандир яккаш.
Йироқларда бўй чўзган тоғлар
Чорлар тақрор-тақрор бағрига.
Чорлар бироқ қошига боргач
Кўтарилимай ярим бағрига
Тиздан мадор, кўздан кетиб нур
Ҳолдан тойиб қолармиз тайин...*

Шоирнинг барча шеърий мажмуаларида ҳам ана шундай некбинлик уфуриб турган шеърлар бисёр. «Соҳил оҳанглари»га кирган шеърларда ҳам, «Ичсўз ишфоси»даги тўртликларда ҳам ва кейинги тўпламларда ҳам муаллифнинг фуқаролик позицияси ярқираб кўриниб туради. Гарчи Абдуҳамид Парда юксак минбарларда, телевизорларда бот-бот шеърлар ўқиб, элу юртга у қадар танилмаган бўлса ҳам, унинг ўз шеърий услуби, ўз ижод йўли шаклланганлиги аниқ. Буни анча-мунча олим уламолар, мунаққидлар ўз мақолаларида қайд этиб ўтишган. Бу ҳақда ҳали мавриди келганда тағин сўз юритамиз.

Ҳозир эса шоир шеърларининг яна бир жиҳатига тўхтамоқни ният қилдим. Камина, ушбу китоб аввалида келтирганимдек, Абдуҳамид Пардани кўпдан танийман, ижодини ҳам имкон қадар кузатиб бораман. Бугун, ижтимоий тармоқлар анча ривожланган, мулоқот қилиш осонлашган бир даврда эса тез-тез ғойибона дийдорлашиб турамиз. Ва унга кўпинча уқтираман: қисқаликка интилинг, биродар, шеърларингиз анча чўзилади баъзан. У рози бўлади ва... ўз билганидан қолмайди.

Улуғбек Ҳамдам тўғри таъкидлаган: Абдуҳамид ака «боз» сўзини ўрни келса-келмаса ишлатаверади. Бунинг устига у баъзан оддийгина, осонгина қофияни ҳам қўздан қочириб юборади. Масалан, унинг бир шеъри шундай бошланади:

*Қишлоқнинг ўртасида
Уй бор ғиштдан қурилган,
Нақшин дарбозасида
Юлдуз шакли ўйилган.*

Бир қарашда сип-силлиқ шеърдай кўринади, лекин кейинги икки сатрни «Нақшин дарбозасига Юлдуз шакли урилган» шаклида битса ҳам бўларди. Маъно ўзгармайди, бироқ қофия яхшиланади. Тан олиш керак, Абдуҳамид Парда шеърларида ички қофияларни қиёмига етказади, аммо, гоҳида оддийгина нарсани эътибордан четда қолдиради.

Шоир бир шеърида Буроқни от деб тасвир этади, ўзи бу ҳолат кўпчилик ижодкорларда учрайди. Аслида, Пайғамбаримиз (с.а.в.) Буроқни «Отдан кичик, хачирдан каттароқ жонивор» дея таърифлаганлар. Буроқ – ягона, бошқа жониворлар сингари унинг қавмдошлари йўқ.

Шоир бир шеърида «Иштибоҳ, кўнглимга кириб олгансан, Бор сабру тоқатим сириб олгансан», дейди. Руҳий ҳолатни қўйиб турайлик, гарчи муболаға анча кучли бўлса-да, бунга «чидаса бўлади», гап яна қофия ҳақида, аниқроғи, «сириб» сўзининг маъносига ҳақида. Халқда «беленини сириб боғлади» деган ибора бор. Сириб боғламоқ – таранг тортиб боғламоқ. Айрим шеваларда «сирмоқ» сўзи «супурмоқ» маъносига келади. Масалан, «Ховлини сириб қўй», дейди она қизига. Юқоридаги икки мисрада, истасак-истамасак, мавҳумлик бор. Балки, «Бор сабру тоқатим қириб олгансан», демоқчи бўлгандир шоир?

Муаллифнинг айрим шеърлари мантиқан якунланмагандек таассурот қолдиради. «Тоғлар» шеъри бунга яққол мисол бўла олади. Баъзиларида эса шоир андак келишмаганроқ ташбехлар ишлатади. Масалан, «Наврӯз нашидаси» шеърида «Мен – бир малак, мен гўё бир ҳур» деган мисра бор. Тағин билмадиму, аммо малак ва ҳур сўзлари аёллик аломатини билдиради. Бу ўхшатишлар гўзал қизларга, покиза аёлларга нисбатан қўлланса ўзини оқлади.

«Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» нашриётида 2021 йилда чоп этилган «Висол» шеърий тўплами Абдуҳамид Парданинг 8 жилдлик ижодий бисотининг биринчи жилди ҳисобланади. Жилдларнинг сониёқ шоирнинг нечоғлик сермаҳсул ижод қилганлигини кўрсатиб турибди. Гарчи ушбу жилдларда унинг шеърлари, таржималари, номалари, публицистик мақолалари ва достонлари ўрин олган бўлса-да, Абдуҳамид Парда биз учун авваламбор шоирдир. Чунки унинг сингари бўяб-бежамасдан, оқни – оқ, қорани эса қора дейдиган шоирлар кам қолди. Назаримда, сўнгги ўн беш-йигирма йил ичидаги адабиёт майдонига кириб келган қаламкашлар бир пайтлар урф бўлган «Қанчалик тушунарсиз ёзсан, мени шунчалик буюк деб ўйлашади», қабилидаги тамойилга қайта бошлишди. Абдуҳамид Парда эса бор истеъдоду маҳоратини ишга солиб, мисраларининг содаю тагмаъноли бўлиши учун ҳаракат қиласи.

Унинг битикларидағи тағин бир фазилат таҳсинга сазовор: у ўқувчини ҳам, ўзини ҳам аямайди. Айрим шеърларида гўё бесамардай ўтган умрни, жидду жаҳдларни ва пировард натижани таҳлил этиб, қисмати устидан аччиқ хуласалар чиқаради. «Ўзининг устидан кула олган халқ буюк халқдир», деган гап бор. Назаримда, бу фикр алоҳида олинган шахсларга ҳам тегишли. Фикримиз күруқ бўлмаслиги учун мисолларга мурожаат этамиз.

*Улғайдик, сарбаланд төг бўлмадик ҳеч,
Гулладик, сермева боғ бўлмадик ҳеч.
Тиллога топилмас ҳаёт жавҳарин
Пулладик – имони соғ бўлмадик ҳеч...*

Гарчи камина ушбу тўртликни китоб аввалидаги мақолада келтирган бўлсак-да, ўқувчига тағин бир бор эслатиб қўйишни истадик. Шоирнинг аксар битикларида бу ўткинчи ва бевафо дунёдан нолиш сезилади, буни Улуғбек Ҳамдам ҳам таъкидлаб ўтган.

*Беҳишт дея билдим дунёни,
Ҳар инсонни фаришта, ҳур деб.
Захмин тортиб аксар риёнинг
Ғазабландим минг бора панд еб.*

(Аслида босма нусхада «Тавалло» сарлавҳали ушбу шеърнинг мана шу тўртлигидаги учинчи сатр «Захмин тортиб аксар риёни» шаклида берилган. Бунинг хато эканлигини тил қоидаларидан салгина хабардор бўлган киши дарров пайқайди, шу боис камина уни тўғрилаб кўчирдим. Менимча, бу «касаллик» Мұхаммад Юсуфнинг «Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон» сатридан сўнг урчиб кетди. Тилда келишик қўшимчалари деган гаплар бор, марҳум шоир бу ерда азбаройи қофия учун ушбу қоидани бузган. Тўғри, оғзаки нутқда «Мени уйим, сени машинанг» тарзидаги иборалар учрайди, бу энди шевага хос сўзлашув. Аслида «Менинг уйим, сенинг машинанг», бўлади. Сўнгги йилларда телеэкранларда, ташқи рекламаларда ҳам bemalol бузилган шакллар ишлатиляпти. Фикримча, бунинг олдини олиш керак тезроқ).

Абдуҳамид Парда мумтоз меросимизни, хусусан, ҳазрат Навоийни кўп ўқигани битикларидан шундоққина билиниб туради. Бу таъсир унинг нафақат фикрлаш тарзи ва фалсафасида, ҳатто ишлатадиган шеърий шаклларида

ҳам сезилади. Айниқса, унинг кейинги йилларда тезкорлик билан битган достонларида қўпроқ намоён бўлади. Майли, бу ҳақда қуйида яна фикрлаш ниятимиз бор.

Шоирнинг шеърий бисоти ранг-баранглигини юқорида таъкидладик. Унда, айниқса, тўртликлар муайян ўрин эгаллади. Абдуҳамид Парда ушбу жанрнинг анчайин «ҳадисини олган» шоирлардан. Унинг тўртликларида сўзлар маҳорат билан қўлланилади, сўз ўйинлари боис турли шеърий санъатлар яратилади. Тўртликларнинг мавзулари ҳам бағоят турфа, аксар ҳолларда ишқ савдоси, бевафо ёр жабри сингари анъанавий йўналишлар устуворлик қилса-да, шоир кутилмаган ҳолатларда фалсафий хуносалар чиқара олади:

*Фарқи ўйқ ким учун қон билан сутнинг,
Фарқи ўйқ хоч ила маъбуду бутнинг.
Иккиси ҳам азиз одамзод боис
Баробар қиймати тахту тобутнинг!*

Агар диққат қилинса, шоир дунёнинг ўзидаи қадим ва ечими йўқ муаммо қаршисида турибди, бу мушкулот ундан олдинги салафларини ҳам қийнаган: НЕГА ШУНДАЙ? ИНСОННИНГ ҚИСМАТИ ШУНЧАЛАР ЧИГАЛМИ, УНИНГ УМРИ ШУ ҚАДАР БЕҚАДРМИ? Бу саволлар то рўзи маҳшар тафаккур аҳлини ўйлантириши аниқ, бироқ, ҳар бир кўнгил соҳиби, қалам тутиб эл аро ном кўтармоқни ихтиёр этган ижодкор бу саволга ўз жавобини излайди. Баъзан эса бу уриниш шунчаки фактларни санаш, яъни мавжуд аҳволни баён этиш билан чекланиб қолади. Хуроса эса барибир аччиқ...

*Ё Раб, қаҳру ғазаб-зардани қўтар,
Мардуму ҳам дили бардани қўтар.
Телба қулинг – Ҳамид Пардани қўтар,
Жамолинг кўрай – бор пардани қўтар!*

Яратганга илтижо барча шоир зотининг ижодида бот-бот бўй кўрсатади (зоро, бечора қаламкашнинг бошқа иложи ҳам йўқ...), бироқ, фақат айрим ҳоллардагина у бир қадар кескин сўров ва салкам исёнга айланади. Ҳарқалай, биз Шарқ одамларимиз, дилимизда эътиқод қойим, Сарҳисоб ва Жазо куни олдидаги кўркүв қалбни ҳаприқтириб туради. Шоир юқоридаги тўртлигига андак шаккоклик, пешхезлик қилгандай туюлади, аслида эса бу ночорнинг сўнгги фарёди ва илтижоси. Фақат «дили барда» каби фақат хосларгина тушунадиган жумлалар бу жанрда ўзини оқлаши қийин. Умуман, Абдуҳамид Пардада шунаقا «касаллик» бор, у мумтоз адабиётни кўп ўқигани туфайли архаик сўзларга бироз ружу қўйган, азбаройи қофия учун уларни бемалол ишлатиб кетаверади. Аммо оддий шеърхон уни тушунадими? Гап ана шунда.

*Шакли кўп, вали ишқ аслида бир хил,
Аҳли эл муҳаббат фаслида бир хил.
Минг бир хислат аҳли одам наслида,
Дурдана ишқ одам наслида бир хил!*

Шоир гўё ҳукм ўқигандай қатъий якунлайди тўртликни. Аслида бу чиройли шакл, мумтоз адабиёт на мунасидай таассурот қолдирадиган суврат тагидаги маъно андак баҳсталаб эмасмикан? Биринчи мисрага эътиroz йўқ, Ошиқ Эркин тарькидлаганидек, «Ҳеч бир ошиқ севгисига ўхшамас, Саодатли, садоқатли бизнинг ишқ». Шоир ҳақиқий ишқнинг моҳияти барча учун бир: фидолик эканлигини уқтирмоқда. Иккинчи мисрадаги «аҳли эл» жумласидаги бир сўз ортиқчадай гўё. Аслида «аҳли ишқ» дейилса мазмун аниқлашар, мавзудан четга чиқилмасди. «Ишқ аҳлининг барчаси ҳам муҳаббат фаслида Мажнунга айланади», демоқчи бўлган шоир бироз

чалғиган. Учинчи мисрадаги «аҳли» сўзи ўрнига «мавжуд», «бордир» сўзларидан бири қўлланилса, маъно янада аниқлашарди. Сўнгги қаторга эътиroz билдириш қийин, у ҳазрат Навоийнинг «Жонға қўйғоч нақди ишқин қилди кўнглимни ҳалок», деган шоҳ сатрини ёдга солади. Агар ҳазрат «Ёр кўнглим воситасида ишқининг ганжинасини жонимга ўрнаштирди, энди у ўзига нокерак бўлган кўнгилни ҳалок қилди, жон кишварига ўрнашган ишқ кўнгил орқали тағин чиқиб кетмасин деб. Худди султон хазинани яширган маҳрамларини ўлдиргани каби» деган бўлса, Абдуҳамид Парда «Ошиқ жонига кириб ўрнашган ишқ садаф ичида пинҳон бўлган дурданага ўхшайди, у ҳақиқий ошиқларнинг барчасида бир хил», демоқчи. Яъни, чинакам ишқ ўз мазмун-моҳияти билан ўзгармасдир: у фидоликни, ёр кўйида фано бўлмоқни талаб этади. Ўзликдан кечган ошиққина илоҳий висолга ноил бўла олади.

*Бошимда минг санги маломат ўйнар,
Гүё қиёматдан аломат ўйнар.
Холим танг, асабим тарангдан-таранг,
Қиёматгоҳда ким саломат ўйнар?!*

Агар ушбу тўртликнинг учинчи сатри, мисол учун, «Холим танг, кўнгил ҳам, руҳ ҳам хастадир» шаклида бе-рилганда эди, янада гўзаллашар, бамисли ҳайёмана битикдай таассурот уйғотарди.

*Кимдан гина қиласай, дод дейин,
Нетиб қадрим ғамини ейин?
Бор-будимдан жудоман, меҳр
Карвонидан қолганман кейин!..*

Агар тўртлик битишдан мақсад сўз санъатини намо-йиш этиш, қисқа сатрларда оламжаҳон маъно бериш

эмас, шунчаки қоғоз қоралаш ва сўзни соққадай ўйнатиш бўлганида эди, эҳтимол, юқоридаги тўртликка бирон эътиroz топилмасди. Таассуфки, Абдуҳамид Парданинг кўплаб битикларидағи сингари, бу ерда ҳам нолиш, зорланиш асосий ўринга чиқиб қолган. Оқибатни кўрган киши аввало сабабни ахтаради: нечун бундай бўлди, бунга ким айбдор? Агар лирик қаҳрамон «меҳр карвонидан кейин қолган» бўлса, тўртликда бунинг сабаблари изланиши тўғрироқ бўларди. Яна муҳит, жамият, бемеҳр оломон айбдор...

*Қора тун қўйнида сарбаланд ҳилол,
Бағридан ёғилар нур-ёғду зилол.
Фарқи ийқ занжидан қаро туннинг ҳеч,
Ҳилолни бош узра қўйгандаи Билол.*

Хулоса жуда гўзал чиққан, мумтоз адабиётда ҳам бу каби ташбеҳлар бисёр. Умуман, юқорида эслатганимиздек, шоир сўзларни хуққабоздек ўйната олади, бироқ айрим ўринларда гўзал шакл ортида мажруҳ мазмун яширин бўлади. Тўғри, биз шоирнинг ҳар бир сатрини заррабин остига олиб, чуқур текширишни мақсад қилганимиз йўқ, муродимиз – унинг шоирлик маҳоратини таъкидлаш. Аммо озми-кўпми камчиликлар кўзга ташлансаю, биз ундан кўз юмсак, бу ҳам адолатдан бўлмасди. Фикримизни исботлашга уринамиз. Иккинчи сатрга эътибор қаратинг. «Бағридан ёғилар нур-ёғду зилол», дейиляпти. Шоир нур ва ёғдуни айнан бир маъноли сўзлар сифатида қўллаган, аксарият оддий халқ ва ҳатто қўпчилик ижодкорлар ҳам шу фикрда. Аслида эса ундей эмас. Фалакиёт илмидан маълумки, Ой совуқ ва жонсиз тошдир, Қуёш эса олов. Ойда Қуёшдан келган ёғду аксланиб, коинотга таралади, Ерга ҳам етиб

келади. Демак, Қуёш «нур» сочмайди, «ёғду» таратади. Бу сўзнинг ўзаги «ёғмоқ» феълидир. Қуёшдан ёруғлик ёғилади ва Ойда аксланади, яъни, нурланади. Нурланмоқ –жисмга келиб урилган ёруғликнинг аксланиб, жилваланиб, қайтиб кетишидир. Гўзал ёр чехраси нур сочса, билингки, унда Аллоҳ жамолининг ёғдуси нурланяпти, жилва, тажалли қиляпти. Энди тўртликнинг ўша иккинчини сатрини, масалан, «Бағридан таралар заррин нур зилол» тарзида ўқиб қўрсак, у бир қадар мукаммаллашганига гувоҳ бўламиз.

*Шоҳона назмман, дурдона наср,
Фармонимда макон, замон – минг аср.
Не тонг, сеҳру жоду қиммаса таъсир,
Faқат ишқ сеҳрига асирман, асир!*

Камина Навоийдан сўнг ўзи ҳақида бу қадар баланд пардаларда сўзлаган, фахр этган шоирни ўқиганим йўқ... Майли, макон ва замон сўз қудрати боис шоирга фармонбардор бўлиши мумкин, бироқ «шоҳона назму дурдона наср»га бир нима дейиш мушкул. Агар муаллиф буни тўртлик эмас, масалан, «Бобур Мирзо ифтихори» деган сарлавҳа остида тўрт сатрлик шеър тарзида берган бўлса, унда бу ҳолни тушунса, ҳазм қилса бўларди. Тағин такрорлаш жоизки, Абдуҳамид Парда битикларида биронта ғализ, чала қофияни учратмайсиз, унинг қофиялари бутун ва мукаммал. Афсуски, ана шу ютуқ ортида баъзан мазмуннинг саёзлиги ётади.

*Аё дўст, оқилу пок билан бўлгин,
Ва ё мендай бағри чок билан бўлгин.
Азизлик тиласанг она заминдай
Ҳамиша хокисор хок билан бўлгин!*

Жуда ўзбекона пандлар! Чинакам мўминга хос фазилатларни ҳар бир дўстида кўришни орзулаётир шоир. Ё оқилу пок билан, ёки ишқдан ёқаси чок билан бўлган, она заминдай азиз бўлмоқни истаган инсон камтарлигни, хокисору камсукумликни ҳаёт матлабига айлантиргасина, муроди ҳосил бўлади.

*Минг бир ҳамду сано, дилда аланга,
Булбул каби бийрон тилда аланга.
Аслим обу туроб, қилмасанг ҳиммат
Қайдан об-туробу гилда аланга!*

Яратганга мурожаат, эътироф ва таслимлик бу. Ўз илохий қудрати билан яратиқнинг қалбига ишқ ўтини солган, Ўзининг мадҳида булбул каби сайраган тилни куйдирган, қаро тупроқ билан сувни оловлатган Тангри таолога ҳамду сано бу. Фақат сўнгги сатр «Қайдан бўлсин обу гилда аланга?» тарзида қайта ишланса, бизнингча, мазмун янада кучаяди. Чунки бу ерда қайтариқ, такрор бор: «туроб» билан «гил»нинг ўртасида катта тафовут мавжуд эмас.

Умуман, шоир тўртликлари умуминсоний дардлардан, умр фалсафасидан сўзлайди. У гоҳ содда ва ғўр ошиқ, гоҳ кўпни кўрган донишманд сифатида дунё айвонига разм солади, хulosалар чиқаради ва аксар ҳолларда Шоҳ Машрабдек «Борғил нари деб кетига бир шатталаб» ўтади дунёнинг. Бу – ёши бир манзилга етиб, ҳаёт ва ўткинчи дунё борасида ўз аччиқ хulosаларини топа олган инсоннинг кўнгил розлари. «Ичсўз ифшоси» тўпламидаги тўртликларнинг кўпчилиги адабиётимиз хазинасидан ўз ўрнини топа олишига шубҳа йўқ. Фақат, Абдуҳамид Пардага хос бўлган, юқорироқда таъкидланган «касаллик»дан халос бўлиш лозим: битикларда

буғун урфдан қолған сўзларни ё ишлатмаслик керак, агар азбаройи қофия учун ишлатилган ҳолда эса, уларга шарҳ беріб кетиш даркор. Масалан, оддий ўқувчи мана бу түртликни қандай тушунсин:

*Гар ишқ аро на аввобу на бобмиз,
Дарди ишқдан юрак-бағри кабобмиз.
Дема асло: саҳни ишқда саробмиз,
Ишқ бобида ҳамон раста, шабобмиз.*

Шоир түртликларида учрайдиган «барфи ишқ, зарфи ишқ, сухансанж, бағри фигор, ишқ ҳадафи, рифъат, раъф» каби жумлаю сўзларни оддий шеърхон тушуниши ва ундан маъно излаб топиши мушкул. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Түртлик ёзишдан мақсад – содда ва халқона, барчага бирдек тушунарли тилда, аммо қойилмақом ижод қилиш, янги ва фалсафий фикрни бирорвонкига ўхшатмай, оригинал тарзда бера олишдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Абдуҳамид Парда шеърияти ўзига хос, жўшқин шеърият. Унинг шеърлари ва түртликлари марказида ҳаётсевар, некбин инсон образи туради. Умид, эртанги гўзал кунларга ишонч унинг ҳар сатри замираida жилва қилади, ўқувчи руҳини кўтаради, унинг кўнглига таскин беради. Гарчи айрим битикларида оху фифон, таваллою зорланиш ҳаддидан ошиб кетса ҳам, яхлит олиб қараганда бу шеърият умидбахш бир оқимдир. Инсон, айниқса ижодкор ёши ўтган сайин файласуфга айланы бошлайди. Абдуҳамид Парда битикларидаги теран маънолар ҳам шундан да-лолат беріб турибди.

ДОСТОН Даъватларию даъволари

Мумтоз ўзбек адабиёти хазинасида минглаб достонлар борки, ҳар бирини етти иқлим ганжинасига тенглаш мумкин. Ҳазрат Навоий даҳоси, унинг сеҳрли қалами билан яратилган достонлар ҳақида ҳафталаб, ойлаб сўзлаш мумкин. Ул буюк зотдан сўнг ҳам туркий тилли адабиёт заҳматкашлари ўз ижодларида достон жанрига бот-бот қўл урдилар ва кўплаб дурдона асарлар яратдилар. XX аср ўзбек адабиёти хазинасида ҳам улуғ устозлар битган достонлар талайгина. Уларнинг ҳар бири ўтмишдаги улуғ аждодларимиз қаҳрамонликлари, донишмандлигу фозилликлари, замондош инсонларнинг баҳту қувончлари ҳамда дарду ғамларидан ҳикоя қилган. Икки асрнинг алмашинув палласида, яъни 21-аср остонасида ҳам Эркин Воҳидов билан Абдулла Орипов достонлари адабиётимиз гулшанидаги муаттар ифорли гуллардай ўкувчи кўнглини забт этди.

Эътироф этиш жоизки, сўнгги йилларда замонавий шоирларимиз достон жанрига бироз беэътибор қарашди. Битилганлари ҳам анчайин ғариб ва салмоқсиздай таассурот қолдиради. Нафақат марказда, балки вилоятларда ижод қилган шоирлар ҳам ушбу жанрга қўл урганлари рост. Масалан, камина яшайдиган Бухоро вилоятида яшаб ижод қилган жаннатмакон устозларимиз Самандар Воҳидов ва Тошпўлат Аҳмад достонларини китобхонлар илиқ қарши олганлари ҳамон эсимда. Айниқса, Самандар Воҳидовнинг оддий бир темирчи ҳаётидан ҳикоя қилгувчи «Ҳаловатни ҳалолликдан изладим» достони каминага жуда маъқул бўлганди. Таас-

суфки, бу каби асарларнинг ягона айби – уларнинг муаллифлари Тошкентдан олисда яшаганлари ва бу достонлар вилоятда чоп этилганидир. Бўлмаса, ушбу асарлар ўзбек адабиёти хазинасига муносиб улуш бўлиб қўшилиши тайин эди.

Ниҳоят, шаҳри азим Ташентда истиқомат қилувчи заҳматкаш қаламкаш Абдуҳамид Парда буюк аждодларимиз, туркий дунёning фахри ҳисобланмиш Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур ҳамда Ҳазрат Алишер Навоий ҳақида достонлар яратиб, уларни чоп эттирди. Ва улар адабнинг 8 жилдлик сайланма асарларидан муносиб ўрин олди.

Тарих гувоҳки, ҳар иккала улуғ бобомиз ҳақида ҳам қўплаб турли жанрдаги асарлар яратилган. Амир Темур тўғрисида ҳатто Ғарб муаллифлари ҳам асарлар ёзишган. Ўз даврида яратилган шарқлиқ тарихчи ва шоирларнинг Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи асарлари бу улуғ зотнинг бор шон-шавкатини оламга достон этгани аниқ. XX асрда, мустабид тузум даврига келиб эса ҳукмрон мафқура буюк жаҳонгир ҳақидаги бор ҳақиқатни баралла айтишга имкон бермади. Ниҳоят, истиқлол йилларида устозимиз, таниқли ёзувчи, халқаро Чингиз Айтматов академиясининг академиги Нурали Қобул Амир Темур ва темурийлар ҳақида турқум романлар яратди ва улар тез орада китобхонлар меҳрини қозонди. Абдуҳамид Парда эса ўз услубига содиқ қолиб, музaffer саркарда тўғрисидаги шеърий достонини ўқувчиларга тақдим этди.

Достон шарқ мумтоз адабиёти анъаналаридан оғишмай битилган, равон ўқиладиган асардир. Даставвал Аллоҳга ҳамд ва унинг суюкли пайғамбарига саловотлар билан бошланган достонда муаллиф ўз кутубхонасида мавжуд бўлган тарихий асарлардан самарали фойдаланган. Шунингдек, муқаддас Куръони карим суралари ва

айрим оятларига қилинган ишоралар, айрим ўринларда улардан келтирилган иқтибослар асарни янада ўқишли қилган. Муаллиф ўз қаҳрамонига бўлган юксак эҳтиромини деярли ҳар бир сатрида ошкор айтади ва бундан кўнглида ифтихор туяди. Соҳибқирон ҳақида эл оғзида юрган кўплаб ривоятлардан фойдаланган шоир улардаги воқеа-ҳодисаларни шунчаки баён қилиб кетмайди, балки ҳар бир фикрини тарихий далиллар билан ривожлантиришга уринади.

Маълумки, Соҳибқирон Амир Темур шахси – мураккаб, унинг қисмати ҳам жуда чигал. Абдуҳамид Парда Темур ва чингизийлар ўртасидаги муносабатларни очар экан, биронта ҳам тарихий фактни назардан қочирмайди, Темурнинг тарих саҳнасига келиши нафақат илоҳий ҳукм, балки тарихий зарурат эканлигини ҳам алоҳида таъкидлайди. Мўғуллар ва барлослар ўртасида қадимда битилган кўҳна аҳдномага эътибор қаратар экан, Соҳибқирон ҳатто етти иқлимини забт этганда ҳам ўзига «шоҳ» ёки «хон» унвонларини олмай, Бек бўлиб қолганига ўқувчи эътиборини тортади, улуғ бобомизнинг қадимий анъаналарга, жаҳондорлик удумларига содик бўлганлигини такрор-такрор эслатади.

*Етти юзу олтмиш иккинчи сана,
Муғул хони Туғруқ Темурхон яна,
Юртимизга келди бор давлат билан,
Барча лашкарлару бор савлат билан.
«Сен билан бор дея зарур ҳангома»,
Хузурига чорлаб жўнатди нома.
Пешвоз чиқдим унинг истиқболига,
Кулоқ тутдим барча қийлу қолига.*

Ўтмишда мўғуллар ва туркийларнинг умумий онаси бўлмиш Алонқува даврида тузилган аҳдга кўра хон

мўғуллардан, бек эса туркийлардан бўлиши керак эди. Аҳдномага кўра Туғруқ Темур (айрим манбаларда у Туғлуқ Темур дейилган) ўз ўғли Илёсхожани хон қилиб тайинлади, Амир Темур эса сипоҳсолор, яъни лашкар бошлиғи рутбасида қолади. Кейинчалик дунёning катта қисмини забт этгач ҳам Соҳибқирон бу аҳдни бузмаган: улкан империяга бир мўғул аслзодасини номига хон қилиб сайлаб қўйган, аммо мамлакатни ўзи бошқарган.

Тарихчилар Александр Македонскийдан роса саккиз юз йил ўтиб Пайғамбаримиз (с.а.в.), тағин саккиз юз йилдан сўнг эса Темурбек дунёга келганлигини исботлашган. Демак, Соҳибқиронлик, яъни икки юлдуз орбиталари кесишган паллада туғилган ўғлоннинг қисмати ҳукми илоҳийда битилган. Гарчи Темурбекнинг ўзи Чингизхонни улуғлаб, «соҳибқирони аъзам» деб атаган бўлса ҳам, гарчи Амир Темурдан сўнг ҳукм сурган қўплаб ҳукмдорларни (масалан, сulton Ҳусайн Бойқарони) атрофидагилар ушбу улуғ унвон билан шарафлашган бўлсалар-да, чинакам соҳибқирон ҳукмдорлар ҳозирча уч нафардир, бу – тарихий факт, уни ўзгартириб бўлмайди.

Шоир достонда Амир Темурнинг ғанимларини ҳам асло камситмаган ҳолда, уларнинг ҳар бири тўғрисида ўша пайтдаги замондошлари айтган фикрларни келтиради. Гарчи айрим ўринларда муаллиф тилидан айтилса-да, бу қарашлар ўша ҳукмдорнинг, масалан, Боязиднинг атрофидаги маддоҳлар фикри эди. Аслида-ку, Йилдирим Боязид ҳам анча маҳоратли саркарда бўлган. Бироқ, Темурбекдай улкан шахснинг буюк даҳоси олдида унинг саркардалиқ қобилияти ва ўткинчи ҳамду санолару ёлғон даъволар қуёш олдидаги шамдек хиралашиб қолиши аниқ.

*Боязид олгандай жумла жаҳонни,
Писанд қилмай қўйди соҳибқиронни.*

*Искандари замон атар ўзини,
Кибр билан айтар ҳар бир сүзини.
Бироқ Амир Темур вазмин бағоят,
Жиловлар шиддатли азмин бағоят.
Боязидхон қанча бўлса ҳам қайсар,
Марҳаматин дариг тутмас сарбасар.*

Барибир тарих Боязиднинг айёр ва иккиюзламачи эканлигини исботлади. Ўткинчи шону шуҳрат қўзини кўр қилган Йилдирим Соҳибқиронга берган ваъдасида турмади, оқибат эса аянчли бўлди. Шоир бу манзараларни ғоят изчиллик билан, қадам-бақадим, қисқа, аммо лўнда ва пухта сатрларда, ҳатто табиат манзараларини ҳам мўйқаламда чизиб бергандек баён этади:

*Қиши ўтиб, ниҳоят, келар баҳор ҳам,
Яна тароватли шому наҳор ҳам.
Қорабоғ тоғларин пойида баҳор,
Тўлиб-тошган тошқин сойида баҳор.
Адирлар гўёки ранг-баранг гилам,
Нозланар келинчак сингари олам.
Боғларни безайди баҳор шамоли,
Кун сайин жаннатдай яшнар жамоли.
Соҳибқирон Амир Темур маолий,
Овоза қиласи фармони олий,
Баҳор булутидай қўзголар лашкар,
Рум сари оҳиста йўл олар лашкар.*

Соҳибқирон бобомиз Боязиддан талаб қилган икки душмани -Қора Юсуф ва Султон Аҳмад жалойирни беришга кўнмаган турк султони жангда мағлуб бўлиб, боши эгилади.

Шоир Темурбек тилидан битган мисралар гарчи андак баландпарвозроқ туялса-да, айни ҳақиқат эди: ўша

пайтда Соҳибқирон қўшини дунёда ягона, унга бас келарлик ҳарбий қудрат йўқ эди.

Достоннинг тили фоят равон, халқ тилига жуда яқин. Ўқувчи уни худди бахшилардан достон тинглаётгандек ҳузурланиб ўқийди. Тўғри, кўплаб ўринларда муаллиф муболағага кенг ўрин беради, мақтовни ҳадди аълосига етказади, лекин ушбу жанрга қадимдан хос баландпарвозлик, кўпиртириш айни вақтда ўзини оқлаган. Фақат шеърлари ва тўртликлари даги сингари, шоир достонларда ҳам эскирган сўзлардан фойдаланишни канда қилмайди. Масалан, «Шариат ҳукми ҳам қилар иқтизо» мисрасини оддий ўқувчи тушуниши мушкулроқ. «Иқтизо»нинг ўрнига «тақозо» сўзи қўлланганда ҳам ҳеч нарса ўзгармас, лекин маъно бир қадар очилган бўлар эди. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Кейинги нашрларида муаллиф достондаги ана шундай ўринларни бир кур кўздан кечириб чиқса, мақсаддага мувофиқ бўларди.

Асарда образлар тасвири ҳам анча қуюқ рангларда берилган. Юқорида таъкидлаганимиздек, муаллиф уларни таърифу тавсиф этишда муболағани аямаган. Бироқ бир нарсани эътибордан соқит қилмаслигимиз керак: шоир асардаги ҳар бир образ ёхуд воқеа ҳақида қалам сургандан ўз бисотидаги бор заҳираларга суннади. Чунки асар тарихий мавзуда битилган. Масалан, у замондош бир қаҳрамон тўғрисида ёзганида, тасвир бошқачароқ бўлиши табиий эди. Амир Темур ва унинг замондошлари ҳақидаги асарларда Соҳибқирон шахсига ҳамда унинг даврдошу даврадошларига қандай таъриф берилган бўлса, муаллиф ҳам шу йўлдан боришга мажбур. Аммо Темурбекдан бироз кейинроқ яшаган тарихчи олим Муиниддин Натанзий қаламига мансуб тарихий асарда ўша давр воқеа-ҳодисалари нисбатан ҳаққонийроқ ёритилган. «Таворихи Натанзий» асарини Абдуҳамид Парданинг қадрдон дўсти, менинг ҳамюртим, олим ва шоир мархум

Ғулом Каримий ўзбекчага ўгириб нашр эттирган. Бу китоб достон муаллифида борлиги аниқ. Бу гаплардан мурод шуки, биз бугун Соҳибқироннинг барча улуғлигини айтиш билан бирга, унинг зарурат туфайли қўллаган кескин жазо чораларини ҳам санаб ўтишга бурчлимиз. Зеро, тарихий асарнинг бирламчи шарти ҳаққонийликдир. Тўғри, бу достон ҳужжатли тарихий асар эмас, балки бадиий асар. Лекин асар сюжетининг қизиқарли бўлиши ва келгуси насллар олдидағи қарздорлик туйғуси боис Соҳибқироннинг айрим шафқатсиз тадбирлари ҳам асарга олиб кирилса, достон бундан фақат ютарди, холос. Холис айтадиган бўлсак, қайси бир ҳукмдор ҳалимдай юмшоғу ипақдек мулоим бўлган? Жаҳондорликнинг шартларидан бири – ўзга ҳудудларни фатҳ этиш, ўз қудратини дунёга намойиш қилиш бўлган. Соҳибқирон бобомиз ҳам бу қоидаларга амал қилган.

Камина Амир Темур ҳақида битилган қўплаб асарларни топиб ўқиганман, у тўғрисида турли мамлакатлар кинонижодкорлари яратган фильмларни ҳам кўрганман. Жаҳон санъатшунослигига бу беназир зотга қизиқиш шунчалик кучлики, ҳатто АҚШ кино усталари суратга олган бир фантастик фильmdа ҳам у ҳақда фикрлар бор! Аниқроғи, келажакда дунёни бўлиб оладиган улкан корпорациялардан бири «Тамерлан» деб аталади бу фильмда. («Тамерлан» – Темурланг сўзининг оврўполашган шакли.)

Мухтасар сўз шуки, Абдуҳамид Парданинг «Амир Темур» достони ўзига хос жозибага эга асар. Ўзбек китобхонлари Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драмасини, Ғулом Каримийнинг «Соҳибқирон ва Аллома» асарини, Муҳаммад Алининг темурийлар ҳақидаги тўрт китобини ўқишиган. Устоз Нурали Қобул романлари эса бугун севиб ўқиляпти. Абдуҳамид Парданинг ушбу достони ҳам ана шу китоблар қаторидан муносиб ўрин эгаллайди, деб умид қилишга ҳақлимиз.

Энди муаллифнинг «Навоий» достони борасида ҳам айрим мулоҳазаларимизни баён этсак.

Абдуҳамид Пардаев – Ҳазрат Навоий ижоди билан бир неча йиллардан бўён жиддий шуғулланиб келаётган ижодкор. У «Хамса» таркибига кирувчи барча достонларни, шунингдек «Лисон ут-тайр» достонини замонавий тилга шеърий табдил қилди. Натижада Навоий тимсолини яратишдек хайрли ишга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшди.

Маълумки, турли жанрлардаги бадиий асарларда буюк мутафаккир шоир сиймоси хилма-хил тарзда акс этган.

Мазкур асарда шеърият мулки соҳибқиронининг сиймоси ўзига хос услубда яратилган. Бунинг учун асосан, Ҳазрат Навоий асарлари, шунингдек, унга замондош тарихчиларнинг хотираларидан фойдаланилган. Зотан, Навоий тимсоли биринчи галда унинг ўзи ёзган битикларда яққол кўзга ташланади.

Қолаверса, муаллиф шеърий шаклда тақдим этган ривоятлар ҳам мутафаккир шоир суврати ва сийратини тўлақонли акс эттиришга хизмат қиласди.

Мазкур бадиа Ҳазрат Навоий даҳосига буюк эҳтиром, шоирона кўтаринкилик, самимият билан йўғрилган.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозимки, Абдуҳамид Парда ушбу бадиа билан ўзидан олдинги салафлари бошлаб берган хайрли ишни давом эттирган. Ўзига замондош ва ўзидан кейин яшаган шоиру тарихчилар ҳазрат Навоий тўғрисида битган асарларни қўятурайлик, XX асрда ҳам улуғ шоир ҳақида кўплаб асарлар яратилгани барчага маълум. Ойбек домланинг машҳур «Навоий» романи эса бугун ҳам ўз қадр-қимматини йўқотгани йўқ. Абдуҳамид Парда навоийшуносликка баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқ ниятида ушбу бадиани яратгани ғоят савобли иш бўлибди.

Бадианинг шакли ва услуби түғрисида кўп гапириш мумкин, биз унинг бутун сюжетини бошдан-оёқ ҳикоя қилиб, ўқувчини зериктириш ниятидан йироқмиз. Факат тасвир усуллари ва муаллиф қўллаган айрим шеърий санъатлар борасида имкон даражасида фикр айтишга жазм этдик.

Асарнинг «Самарқанд қасидаси» сарлавҳали бобида муаллиф Навоийнинг Самарқанд шахрида яшаган даврларигагина эътибор қаратмай, балки бу азим ва муқаддас шаҳар борасида ўз ғурур ва ифтихорини ҳам қоғозга туширади:

*Ассалом, Темурхон пойтахти азим,
Қошингда Навоий айлагай таъзим.
Жабру ситамлардан қочиб келдим мен,
Бошингдан бор меҳрим сочиб келдим мен.
Олти томонингда олти дарвоза,
Шуҳрати бор олам ичра овоза.
Менга ҳам шуҳрату шон ато қилгин,
Хаста Навоийга жон ато қилгин.*

«Менга ҳам шавкату шон ато қилган, Ҳазрат Навийга жон ато қилган» деган сатрларда муаллиф айнан ҳазрат ҳаётининг Самарқанд даврига ишора қиласди. Гарчи андак муболағага йўл қўйса-да, у самимий ва нек ният ила қалам сурган. Бу шаҳарнинг нечоғлик улуғворлиги, тарихдаги унинг сарбаланд ўрни юксак пардаларда мадҳ этилган. Аммо шоир азбаройи қофия учун айрим ўринларда фикрни меъёридан ортиқ чўзиб юборади. Гарчи достон жанри эмин-эркин, «ўзини қўйвориб» ижод қилишга имкон берса-да, ҳар ишда чегара бўлгани дуруст. Ортиқча дабдаба ҳамда баландпарвозлик самимиятга путур етказади.

*Қадимий Рум азал Maғrib машъали,
Самарқанд сайқали Шарқнинг нашъали»*

сатрлари эса баҳсталабдир. Маълумки, тарихчилар Римни «Боқий шаҳар» деб таърифлашади. Муаллиф ушбу ўринда Самарқандни Римга тенглаштиromoқчи бўлган ва уни негадир «Рум» шаклида берган. Рум эса, кўпчилик биладики, Туркияning, аниқроғи, Анадўлининг қадимий шарқона номи. Шарқ шоирлари, жумладан, Faғур Fулом «Турксиб йўллари» шеъридаги «Рум қайсари, қотил Чингиз, Боту, Жўжи...» сатрлари билан, Эркин Воҳидов «Ўзбегим» қасидасидаги «Қайсари Рум найзасидан кўксида доғ узра доғ...» сатрлари билан ана шу «қопқон»га тушишган. Тарихдан маълумки, «қайсар» сўзи асли оврўпоча «цезар»нинг бузилган шакли. Цезарлар эса Римда ҳукм суришган. Аммо масаланинг тағин бир томони ҳам бор: Византия (Константинопол) маълум муддат Рим империяси таркибида бўлгани учун бу ергаги ҳукмдорлар «қайсар» деб аталган бўлиши мумкин. (Адашаётган бўлсак зукко тарихчилардан узр сўраймиз). Юқоридаги парчанинг иккинчи сатрига эътибор беринг. Сатр охиридаги «нашъали» сўзи бор-йўғи қофия учун келтирилган, холос. Сўз бу ерда умуман ўрнига тушмаган, маънони бузган.

Ушбу бобнинг аввалида таъкидлагинимиздек, Абдуҳамид Парда ҳазрат Навоий асарларини табдил этган. Кўпчиликка маълум, Навоий асарлари тили мураккаб, ҳозирги замон ўқувчиси уни тушуниши қийин. (Ҳатто, Навоийнинг замондошлари ҳам уни ҳар доим тушунаверишмаган, деган гаплар бор). Ўз даврида ҳатто Faғур Fулом ҳам буюк бобомизнинг «Фарҳод ва Ширин» достонини насрый табдил этган. Абдуҳамид Парданинг маҳорати шундаки, мумтоз адабиётимизни пухта ўргангани ва ўзининг туғма шоирлик салоҳияти туфайли ҳазрат асарла-

рини шеърий йўсинда табдил этган. Масалан, «Фарҳод ва Ширин»дан олингган мана бу парчага диққат қилинг:

*Темурхон наслидан Султон Улуғбек,
Бу олам кўрмади султон унингдек.*

*Фарзандлари мангу кетган бош олиб,
Хеч кимса эсламас кўзга ёш олиб.*

*Шоҳаншиоҳ Улуғбек лекин забардаст,
Қоши узра ҳатто юксак само паст.*

*Расадхона қурган – ром жумла жаҳон,
Жаҳон ичра гўё яна бир осмон.*

*Яратган ҳеч тенги йўқ юлдузнома¹,
То абад қўллардан тушмас бу нома.*

*То абад жаҳонда ҳар битта олим,
Мирзо Улуғбекдан олгайдир таълим.*

Ҳазрат Навоий битган аслиятдаги «Темурхон наслидин султон Улуғбек, Ки олам кўрмади султон анингнингдек» байтинигина бугунги ўқувчи қийналмай тушунади, қолган сатрларни табдил этмоқ лозимлиги кўриниб турибди. Фикримизча, Абдуҳамид Парда буни яхши уддалаган. «Расадким боғламиш, зеби жаҳондир, Жаҳон ичра яна бир осмондир» байтининг нечоғлик моҳирона, содда ва тушунарли тилда изоҳлангани фикримизга мисол бўла олади.

Абдуҳамид Парда достон давомида бир неча бор ўзи туғилиб ўсган муқаддас Турон замини, унинг шонли ўтмиши ҳақида фахр билан фикр юритади, тарихдаги буюк сиймоларнинг анчасини ёдга олади:

¹ Юлдузнома – Мирзо Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний» асари.

*Бу диёр аҳлидай йўқ ҳеч бахтиёр,
Буюк салтанатлар юрти бу диёр.
Мозийга бандоғоҳ солсам гар назар,
Дафъатан ҳайратга солар, алҳазар.
Мелоддан олдин ҳам бу юртда суюқ,
Салтанатлар бўлган буюқдан-буюқ.
Улардан биридир Турк хоқонлиги,
Туркий қабилалар буюқ хонлиги.*

Бу жуда савобли иш, албатта. Бобокалонлари яшаб ўтган юртни шарафлаш ҳар бир қаламкашнинг фарзандлик бурчи. Бироқ муаллиф айрим ўринларда ҳамон «эскича» фикрлайди, Шўро даврида тарихимизга миллий қаҳрамон сифатида тиқиширилган баъзи шахсларни ҳали-ҳануз улуғ аждодлар қаторида тилга олади. Шулардан бири Муқаннадир.

Маълумки, мустабид тузум даврида ҳукмрон мафкура Муқаннани Турон юртининг миллий қаҳрамони сифатида оммага тақдим этганди. Тарих гувоҳки, Муқанна нафақат ўша пайтларда Марказий Осиёга бостириб келган чет эллик фотиҳларга қарши курашган, балки ўзини худо деб эълон қилган (оғзига тупроқ!). Унинг кураши ҳам юрт озодлиги йўлида эмас, ўз шахсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш ниятидаги кураш эди. Мохов, ниҳоятда бадбашара бўлган Ҳошим ибн Ҳаким – Муқанна даъюслар (хотини, аҳли аёлини бошқалардан қизғанмайдиган ва ўзи ҳам бошқанинг аёлидан тап тортмайдиганлар) жамоасидан эди. Тарихчи Табарийнинг асарида бу шахс ҳаёти, у бошқарган «қора кийимлилар қўзғолони» ҳақида батафсил ҳикоя қилинган. Шўро мафқураси Муқанна шахсини улуғлаш билан «Сизнинг боболарингиз ана шунаقا даъюс эди», деган ҳақоратомуз ниятни кўзлагани илм аҳлига яхши маълум. Соҳибқирон Темур ва ҳазрат Навоийдек буюклар ҳақида асар ёзадиган ижодкор бу

каби тарихий фактларни яхши билиши ва холис фикрлай олиши лозим эди.

Бухоро фарзанди бўлган Маҳмуд Торобий ҳам тарихда эрк ва озодлик йўлида курашган фидойи сифатида қолган. Шуниси ҳам борки, Мирзо Улуғбек ўзининг «Тўрт улус тарихи» асарида унга анчайин салбий муносабат билдириган, уни юрт бузувчи сифатида тасвирлаган. Тўғри, Улуғбек даврига келиб ислом дини Марказий Осиёда чукур илдиз отиб, халқ маънавий ҳаётининг асосига айланган эди. Муқаннаю Торобийлар даврида эса икки дин, икки эътиқод тўқнашган. Асрлар давомида ота-боболар сифиниб келган илоҳлардан воз кечиш эса осон эмас.

Алишер Навоий мероси бугун ҳам ўз кўлами ва нафосати билан оламни ҳайраттга солмоқда. Асрлар бўйи «ҳарб тили» дея камситилган туркий тилга жон бағишилаган улуғ шоир ўз давридаёқ назм аҳлининг султони даражасига чиққан, туркий тилда ҳам шеърий мўъжизалар яратиш мумкинлигини исботлаган жасоратли инсон эди. Ҳазрат Алишер Навоийнинг ўзи томонидан 1470-1476 йиллар орасида тузилган «Бадоеъ ул-бидоя» («Бадийлик ибтидоси») девони 777 ғазал, 3 мустазод, 5 мухаммас, 2 мусаддас, 3 таржеъбанд, 46 қитъа, 85 рубоий, 10 луғз (чистон), 52 муаммо, 10 туюқ, 53 фарддан ташкил топган. Шу пайтгача ўтган бирор туркий шоир бундай мукаммал девон тузмаган эди. Шундан кейин ёзган 862 ғазали асосида 1476-1482 йиллар орасида иккинчи девони «Наводир ун-ниҳоя» («Беҳад нодирликлар»)ни тузди. Булардан ташқари унинг тилшунослик, тарих, мусиқа ва бошқа соҳалардаги асарлари ҳам бадиий қиммати билан сарбаланд тахтни эгаллаганди. Аслида Навоийдек улуғ зот ҳақида бирон нарса ёзиш учун ҳам катта қалб ва улкан журъят керак. Абдуҳамид Парданинг бу ишга дадил қўл ургани ҳам таҳсинга лойиқ, албаттла.

Ушбу асар достон жанрининг барча қонун-қоидала-рига тўла жавоб беради, деб айтиш қийин. Муаллиф гоҳ Навоий асарларидан олинган парчаларни табдил этади, гоҳ халқ оғзида юрган ёхуд бошқа манбалардан олинган ривоятларни шеърга солади, баъзан Навоий мадҳида жўшиб қалам юргизади, айрим ўринларда мавзудан чекиниб, тарихга саёҳат қилгандек бўлади. Тадрижий (эволюцион) ривожланиш сезилмаса-да, асарни ич-ичидан нурлантириб турган, унинг бошидан то адогига қадар қизил чизиқ бўлиб ўтган бир фикр, ният бор: бу – Навоий даҳосига таъзим, унинг ҳайбати олдидағи ҳайрат ва буюк аждодлардан ифтихор туйғуси. Гарчи муаллиф, кўп бора таъкидлаганимиздек, айрим ўринларда фикриничувалаштириб, «боз», «наинки» каби сўзларни қайта-қайта қўллаб, муболағага ҳаддан зиёд эрк бериб юборса ҳам, достон ўқувчига жуда кўп маълумот беради. Назаримда, унинг бадиийлигидан кўра илмийлиги, тарихийлиги ортиб кетгандек.

Муаллиф кўп ўринларда Навоийнинг ўз замондошлига ва уларнинг ҳазратга битган мактубларини шарҳлайди, рубоийларни табдил этади, Навоийнинг «Соқийнома»сини келтиради. Асар якунида эса асрлар бўйи кўплаб олимлар баҳс юритган мавзуга изоҳ бергандек бўлади: Навоийнинг нима сабабдан ҳаж сафарига бормаганини асослашга уринади. Унинг фикрича, мамлакат равнақи учун хизмат қилиш, миллатнинг дардларига дармон бўлиш ҳаждан кўра ортиқроқ савоб келтиради. Ва бу жуда тўғри таъкиддир. Биз бугун Навоий яшаган даврдаги сиёсий муҳитни фақат тарихий ва бадиий асарлар орқалигина биламиз, аксар ҳолларда ўзимизча тасаввур этиб хулосалар чиқарамиз. Ҳолбуки, ҳеч бир китоб ўзи яратилган давр руҳини мукаммал очиб беролмайди. Муайян бир даврдаги ҳаётни тўлиқ билиш учун унда яшаб кўриш керак, вассалом! Навоий шахси, унинг

умр йўли, оиласи ва яқинлари борасида ҳали жуда кўплаб маълумотлар очилмаган, ҳатто унинг волидасининг исми ҳам сақланиб қолмаган.

Достоннинг сюжет қурилиши анчайин мураккаб, у шўро даврида битилган айрим баландпарвоз асарлардай силлиқ ўқилмайди. Муаллиф ҳар иккала достонни, айниқса, «Навоий»ни гўё хослар учун ёзгандек туюлади. Достон ўқувчини ўйлашга, чуқур мушоҳада юритишга ундейди, қолаверса, ундан етарлича билим ва тарихдан хабардорликни талаб этади. Ҳазрат Навоийдек мураккаб шахсиятнинг умр йўли, бу йўлда кечган турли ҳодисалар, 15-асрда Марказий Осиёда рўй берган кўплаб сиёсий-ижтимоий ҳодисалар борасида озми-кўпми маълумотга эга бўлган, қолаверса, Навоий асарларини ўқиган ва уни имкон қадар тушуна билган китобхон учун достон жуда қадрлидир.

Муаллифнинг ҳар иккала достони борасидаги хуласаларимизни якунлар эканмиз, бир фикрни таъкидлашни истадик: бир қарашда осонгина кўрингани билан ушбу жанрнинг ўзига хос талабларию мashaққатлари мавжуд. Абдуҳамид Парда, гарчи достонларни битиш жараёнида умумэътироф этган қоидаларни баъзан четлаб ўтса ҳам, ўз олдига қўйган мақсадига эриша олган деб дадил айтиш мумкин. Муҳими – Соҳибқирон Амир Темур ва ҳазрат Алишер Навоий тўғрисида битилган асарлар хазинасига яна иккита яхши асар қўшилиди. Ушбу ютуқ билан муаллифни табрикласак арзиди.

Абдуҳамид Парданинг «Дўстнома» достони унинг ижодида алоҳида ўрин тўтади, шу боис бу асар ҳақида батафсилроқ тўхталишни маъқул кўрдик. Достон шоир сайланмаларининг бешинчи жилдидан ўрин олган, жилд аннотациясида шундай дейилади.

«Абдуҳамид Парда танланган асарларининг бешинчи жилдидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият хо-

дими, адид, олим ва таржимон, шоирнинг дўсти мархум Ғулом Каримийга бағишиланган «Дўстнома» достони жой олган.

Шоир дўсти Ғулом Каримий тимсолини гавдалантириш билан бирга замондошлари қиёфасини ҳам яратган ҳолда давр нафасини ифода этади.

Достонга, шунингдек, шоирнинг устозлар ва қаламкаш дўстларига бағишиланган ҳазил тўртликлари ҳам киритилган».

Достонга ёзилган «Сўзбоши» эса асарнинг бутун мазмун-моҳиятини очиб берган. Ушбу ўринда достоннинг ҳақиқий олим нигоҳи илғаган ютуқ ва камчиликлари билан танишасиз, биз уни бутунича келтиришни лозим топдик:

БАДИЙ ҲУЖЖАТЛИ ЛАҲЗАЛАР

Адабиётимиз тарихида «Тўтинома», «Муҳаббатнома» тарзида битилган асарлар мавжуд. Мазкур йўналишдаги асарлар Абдуҳамид Парданинг «Дўстнома»¹си эвазига кўпайди.

«Дўстнома»ни ўқиб чиқиб, бу ҳақда қалам тебратишга аҳд қилдим ва ўйлай-ўйлай юқоридаги сарлавҳани маъқул топдим. Бу ихчам китобни бир қўлга олибоқ охиригача ўқидим. Кейин айрим ўринларини ўқийман дедиму яна тўла ўқиб чиққанимни билмай қолдим.

«Дўстнома» достони шоирнинг қадрдони, шарқшунос олим Ғулом Каримга бағишиланган. Ғулом Каримнинг ажойиб дунё кезган олим – шарқшунослиги, адиллиги, шоир ва таржимонлиги, муҳими буюк дўст ва меҳмоннавоз бағрикенглиги бирма-бир талқин қилинар

¹ «Дўстнома». Достон ва ҳазил тўртликлар, «Санъат» журнали нашриёти, Тошкент, 2008 йил.

экан, муаллиф жуда ажиб лирик чекинишлар қилиб, ўз таржима ҳолини ҳам достон таркибига узвий қисм сиғатида жойлай олган.

Достон билан танишиш асносида олим ва инсон Ғулом Карим китобхон кўзи ўнгида Шахс сифатида гавдаланади. Айни пайтда унинг муҳитидаги ҳамشاҳар ва дўстлари Тошпўлат Аҳмад, Абдунаби Ҳамро, Темир Курбон, Абусаид, Манзар, Нурбой Жаббор, Ибодулла Шоймардонов, Абдусаттор ва Равшанлар, Жўра Фозилу Нурёғди Тошев сингари адаб, шоир, олимлар ҳақида ҳам эсдаликсифат маълумотлар берилади, уларнинг шахси ва ижоди тавсифланади.

Биз маълумоту тавсифлар деган мисралар орасида мутафаккирана ҳикматлардан қолишмайдиган байтларнинг ҳам мавжудлиги достоннинг бадиий-ғоявий қимматини оширади:

*Адабиёт қароргоҳиadolatning,
Кушандасиadolatsiz разолатнинг.*

«Кошифи инсондир комил муаллим», дея устознинг бебаҳо фаолиятини улуғлаган Абдуҳамид Парда илм ва олим ҳақида мулоҳаза юритади:

*Атомдан қудратли ҳар теран билим,
Тошда гул ундирап соҳиби илм.
Билимсиз ҳар бир кас заиф риштадир,
Билимли бамисли ҳур – фариштадир.
Билимсиз бошингга минг савдо солар,
Билимли дилдаги бор дардинг олар.*

«Дўстнома» муаллифи баралла даъват қиласи:

Дўстсиз бўлма, инсон, бўлсанг ҳам отсиз!

Ва Ғулом Каримнинг Абдуҳамид Парда ҳаёти ва ижоди йўлидаги таъсири қайд этилиб, чин юракдан мулозамат изҳори тизилади:

*Домла, манглайимга битилган Зот – Сиз!
Сиз боис очилган қалбимнинг кўзи,
Сиз боис залворли Ҳамидинг сўзи,
Сиз боис битилган неча ашъорим,
Сиз боис покиза номусу орим...
Сиз боис ёр бўлар тоғларим васли,
Сиз боис шоири замонман асли...*

Муаллифнинг улуғ дўсти содик ҳақидаги мисралари жуда дилкаш:

Дўйстларим бор – минг бир турфа дардга дармон, дер экан, навбат Ғулом Каримга келади:

*Минг биттага арзир ёлғиз Ғулом Карим,
Қиёматли биродарим, қон жигарим! –
Яратганга умр буйи қайта-қайта,
Ўтажакман шукроналар айта-айта.
Зуваламни ихлос билан ийлаган Ҳақ,
Ғуломжондай чин дўст билан сийлаган Ҳақ!*

Шоир дўсти шахсини миллат тақдири билан узвий алоқада тасаввур этиб фахрланади:

*Уламосиз – илмпешасиз,
Олмос ила гавҳар тешасиз.
Ҳофиз тилин билар аллома,
Кўлингизда сеҳрли хома.
Севса барча ўз касбин сиздай,
Буюк миллат бўлмасди биздай...*

Достоннинг муаллифи ўзини бир қуш ҳисобласа – шаҳпар деб Ғулом Каримни ва навбатдаги қанот деб

Темур Қурбонни айтади. Асарда иккинчи дўстга ҳам кўп саҳифалар ажратилган. Шоир Темур Қурбоннинг тил ва адабиёт фанидан дарс берувчи рафиқаси ва фарзандлари ҳам зикр этилади: Темур Қурбон –

*Икки қизу бир ўғилнинг қиблагоҳи,
Адабиёт муаллими суйған Моҳи.
«Хоним» дея забонидан томади бол,
Ҳаммага ҳам насиб қилсин шундай иқбол.*

Темур Қурбоннинг касбий фаолияти қоракўллик Чори Насридинов ҳақидаги мисраларда аниқлашади:

*Қоракўллик Чорининг ҳам йўқ қиёси,
Бесарҳаддир унинг билим миқёси.
Форма кийиб юрар Темур Қурбон каби,
Умарали домла мисол нозик таъби...
Жондан севар адабиёт обидларин,
Тайёрлайди Қуролли қуч зобитларин...*

Муаллиф яқин дўсти Темур Қурбонга қаттиқ дакки беради:

*Қиласар иши қовушмас ҳеч ҳақ сўзига,
Зуғум қиласар энг аввало у ўзига.*

Бунинг боиси адабиётшунос олим бўлгани ҳолда бошқа соҳада хизмат қилишию айрим истеъдод соҳиблари каби майга мойиллигиdir. Шоир зора гапим таъсир қилса деб, ушбу сатрлар муаллифи гувоҳ бўлган Фулом Карим меҳмондорчилигидаги бир манзарани ночор келтиради:

*Темур Қурбон оғзи тинмай чулдирапарди,
Қитиғимга тегиб, мени қулдирапарди.
Икки гапин бири фақат шароб бўлди,
Ича-ича бу сафар ҳам хароб бўлди...*

Биз шеъру илм аҳлининг қайси биримиз бундай ҳолларга тушмаганмиз? Тушганмиз. Бироқ бу байтларни ўқиб ҳам жилмаямиз, ҳам Темур Курбон ижоди ва соғлиги учун чин дилдан куюнамиз.

Ундан шунингдек, саксонга яқин адиб, шоир, олим, муҳаррир, журналистлар ҳақидаги ҳар бири фақат тўрт сатрдан иборат ўртоқлик ҳазиллари жой олган. Тўплам гоҳ жиддий юксак парвозли, гоҳ пастроқ ҳазин овозли, гоҳ жайдари қув истеҳзоли оҳангларнинг шалоладай аралашиб келишига асосланган шеърият гулдастаси сифатида эътиборни тортади.

Ушбу тўпламдан мен шундай завқландимки... ва шундай бир фикр ҳам туғилдики, жайдарилик (самимияти, мулоҳазаларнинг узун-қисқалиги, ўйланган-ўйланмаганилиги, кулиб туриб қақшашию, қақшаб туриб кулишга асосланган негизи билан) шеъриятимиз миллийлигини таъминловчи ажиб хусусияти эканига яна бир карпа ишонч ҳосил қилдим.

Бу китоб ушбу замонамизнинг ўзига хос тазкираи шуаросиу тазкираи удобою уламоси сифатида яrim асрдан сўнг росаям қадрланади. Чунки бу мўъжаз мисраларда Абдуҳамид шоирона идрок камераси билан атрофидаги кишиларнинг бир неча лаҳзалик хатти-ҳаракатларини шеърий сувратга олган.

Бу «қисқа метражли» достончага Умарали Норматову Иброҳим Ҳаққуллар, Рауф Парфию Усмон Азимлар, ИброҳимFaфурову Ойдин Ҳожиевалар, Нажмиддин Комилову Ошиқ Эркинлар, Қодир Мирмуҳаммедову Эркин Аъзамлар, Султонмурод Олиму Набижон Боқийлар, Маҳмуд Ҳасану Маҳмуд Саъдийлар, Азим Суюну Тоҳир Қаҳҳорлар, Иқбол Мирзою Салим Ашурлар, Фарида Афрўзу Қозоқбой Йўлдошевлар, қўйингки ҳатто менга ўхшаш чала олиму чала шоирларгача сувратга тушишган.

Шоир шундай усуллар топадики, қоплондай қаҳри қаттиқ адабиётшунос ҳам бу мисраларни ўқиб ўз қаҳ-қаҳасини тиёлмаслиги аниқ. Улар орасида Кутлибека шоир-рамизга аталган ҳазил тўртлик алоҳида ўрин тутади:

*Миразиз Аъзам акамиз овутармиш,
Сувлар сепиб, оташ тафтин совутармиш.
Оғир ишлар қилдирмас ҳеч, лекин баъзан
Шундай зотга кўрпа-тўшак қовутармиш.*

Ушбу «ёпиқ камера»да олинган манзара шундай икки азиз шеърият заҳматкашлари ҳаётидан Лев Толстойчалик совуққонлик билан яратилган. Ҳар бир мисра худди сизни қитиқлаётгандек кулдирмасдан қўймайди. Шоирнинг афанди усулига зеҳн солинг, биринчи мисра:

*Миразиз Аъзам акамиз овутармиш
микан? Ё:
Миразиз Аъзам акамизни Кутлибека овутармиш
микан?*

Иккинчи мисра идроки ҳам олимларни довдиратади, албатта. Иккинчи байт мендай мумтоз адабиёт мутахассиси учун ҳам икки маъноли, менимча: Кутлибека Миразиз Аъзамга кўрпа-тўшак қовутармикан?

Ёки аксимикан?

Бу қалтис ҳазилларни бутун самимият, жиққа ҳазил сифатида қабул қилмоқ ва холисанлилло, ҳар икки шоирга ҳам омад тилаб кўя қолмоқ лозим.

Абдуҳамидинг кулдириш усуллари шунчалик кутилмаган жойлардан қалқиб чиқадики, анча-мунча юмористлар ҳам бунақа топафон эмаслар. Энг муҳими, муаллиф бир тўртликда гоҳ ижодга, гоҳ шахс моҳиятига тўлиқ тавсифнома бера олади. Мирпўлат Мирзога:

«Жаҳон адабиёти»нинг хожаси у,
Устоз Амир Файзуллонинг «рожа»си у.
Қариндошмиз биз Мирпўлат Мирзо билан
Худойберди акамизнинг божаси у.

Бу тўртликнинг биринчи байтиданоқ муҳаррир шахсими китобхон аниқ тасаввур этади ва бешинчи ғилдиракдай туюлган иккинчи жўнгина байтдан мириқиб ичичидан кулиб олади...

Султонмурод Олимга бағишлиланган ҳазил тўртлики мен жиддий ва ҳаққоний мисралар, олим шахси ва фаолияти тўла акс этган шеърий портрет деган бўлардим:

*Навоийни деярли юз фоиз билар,
Барча уни Кошифийдай Воиз билар.
Минг бир ҳунар эгаси гар, лекин мудом
Маънавият тарғиботин жоиз билар.*

Биз бугун «Бобурнома» асосида Бадриддин Ҳилолий ҳофизасининг кучлилиги, икки «Ҳамса» матнини ёд билиши ҳақидаги маълумотларни билганимиздек, жамланган Султонмурод Олим ҳақидаги маълумотларни мазкур тўртлик муҳтасар ҳолатда келгуси авлодларга етказса не ажаб?...

Бошқа адаб, шоир олимларни бир тўртлиқда кашф этган шоир лирик чекинишлар асносида ўзини тўла-тўкис, ҳатто авра-астаригача кўрсата олган. Муҳими, ижодий тадрижини, истеъоди камолининг жуда узоқ йиллар шаклланганига эътибор қаратган.

Абдуҳамид Парданинг шеърий услубининг қисман жайдарилигини қайд этдик. Буни шоирнинг ўзи ҳам эслатиб қўйгани янада мароқлидир:

*Каминангиз қурама,
Айрим гапим бурама...*

Биз гапимиз ибтидосида Абдуҳамид Парданинг ҳазил бағишлов – тўртликларидан мисоллар келтирдик. Унинг ИброҳимFaфуровга бағишлиланган тўртлигига юзаки ёндашсангиз, бу тўртлик «ҳаваскор, сўзга нўноқ шоир қалами билан битилган» деб хукм чиқарасиз:

*Сир каби хотиржам, Помирдай вазмин,
Шиддати бекиёс ва лекин азмин.
Озод домла каби китоб шайдоси,
Шундан завқи юксак суҳбати базмин.*

Ва «азмин, базмин» сўзларида нуқсон кузатасиз. Аслида шоир услуби бу тўртлиқда олимонадир. Сал мулоҳаза юритсангиз, муаллифнинг қоғия начорлигидан эмас, Иброҳим Faфуровнинг фикр тамкинидан шундай усул қўллаган ва бунда хато йўқлигига амин бўласиз: «Азмин» деганда «азмли», «базмин» – деганда «базмга хос» маъноларини ифодалай олгандир.

Ойдин Ҳожиевага аталган ҳазилдан Иброҳим Faфуров шахсининг бошқа қирраси намоён бўлади:

*Ойдин опа шеър айтганда эшилармиш,
Ёмон қараганлар қўзи тешилармиш.
Рашки ёмон деб эшиждим Акамизнинг,
Тикилганлар терисини нақ шилармиш.*

Бундай шоирона зарофатлару дилкаш ҳазиллар «Дўстнома» китобининг ҳар бир саҳифасида чамандаги гуллардай қўзга ташланади.

**Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди.**

Кўрдингизми, азиз китобхон, бундай профессионал таҳлилу таърифдан сўнг камина достон ҳақида бирон янги гап айтишим қийин. Аммо айтмасликнинг ҳам иложи йўқ, чунки, раҳматлик Ғулом Каримий менинг ҳамюртим (Бухоронинг Олот туманидан), қадрдон дўстим эди. Дастанхонидан туз еганман, ундан қарзим кўп. Ушбу достон унга бағишлилангани билан ҳам мен учун қадрлидир.

Аввало бир маълумотни айтиб кетишим керак: муалиф «Дўстнома»ни, агар янгишмаётган бўлсам, уч маротаба нашр эттирди. Охирги нашри босмадан чиққандай эса қадрдонимиз Ғулом бу ёруғ оламни тарк этганди. (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин дўстимизни...) Ғулом ватоғэтгач, камина ўзим ишлайдиган «Олот ҳаёти» газетасида унинг хотирасига бағишлиланган «Эзгуликнинг ғуломи эди» сарлавҳали ёдномани чоп эттиргандим. Ушбу хотираларимда дўстим ҳақидаги кўплаб мулоҳазаларни битдим. Абдуҳамид Парда эса ўз достонида Ғуломнинг аксарият дўстлари қалbidагi унга бўлган хурмату эъзозни шеърий тарзда баён этган.

Ғулом худди содиқ аскарга ўхшарди: кечки соат тўққизда, агар осмон узилиб ерга тушса ҳам уйқуга ётар ва тонгги соат тўртда уйғониб, ижод қиласарди. Абдуҳамид Парда ва менга ўхшаган «тунсевар»лар тунги соат бирдан сўнг ухлашга ётиб, эрталаб уйқуга тўймай уйғонамиз. Ғулом Каримий илму маърифати зиёда, дунёқараш кенг, бадиий диди нозик ва ўрни келганда ҳақ сўзни ҳеч кимдан чўчимай айта оладиган йигит эди. Абдуҳамид Парда билан унинг ўртасидаги дўстликка гоҳ ҳайрон қолар, гоҳ ҳавас қиласардим. Ушбу китоб бошида келирилган «Парда ортидаги Парда» сарлавҳали битикда бу ҳақда батафсилроқ тўхталиб ўтувдим. Назаримда, бу икки ижодкорни бирлаштириб турувчи иккита муштарак жиҳат бор: иккови ҳам ғоят кўп ўқиган, бироқ буни кўз-кўз қилишни ёқтиrmайди. Ва иккови ҳам чумолидай

мөхнаткаш. Яшириб нима қилдим, Ғуломнинг шеърий иқтидори унча баланд эмасди, аммо насрий китоблари ғоят кенг қамровли, тарихийликка омухта эди. У араб ва форс тилларини яхши билгани учун бу тилларда битилган тарихий қўлёзмаларни кўп ўқиган, бинобарин, бу борада билими етарли эди. Умуман, марҳум дўстимиз ҳақида кўп гапириш мумкин, лекин ҳозир гап Абдуҳамид Парданинг достони ҳақида бораётгани учун ана шу таърифлар билан чекланамиз.

Достон ғоят содда ва равон тилда битилган. Албатта, муаллифнинг ўзигагина хос муболаға бу асарда ҳам етарли, бироқ уларнинг бари самими. Англашимча, Абдуҳамид ака умрининг тушкунлик паллаларида Ғулом унга қўл-қанот бўлган, руҳлантирган, далда берган, асарларини чоп этишга кўмаклашган. Ва унинг ана шу беғараз ёрдамлари шоир кўнглида чексиз миннатдорлик туйғуларини уйғотгану яхши бир достон яратилган.

Дўстлик туйғуси анчайин арzon бўлиб қолган бугунги замонда чин дўст топиш, уни қадрлаш ва унга бағишилаб бутун бошли достон яратиш – кутилмаган ва ғаройиб ҳодиса. Ҳазрат Навоий даврлари, ул зотнинг «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асари ёдга тушади дафъатан. Абдуҳамид Парда ўзи кўнгил берган, туғишган инисидай бўлиб қолган дўстига меҳрини ғоят самими сатрларда ифодалайди:

*Ҳамманинг ҳам умри ўхшар ҳикоятга,
Бу гапларни асло йўйманг шикоятга.
Гарчи бу қун аксарият дармоним йўқ,
Айттолмайман гарчи асло: армоним йўқ,
Яшаяпман шу эл билан яхши-ёмон,
Дўстларим бор – минг бир турфа дардга дармон.
Минг биттага арзир ёлғиз Ғулом Карим,
Қиёматли биродарим, қон жигарим!..*

*Яратганга умр бўйи қайта-қайта,
Ўтажакман шукроналар айтади-айта,
Зуваламни ихлос билан ийлаган Ҳақ,
Ғуломжондай чин дўст билан сийлаган Ҳақ!*

Мана шу шукроналик туйғуси достоннинг бошдан-оёғига қадар бир нурли чизик бўлиб ўтади. Зеро, муаллиф – ёши олтмишдан ошган, яхши-ёмонни кўрган, оқуқорани таниб улгурган ва одамнинг яхши-ёмонини ажрата оладиган инсон. Ғулом Каримийнинг беғараз кўнглини, унинг дарёдай меҳрини, теран тафаккурини бехато илғай олган Абдуҳамид Парда ҳеч иккиланмай қалам суради. Зотан, унинг нияти пок, уринишларида бирон таъмаю хомтамалик йўқ, у фақат дил тубидаги миннатдорлик туйғуларию Каримийнинг юксак истеъдоди олдида туғилган ҳайратни изҳор этаётир, холос. Шундай дўстга йўлиқтиргани учун ҳам у Аллоҳга такрор-такрор шукроналар айтади. Аслида бу ҳам ноёб ҳодиса, яхши ва содик, беғараз дўстни топиш бу замонда қийин бўлиб қолди. Пулга, молу дунёга ҳирс қўйган кўплаб собиқ «дўст»ларга қаратилган айбномадир бу асар!

Муаллифнинг ютуқларидан бири шуки, у дўсти Ғулом Каримий, унинг хонадонида ўтган кўплаб машваратлар, бирга қилинган сафарлар баёни баҳонасида кўплаб шоир, ёзувчи, олиму мусавиirlар ҳақида ҳам қисқача маълумотлар бера олган. Улуғбек Ҳамдам, Нурбой Жабборов, Нурёғди Тошев, Темур Курбон, Қаҳрамон Ражабов, Эргаш Очилов, Ислом Ёқубов, Манзар Абулхайр ва бошқа жуда кўплаб ўзи билан замондош бўлган ижодкорларни тилга олар экан, уларнинг феълу атворидаги айрим қирраларни қисқа сатрларда, моҳирона тасвирлаб ўтиб кетади. (Асар бошида ҳатто каминанинг исми шарифини ҳам қистириб ўтибди.)

Абдуҳамид Парда асли Тошкент вилоятида туғилган бўлса-да, азим Тошкентни ватан билади, уни меҳр билан таърифу тавсиф этади.

*...Бағрига олгандай алқаб дилором,
Тошкент, қучогингда оларман ором!
Зилол оби кавсар фаввораларинг,
Беадад мен каби оввораларинг.
Раҳматилла қори¹ қилса қироат,
Фаришта-хурлар ҳам қилар ибодат.
Дема ҳеч сиғмагай бу ҳол таъбирга,
Саждага бош қўяр эл билан бирга.*

«Бағрига олгандай алқаб дилором» сатридаги «алқаб» сўзи, масалан, «суюб» тарзида ўзгартирилса, мазмун аниқроқ бўларди. «Алқамоқ» сўзи бу ерга ёпишмай турибди.

Муаллиф мамлакатимиз пойтахтини чинакам фарзандлик меҳри билан сеаганлиги, унинг олис ва яқин ўтмишини пухта ўрганганлиги битикларидан шундоқ-қина кўриниб турибди. Достонни ўқир экансиз, беихтиёр Шайхзода домланинг «Тошкентнома»си ёдингизга тушади. Аммо бу достондаги ташбеҳлар, эъзоз ва эҳтиром фақат Абдуҳамид Парданинг ўзигагина хос.

*Эй, Хизр асосин қадаган шаҳар,
Эй, меҳрин қўшқўллаб тутар шом-саҳар,
Эй, қўхна она Шарқ юлдуз, машъали,
Эй, туни қунидай серфайз нашъали,
Эй, улуғ сиймолар тилло тож-таҳти,
Эй, она диёрим улуғ пойтаҳти,
Эй, мени маст қилган ашъор-шеър билан,
Эй, дўсту ёр этган минг мард-эр билан...*

¹ Раҳматилла қори Обидов – таниқли дин намояндаси.

Шарқ машъали сифатида эътироф этиладиган Тошкентимиз истиқлол йилларида қайта яшариб, жамол очгани, унинг бағрида бунёдкорлик авж олаётгани, шахри азим ўзининг қутлуғ ёшини нишонлаётгани ҳам муаллиф назаридан четда қолмайди. Шу билан бирга у талабалик йилларида кўрган кўплаб қийинчиликларига қарамай, бу бағрикенг шаҳарни бир ўғил сифатида қаттиқ яхши кўришини, қисмати у билан умрбод боғланганини эътироф этади.

*Муқаддас Яратган эгам фармони,
Бағрингда ушалмас кимлар армони!
Шаҳрим, қучоғингдан баҳтим ахтардим,
Нечун сенга тўкиб солмай бор дардим;
Тўларман, талаб қил хирожсу божин,
Менга ҳам насиб эт шон-шуҳрат тожин!*

Мухтасар фикр айтадиган бўлсак, шоирнинг ушбу достони бу оламдан бевақт кетган олим, шоир ва таржимон, яхши дўст Ғулом Каримий хотирасига қўйилган муҳташам ҳайкал бўлган. Достондан Ғулом Каримий хотири марсия ҳам жой олганини алоҳида таъкидлаш керак. Адабиётимизда марсия жанрида битилган асарлар кўп эмас. Бинбарин, айни шу жиҳатдан бу марсия алоҳида қимматга эга.

Муаллифнинг кўпсўзлилигини, баъзи сўзларни такрор-такрор ишлатишини эътиборга олмагандан, достон қизиқиш билан ўқилади. Тағин бир фикр: дўстлар билан қилинган турли воҳаларга сафарлар баёни классик услубда, масалан, Мавлоно Муқимиининг «Саёҳатнома»си шаклида битилса, эҳтимол, таъсир кучи янада ортган бўларди.

НОМАЛАР – ҲАНГОМАЛАР

Абдуҳамид Парда танланган асарлари иккинчи жилдидан шеърий бағишловлар ва номалар ўрин олди. Турли жанрларда баракали ижод қилаётган шоир кўплаб соҳа вакиллари, айниқса, адабиёт ва санъат намоёндагарига битган номалари ва бағишловларида ҳам ўзлигини намойиш эта олган.

Мазкур назмий бағишловларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, шоир гоҳ жиддий, гоҳ ҳажвий йўсинда асар қаҳрамони хислатлари ва фаолиятига оид лавҳаларни баён этар экан, лирик чекинишлар тарзида ўзининг олам ва замон, жамият ва инсон, ижод ва саодат ҳақидағи теран мушоҳадаларини жарангдор ва залворли сатрларда ифодалайди.

Шоирнинг айрим бағишловлари вақтли матбуот нашрлари ва шеърий тўпламларда эълон қилинган, ўз пайтида холис баҳосини олган. Бироқ уларнинг кўпчилиги шоирнинг танланган асарлари таркибида ilk бор ўқувчи қўлига бориб тегди.

Нома жанри – ўзбек адабиётида олис тарихга эга. Бу жанр адабиётимизда Хоразмийнинг лўнда, бироқ шоҳона «Мұхаббатнома» маснавийси билан бошланади. «Мұхаббатнома» асосан туркий, қисман форсий номалардан таркиб топган. Кейинчалик бу жанрда кўплаб асарлар яратилди. Хусусан, Мақсуд Шайхзоданинг «Тошкентнома» достони ҳам шу жумлага киради.

Абдуҳамид Парда шеърий нома жанрига қайта ҳаёт бахш этди. Унинг турли тоифадаги одамларга шеърий мактуб шаклида йўллаган номалари ижтимоий қамропининг кенглиги билан диққатга сазовор.

Шеърий номалар, санаси нуқтаи назаридан, дастлаб Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовга йўллангани теран мазмунга эга. Аввало, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Мустақиллик асосчиси, озод юртимизнинг дастлабки раҳбари, оғир сиёсий-иқтисодий вазиятдан мамлакатимизни катта ривожланиш йўлига олиб чиққан, қолаверса, юртимиз тимсолига айланган тарихий шахс ҳисобланади. Бинобарин, Биринчи Президентмизга йўлланган шеърий мактубни мустақил ва озод она Ватанимиз шаънига битилган салмоқли қасида, кўтаринки публицистик руҳ билан йўғрилган фахрия сифатида талқин қилиш мумкин.

Шоир мазкур мактубда шўролар даврида юртимиз ва халқимиз бошдан кечирган мушқулотларни муҳтасар тилга олади. Марказга қуллик оқибатида бой ва буюк тарихимиз камситилгани, миллий қадриятларимиз оёқ ости бўлгани, ватанимизнинг табиий бойликлари аёвсиз талон-торож қилиб ташиб кетилгани, ҳатто бутун Совет Иттифоқининг асосий пахта етишигурувчи республикаси бўлган юртимизда кафанликка бўз топиш муаммога айланган оғир даврлар бўлганини алам билан шеърга солади. Шунинг баробарида 1991 йил Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Мустақиллиги эълон қилиниши ватанимиз ва халқимиз тарихида улкан бурилиш ясаган тарихий палла бўлганини қувонч билан куйлади:

*Тўқсон биринчи йил! Ёдимда ҳамон,
«Ватан мустақил!» деб қилдингиз эълон!
Ўшал он Оллоҳга шукронга айти,
Юрт бирлан ки мен-да туғилдим қайта!*

Айни пайтда мазкур шеърий мактабда ҳам шоир лирик қаҳрамонининг иқтисодий аҳволи кўнгилдагидек эмаслиги яққол сезилади:

*Бир ўғил, бир қизим ҳали жуда ёш,
Кенжам акасидай шўх, шаддод, бебош.
Ҳам дону сув керак товуқقا битта,
Биз яхлит оила кичикми, катта.
Рўзғор – ғор, уни ҳеч бўлмайди бутлаб,
Келтирсак-да тўйлмас ҳаттоки пудлаб.
Ўзбекнинг маърака-маросими қўп,
Хотинга ҳамиша демасангиз «хўп»,
Эрта-ю кеч бўлиб таъбингиз хира,
Бошингиз жанжалдан чиқмайди сира.*

Бундан қатъий назар муаллиф ўзининг майдага ташвишлари билан ўралашиб қолмайди, аксинча, асосий нияти ватанини иқтисодий жиҳатдан қудратли, она ҳалини эса ҳар жиҳатдан фаровон кўриш истагида ёнаётганини баён қиласди:

*...Менинг ҳам эл бирлан жонум пайваста,
Элнинг дарди билан хастаман, хаста.
Она юрт ялови – яловим, туғим,
Унинг ҳар зафари – зафар, ютуғим.*

Она ватан ва ҳалқ мавзуси шеъриятда ҳамиша етакчи бўлиб келган. Ҳамид Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеъри, Абдулла Ориповнинг шу номли қасидаси она ватанимиз шаънига битилган гўзал манзумалар ҳисобланади.

Бинобарин, она ватан ва ҳалқ мавзуси Абдуҳамид Парда ижодида ҳам етакчи ўрин тутади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, Абдуҳамид Парда шеърий мактублари ва номаларида лирик чекинишлар қилган ҳолда кўнгил кечинмалари ва турмуш тарзини ҳам шоирона ҳикоя қиласди. Шу нуқтаи назардан унинг номаларини шоир ҳаёти баён қилинган шеърий роман сифатида ҳам талқин қилиш мумкин.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки ўн-ўн беш йилида республикамиз иқтисодиётининг оёқса туриб олиши жуда оғир кечди. Бу давр юқори минбарлардан оғир ва мураккаб ўтиш даври, дея таърифланди. Бу эса халқнинг моддий турмушига салбий таъсир қўрсатди. Моддий ҳаётнинг оғирлашиши эса маънавий ҳаётга ҳам таъсир ўтказди.

Абдуҳамид Парда мамлакатимизнинг таниқли кишиларидан бири Салим Абдувалиевга юртимиздаги иқтисодий аҳвол оғирлашган даврда, 2005 йилда шеърий мактуб йўллаган. Мамлакатимиздаги оғир иқтисодий вазият шоирнинг оғир иқтисодий турмушида ўз аксини топган.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, қатор шоирлар ўз иқтисодий аҳволининг оғирлигидан нолиб, бой-бадавлат одамларга, ҳукмрон доираларнинг вакилларига шеърий шаклда мурожаат қилганининг гувоҳи бўламиз. Ҳатто Фузулий сингари даҳо шоирлар ижодида ҳам шу мазмундаги қасидалар бор.

Абдуҳамид Парда нажот истаб Салим Абдувалиевга мурожаат қиласади:

*Умидворман Яратгандан, ёлғиз Сиздан,
Лутфингиз ҳеч дариф туттманг қулингиздан.
Рўзгоримда ҳамон каму қўстларим қўп,
Ганимлардан ҳеч қолишимас дўстларим қўп.
Ҳаётда гар хуррам дамим кам бўлмади,
Лекин армон ўртамаган дам бўлмади.
Бўлса-да гар хурларга хос ҳулқим менинг,
Ашъоримдан бўлак ҳеч йўқ мулким менинг.*

Айни пайтда шоир зинҳор базинҳор тиланчи каби ўз қадр-қимматини ерга урмайди. Ор-номуси кучли, мағрур ва мардона шоир эканини алоҳида таъкидлайди:

*Не-не азиз зотларга гар битдим нома,
Хеч биридан умид қилиб ширинкома,
Борганим йүқ оёғига уриб бошим,
Не ҳам дейман, гоҳ оғир, гоҳ енгил тошим!
Қай бирига ниятимни гарчи айтдим,
Рангу рүйин күриб дархол ортга қайтдим.
Гар бегуноҳ фариштадай ҳурлигим йүқ,
Вале суллоҳ бандалардаи сурлигим йүқ,
Кал бошимдан бўлак гарчи йүқ бисотим,
«Шоир – Абдул Ҳамид!» ахир элда отим!
Шоирман ҳур – мурид ҳазрат Алишерга,
Уролмайман бу муқаддас номни ерга!*

Айни пайтда ғарибларда қаноат, бой ва бадавлат одамларда эса ҳиммату саховат тақчиллигидан шикоят қиласди. Асосан ҳукмрон доиралар ва бадавлат кимсаларнинг noctor аҳолига нисбатан бефарқлигидан изтиробга тушади. Фариб ҳамюрларига бефарқ тошбағир бойларни аёвсиз фош қиласди:

*Кўздай қўшним Ҳабибулло деган ҳожси,
Тижоратнинг ошин тақрор еган ҳожси.
Янгиобод деган жойдан акам асли,
Билишимча, эшонлардан насаб-насли.
Ҳожси акам ўзи ширин, сўзи ширин,
Билолмадим, дилларида не яширин.
Қуруғидан тахтайвериб, шишиб кетган,
Устамонлик борасида пишиб кетган.
Данғилла ҳовлиси бор, катта ғоят,
Кимсан ҳожси, тилидан ҳеч тушмас оят.
Улфатчилик қилмай қўйган кўпдан буён,
Ҳеч кўрмагай, Ҳожси акам, майли зиён.
Ис чиқарди янги уйга бизни айтмай,
Бойлар бойга боқар, деган гапга қайтмай...*

*Бегонани қўйиб туринг, азиз Ҳожам,
Кўлламоқни ўйламайди ҳатто божам.
Неча иилки, алдаб келар мени роса,
Дардим ютиб қиларман мен гўл муроса.
Беоқибат бандаларга йўлиққанман,
Беоқибат бандалардан тўлиққанман.
Умид қўзин тикдим кимни азиз билиб,
Юрагимни кетди бари тиғсиз тилиб.*

Шоир бу шеърий мактубда ҳам жафокаш халқ номидан сўзлайди:

*Тил-забонсиз.gov чидар боз зўрликларга,
Аҳли башар чидамас ҳеч хўрликларга.
Олмаганман гарчи элнинг кафиллигин,
Асти қабул қилолмасман ғофиллигин.
Гар вакили эмасман ҳеч бир гуруҳнинг,
Тўқ бандиман ХАЛҚ аталган буюк РУҲнинг!
Оломондан бу тўданинг гар йўқ фарқи,
To Сиз борсиз ва биз бормиз – баланд нархи!
Аламдийда эл-улуснинг наърасиман,
Минг бир йиллик жароҳати, ярасиман!
Кеча-қундуз беҳаловат бодиман мен,
Етти қўкка туташ фарёд-додиман мен.*

Шоир «Аламдийда эл-улуснинг наърасиман, Минг бир йиллик жароҳати, ярасиман!» дер экан ноўрин йифлоқилик билан ортиқча муболаға қилмайди, балки аччиқ ҳаёт ҳақиқатини ошкор қиласди.

*Гар вакили эмасман ҳеч бир гуруҳнинг,
Тўқ бандиман ХАЛҚ аталган буюк РУҲнинг!
Оломондан бу тўданинг гар йўқ фарқи,
To Сиз борсиз ва биз бормиз – баланд нархи!*

Бу сатрлар ўта оғир вазиятда бўлишига қарамай шоирнинг келажакка катта умид билан қараши, халқ-нинг буюк яратувчилик қудратига, саодатли кунлар яқинлигига ишончи комил эканини кўрсатади.

Абдуҳамид Парданинг қатор шеърий мактублари асосан ижодкорларга йўлланган. Айримлари жиддий, айримлари эса енгил юмор билан йўғрилган бу номаларда шоирнинг ўз ҳамкасларига алоҳида меҳр билан муносабатда бўлиши яққол сезилади. Таниқли марҳум шоир Мирпўлат Мирзога икки шеърий мактубнинг бири жиддийлиги, иккинчиси эса юморга йўғрилгани билан эътиборга молик. М. Мирзо «Мен билган Абдуҳамид» мақоласида ёзади:

«Абдуҳамидинг шеърий ижоди тулпор устида кенг майдонда югуриш каби кўламлидир. Абдуҳамидинг шеърларидаги фикр ва туйғу шу боисдан шитоб ва учқурдир. Балки, шу боисдан «тулпор» гоҳо бўйсунмай, уни бошқа сарҳадларга ҳам олиб кетиб қолар...

Абдуҳамидинг яна бир бошқа фазилати – яхши кўрган, хурмат қилган инсонига у, албатта, шеърий қасида бағишлийди. Шеърий қасида бамисоли шеърий гулдаста демакдир. Абдуҳамид бундай гулдасталарни ўз шеърий чаманидан дасталар экан, уни азбаройи ихлоси туфайли «териб» эмас, «ўриб» олгандай туюлади. Ана шундай «гулдасталар»дан биз ҳам бир неча бор олганмиз»¹.

Бинобарин, адабиётшунос олим Султонмурод Олим таъкидлаганидек, «Иймон – шоир ижодининг бош мавзуи». А. Парда шеъриятига хос айни хусусият Мирпўлат Мирзога дастлабки шеърий мактубда ҳам яққол кўзга ташланади. Шоир қаламкаш биродарига мурожаат қи-

¹ Қалбим ҳар сатримда, Шоир Абдуҳамид Парда ижодига чизгилар, «Muharrig» нашриёти, 2010 й., Т., 12-бет.

лар экан, ўтган умрига назар ташлаб, ҳаёт йўлини ҳақ-
қоний ва аёвсиз тафтиш қилади:

*Айланиб замона ҳувайдосига,
Етдикми қалбимиз сувайдосига.
Домла Миртемирдек жўмард ҳам танти,
Видо қўшиғимиз тайёрми банди.
Не қилдик муаззам ҳам азим Ватан:
«Ўғлоним!» деб бизни олгудайин тан?!
Фаластин мардлари ёққан аланга
Асти туташганми бизнинг ҳам танга.
Умримиз баҳш этиб улуғ ғояга,
Етказа билдиқми асти вояга.
Оллоҳга бандा ҳам Расулга уммат,
Бўлгудай топдиқми қадр ҳам қиммат.
Айланиб ҳам четлаб мардлик дарасин,
Буғиб ўтдиқми ё Виждан наърасин?!*

Шоирнинг «Айланиб замона Ҳувайдосига, / Етдиқми
қалбимиз сувайдосига» байти замирида ҳам қалбан ко-
милликка ташналиги мужассам.

Мазкур мактубнинг ғоят кўтаринки руҳга эга якуний
қисми ҳар бир шеърият мухлисининг қалбини тўлқин-
лантириши шубҳасиз:

*Қай қаттол ҳақиқат узра от солар,
Қалқонсиз кўксимни нишонга олар.
Замона зўр ила ҳам зарники то –
Ором ўйқ мен учун қабрда ҳатто.
Ҳақиқат қуёши бўлиб порлайман,
Имон-эътиқодга элни чорлайман.
Қаттоллар қавмин боз ер қилар шеърим,
Эзилган мардумни шер қилар шеърим.*

*Иқбол томон шитоб кетиб борар у,
Нурли манзилларга етиб борар у.
Не тонг, ташна этган мунааввар олам,
Ёд этиб, шод этса руҳимизни ҳам.*

Мирпўлат Мирзога иккинчи шеърий мактуб ҳазиломуз оҳанги билан диққатга сазовор. Қолаверса, қисман шундай ҳазиломуз руҳ билан йўғрилган таниқли таржимон Амир Файзуллога шеърий мактубда ҳам муаллиф қатор таниқли шоир, адаби ва таржимонларни тилга олиб, уларни ўзига хос образларда гавдалантиради.

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, таниқли шоиралар Хосият Рустамова ва Ҳалима Аҳмедовага шеърий бағишилов мактублар адабий йўналишга эга. Мазкурномаларда шоирнинг адабий-бадиий эстетик қарашлари ўз аксини топган. Шунинг баробарида давр мураккабликлари ҳам ўзига хос тарзда шеърга солинган.

Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли шоир Абдулла Орипов хотирасига бағишлиланган маснавийда шоир шундай эътироф этади:

*Менинг ҳар сўзимга соларди қулоқ,
Ногоҳ меҳри тошиб мисоли булоқ*

*Деди: «– Шоир бўлсанг, сен менга қара,
Ҳар ким ижодида жуда ҳам сара,*

*Гўзал байтлар бўлар, тўплаб юр доим,
Бир куни илҳом баҳш айлаб худойим,*

*Улардан қиласан яхши бир асар,
Элга манзур бўлса, не тонг, сарбасар».*

*Устоз насиҳати дастур бебаҳо,
Мен ҳам бердим ижод аҳлига баҳо.*

*Шоирлар яхшию ёмонин таниб,
Ниҳоят «Кузнома»¹ битдим ўртаниб.*

*Бисёр шоҳ байтларни дилга ўйганман,
Қизлар дафтари²н ҳам бошлаб қўйганман...*

Бинобарин, Абдуҳамид Парданинг адабий руҳ билан йўғрилган шеърий номалари дунёга келишида устоз Абдулла Ориповнинг маслаҳати алоҳида ўрин тутган.

«Сўзининг сеҳридан афсун туғиладиган» шоир Усмон Азимни муаллиф унинг ўз ташбехлари билан таърифлайди:

*Юртга, қонин сўрган бурга-бит каби,
Суйкалар «Ватаним!» дея им каби!
«Қаҳратон эмас, бу – қоннинг совуши»
Нелар дер, во дариғ, мискин товуши?!
Куйлар писанд қилмай талафотларни,
Фалак, юлдуз... ҳатто ҳашаротларни!
Кимни ром айламас ғаройиб фусун,
Сўзининг сеҳридан туғилар афсун!
Нечун таъзим қилмай шоир қаршида,
Бепардоз ғиғлар ғам олий Аршида!
Маҳкум то қиёмат ғамдан пастликка,
Дучор арzon фоже – англанмасликка.
Юраги олдида – бесабр ёлқин! –
Улуғ музлар аро митти бир ёнғин!*

¹ «Кузнома» – Абдуҳамид Парданинг Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг «Куз» тўпламидан саралаб олинган сара байтлар асосида ёзган бағишлиов-манзумаси.

² Қизлар дафтари – замондош шоираларнинг шеърий тўпламлари-дан саралаб олинган мисралару байтлар асосида муаллиф уларга бағишиб лаб ёзган манзумалар назарда тутилади.

Мазкур номаларда шоир нозик дидли шеърият таҳ-
лилчиси – адабиётшунос олим сифатида ҳам намоён
бўлади. Ўзини ҳам «Куз» каби шеърий тўплам тузишга
даъват қилиш асносида шоир бадиий ижод оламига хос
азалий ва абадий оғир саволларни ўртага ташлайди:

*Минг битта жон билан тўламай божин,
Наҳот кийиб бўлмас шон-шуҳрат тожин?!
Яшамас ким Шукур Холмирза бўлиб,
Мангулук наҳрида оқмасми тўлиб!
Тоғай Мурод каби от сурмай якка,
Йўл солиб бўлмасми ҳеч бир юракка!
Ёлғизлик дастидан ичмай минг бир жом,
Наҳот насиб этмас висоли Илҳом?!*

Усмон Азимга шеърий бағишловнинг яқуний қисми-
да муаллиф Гёте байтидан унумли фойдаланган. Мазкур
байтдаги фикрни яна ҳам ривожлантириб, шоир имону
эътиқодни куйлаш баробарида жамиятдаги иллатлар
билан аёвсиз курашиб, ғалаба қозонажагини баралла
овоза қиласди:

*«Ҳеч қачон бўлмагай шоир хизматкор,
Бизда Тангри берган олий ҳуқуқ бор».
Савдогардай савдо қилмай нархини,
Ёзармиз минг дарду бало шарҳини.
Қалблар кўзи билан қузатувчимиз,
Бир кам дунё ишин тузатувчимиз.
Алвидо, бетайин тартибот-тархлар,
Аҳли шеър адолат шамширин чархлар!..*

Мунаққид Улуғбек Ҳамдам «Абдуҳамид Парда шеъ-
риятияга хос мусиқийликни Ҳамид Олимжонга хос
оҳанг», деб таърифлайди:

«Абдуҳамид Парда шеъриятида мусиқийлик бор. Уқа олган киши учун шу оҳангдорлиқда мазмун бор. Дард бор. Гёё Ҳамид Олимжонга хос бўлган оҳанг бу шоирда қайтадан жаранглаётгандек. Шу билан бирга айтиш жоизки, шоир ўз дунёсини асосан, кечаги оҳанглар воситада чизаётгандек, янги – оҳори тўкилмаган йўллар билан унчалик иши йўқдек таассурот қолди-ради ўқувчида. Чунончи, унинг «Изҳори дил», «Фахрия», «Озод қалб», «Кўй юзида», «Қишининг илк куни», «Машрабона» каби ўнлаб шеърлари Ҳамид Олимжоннинг машҳур «Ўзбекистон» шеърининг йўлида битилгандек.

Абдуҳамид Парда:

*Қуёш каби порлайди қалбим,
Оғушига чорлайди қалбим.
Нолалари мунгли най бу кун,
Сархуш этар ўткир май бу кун.*

Ҳамид Олимжон:

*Водийларни яёв кезганда
Бир ажисб ҳис бор эди манда.
Чаппор уриб гуллаган боғин,
Ўпар эдим Ватан тупроғин.*

Ҳам ритм, ҳам қофияланиш, ҳам пафос жиҳатидан уйғунлик бор. Ажаб, нафақат бунда, балки уларнинг исмларида ҳам ўхшашлик бор: Ҳамид – Абдуҳамид¹.

Улуғбек Ҳамдам фикрига қўшимча қилган ҳолда айтиш керакки, Абдуҳамид Парда шеъриятига хос ра-

¹ Қалбим ҳар сатримда, Шоир Абдуҳамид Парда ижодига чизгилар, «Muҳarrig» нашриёти, 2010 й., Т., 22-23-бетлар.

вонлик ва оҳангдорлик, аксарият тўқ қофияларнинг кўлланиши кўпроқ Абдулла Орипов шеъриятини ёдга солади. Бинбарин, Абдуҳамид Парда ҳам устоз Абдулла Орипов яратган мактабга мансуб ижодкорлар сирасига киради.

Шоирнинг Абдулла Ориповга алоҳида ҳурмат-эҳтироми устоз хотирасига бағишлиланган «Устознома» марсия қасидасида ҳам яққол кўзга ташланади.

2016 йил Ўзбекистон халқи учун оғир жудоликлар иили бўлди. Май ойининг сўнгида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов вафот этди, сентябрнинг бошларида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов билан видолашдик. Ноябрнинг бошларида эса устоз Абдулла Орипов бизларни ташлаб кетди.

Эътиборга молик жиҳати, муаллиф «Устознома»да халқимизнинг юқорида номлари тилга олинган уч мард фарзанди хотирасига ҳам ҳурмат бажо келтиради. «Устознома»га афсонавий Дантенинг Абдулла Орипов таржима қилган қўйидаги сатрлари эпиграф қилиб олингани алоҳида эътиборга молик:

*«Сизнинг қутлуғ номни асрагай юрак,
Боқий ҳаётй үйлини неча бор тақрор
Англатган, уқтирган устозсиз бешак.*

*Ажисб суратингиз дилда барқарор;
Сизнинг хотирангиз фоний дунёда
Калом ва сўз билан этгум баҳтиёр»¹.*

Айни пайтда 2015 йил охирларида шоир ўз онасидан ажраб қолганини алам билан шеърга солади:

¹ Данте. Дўзах. XV, 82-85. Абдулла Орипов таржимаси. Қаранг: Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик, III жилд,Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001 й., Т, 77-78-бетлар.

*Бу йил бизлар учун оғир йил бўлди,
Оғир йил дастидан Ҳамид сил бўлди.
Мудом тутар эдим онам мотамин,
Бой бердик шеърият мулкин ҳотамин.*

Марсия-қасидада муаллиф асосан Абдулла Орипов шеъриятидан парчалар келтиради. Улардан маҳорат билан фойдаланиши, устознинг таржимон сифатидаги фаолиятига ҳам ургу бериши натижасида буюк шоир хотирасига муносиб марсия яратади. Шу билан бирга атоқли шоир Эркин Воҳидов ва Шукур Холмирзаевнинг Абдулла Ориповга оид фикрларини гўзал тарзда шеърга солади. Бу эса марсиянинг таъсир кучини яна ҳам оширган. Марсиянинг Абдулла Орипов билан учрашув ҳикоя қилинган маснавий билан тугаши ҳам ўзига хос мазмун ва моҳиятга эга:

*Гоҳ Асқар Маҳкамга холис бериб қўл,
Жума намозига олар эдим йўл.*

*Қай шеърни наинки тўйқирдик бирга,
«Сақичмон»да намоз ўқирдик бирга.*

*Шу боис сумкам ҳеч бўлмас эди бўш,
Бўларди жойнамоз, оппоқ каллаپўш.*

*Устознинг уларга тушдию қўзи,
Оҳиста тин олиб дедилар ўзи:*

*– Барчамиз беш кунлик дунёда меҳмон,
Ёшим яшаб ўтиб кетсан бир замон,*

*Оқибатни шиор қилгину сен ҳам,
Зиёрат қилиб тур қабримни, укам...*

*Замона тулпори ел каби елди,
Башорат қилинган жудолик келди.*

*Во дарыф, бошимда бор олам жабри,
Муқаддас қадамжо Устознинг қабри!*

*Юрагимга солган шеър шуқуҳини,
Тангрим шод айласин Устоз руҳини.*

Абдуҳамид Парданинг шоир, достоннавис сифатидаги маҳорати шундаки, у қайси образни тасвирламасин, унинг суратию сийратини синчилаб кузатади, қаҳрамонининг энг аввало ТИРИК ИНСОН эканлигини унумайди ва табиийки, у ҳақда ҳукм чиқаришга шошилмайди. Айрим асарларида, масалан, «Чўлпоннома»да эса у қаҳрамони тилидан айнан бугун ҳам долзарб бўлиб турган муаммолар борасида сўз очади, ўқувчини аччик ҳақиқатларга рўпара қиласи ва огоҳлантиради:

*Мустабидни алқай-алқай маъбуд қилдилар
Ёш умримни меҳнат билан нобуд қилдилар,
Золим фалак йўқсилларга – дўзах, тангу тор
Ўлмай туриб кенг дунёни тобут қилдилар.*

Илк сатрга эътибор беринг: биз яқин ўтмишда юрт бошига келган ҳукмдорларни бўлар-бўлмасга мақтайвериб, уларни салкам Худо дараҷасига чиқардик, уларга сиғиндик, улар омонатини топширгандга эса «Энди нима қиласиз?!» деб ваҳимага тушдик. Ҳолбуки, инсон зоти эртами-кечми ўлиши муқаррар, буни Қуръони карим ҳам, миллион йиллик ҳаёт тажрибаси ҳам тасдиқлаб турибди. Ўзини Худо деб эълон қилган мустабидларнинг ҳоли нима кечганлигини тарих бизга кўрсатиб турди, биз эса қарсак чалишдан бўшамадик...

Мұмтоз адабиётда «Меңнат» сүзи «машаққат, қайғу, азоб» маңноларыда қўлланилган, фақат Шўро ҳукуматигина уни «иш» сүзи билан уйқаш қилди. «Шарафли меңнат» деган тутуриқсиз иборалар пайдо бўлди. Абдуҳамид Парда «Ёш умримни меңнат билан нобуд қилдилар» деганда бирон ташкилотда муттасил ишлаганини эмас, кўрган азобларини, машаққатли болалигию ўсмиригини, саргардон талабалигини, ижара уйлар ғурбатини назарда тутган. Нега шундай бўлди, бунга ким айбдор? Албатта, мавжуд сиёсий тузум. Инсонни инсон сифатида қадрламаган, унга БУГУН баҳт бериш ўрнига «КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ ҚУРАМИЗ» деб юпатган тузум айбдор. Шоирнинг лирик қаҳрамони «Эртага келадиган авлод ўз ҳаққини талаб қилиб олади, менга БУГУН одамдай яшаш ҳуқуқини беринг», демоқчи.

«Чўлпоннома»да шоир истеъдодларни «тутдай каллаклаб турган» (Шавкат Раҳмон ибораси) замондан ўз норозилигини ифода қиласан. Шу билан бирга у қисқа ва лўнда сатрларда ўз мақсадини оча олган.

*Жон билан тўлаб ўллон,
Тоабад порлар Чўлпон.*

Агар Чўлпон ва Қодирий каби жадид боболаримиз норасо тузумдан дод деб, имкон етганча курашиб, мағлубият аниқ эканлигини тушуниб етса-да, «Ўлим йўқ, бир ўчиб-ёниш бор», дейишган бўлса, бу шунчаки кўнгилга таскин, холос. Ҳамма гап... халқда. Қисматига финг демай кўниб кетаверадиган, «Чўпни тикка қилиб қўйсалар ҳам унга итоат қил», дейилган насиҳатларга қулоқ қоқмай амал қиласиганларда. Мустабид эса халқнинг ана шу нозик нуқтасини, «жон жойини» яхши биларди ва ундан муваффақиятли фойдаланди. Бир пайтлар дунёning ярмини бир туғ остига бирлаштирган, қудратли

Рим империясидан ўлпон олиб турган, Кўк Тангридан бошқа зотга бўйин эгмаган миллат қани?! Бу саволга жавобни ўзбекнинг «жангчи шоири» Шавкат Раҳмоннинг «Туркийлар» шеъридан топасиз. Биз эса яна Абдуҳамид Парданинг бағишловлари ва номаларига қайтамиз.

Абдуҳамид Парда тили сал аччиқроқ, шартакироқ шоир, номалару достонлари баҳонасида юрак тубидаги кўп дардларини тўкиб солган, баъзи нокасу номардларни аямай «савалаган». Ва ажабки, буларнинг барига замонни айбдор қилган. Аслида замонни ким яратади? Инсон! Гарчи Куръони каримда Парвардигор «Замондан нолиманглар, зеро замоннинг эгаси Менман», деган бўлсада, ҳар қандай даврда ҳам адабий муҳитни, ундаги соғлом об-ҳавони қалам аҳлининг ўзи яратади. Маккор сиёsat эса уларнинг дил тубидаги туйғуларини қўзғаб, улардан ўз ёвуз мақсади йўлида фойдаланади. Абдуҳамид Парда адабий жараённи, муҳитни бир четдан жимгина, холис кузатиб турган инсон сифатида ана шундай хулоса чиқаради, сиёsatнинг алдамчи жилваларига учган, бир-бирининг гўштини ейишгача борган қаламкашларни маломат қиласди. «Аслида аҳли қалам бир тану бир жон бўлиб, бир-бирини қўллаб, ёмонини яшириб, яххисини ошириб иш тутганда, Мустабидлар пайдо бўлмасди» деган хуло-сага келади. Рости ҳам шу: юқоридаги парчада номлари келтирилган истеъдодлар озодликда юриб ажал топган ва ёки бугун ҳам турли мақомларда ижод қилаётган қаламкашлар, «Жаслиқ»қа ўхшаган ҳибсхоналарда умри хазон бўлган истеъдодларни ким йўқлади?!

Аслида сиёсий тузум қатағон қилган, юртдан бадарға бўлган атоқли муҳожир шоирга бўлган эҳтиромини очиқ баён этиш ва ҳатто у ҳақдаги битикларини китоб шаклида нашр эттириш учун ҳам улкан жасорат керак. Ўз соясидан ҳам хуркиб яшайдиганлар жамиятида бунга ҳамма ҳам ботинавермайди.

Абдуҳамид Парданинг ўзбек адаб ва олимларидан Мирпўлат Мирзо, Хайридин Султонов, Усмон Азим, Турсунбой Адашбоев, Салим Ашур, Икром Искандар, Ҳалима Аҳмедова, академик Акмал Саидов ва ҳатто Ўзбекистон халқ артистлари Шерали Жўраев ҳамда Ғуломжон Ёқубовга аталган номалари ҳам бор. Уларнинг ҳар бири ҳақида узоқ гапириш мумкин. Бироқ улар орасида энг эътиборга моликларидан бири – Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовга аталган номадир. Муаллиф ушбу номанинг ёзилиш тарихи ҳақида бундай дейди:

«Мен Ўзбекистон Радиосида ишлаб юрган пайтларда Ислом Абдуғаниевич Каримов эндиғина Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари этиб тайинланганди. Ўтган асрнинг оғир саксонинчى йилларнинг охири ва тўқсонинчى йилларнинг бошларида Ислом Абдуғаниевич билан йирик анжуманларда учрашиб, икки марта интервью олиш баҳтига мушарраф бўлганман. Биринчи марта Навоий театрида, янгишмасам, Ўзбекистон касаба уюшмалари ташкилотининг қурилтойидан кейин интервью олгандим. У пайтларда Ислом Абдуғаниевич ҳали Ўзбекистон Президенти этиб сайланмаганди. Интервью олиб бўлгач, «Худо хоҳласа, Сиз Ўзбекистоннинг биринчи Президенти бўласиз!» деб тилак билдирганим эсимда. Кейинги гал қайсиdir йирик анжуман тугагач, даврада бизни, таниқли диктор Неъмат Муродов билан бирга яна кўриб қолиб, Ўзлари чақириб олган ва бизга яна самимий интервью бергандилар.

2002 йил 9-май Хотира ва Қадрлаш санаси муносабати билан Ислом Абдуғаниевичнинг меҳнат фахрийлари ва ҳурматли кексалар билан учрашувини телевизор орқали томоша қилдим. Ислом ота ўша учрашувда шунақсанги самимий сўзларни гапирдиларки, мен жуда тўлқинланиб кетдим. Кўрсатув тамом бўлиши ҳамоно

қўлимга қалам олиб, Ислом отага шеърий мактуб бита бошладим. Уч куннинг ичида ўн саҳифадан ортиқ шеърий мактубни ёзиб тугатдим.

Кейинчалик бу шеърий мактубни ўша пайтда Ислом Абдуғаниевичнинг матбуот котиби бўлиб ишлаган Русстам ака Жумаев муҳтарам Юртбошимизга шахсан тақдим этган. Шеърий мактуб Ислом отага манзур бўлганини менга етказишиди, ҳатто нима тилаги бўлса айтсин, деб илтифот кўрсатибдилар. Бундан бошим осмонга етди. Мен: «Юртбошимиз баҳтимизга омон бўлсалар бас, шунинг ўзи бизга кифоя», деган жавобни бердим».

Нома аввалида муаллиф одатий салом-алигу анъанавий ҳамду санодан сўнг Ўзбекистон деган юртнинг мустабид тузум давридаги оғир аҳволини тасвирлашни бошлайди. Истиқлолгача ўзбек халқи дуч келган жабру зулмларнинг турли кўринишларини шеърий сатрларда санайди:

*...Бир юз ўттиз йиллик қуллик кишанин,
Парчалаб, ўзбекнинг шуҳрати-шаънин –
Оlam узра тақрор ярақлатган Сиз,
Баҳтимиз офтобин чарақлатган Сиз!
Эсдан чиқар, аммо тарихдан ўчмас,
Менинг даъволарим қуруқмас, пучмас.
Мутелик занжирин судрадик биз ҳам,
«Марказ»дан кўп дашном егансиз Сиз ҳам.
Ҳамон хотирамда бамисли ришта –
Ўқувчи боламан, қировли қишида,
Кўсак узганларим шўро замони,
Уйиллар умримнинг ачиқ армони!
Болалик қадримиз қиммат бир пулга,
Баҳордан сафарбар барча қип-чўлга,
Шўронинг миннатли нони ошимиз,
Мурғакликдан ишдан чиқмай бошимиз,*

Пилла ҳам бизга тан, ғўза чопиқ ҳам,
Қонимиз ичди нақ шўро муттаҳам.
Аждардай элни у кемирди, еди,
Ўзбекистон яхлит пахтазор эди.
Қиличин ўйнатиб, боз аҳмоқ қилиб,
Бизнинг бор будимиз кетарди шилиб.
Тонна-тонна пахта берардик, аммо –
Кафандик бўз эди баъзан муаммо!
Муболага дея ким қиласар таҳқиқур,
Ҳайҳот, не кунларни кўрмадик ахир...

Ушбу сатрларни ўқиётган ҳар бир инсоннинг, айниқса, қишлоқда туғилиб ўсган одамларнинг қўзлари ўнгида ўша машъум йиллар манзараси жонлангандай бўлади. Пахтазорда ўтган болалик, ҳар кунги оби ёвғон, қўллари гўза поясидай қорайган қиз-жувонлар, учоқлар сепган заҳарли дорилар таъсирида пушти куйиб кетган йигитлар... Ақлим тўлишгач бир манбада ўқидимки, мустабид тузум даврида ғўза баргини тўкиш учун ишлатилган бутефос ва бошқа дорилар Америка-Вьетнам урушида кимёвий қорол сифатида ишлатилган, АҚШ ҳарбийлари уни Сайгон қўшинлари устига самолётда сепган...

*...Сиёсат соҳта, боз ғоя ҳам соҳта,
Бетайин бир тузум – бичилган, ахта.
Қоп-қора юзини оқ қилиб, оқлаб,
Бизларни ғафлатда келди у сақлаб.
Гўё бутун олам сасиган қўлда,
Гўё фақат шўро ҳақ, равон ийлда.
Гўё жумла эллар эзилган, мазлум,
Гўё фақат шўро билмас не зулм.
«Шўро фуқароси» – шўрлик номимиз,
Бетайин истиқбол орзу-комимиз.*

*Күйдайин қийратган биздай улусни,
«Оғам!» деб алқардик қай беномусни.
Марказ ҳал әтарди тақдиримизни,
Тақдир ҳам, ҳатто ҳар тадбиримизни.
Зўравон, дасти қон фирмә ягона,
Измидан чиқмасди асло замона.
Ҳукумат ҳалқники эди гар тилда,
Бирон-бир ҳақ-ҳуқуқ ўйқ әди әлда.
Амалдор қавмининг олчи ошиғи,
Элнинг оғзин йиртар әди қошиғи.
Қора ул йилларни эсламай қачон,
Бағримни тифдайин тилар ўч-армон.
Ҳукм сурар әди шундай тартиб зўр,
Жумла эл бечора, пешонаси шўр,
Шарт әди эрта-кеч меҳнат қилмоғи,
Меҳнатни саодат шарти билмоғи.*

Бугунги авлод Абдуҳамид Парда тасвирлаётган бу манзараларни тасавур ҳам қилолмаса керак. Илоҳим, у қунларни қайта ҳеч ким кўрмасин! Аммо хотира деган туйғу шунчалар ғаройиб ва сирлики, у онгости қатламларида ўз вақтини кутиб йиллаб ётаверади. Ва бир куни лоп этиб юз кўрсатади юрак-бағрингиз ўртаниб кетади:

*...Шўро заҳар қўшиб ичар ошига,
Не-не буюкларнинг етган бошига.
Ким озод ҳам эркин ғоя асири,
Чирир әди унинг қамоқда умри.
Пеш қилиб эрта-кеч қуролнинг қучин,
Партия «ўйларди» жумла эл учун.
Каллакесарларнинг фирмәси қонхўр,
Элни ёпта талаб мисли малах-мўр,
Кимнингки бор эса номус-ғурури,*

*Қалбида порласа эътиқод нури,
Мусулмонлик шартин кимлар билса шарт,
Элим, юртим деган жумла асл, мард,
Чўлпонлар бошини еди боз, эсиз,
Ҳамон ўзимизга келолмасмиз биз!
Қодирий, Чўлпондан айирган шўро,
Олмос қанотимиз қайирган шўро.
Наинки уларнинг қабри ҳаттоки-
То қиёмат армон мүқаддас хоки;
Наинки Қодирий, Чўлпонни буткул,
Фитрат жасадин ҳам ёқиб қилган кул.
...Шонли тарихимиз қора қилган у,
Бағримиз пора ҳам пора қилган у.
Шўролар талаган кўп ҳам озимиз,
Қайгадир кетарди ҳатто газимиз.
Ёшлар ишонмагай агар эсласак,
Газимизни ётлар, биз ёқиб тезак,
Тўрт фасл тинмайин ишлаб эрта-кеч,
Қора сопол коса оқармасди ҳеч.
Беруний сингари дониши бисёр,
Улус ном олгандик оми ҳам хунхор.
Тамғамиз бор эди деган «босмачи»,
Қани сен шўргага гар ён босма-чи,
Дарҳол «халқ душмани» номин олардинг,
Кишанбанд Сибирга тез йўл солардинг.*

Шоир даврлар ўзгаришини, замона йўриғини теран кузатиб боради, зулм ҳамон битмаганини, маккор ёғийлар ҳали-ҳануз пайт пойлаб турганларини ҳис этади. Нафси ҳакалак отган, жаҳондорлик васвасасига йўлиқ-қан империячилар бугун ҳам қаттол тузумга қайтиш ниятини тарк этмаганлигини эслаб, ўқувчини огоҳликка чорлайди:

...Ҳамон холи эмас қирғиндан башар,
Ҳамон бир-бирига тиш қайраб яшар.
Ҳамон кимлар айбин оқламоқ учун,
Ҳимоясиз «ёв»га күрсатар кучин.
Чорасиз ҳолига ахтариб чора,
Ҳатто ҳақ динга ҳам чаплайди қора.
«Исломий жаҳолат» – арzon баҳона,
Асоссиз айблов, мантиқ бегона.
...Қадимий ғоят бой забонни қўйиб,
Бегона бир тилда сўйлардик тўйиб.
Ҳатто она тилин йўқотди кимлар,
Ўз она элига ўқ отди кимлар.
Улкан анжуманлар – съезддан тортиб,
Ўтарди ёт тилда – шу қатъий тартиб.
Навоий забонин ёшлаб қўзини:
«Ғайри тилда айтдик Ватан сўзини!»
Саксон тўққизинчи ийлда тантана –
Ўзбек тили қаддин ростлади яна;
Фақат Сиз туфайли бу олий инъом –
Давлат тили дея олди юксак ном.

Миллатнинг бош белгиси бўлмиш тил эркинлиги, унинг юксак мақоми элу юрт учун истиқлол сари қўйиладиган илк қадам эканлигини яхши анлаган шоир ёлғонлар салтанати дарз кетаётганлигини кўриб қувонади, ўтмишдаги буюк аждодлар жасоратларини эслаб, бугунги авлоднинг уларга муносиб ворис бўлишларини орзулади:

...Ёлғонни ямламай ютарди шўро,
Бизларни боз аҳмоқ этарди шўро.
Улуғ боболардан «ирганар» эдик,
Ўзгалар тарихин ўрганар эдик.

*Навоийлар қолиб, Бобурлар қолиб,
Юрадик бемаъни шеърлар ёд олиб.
«Куч – адолатда!» деб бонг урган бобо,
Шўронинг наздида қонхўр тўқсабо.
Хор замон – Эътиқод, Имондан жудо,
Такрор бошимизга солмагай Худо.
Оллоҳнинг зикридан иироқ эдик хор,
Ё Раб, борлигин ҳам этардик инкор.
Қатағон қилинган ҳайит, рўзалар,
Куръону оятсиз мотам, азалар.
У кунлар даҳшати лол этади, лол,
Лол неки, ҳаттоси айлар хастахол.
Ўзи кечиргай боз бизларни, бай-бай,
Кимларни дағн этдик жаноза айтмай.
Эркдан жудо улус бамисли пода,
То ҳануз соддамиз, то ҳануз содда.
То ҳануз шўрони қумсайди кимлар,
«Аъло замон эди» дея боз имлар.
Наҳотки қулликни яхши деб бўлса,
Инсон ҳур туғилиб, кишанбанд ўлса?!
Наҳотки боз кимга эгиб бошимиз,
Яна берармизми тайёр ошимиз.
Ўзбекнинг беклиги унда не бўлар,
Наҳотки ҳуррият гуллари сўлар?!
Йўқ, йўқ ҳавотирга асло ўрин йўқ,
Бошимизда Сиз бор! Мудом қўнгил тўқ!*

Тарихнинг бурилиш паллаларида, бутун бошли бир мамлакат ва миллат тақдирни ҳал бўладиган қалтис лаҳ-заларда йўлбошчидан нечоғлик улкан жасорат ва ирода талаб қилинишини шоир чуқур ҳис этади, ўша ҳаяжон-ли кунларни тағин бир бор ёдга олади:

*Түкson биринчи йил! Ёдимда ҳамон,
«Ватан мустақил!» деб қилдингиз эълон!
Ўшал он Оллоҳга шукронга айта,
Юрт бирлан ки мен-да туғилдим қайта!*

Умуман, шоир зоти кўпинча ҳар бир қулай имко-
ниятдан самарали фойдаланишни қўзлайди, ўз қал-
би тубидаги дардларни, армонларини ва ифтихорла-
рини қофозга туширишга уринади. Абдуҳамид Парда
ҳам «Раҳбарнома» деб аталган ушбу достон-бағишлиов
(муаллиф унинг жанрини шундай белгилаган) баҳона-
сида, халқона тил билан айтганда бир қур «кўнглини
бўшатиб олган». Ва ўзи таъкидлаганидек, қулай фур-
сат келган бўлса-да, мамлакат раҳбаридан ҳеч нарса
сўрамаган. Шоирлик шу-да, чўнтак қуруқ, кўнгил эса
подшо...

Ушбу жилдан ўрин олган номаю бағишливлар ичи-
да энг яхшиларидан бири, шубҳасиз, Шавкат Раҳмонга
бағишланган битиклардир. Муаллиф улуғ шоирнинг
шоҳ сатрларидан кўплаб иқтибослар келтирган, уларни
имкон қадар шарҳлаган ва муносабат билдирган.

Йиллар, асрлар ўтиши билан давр ва замоннинг таш-
қи кўриниши, сурати ўзгаради, аммо, моҳияттан у ўша
эски позициясида қолаверади. Сийрат ўзгариши жуда
мураккаб жараён, бунда моҳият ўзгаради, қарашлар,
нуқтаи назарлар, умуман, тафаккур ўзгариши керак.
Шавкат аканинг жанговар шеъриятида ана шу оғриқ-
ли жараён кўп бор тилга олинган ва Абдуҳамид Парда
ҳам буни илғай олган. Юз эллик йил олдин асорат доми-
га тушган миллат нечун бирлашмади, нега ёвга қарши
қўзғалмади, ўз эркини олиш учун қурол тутиб жангга
кирмади? Жон озодлиқдан ҳам ширинмиди? Халқни
бунчалар муте қилган ким ўзи? Босқинчими ё юраклар
тубидаги қўрқувми? Андишами ё сабр-тоқатми? Бу ва-

хима вирусининг манбаи қаерда? Файридинлар қарор топдирган муҳитдами ёки халқнинг ўз сийратидаги исломдами?

Шавкат ака умри охиридаги шеърларда ана шу саволларга жавоб излаган ва Абдуҳамид Парда, қалби тубида минг афсус ва надомат билан, буюк шоирнинг кўнглию руҳида пўртана қўтарган норозиликларга қўшилишга мажбур бўлади: «Ҳамма бало ўзимизда...»

*«Бу қуллик белгиси
Ёки қўрликми,
Ё банди бўлдикми ҳирс, таъмаларга,
Ўзага тутдикми жавҳар ўзликни,
Қўрқдикми одамхўр маҳкамалардан?!»*

Шавкат Раҳмоннинг бу оғриқ тўла мисралари Абдуҳамид Парда қалбида ҳам ғалаён қўтаради, у ўзини оқ ювиб-оқ тараган она халқига аччик, зардали гаплар айтишга мажбур бўлади. Худди бир пайтлар устоз Абдулла Ориф «Қачон халқ бўласан, эй сен, оломон?!» дея ҳайқиргани сингари...

*Кўкрагида душман санчган дудама
Сен ҳам юрагига, бас, тиғ қадама!
Шоир ҳайқирса ҳам «Қалққин, дея, қалқ!»
Токай жум турап бу қўймижозли халқ?!*

Нақадар оғир, жавоби деярли йўқ саволлар булар... Муаллиф ҳар бир мисрада ўзини Шавкат Раҳмонга ҳамфигр, ҳамқадам ва елқадош сезади, унга қўшилиб ҳайқиргиси келади. Афсус, у ўша пайтларда, Шавкат ака тўш очиб майдонга чиққан вақтларда тийнатидаги қўркувдан қутула олмаганди. Нафақат у, балки аксарият қалам аҳли ҳам. Фақат Шавкат Раҳмон, Рауф Парфи, Усмон

Азим, Матназар Абдулжаким каби бармоқ билан санар-лик шоирлар ўзларида журъат топа олишди. Ҳар қайси ҳар хил услубда, турли пардаларда гапиришни уддалашди. Шўро салтанати қулагач ҳам зулм бутунлай битмаганини, ҳали-ҳануз халқ қонига ташна жаллодлар пана-панада тиф қайраб туришганини, агар халқ бирлашмаса, чинакам туркий миллат бўла олмаса, истибод яна қай-тиб келишини ҳис этиш ва бу хавфдан огоҳлантириш баҳти эса фақат Шавкат Раҳмонга насиб этди. Аксарият кўпчилик шоирлар истиқлолни мадҳ этиш, етакчиларни алқаш билан овора бўлганида Фақат Шавкат Раҳмон зулмнинг битмаслигини, миллатнинг сийратидаги ёв-қурлик қалқиб чиқмаса тағин қора кунлар бошланиши-ни дадил айта олди. Гоҳ шоҳларнинг ўzlари, гоҳ унинг кўзини бўяйдиган атрофидаги мулозимлар шоирларни, эрк жарчиларини турмаларга тиқишаётгани, тур-ли, силлиқ ва маданий усуллар билан, «сопини ўзидан чиқариб» қатағон қилишаётганлигини Шавкат ака дил тубида улкан оғриқ билан ҳис этганди. Тилак Жўра, Чори Аваз, Равшан Файз, Аъзам Ўқтам, Шавкат Раҳмон... Номлари тилга олинмаган бевакт кетган шоирлар қан-ча! Нега улар нуронийлик ёшига етиб, меҳнатларининг меваларини кўриб, Ҳаёт ва Адабиёт олдидаги хизматла-ри учун муносиб тақдирланиб, сўнг бу ёруғ оламни тарк этишмади?!

Ушбу боб ҳақидаги мулоҳазаларимизни якунлаш-дан аввал Абдуҳамид Парда «Танланган асарлар»ининг иккинчи жилдига киритилган «Айюб пайғамбар қис-саси» тўғрисида ҳам бир-икки оғиз сўз айтса бўлади. Билишимча, Абдуҳамид Пардаев ушбу қиссани Инжили шарифдан олиб, ўзбек тилига ўгирган. Таржиманинг бошида эса Куръони каримдаги «Анбиё» сурасининг 83-84-оятлари иқтибос қилиб келтирилган. Эътиборга молик жиҳати шуки, Абдуҳамид Пардаев қиссадаги ки-

риш сўзларни насрда, диалогларни эса назмий таржима қилган. Дин тарихидан маълумки, ҳазрати Айюб сабру тоқат ва шукроналик бобида бутун инсониятга ўрнак бўлса арзийдиган пайғамбарлардан. Таржимон қаҳрамонлар нутқларини жонли сўзлашув тилига ниҳоятда яқинлаштира олган, ўқувчида қийинчилик туғилмаслиги учун аксар оддий ва қўйма жумлаларни танлай билган. Қиссанинг 5-бобидаги қуйидаги сўзларни худди буғунги кун одами, айнан ўзбек сўзлаётгандек таассурот қолади китобхонда:

*Ким ҳам қулоқ тутар солсанг ҳамки дод
Қайси авлиёдан сўрайсан имдод?*

*Нодон бошин ейди нафратин ели
Баджаҳл кимсани жаҳлдор феъли.*

*Нодон то яна зўр берар муштига
Лаънатлар ёғдирдим етти пуштига.*

*Бахтсиз болалари бошида бало
Таънаю дошномга мудом мубтало.*

Тарқоқ фикрларни қисқа ва қўйма жумлаларга жамлай олиш, тағин уларни қофияга солиш ва ана шу жараёнда умумий мазмунни бузмай сақлаб қолиш фақат иқтидорли шоир ва маҳоратли таржимонгина эплай оладиган мураккаб вазифадир. Ўзингиз гувоҳ бўлдингизки, Абдуҳамид Пардаев бу ишни қойилмақом қилиб уддалаган. Шоир «Сайланма»сига кирган асарларни бир бор мутолаа қилган киши бунга амин бўлади.

«ГИЛАМНИНГ ОРҚА ТОМОНИ»ДАГИ ГУЛЛАР

Машхур қозоқ адиби Мухтор Аvezovning «Абай йўли» асаридаги бир жумлани тез-тез эслайман. Қозоқ овулларида Пушкин асарлари ўқилаётганда рус шоирининг исмини эслаб қололмаган қардошлари Абайдан анигини сўрашади (Янглишмасам, «Евгений Онегин» ҳақида сўз боради). Шунда Абай буюк шоир исмини гоҳ Пошкин, баъзан Пешкин шаклида талаффуз этаётган қавмдошларига қаратади:

– Қиз қалбига тил берган киши – Пушкин! – дейди.

«Қалбга тил бермоқ» ибораси менга жуда маъқул тушганди, беихтиёр Усмон Носирнинг «Юрак» шеърида ги «Тилим чарчаб қолар гоҳи сени таржима қилмоқдан» сатри ёдимга келади. Хуллас, ҳақиқий шоир, чинакам ёзувчи ўз асарлари қаҳрамонларининг тилларини эмас, айнан дилларини сўзлата олиши керак. Шу ўринда таржимон меҳнати ҳам назардан қочмаслиги лозим.

Абдуҳамид Пардаевнинг «Танланган асарлар»идаги учинчи жилдга унинг Шарқ шеъриятидан, тоҷик, қозоқ, озарбайжон, грузин, арман, рус, Англия, Перу, грек шеъриятларидан қилган таржималари киритилган. Шунингдек, жилдан Жуброн Халил Жуброн, Игорь Гарин, Лев Толстой, Фёдор Достоевский, Фридрих Ницше, Иосиф Бродский билан суҳбат, Александр Генис ва Виктор Голишевларнинг турли эссе, мақола ҳамда ёзишмалари ҳам ўрин олган.

Дадил айтиш мумкинки, таржимон буларнинг барини маҳорат билан ўзбек тилига ўгирган. Эътиборлиси – жилд туркий шеъриятимиз қуёши бўлмиш буюк ҳаз-

рат Наврийнинг форс тилида Фоний тахаллуси билан ижод қилган рубоийлари, қитъалари ва «Соқийнома» достони билан очилади. Буюк бобокалонимизнинг форсийда битилган рубоийлари таржимон меҳнати боис ўзбек ўқувчиларига содда ва равон тилда етиб боради. Бироқ юқорида кўп бор таъкидлаганимиз каби, Абдуҳамид Пардаев айрим ҳолларда фақат ўзи ва адабиёт мутахассисларигина тушунадиган сўзларни ҳам ишлатадики, оддий китобхон бу ерда андак қийинчиликка дуч келади:

*To дилимда бор тобу тавон,
To танимда бор руҳи равон.
Дил моили ҳусни дилистон,
Жон волаи ошуби жаҳон.*

Ушбу ўринда «тобу тавон», «ошуб» каби сўзларга шарҳ бериб кетилса, ўқувчига енгиллик яратилган бўларди. Бир фикрни эътибордан қочирмаслик зарурга ўхшайди: мумтоз адабиёт ихлосмандларию бу соҳа мутахассислари Навоий сингари улуғларга қанчалик яқинлашиб бораётган бўлишса, бугунги замон ёшлари, таасуфки, улардан шунча йироқлашиб боришаپти. Бугунги ёшлар «ошуб»дан кўра «файл, лайк, личка, фейсбуқ, андроид» каби сўзларни яхшироқ тушунадилар. Начора, даврнинг йўриғи шу экан-да...

*Лабларинг шароби маст қилар, эй ёр,
Сарбаланд бўй-бастинг паст қилар, эй ёр.
Хаёлинг ҳамроҳ-ҳамдаст қилар, эй ёр,
Йўқса, дарди ҳажринг қасд қилар, эй ёр!*

Ўзбек тилининг кенг имкониятларидан унумли фойдалана олган мутаржим ҳазрат Навоий тилини жон-

ли халқ тилига анча яқынлаштириш билан бир вақтда «хамроҳ-ҳамдаст» каби форсийга хос сўз ва ибораларни ҳам ўз ўрнида қўллай олган. Зеро, бундай сўзлар асрлар бўйи жонли тилимизга сингиб, ўзимизники бўлиб қолган.

Тонг ели келтирап гар бўйинг, эй ёр,
Боғ ичра жилвагар гар кўйинг, эй ёр.
Ҳар гул ёдга солар гар рўйинг, эй ёр,
Ва лекин ноаён феъл-хўйинг, эй ёр.

* * *

Тун бўйи то саҳар зорман-интизор,
Яккаман-ёлғизман, ҳастадил бемор.
Ҳажринг ичра омон қолмоғум душвор,
«Ёрингман!» деганинг қайда қолди, ёр?!

* * *

Жонбахш лабларингга минг жоним фидо,
Атрингга, ёр, руҳи равоним фидо.
Нозингга ошкору ниҳоним фидо,
Хоки пойингга бор жаҳоним фидо!

* * *

Мафтун-маҳлиёман то сенга, жонон,
Кўзим ёши дарё, жигар-бағрим қон.
Во дариғ, афтода холимга ҳар он,
Ҳатто қуш-балиқлар йиғлагай гирён.

* * *

Ҳажрингда қисматим изтироб бу тун,
Жонимни олгудай зўр шитоб бу тун.
Ҳажринг бағрим ўртар бир итоб бу тун,
Ҳолимга раҳм қил, моҳитоб бу тун!

* * *

Ҳиммат қаҳат худбин кабир-киборда,
Ҳиммат бисёр мазлум – беэътиборда.
Ҳиммат нетар зоҳид сур риёкорда,
Ҳиммат ҳар жўмарду ҳам ишқи борда

* * *

Танг қилар аҳволим хипчабел ниҳол,
Қаро зулфинг айлар хастадил, беҳол.
Қоматинг қасд қилар умримга алҳол,
Лабларинг болидан жонда йўқ ҳеч ҳол.

Китобхонни қуруқ гап билан зериктирмаслик учун Навоий бобомиз қаламига мансуб рубоийлардан айримларини келтирдик. Назаримизда, улуғ Навоийнинг форсийда ҳам юксак маҳорат билан битган рубоийлари унинг даҳосини ўқувчи кўзи ўнгида тағин бир бор намоён этди. Алишер Навоий – инсоният яратган барча фалсафий қарашларни ўзлаштирган, аммо комил мусулмон сифатида ўзи эътиқод қилган ислом арконларидан чекинмаган, қайтанга, тасаввуфнинг чуқур илдизларидан сув ичган ўз дурдона асарларида умуминсоний масалаларни олд планга чиқара олган беназир зот эди. Мутаржим ҳазрат қаламига мансуб форсий рубоийларни ўзбек тилига ўгирап экан, Навоийнинг жавонмардлик, ҳиммат, саховат, мурувват ва футувват борасидаги шеърга солинган фикрларини аслиятга яқинлаштира олганлиги таҳсинга лойиқ.

Ўттиз икки боблик «Соқийнома» достони ҳам Абдуҳамид Парда меҳнати туфайли ўзбек тилида янгради. Таржимон Алишер Навоий услугини сақлаган ҳолда, равон ва сероҳанг йўлни топа олганлиги кўриниб турибди. «Шоҳи Абулғозий» дея улуғланган подшоҳ Ҳусайн Бой-қаро шаънига битилган байтлар икки улуғ шахс, икки

қиёматлик дўст орасидаги юксак ҳурмат ҳамда инсоний меҳр-муҳаббатнинг мадҳиясидай туюлади:

*Шаҳаншоҳлар шоҳи сарафрозини
Дарвешларнинг шоҳи Абулғозини,*

*Майхона аҳлининг гадойи бошлиқ
Яъни бу ошуфта Навоий бошлиқ,*

*Барчамиз астайдил наво қиласайлик
Барчамиз чин дилдан дуо қиласайлик.*

*Токи айланар бу фалак беором
Токи қўлма-қўлдир шароб тўла жом,*

*Умри шоҳлик билан боқий ҳам бўлсин
Ўзга шоҳлар унга соқий ҳам бўлсин.*

*Ёр бўлсин сарбаланд ҳуршид мақоми
Кўлидан тушмасин Жамшиднинг жоми,*

*Токи замин узра гуллагай ҳаёт
Давру даврон суриб, куйлагай баёт.*

Ҳазрат Навоий умрнинг ўткинчилиги, тожу тахту мол-дунёнинг бевафолиги борасидаги шоҳ сатрлари орқали нафақат замондошларига, балки бугунги авлодларга ҳам сабоқ беради:

*Фикр қилгин, шоҳлар забт этди жаҳон
Ҳеч бири йўқ, қаро ер ичра ниҳон.*

*Қаюмарс қайдаю ҳам Ҳушанг қани
Иккисида тожу ҳам авранг қани?*

*Қани Жамшид билан Фаридун охир
Бирин қолдирдими даҳридан охир!*

*Не Каёни бору ва не Сосоний
Не Искандар бору ва не Ашконий.*

*Қолмади Рустаму султон Сом яна,
Язди Журд ўттию хон Баҳром яна.*

*Қани, айтинг, хонлар хони Чингизхон
Ўқдои қани, эвоҳ, забардаст ҳоқон.*

*Қани Темур – шоҳи исломпаноҳу,
Жаҳон олган, тортиб хайли сипоҳу.*

Яссавий бобомиз айтганлариdek, «Дунё маним!» деганларнинг бари тупроқ ичра ётибдилар. Ҳазрат Навоий юқоридаги мисралари орқали барча даврлардаги инсонларни фақат яхшиликка, савобли амалларга даъват этади ва бу ноёб ўгитлар таржимоннинг маҳорати туфайли бугунги авлодга ҳам осонгина етиб боради.

Алишер Навоий ушбу асарида ўзидан олдин ўтган ва ўзи билан замондош бўлган кўплаб таниқли шахслар ҳақида ҳам маълумот беради, уларнинг ижоди, ҳаётий аъмоллари, сурату сийратлари борасидаги ўз фикрларини баён этади. Асар ана шу жиҳатлари билан ҳам янада қимматлидир. Бу асарни ўзбек ўқувчилариiga тақдим этган мутаржимдан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзиди.

Абдуҳамид Парданинг машхур тожик шоири Лойиқ Шерали ижодидан қилган таржималари ҳам диққатга сазовор. Муаллиф унинг аксар таржималари ва айрим ашё ҳамда нарсаларга аталган «Битиклар»ини ўзбекчага ўтирган. Умуман, А.Пардаев тожик шеъриятидан қилин деярли барча таржималари тўртликлардан иборат.

Маълумки, Лойиқ Шерали XX аср тожик шеърияти-нинг йирик вакилларидан бири, у адабиёт тарихида ўзига хос из қолдирган ижодкор. Шеъриятнинг турли жанрларида ижод қилган шоир асосан лирик ҳамда ижтимоий жиҳатдан андак исёнкор шеърлари билан машҳур. Барча Шарқ шоирларида бўлгани сингари, Лойиқ ижодида ҳам мағзи тўйқ фалсафа барқ уриб туради, уни ўқиган китобхон тасаввуф таъсирини дарҳол ҳис этади. Шеърлар бағридаги Ишққа талпиниш, ўзликни ва Ҳақни танишга интилиш туйғулари таржимон маҳорати боис яққол кўзга ташланади.

*Дуч келган ҳар тоғда зар кони бўлмас,
Хар уммон туби дур макони бўлмас.
Янги ёрдан кўнглинг қолса, айрилган
Чин дилдоринг топиш имкони бўлмас.*

* * *

*Қабул айла меҳрим пайваста сўзим,
Асло узолмасман йўлингдан кўзим.
Мусоғирман олис сафарга чиққан,
Ой жамолинг, эй ёр, йўлчи юлдузим.*

* * *

*Бир замон қалбимда минг орзу-ҳавас,
Олис юлдузларга ҳамроҳ, ҳамнафас.
Бу айём юрагим ўртанса, не ғам,
Ойдек жамолинг, ёр, қўриб турсам бас!*

Шу ўринда ўқувчининг хаёлига устоз Абдулла Ориповнинг «Ғазаллар тўқирдим сенга бир замон, Қўшиқлар айтардим тунлар бошингда...» деган сатрлари келган бўлса ажаб эмас.

*Кибру ҳавога сотилдила,
Ўзларини азиз билдила.
«Худо ўйқ!» деб айтганлар ўзин
«Тангри!» дея эълон қилдила.*

Юқоридаги тўртлик эса эътиқодсизлар жамияти –
Шўро давлатининг маккор қиёфасини очиб берган.

*Ишқим ила баҳор лаҳза-дақойиқ,
Садоқатимга ҳам гувоҳ халойиқ,
Кўнглим тўқ, бош олиб кетсан, дегайлар:
Яшаган заминда мардона Лойиқ,*

* * *

*Ким ғофил, қай зотлар ҳушёр то ҳамон,
Золиму фидокор бисёр то ҳамон.
Шоҳларни тож-тахтдан айирдик, бироқ
Фақирлар қатору қатор то ҳамон.*

Қуйидаги тўртликлар ҳам таржимон маҳорати ту-
файли худди ўзбек тилида ёзилгандек жаранглайди.
Улардан Ҳайём нафаси келиб турганлигини дарҳол се-
засиз.

*Табибим ўйқ ўзимдан ўзга,
Ҳабибим ўйқ ўзимдан ўзга.
То бой бердим аксар ҳаётим,
Рақибим ўйқ ўзимдан ўзга.*

* * *

*Ишқ дарди қўзимиз ҳар он нам қилар,
Ризқу насибамиз дарду ғам қилар.
Адл қоматимиз шафқат қилмай ҳеч
Минг маломат билан долу ҳам қилар.*

Таниқли тожик шоирининг «Битиклар»идан қилингандар жамиа унчалик катта эмас, келинг, яхшиси уларнинг барини ҳукмингизга ҳавола этайлик, хуносани ўзингиз чиқаринг. Асосийси – муаллифнинг фалсафий фикрлари ва таржимоннинг уни моҳирона ўгира олганлиги.

БИТИКЛАР

Минбарга

Гоҳ қулинг, майлига гоҳида бўзланг,
Цицерондан баланд мартаба қўзланг.
Пеш қилмай дуч келган донишманд фикрин
Ўз бисотингиздан бир ҳикмат сўзланг.

Хайём китобига

Барча ошиқ, vale Мажнун-Лайло йўқ,
Барча доно, бироқ ибн Сино йўқ.
Барча маст бу дунё майхонасида
Ва лекин сен каби бир ринд сиймо йўқ.

Қадаҳга

Бу жаҳон саҳнида умри боқий йўқ,
Ҳаёт жомин тақрор тутар соқий йўқ.

Асога

Ўтқазган нуҳолинг расо бу айём,
Бир шохи дастингда асо бу айём.

Самарқанд нонига

Ҳар қанча хоҳласанг, совға учун ол,
Ҳар қанча хоҳласанг, совға қилиб қол.
Ягона донасин таҳмонга қўйиб
Күёшга боққандек ҳар қун назар сол.

Ногорага

«Ногора!» деб отар ким таъна тошин,
Додлагай мендай минг зарб ёрса бошин.

Абдуҳамид Парданинг тожик шеъриятидан қилган таржималари орасида Абдулла Субҳон, Паймон ва Жаъфар Муҳаммад қаламига мансуб тўртликлар ҳам бор.

Абдулло Субҳон:

*Бисёр шоху султон, қаландар-гадо,
Бисёр шоду хандон, қайгули садо.
Шукр қил тақдирга, ҳар бир ҳолатда
Мавжудсан – қўрарсан не қилса ато.*

* * *

*Жабру ситам иши золим кишини,
Адолат ҳисоблар ҳар қилмишини.
Пушаймон эмас ҳеч чарх аъмолидан
Жарроҳ яроғи деб билар нишини.*

Биринчи тўртлиқда аҳли муслим учун хос бўлган тақдирга, қазойи қадарга кўниш, тан бериш уқтирилган бўлса, иккинчисида аксар замонларда ҳам золимлар ўз қилмишларини адолат номидан амалга оширишлари таъкидланган. Фақат иккинчи тўртликнинг дастлабки сатрида (-нг) тушиб қолганини эътиборга олмасак... Бу ҳақда китобнинг аввалги бобларида фикр айтгандик, тағин бир бор таъкидласак арзиди: азбаройи қофия учун мазмун қурбон қилинган ана шундай битиклар ёш авлодни саводсиз қиласди. Ўша қўшимчани қўшганда ҳам тўртликнинг бирон жойи камайиб ёки қўпайиб қолмасди, аммо барчаси тил қоидаларига мувофиқ бўларди. Бугун, телевидение, интернет ва ташқи реклама ўзбек адабий тилини ғорат қилаётган бир замонда, ҳеч бўлмаса шоиру ёзувчилар тилнинг соғлигига эътибор берсалар яхши бўларди.

Паймон:

*Фиқру хаёлимиз қилмас ҳеч фалак
Орзу-истагимиз билмас ҳеч фалак,
Токи юксалмасак то фалак қадар
Бизни назарига илмас ҳеч фалак.*

Тўртликдаги фалсафа барчага тушунарли бўлса керак. «Бироннинг сен билан иши йўқ, ҳар ким ўз тирикчилиги билан овора. Бу дунё шундайки, номинг чиқмаса, зўрлигингни билдириб қўймасанг, бирор сени икки пулга олмайди» деяпти шоир. Хайёмдан қолган кўхна гап, шундай эмасми? Абдуҳамид Парда бу тўртликни аслиятига жуда яқин қилиб ўғирган.

Жаъфар Муҳаммад:

*Сени ҳар чамандан ахтардик, эй дўст
Чаман не, Ватандан ахтардик, эй дўст
Тополмай шоҳ-гадо орасидан ҳам
Сени жону тандан ахтардик, эй дўст.*

Улуғ бобокалонимизнинг «Кўнглимдин ўзга ёри ва-фодор топмадим» деган шоҳ сатрлари эсингизга тушган бўлса ажаб эмас. Дарҳақиқат, одамзоднинг энг яқин дўсти ҳам, энг ёвуз душмани ҳам унинг кўнглидир. Шоир бу халқона ва содда фалсафани қуйма сатрлар шаклида қоғозга тушиrolган бўлса, мутаржим ҳам унга мос тарзда маҳорат билан ўгира олган.

Қозоқ адабиёти вакили Турмағамбет Изтилеули битиклари худди халқ мақоллари, айтимларига ўхшаб кетгани боис таржимон уни яйраб таржима қилганлиги кўриниб турибди.:

*Тўн кийган тўйнгмайди
Лаънат олган ўнгмайди.*

Буюк озарбайжон шоири Мула Паноҳ Вақиб, таниқли грузин шоири Николоз Бараташвили, мумтоз арман шоирларидан Наапет Кўчак шеърларидан қилинган таржиалар намуналари ҳам ушбу жилдан ўрин олган. Рус адабиётининг йирик вакиллари А.С.Пушкин ва М.Ю.Лермонтов шеърларини мутаржим меҳр билан ўтиргани шундоққина қўриниб турибди. Чунки, ҳар иккала шоир руҳи ҳам таржимон руҳига яқин, ёши олтмишдан ўтган таржимон дунёнинг пасту баландини тушуниб, унинг ҳаёт ва дунё ҳақидаги фалсафаси шакланиб ултурган. Шу билан бирга, ёшларга хос эҳтирос ва кўтаринкилик ҳам унга бегона эмас. Пушкиннинг 1836 йилда ёзилган «Пайғамбар» шеърининг таржимаси бу фикримизни тасдиқлаб турибди:

*...Бебаҳо бир дуо азиз мен учун
Моҳи Рамазонда қўрсатар қучин,
Ё Раббим! Шаънингга шукронга айта
Уни тақрорлайман қайта ва қайта.*

Ушбу сатрларнинг муаллифини ва унинг таржима эканлигини билмаган ўқувчи, шубҳасиз, ўзбек шоири битган дея ўйлади. Таржима қилинаётган асарни халқ тили ва руҳига яқинлаштира олиш ана шундай гўзал смаралар беради.

Фёдор Тютчев, Александр Блок шеърларидан қилинган таржималарда ҳам рус шеъриятига хос бўлган қадим анъаналар сақланиб қолинган ва шу билан бирга мутаржим уларни имкон қадар ўқувчи савиясига, дидига яқинлаштирган. Йигирманчи аср биринчи ярмида рус шеъриятида Блокнинг алоҳида ўрни борлигини адабиёт аҳли яхши билади. Қайноқ ҳислар пўртанасига омухта халқона донишмандлик унинг шеърларидан уфуриб туради. Ва шунинг учун ҳам у ҳали-ҳануз севиб ўқилади. Ўт-

ган аср бошларида Россияда рўй берган талотўплар Блок ижодига ҳам ўз таъсирини кўрсатган, албатта. Бироқ у чинакам шоирона руҳни сақлаб қола олган камдан-кам ижодкорлар сирасига киради. Таржимон унинг ижодидаги ана шу нозик қирраларни илғай олган ва унинг энг сара битикларини танлаб, ўзбек тилига ўгирган:

*Уфқларда булут қоп-қора
Пора-пора жигар-бағрим хун,
Парвозимиз юксак тобора
Қаҳри қаттиқ қисматга тутқин.*

*Ҳамон эллар қасдлашар шитоб
Қайта-қайта шайланар жангга,
Бир томонда балқса гар офтоб
Бир томонни қоплар аланга.*

*Қўлдан-қўлга ўтар тожу таҳт
Ўзга тамал, тартиб кун сайин,
Бағри бутун йўқ бирон некбахт
Қоидалар ҳокум бетайин.*

*Бошимизда не савдолар бор
Қисмат қилич қайрайди қаттол,
Гўё тинмай эрта-кеч тақрор
Қабр қазар бизга қай баттол.*

Тарихни яхши билган, йигирманчи аср бошларидаги Русиянинг ахволини тасаввур қила олган киши Блокнинг ушбу шеърида ўша давр манзараси нечоғлик аниқ ва ёрқин чизиб берилганини тасдиқлаши мумкин. Ўрта Осиё ва Кавказортини ҳам ўз тасарруфида тутиб турган улкан, сарҳадсиз империя чок-чокидан сўкилган, одамлар кимга ишонишни, кимга суюнишни билмай довдирраб кун кўраётган, бир қавмдан бўлган гурухлар бетўхтов бир-бирининг қонини тўкаётган, тожу таҳт тинмай

қўлдан-қўлга ўтаётган, халқ ва хукумат устида гўё таж-риба ўтказилаётган, бетайин қоидалар ҳоким бўлган за-мон тасвири бу!

Владимир Хлебников, Осип Мендельштам, Марина Цветаева, Сергеё Есенин, Иосиф Бродский, Вадим Муратханов қаламига мансуб шеърлар таржимаси ҳам мақтовга лойик. Мутаржим, айниқса, Сергей Есенин ижодига алоҳида эътибор қаратган. Эркинликни, мутлоқ озодликни ва қайнот мұхаббатни куйлаган Есенин битикларига алоҳида меҳр билан ёндашганлиги кўри-ниб турибди. Қисмати фожеали кечган, жуда ёш кетган бу «эрка шоир» ижоди кўпчилик қатори, Абдуҳамид Пардага ҳам сезиларли таъсир кўрсатганлигини инкор этиб бўлмайди.

Холис айтадиган бўлсақ, нафақат шеърий, балки наст-рий таржималарида (сұхбатлар, эсселар) ҳам мутаржим ўз маҳоратини намоён эта олган. Айниқса, Иосиф Бродс-кий билан Мириам Гросс сұхбати (1981 йил, 25 октябрь, «Observer» газетаси) ҳамда И.Бродскийнинг Чеслав Ми-лош билан сұхбатидан китобхон ҳаёт, адабиёт, жамият, сиёсий тузумлар, инсон қадри, тарих эврилишлари бо-расида кўп нарса ўрганиши мумкин. Шу жаҳатлари би-лан ҳам ушбу таржималар эътиборга моликдир.

Русларда «Таржима – гиламнинг орқа томонидир» де-ган ибора бор. Яъни, гиламнинг орқа томонига қарасан-гиз, унинг юзидағи гуллар анча хира кўринади. Таржима қилинган асарда ҳам аслиятдаги барча нарсани бериш қийин, лекин, яхши таржимон «гуллар»ни имкон қадар сақлаб қолишга уринади ва бунга эришади. Абдуҳамид Парда таржималарини ўқир экансиз, унинг бу машақ-қатли жараёнга нечоғлик жиддий, масъулият билан ён-дашганлигини сезасиз, гиламнинг асл гўзаллигини бор бўйича кўрсатишга ҳаракат қилганлигига ишонч ҳосил этасиз.

МАҚБУЛ МАҚОЛАЛАР, ШАРХУ ҲАВОЛАЛАР

Биз ушбу китобни битиш жараёнида Абдуҳамид Парданинг «Танланган асарлар»ини жилдлар рақамига қараб, бир чеккадан батафсил таҳлил этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганимиз йўқ. Руҳимиз, кўнглимизга шеърият кўпроқ яқин бўлгани боис даставвал шоирнинг шеърий бисоти ҳақида сўз юритдик. Мана, ниҳоят, унинг публицистикасига ҳам навбат етиб келди. Ушбу жилд «Устозлар», «Замондошлар» ва «Ёшлар ижоди» деган уч бўлимни ўзида мужассам этган.

Биринчи бўлимда Абдуҳамид Парда «Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир» дея, гапни Фитрат домла ваFaфур Fуломдан бошлаган. Академик шоир ижодига Чўлпон, Қодирийлар қатори Фитрат кўрсатган таъсир борасида фикр юритилган мақолада муаллиф Faфур Fуломнинг ҳазил-мутойибага анчайин мойиллиги, ҳозиржавоблиги, саргузаштталаблиги унинг Фитрат билан бирмунча яқинлашувига сабаб бўлганини таъкидлайди. Ҳатто Фитрат асаридағи ҳинд сайёҳи образи «Шум бола»-га ҳам ўз таъсирини ўтказганига урғу беради. Ва бу каби фикрларини имкон қадар фактлар, турли мақолалардан олинган кўчирмалар билан исботлайди. Бизнингча, бу гаплар – аниқ ва муқаррар рўй бериши керак бўлган ижтимоий ҳодисани шунчаки қайд этиш, холос. Чунки ҳар қандай ижодкор ўзидан олдин яшаган салафлари ижодидан таъсирланиши аниқ. Жадидлар эса, Faфур Fуломнинг кўз ўнгида қатл этилган улуғ маърифатпарвар, ватанпарварлар эдилар. Шоир уларнинг аксариятини ўз кўзи билан кўрган, суҳбатларида бўлган, ижодларини

кузатиб борган. Бундай мұхитда таъсиранасликнинг иложи йўқ. Қолаверса, бошқа айрим замондошларидан фарқли ўлароқ, Faфур Гулом Шарқ адабиётини, араб ва форс тилларини чуқур билган, керак пайтда ҳатто бу соҳа мутахассисларига ҳам маслаҳат бера оладиган даражада билимдон бўлган. Айни фазилатлар Фитрат домлада ҳам мавжуд эди. Бир пайтлар урф бўлган илмий атамани қўллайдиган бўлсак, Фитрат энциклопедист, яъни қомусий билимлар эгаси эди. Бунинг устига, меҳмондўстлик фазилати ҳам Faфур Гуломники сингари эди, демак, орадаги яқинликка шубҳа бўлиши мумкин эмас.

«Ўзбек Гамлети» мақоласи жаннатмакон устозимиз Шукур Холмирзаевга бағишлиланган. Гарчи муаллиф бу мақолада илмий жамоатчилик учун бирон янги гап айтмолмаган бўлса-да, оддий китобхон учун анча қизиқарли чиққанлигини инкор этиб бўлмайди. Кўплаб таникли олим уламоларнинг Шукур ака ҳақидаги хотираларидан иқтибослар келтирилган, уларнинг аксарияти эса «Шукур Холмирзаев замондошлари хотирасида» тўпламидан олинган.

Халқда «Ўлди – азиз бўлди, шиши – семиз бўлди» деган гап бор. Алам қиласидигани шуки, тўпламда фикрлари берилган, Шукур акамни салкам авлиёга чиқарган улуғларимизнинг аксарияти у киши тирик пайтида ломмим дейишмаган. Шундоқ ёнгиналарида тирик классик ёзувчи яшаётгани, яшаганда ҳам бир хонали, димиқдан, нимқоронғи ва ғариб қулбада яшаётгани, ҳамма ёқни компьютер босиб кетган бир замонда у ҳалиям ўша эски ёзув машинкасини чиқиллатиб ўтиргани борасида бирор оғиз очмади. Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев нақ ўн етти йил биронта ҳам китобини чоп эттиrolмагани билан ҳеч кимнинг иши бўлмади! Ҳолбуки, арбоб қаламкашларнинг, ҳатто Шукур акам билан бир дарёдан сув ичган ижодкорларнинг ҳам юпқаю қалин китоблари пайдар-пай чиқиб турарди...

Майли, нима бўлганда ҳам Абдуҳамид Парда ўзбек китобхонларининг эътиборини яна бир бор улуғ устозимиз томон қаратибди, шунисига ҳам раҳмат.

«Билим саодати» мақоласида муаллиф сиёсатшунос олим Фазлиддин Равшановнинг «Қутадғу билиг» достонини замонавий ўзбек тилига табдил этгани борасида фикр юритади. Маълумки, Буюк туркий салтанатдан қолган бебаҳо ёдгорлик бўлмиш бу достон 950 йил муқаддам яратилган бўлиб, ўтган йили бу сана ЮНЕСКО қарорига кўра бутун дунёда кенг нишонланди, унинг муаллифи эса 2020 йили таваллудига минг йил тўлган улуғ аллома Юсуф Хос Ҳожибdir.

Абдуҳамид Пардаев ушбу мақолада Ф.Равшанов табдилидаги ютуқ ва камчиликларни ўринли таъкидлаб, мисоллар билан кўрсатиб берган. Мисолларга мурожаат қиласиз:

«Ф.Равшанов томонидан гўзал табдил қилинган байтлар ҳам бор:

*Қаритди қўп bekni, ўзи қаримас
Аритди қўп bekni, ўзи аримас.*

Айрим ўзига хос қофиялар ҳам диққатга сазовор:

*Эл ичра яна бир қатлам – савдогар
Тўхтамас савдодан, бўлса савдо гар.*

Лекин, табдил қилинган достоннинг қатор байтларига аниқлик, равонлик, шоирона зарофат ва латофат этишмайди. Ҳаттоқи «Ўқинчу кўз ёшлар гўрда ободлик» сингари ғализ сатрлар ҳам учрайди.» (Кўчирма тугади).

Абдуҳамид Пардаев классик адабиётнинг билимдонларидан бири сифатида «Қутадғу билиг» достонини ўзи табдил этиб, 2020 йилда «Янги аср авлоди» нашриётида чоп эттирган. Филология фанлари номзоди Ваҳоб Раҳмонов ушбу китобга ёзган сўзбошисида мазкур достонни

«Туркий достонлар бобочинори» деб таърифлаган ва «Қутадғу билиг» бу шарафли номга тұла муносиб. Шу боис ҳам унинг табдилига юзаки ёндашиш асло мумкин эмас. Эҳтимолки, Ф.Равшанов табдилидан күнгли тұлмаган Абдухамид Пардаев бу ишга қўл урган бўлса, ажаб эмас.

Машхур ёзувчи Тоғай Мурод ҳақидаги мақола менга жуда ёқди. Гарчи муаллиф бу ерда бир қатор улуғларимизнинг марҳум ёзувчи ҳақидаги фикрларидан кўчирмаларни кўпроқ келтириб, ўз шахсий мулоҳазаларини камроқ баён этган бўлса ҳам, мақола жуда эсда қоларли чиққан. Аслида Тоғай Мурод асарларини ўқиган китобхон унинг қандай ёзувчию қанақа шахс эканлиги борасида аллақачон бир фикрга келиб қўйган. Русларда «Услуб – ёзувчининг ўзидир» деган гап бор. Тоғай ака бировникига ўхшамаган, ўз бахшиёна услубини яратди, бинобарин, унинг ўзи ҳам қалбию руҳи қўшиқ куйладиган, қаҳрамонлари каби чапани, дангалчи, ўжар, пайти келганда ҳазину маҳзун, сал нарсага қўзлари ёшланадиган, шу билан бирга ҳақ сўз учун жон тикиб талашадиган инсон бўлганлигини мен кўп йиллар олдин пайқаганман. Чунки унинг асарлари айтган бу гапларни. Нокамтарлигим учун узр: мен ўзимда Тоғай Муродга қандайдир ўхшашлик сезаман ва бундан фахрланаман. Сўзимнинг исботи сифатида 2008 йилда «Бухоро» нашриётида чоп этилган «Қишда очилган гул» номли тўпламииздаги бир шеърни келтишни ўринли деб топдим.

АЖИБ ДУНЁ

*Пакана одам борки, ёқтирмайди дарозни
Чумчуқ ёмон қўргандек тождор даканг хўрозни.*

*Найнов беписанд қарар мудом бўйи пастларга
Хушёр эътибор қилмас сархуш, маст-аластларга.*

*Бой камситар қашашоқни, ишнинг қўзин билмас деб
Камбағал бойни қарғар, бизни қўзга илмас деб.*

*Бу ҳаёт китобини ҳар ким ўзича ўқир,
«Барча мендек кўр бўлсин» деб ният қилар сўқир.*

*Қорни тўқнинг қорни оч билан асло иши йўқ,
Қорни оч нон топганда, чайнай деса тиши йўқ,*

*«Юз ёшга кираман» деб ўйлайди соғлом одам,
«Омонатингни ол!» дер, дард жонидан ўтган дам.*

*Ўз ҳолидан бехабар, кимдир яшар армонсиз,
Иштони йиртиқ зотга қулган каби иштонсиз.*

*Ишқилиб, инсон борки, нимадандир норози,
Алалхусус, барчага Аллоҳнинг ўзи қози.*

*Ўйлаб қўрсанг, бир гапдан минг хил маъни чиқаркан,
Қисқаси, бу дунёни чидаганга чиқарган.*

Тоғай Муроднинг: «Асл инсоннинг баҳосини ўлим беради. Бу дунёга келдингми? Энди яша. Тишни тишга қўйиб яша. Муштни туғиб-туғиб яша! Чидаб-чираб яша! Яшашни чидаганга чиқарган. Бу дунёда ўлиб бўлмайди», деган сўзлари унинг бутун тайнатини, аъмолини акс эттира олган қуйма хулоса, ҳаётнинг қисматига ўқилган шафқатсиз хукмдир.

«Сўзимнинг сеҳридан туғилар афсун» сарлавҳали мақола Ўзбекистон халқ шоири, устозимиз Усмон Азим ижодига, аниқроғи, унинг «Қуз» тўпламига бағишиланган. Аччиқ бўлса ҳам таъкидлашга мажбурман: мақола муаллифи бу ерда ҳам биронта янги гап айттолмаган. Усмон ака кўп йиллардан бери халқимизга мард, курашчан ва шу билан бирга файласуф шоир сифатида яхши та-

ниш ва суюклидир. Мақола муаллифи аксар ўринларда бошқалар айтган фикрлардан иқтибослар келтиради, ўзгалар фикрини тақорлаш билан чекланади. Фақат бир жойда шоирнинг тўрт қатор шеърини таҳлил этишга уринади ва яна дарҳол фикридан қайтади, шоирнинг ҳақлигини зуккологини тан олади.

Ушбу мақола «Моҳият» газетасида 2005 йилда чоп этилган, кейин муаллиф уни тўпламга киритган. Мақолада Усмон Азим шеъриятининг кўплаб жиҳатлари қамраб олинган, Абдуҳамид Пардаев шоир ажодидан намуналарни келтириб, уларни имкон қадар шарҳлаган ҳам. Бир мухлис сифатида бир неча йил олдин Тошкентда Усмон акани излаб топғанман, икки соатча ўтириб, сұхбатларидан баҳраманд бўлғанман. Юзма-юз ўтирганда мулойим, меҳрибон нигоҳли, паст овозда сўзловчи шоир шеър ўқиганда Машрабга айланиши мени ҳайратга солған. Минбарларда худди Ватан ҳимоясига отланаётган аскардек ҳайқирадиган шоир жуда осуда, самимий, тамаки тутунини қўли билан истар-истамас елпиб, кўзларини хиёл қисиб сўзларди.

Мақолани ўқиш жараёнида ўша сұхбат хаёлимдан кечди. Ба ўйладим: Усмон Азимни қачонлардир бутунлай кашф этиш, таҳлил этиш имкони бўлармикамн? Умуман, бунинг иложи борми ўзи? Менимча, йўқ. Чунки ўз кўнгли ва руҳиятини фақатгина шоирнинг ўзи тўла тушунади. Аслида бу ҳам баҳсталаб фикр. Кўпчилик ижодкорлар бир умр ўзлигини излаб тополмай яшайди...

Ушбу жилдга киритилган «Нурали Қобул» сарлавҳали мақола бугунги ўзбек насрининг йирик вакили, халқаро Чингиз Айтматов академияси академиги Нурали Қобулнинг сўнгги йилларда Соҳибқирон Темур ва темуррийлар ҳақида битган туркум романларига бағишлиданади. Аниқроғи, ушбу мақолада устознинг «Султоннинг сўнгги қуни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон»

романи борасидаги айрим фикрлардан иборат. Рости, Нурали Қобулнинг тарихий романлари ҳақида фикр билдириш учун унинг ўзи каби ҳам ёзувчи, ҳам тарихчи бўлиш лозим. Абдуҳамид Парда ушбу мақолада асардаги кўплаб жиҳатларни назардан қочирса ҳам, романга кўрк бағишилаб, унинг тилини ширадор қиласиган бир омил – муаллифнинг халқ мақоллари ва айтимларини яхши билиши, улардан унумли фойдалана билганига эътибор қаратган. «Бошинг айланмай туриб ошинг айланмайди», «Қўй сўйганга пўстдумба қолар», «Қўча тўла минг киши, ким билан кимнинг иши», «Хон хондан йиқилди, хон хотинидан йиқилди», сингари юзлар мақол ва мatalлар устоз романларини безаб тургани рост. Қолаверса, камина ҳам ушбу туркум романлардан айримларини ва Нурали ака сўнгги йилларда битган бир нечта роман-памфлетларни ўқиб чиқдим. Халқ орасида азалдан истифода этиб келинган, бироқ Шўро даврида кўпчилик унуган мақол ва айтимларни эринмай тўплай олган адаб уларни аксар ҳолларда «котасўз» деб атайди. Аслида шу сўзнинг ўзи ҳам адабиёт учун янгилик, уни истеъмолдан чиқариб ташлаганларига анча бўлди. Нурали аканинг хизматлари боис улар яна халқ тилига қайтди.

Абдуҳамид Парда роман муаллифига берган бир нечта саволларида уни «бахши адаб» деб атайди. Ҳақиқатан ҳам Нурали Қобул романларида, айниқса, ижтимоий-сиёсий мавзуларда битилган роман-памфлетларининг ҳар бир бобини шеър билан якунлайди. Ушбу шеърлар шаклан жуда содда, худди Яссавий ўгитлари каби сиқиқ ва пухта. Бунинг устига, адаб адабий тилда қарийб ишлатилмайдиган, аммо халқ нутқида фаол қўлланиладиган кўплаб сўзларга қайта жон бағишилган. Шеърларнинг бахшиёна, халқона услуби ва тагмаъноларига эътибор қаратган Абдуҳамид Парда уларни «қанотли ҳикматлар» деб атайди.

Холис айтганда ҳам Шўро даврида ҳукмрон мафкура буюртмасига кўра Сергей Бородин томонидан битилган «Самарқанд осмонида юлдузлар» асаридан сўнг Амир Соҳибқирон ҳақида салмоқли асар битилмаганди. Рус ёзувчисининг асарида жаҳонгир бобомиз золим ва саводсиз қилиб тасвирлангани ҳам маълум. Бундан ташқари, яқин йилларда Муҳаммад Алиниң Темур ва темурийлар тўғрисида битган китоблари андак шов-шув бўлдию, кўп ўтмай унутилди. Демак, у тарих ҳақиқати ва бадиий адабиёт талабларига тўлиқ жавоб берга олмабди.

Нурали Қобулнинг романлари салмоқли, тарихий фактларга асосланган асарлар ва уларда буюк Соҳибқирон сиймоси донишманд ҳукмдор, дину диёнат ҳимоячиси сифатида меҳр билан тасвирланган. Абдуҳамид Пардаев буни яққол ҳис этган ва адибнинг мashaққатли меҳнатига юксак баҳо берган. Ҳақиқатан ҳам бу жуда улкан тарихий хизмат бўлиб, бугун сезилмаётган айrim жиҳатлар йиллар ўтиши билан ўз сўзини айтади, бутун бўй-басти билан авлодлар кўзи ўнгида намоён бўлади.

Усмон Азим, Баҳром Рўзимуҳаммад, Иқбол Мирзо, Йўлдош Эшбек ва бошқа бир қатор таниқли шоирлар билан бир қаторда Жонтемир, Шаҳриёр Шавкат, Сукунат Маликаси сингари ёшлар ижоди ҳам Абдуҳамид Парда нигоҳини ўзига тортган, ушбу жилдда муаллиф уларнинг шеърлари борасида жўяли фикрларни келтириб ўтган. Эркин Аъзам, Собир Ўнар, Назар Эшонқул сингари мухлислар суйган ёзувчиларнинг айrim асарлари борасидаги фикрлар ҳам жилдан ўрин олган. Бу ишлар бари яхши, албатта, бироқ Абдуҳамид Парда мақтовга анча сахий. Камина бу билан «Астойдил изласанг, барчадан камчилик топиш мумкин эди» демоқчимасман, лекин таҳлилий мақолаларнинг аксарияти ҳамду сано, эътирофдан иборат бўлиб қолганлиги ҳам рост.

ЗАРРАБИНДАГИ ЗАРДҮШТ

Мана, ушбу китобнинг камина учун энг қийин ва, айтиш мумкинки, оғриқли бобига етиб келдик. Кўнглимда икки ҳис талашади: нима қиласай, таржимонга ҳамду сано ўқийми ёки танқид тифига рўпара қиласайми уни?

Гап Фридрих Нитшенинг «Зардўшт таваллоси» асари, унинг назмий таржимаси бўлмиш «Зардўшт нидоси» ҳақида боради. Атоқли немис шоири ва ёзувчиси, файласуф Ф.Нитше (1844-1900) ўн тўққизинчи аср иккинчи ярмидаги нафақат немис, балки бутун Европа фалсафий қарашларида чин маънода инқилоб қилган инсондир. Унинг мазкур асарини таниқли олим, Ўзбекистон Қаҳрамони устоз Иброҳим Faфуров ўзбек тилига ўгирган. Хўш, уни назмий таржима этишга Абдуҳамид Пардани нима мажбур қилди?

Аввало Зардўшт ва унинг таълимоти ҳақида икки оғиз: бу борада Абдуҳамид Парда танланган асарларининг олтинчи жилдига, аниқроғи, ана шу назмий таржимага сўзбоши ёзган академик Акмал Сайдов батафсил фикр юритган. Қизиққанлар уни бемалол ўқиб, ўз фикрларини шакллантиришлари мумкин. Камина ҳам бир ҳаваскор сифатида ушбу масалага диққат қаратдим. Агар бу ҳақда бундан ўн беш йиллар чамаси олдин мулоҳаза юритганимда, шубҳасиз, фикрим бошқача бўларди. Аммо бугун ёшим олтмишдан ошди, унча-мунча ўқиб ўргандим ва Моний, Маздак, Зардўшт ва Муқанна каби тарихий шахсларнинг аслияти, ботини қандайлигини ғара-шира бўлса-да, англай бошладим.

Академик Эдуард Ртвеладзенинг «Буюк ипак йўли» асарида эрадан олдинги даврларда Марказий Осиё худу-

дига турли диний ва фалсафий оқимларнинг кириб келиши борасида ҳам қизиқарли фикрлар бор. Ўз вақтида кенг тарқалган монийлик, буддавийлик, зардўштийлик каби динлар (буғунга келиб уларни динлар деб аташ ҳам унчалик тўғри эмасдай туюлади) муайян худудда яшаган бутун-бутун ҳалқларнинг маънавий эҳтиёжини қондиргани, уларнинг турмуш тарзига сингиб кетгани – тарихий ҳақиқат, бундан асло кўз юмиб бўлмайди. Аммо... Бизни қийнайдиган нуқта ҳам айнан шу ерда: улар ботил динлар, қарашлар эди. Холис айтадиган бўлсак, инсониятни зулматдан зиёга олиб чиққан буюк ислом фалсафаси олдида улар нима деган нарса ўзи? Порлоқ қуёш олдидаги хира кўзгу эмасми?

Нитше зардўштийлик дини асосларини чуқур ўрганганди, уни шарҳлаб, ундан ўзига хос холосалар чиқариб асар ёзган бўлса, бу унинг ўз иши ва ютуғи. Лекин биз нега уни бунчалар «бардор-бардор» қилишимиз керак? Ё коинот ва инсониятнинг яратилиши, олам ва одамнинг моҳияти тўғрисида ислом бизга етарлича тушунча бермадими? Унда Жалолиддин Румий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийнинг, Мансур Халлож, Шайх Табризий, Абдухолиқ Фиждувоний, Нажмиддин Кубро ва бошқа юзлаб алломалару файласуфларнинг ижоди қай заминдан озиқ олган?

«Худони излаш», борлиқдаги барча яратиқларнинг негизини, моҳиятини қидириш ислом дини келмасдан олдин яшаб ўтган кўплаб файласуфлар, жаҳонгирларга хос. Дунёга теран нигоҳ билан боқа оладиган соғлом ақл эгаси атрофидаги борлиқ ўз-ўзидан пайдо бўлмаслиги, уни йўқдан бор қилган илоҳий бир қудрат бўлиши лозимлиги ҳақида ўй сурини аниқ. Ривоятларга кўра, Чингизхон (Темучин) тарқоқ қабилаларни бирлаштириш, ягона давлат тузиш ҳаракатини бошлаш олдидан тоғ тепасидаги ғорда маълум муддат ёлғиз қолиб, ўй сурган

экан. «Зардўшт нидоси»нинг илк бобидаги воқеа ёдингизга тушдими?

Тўғри, барча таниқли тарихий шахслар каби Зардўштни ҳам улуғлар рўйхатидан тушириб қолдиришнинг иложи йўқ. Вале, унинг таълимотига биз бугун ўз миллий ва диний қадриятларимиз нуқтаи назаридан туриб ёндошсак, унинг залвори бир қадар енгиллашиб қолгандек бўлади. Унинг динидаги яккахудолик ғояси, эзгулик тараннуми сингари кўплаб қарашларга ҳеч кимнинг эътирози йўқ. Аммо асосий маъбуд (сифиниш обьекти) сифатида Қуёш ва олов, Ахурамазда ва Ахриман танланишининг ўзиёқ андак ихлосингизни қайтари迪, улуғ яратувчи Аллоҳнинг азамати ва қудрати олдидиа бу нарсаларнинг хира тортиб қолишини туясиз. «Қуёш балки ўт-ўланлар ва дов-дараҳтларни йўқдан бор этган (ҳарорати билан кўкартирган)дир, аммо у инсон ва ҳайвонотни яратолмайди», деган жўяли фикр наҳотки унинг ақлига келмаган, дея ўйлаб қоласиз.

Аслида юқоридаги фикрлар Зардўшт таълимоти ва Нитше асарлари билан яхши таниш бўлмаган бир кишининг мулоҳазалари каби таассурот қолдиради. Яхшидир-ёмондир, таълимот яратишнинг ўзи улуғ жасорат, бу учун юксак, баланпарвоз рух, темир иРОДА, теран ақл, учкур хаёлот, чуқур билим ва тафаккур, равон ва бийрон тил керак. Зардўшт бунинг уддасидан чиққан буюк ислоҳотчидир.

Бугун унинг ҳаёт йўли, турмуш тарзи, у босиб ўтган мashaққатли йўл тарихи мозий чанглари аро кўмилиб ётибди. Ким билсин, балки у ўз даврининг маърифатли вакили, қадимги Шумер, Миср ва Греция олимлари меросидан боҳабар инсон бўлгандир? Нима бўлганда ҳам, унинг таълимоти юз минглаб одамларни, бутун-бутун авлодларни ўз ортидан эргаштира олган ғоялар тажасуми эди.

Академик Акмал Саидов мазкур китобга ёзган сўзбосида Зардўшт таълимоти, Нитше ижоди ва таржимон маҳорати борасида кўплаб фикрларни келтирган:

«Хўш, Зардушт ўзи нима деганди, неларни тавалло, муножот ё нидо қилганди? У инсон юксалиши керак бўлган зот, дерди. Зардушт одамни разил ҳисобларди, унинг мавжудлигини фақат аъло одамга айланиши, яъни юксалиш босқичини ўташи учунгина оқларди.

Аъло одам эса барча инсоний хусусиятларини йўқотган одамдир. Аъло одам эзгулик ва ёвузлик хусусида фикр юритмайди, у ҳасадгўй ҳам, раҳмдил ҳам эмас. Эмишки, у – чўққи, у оддий одам идрок этиши мушкул бўлган Янги Тангри эмиш, зеро у ҳар қандай чегаралар, тоифалардан ташқарида ва буларнинг барчасидан баландда тураган эмиш.

Одатда, мутахассислар Ф.Нитше ўз даврининг фалсафий дунёсига янги исёнкор ғоялари билан отилиб кирди, деб ёзишади. Бироқ аъло одам тўғрисидаги ғоя ҳақиқатдан ҳам янгиликми? Агар матннинг услугубий мураккабликлари ва интеллектуал мушоҳадаларини таҳлил қилишга эришсангиз, асарнинг асосий маъносини англаш учун **Ф.Достоевскийнинг «Ака-ука Карамазовлар»** романини очиб, «Иван Федоровичнинг босинкираши» бобига кўз юргутиринг.

Ўша жойда асар қаҳрамонининг қўзига кўринган шайтон айнан Ф.Нитше Зардуштининг тили орқали ифода этган кўпгина фикрларини сўзма-сўз айтганига дуч келасиз. Албатта, Нитше бу мушоҳадаларни изчил ривожлантирган. Аммо, шунга қарамай, улар асардан асарга кўчишда ўз моҳиятини йўқотмаган.

«Зардушт таваллоси»нинг диққатга сазовор ва энг муаммоли жиҳати – ундаги ифода услугубидир. Асадаги муаллифнинг шунчаки фикрлари акс этган жумлалар эмас, балки кўпинча сизни дабдурустдан жунбушга со-

ладиган, жуда «башанг» қочиримларга тўла қақшатқич иборалар олдида бирдан ўзингизни йўқотиб қўясиз.

Тўғри, даставвал ҳаммаси жойидадек туюлади. Ҳар ҳолда, асардаги битикларнинг мазмун-моҳиятини деярли доимо илғайсиз. Лекин мутолаани давом эттирганингиз сари бу ўтиб бўлмас чангальзор ичида адашиб кетаверасиз. Пировард натижада китобда битилганларнинг ярмидан кўпроғи идрокингизни четлаб ўтганини сезмай ҳам қоласиз: қандайдир алоғ-чалоғ туш кўргандек бўлиб, китобни истар-истмай ёпасиз. Орадан кўп вақт ўтмай эса беихтиёр яна илк варақдан мутолаани бошлийсиз...

«Янги Тангри» деган иборага эътибор бердингизми, азиз китобхон? Агар Нитше муazzам шарқ фалсафасини, уни олқишилаётган мутахассислар таъкидлаган даражада ўрганганида эди, бундай фикрга келмаган бўларди ва Зардўшт таълимотини бунчалик илоҳийлаштирумаган бўларди. Зеро, ислом фалсафасида бу каби қарашларнинг ўзиёқ ширк, қуфр ҳисобланади. Мансур Ҳалложнинг фожиали қисмати бунга мисол. Майли, ноқис ақлимиз балки бу таълимотни бутунича, бор бўйи билан қабул қила олмагандир, лекин Румий ҳазратларининг «Қандай бўлсанг – шундай кўрин, қандай кўринсанг – шундай бўл» деган фикри доим кўнглимиз тўрида туради-да...

Мен бир ўқувчи сифатида «Зардўшт инсониятга нима берди? Нитше-чи?» деган саволни ўзимга қайта-қайта бериб кўрдим. Эҳтимол, Зардўштнинг қарашлари ўз вақтида инқилобий бўлгандир, балки бир неча минг молнинг терисига олтин суви билан ёзилган «Авесто» ўша даврда «китобларнинг китоби» саналгандир, унда нега Александр Македонский унинг бир нусхасини Юнонistonга юбориб, қолганларини ёқиб ташлашга фармон берган? Ахир, жаҳонгир дунёга донғи кетган олим Арастудан таҳсил олган маърифатли хукмдор эди-ку?!

«Агар Зардўшт бўлмаганида инсоният тарихи, Нитшенинг ушбу асари бўлмаганида фалсафа ва адабиёт тарихи қашшоқлашиб қолармиди?» деб кўп ўйлайман... Ким билади... ҳарқалай, бу ўйлаб кўрса арзийдиган савол. Моний, Маздак, Муқанна каби сохта пайғамбарлар ва ҳатто «илоҳлар»ни тарих унуглишидан баҳтиқароликка маҳкум этди. Унда, нега Зардўшт қолди? Балки, унинг қолишига айнан Нитше сабабчи бўлгандир? Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўрса арзиди.

Ислом фалсафаси, тасаввуф таълимоти башариятга тақдим этган комил инсон ғояси ҳар қандай «аъло одам»дан кўра минг чандон устун эмасми? Умуман, ислом дини қарор топгач, мусулмон аҳли учун кераксиз бўлган юзлаб қарашлар, сохта ғоялар сув юзидағи кўпик каби ёрилиб кетмадими? Унда нега Зардўшт таълимоти қолди? Ўзи керакмиди у? Ё айнан Нитше қайта тирилтирдими уни? Нитшега нега керак бўлиб қолди экан у? Нитшенинг андак телбavor, мажнун руҳига мос келдими Зардўшт қарашлари? Ё Нитше яшаган жамият муҳтожмиди бунга, бу таълимот уларнинг қайси қарашларига, сиёсий ва ижтимоий манфаатларига мос келди? Билмадим, бу каби саволлар кўп ўйлантиради мени...

Келинг, энди Абдуҳамид Парда томонидан амалга оширилган таржимага бир назар ташлайлик. Юқорида айтиб ўтилганидак, «Зардўшт таваллоси» асари устоз Иброҳим Faфуров томонидан ўзбек тилига насрой таржима қилингач, А.Пардаев уни назмий ўтирган. Бир сұхбатимизда Абдуҳамид ака шундай деганди:

– Иброҳим аканинг таржимасини ўқигач, оромим йўқолди. Асар худди достондай, қофияли наср (саъж) да битилган. Устоз ҳам шу жиҳатга катта эътибор қаратгандар. Назаримда, сал меҳнат сарфланса, худди аслият келиб чиқадигандек таассурот пайдо бўлди менда. Яратганга таваккал қилиб, ишга киришдим...

Ҳақиқатан ҳам Абдуҳамид Парда асарни жуда равон таржима қилган. Аксар ўринларда маснавий услубида, силлиқ ўгирилган. Мисралар қўйма, халқона. Таржимон Нитшенинг исёнкор, ўқтам руҳини ҳам сақлаб қолган, лозим ўринларда сатрлар жуда кескин жаранглайди:

*Зардўшт омма қошида ҳайрон,
Сўзлар бағри бўлса ҳам вайрон:
«Восита асли ҳар фуқаро,
Аъло одам ва ҳайвон аро.
Донғил қисмат муҳри босилган,
Туби йўқ чоҳ узра осилган.
Ўтмоқ хатар, қўрқув ҳам хатар,
Хатар тўхташ ундан ҳам баттар.
Мақсад эмас, восита инсон,
Ўтса бас гар бўлса ҳам қурбон.
Жонин қурбон қиласар ҳар бир мард,
Муҳаббатга муносиб жўмард.
Таваккалчи ҳар бир шўх-шаддод,
Муҳаббатга муносиб зиёд.
Юлдузларга боғланмай олис,
Улуғ ният ўйлида холис,
Кимлар қиласар жонини қурбон,
Меҳру муҳаббатим бегумон.
Илм толиби ҳам, халойиқ,
Менинг чексиз меҳримга лойиқ.
Бу шаҳид учун ҳам бош шиор,
«Аъло одам келар бахтиёр!»
Яна бир инсонга минг раҳмат,
Аъло одам учун минг заҳмат
Тортуб, ҳозир айлар минг имкон,
Ҳатто фидо айлар ширин жон.
Яхшилигин севар қай бир зот,
Бу зотни ҳам севарман мен бот.*

*Бу мард инсонларнинг инсони,
Орзу-истак ғолиб камони.
Мен севарман яна бир зотни,
Голиб солар иқболга отни.
Яна бир зот меҳримга лойиқ,
Сиз ҳам уни севинг, халойиқ.
Эзгу аъмол ҳам номусу ор,
Бахти учун метин пойдевор.
Яна бир инсонга дунёда,
Меҳру муҳаббатим зиёда.
Аҳли башар ичра дурдона,
Юксак иқбол мақсад ягона.
Қай зот қиласар юрагин тортиқ
Бу зотга ҳам ихлосим ортиқ.
Чекса ҳам гар минг битта заҳмат,
Ҳеч кимсадан тиламас раҳмат.
Ҳар гирромлик бегона, олис,
Жўмардни ҳам севарман холис.
Шармандали ютуқдан минг бор,
Афзал унга тоза номус-ор.
Менинг учун қадрли киши,
Ваъдасига мос эзгу иши.
У ҳам ахир фидо айлаб жон,
Бўлсам дейди, бас, қутлуғ қурбон.
Ким иқболдан умиди катта,
Севарман уни ҳам, албатта.
Мозийни ҳам айлагай халос,
Келажакка беқиёс ихлос.
Безовта қалби ичра долға,
Замон аҳлинин бошлар боз олға.
Тангрисин ким севар мардона,
Атрофида мен ҳам парвона.
Тангрисига шуҳрати шони,
Фидо унинг ҳатто минг жони.*

*Беомон минг битта жароҳат,
Қай мард учун тенги йўқ роҳат;
Минг балога қўкраги қалқон,
Муҳаббатга лойиқ бегумон.
Ўзлигидан кечиб қай бир зот,
Дунё юкин кўтарар азот,
Жасоратда тенги йўқ сехри,
Зиёд унга камина меҳри.
Ҳам руҳан, ҳам қалбан озод, ҳур,
Мардонадай бўлмагай машхур.
Ҳалокатдан тан тортмас сира,
Сехри минг бор айлар асира.
Мисли қора булутдан томчи,
Башоратгўй эзгу пайғомчи,
Ҳар зот учун меҳрим зиёда.
Жафокаш набийдай пиёда,
Инсон зотин айлар мўътабар,
Берар Аъло одамдан хабар.*

Абдуҳамид Парда жуда тажрибали, ҳатто Озод Шарофиддиновдай алломанинг назарига тушган таржимонлардан. Қолаверса, ўзи энг аввало, шоир бўлгани боис таржимадаги силлиқлик, оҳангдорлик ўқувчига анча енгиллик туғдиради. Таржимон сифатида унинг сўз бойлиги, заҳираси етарли, чунки у ҳазрат Навоий асарларини табдил этган. Аммо негадир айрим ўринларда оҳанг ва қоғияга маҳлиёлик сабабми, у ғализлик ва сакталикларга йўл қўяди ва бунга деярли эътибор ҳам бермайди. Даъвомиз қуруқ сўздан иборат бўлиб қолмаслиги учун айрим мисолларни келтирамиз:

«Савол бериб шу асно минг бор»
«Манманлигин тақрор гиз-гизлар»
«Ўрмонда ҳам даф қиласар хира»
«Оч-наҳорга бу жой беомон»

*«Қадам қўяр аста соз»
«Майна қилар мисли муттаҳам»
«Азал дунё ичра бот»...*

Келтирилган мисолларнинг охирида уч нуқта қўйганимизнинг сабаби шуки, таржимада бу каби камчиликлар жуда кўп, уларни анча давом эттириш мумкин. Айниқса, олд қўшимчаси «то» ва «бот», «боз», «наинки» каби сўзлар ҳаддан зиёд кўп қўлланганки, ўқувчининг бадига уриб кетади. Юқорида келтирилган мисолларни шунчаки, оддий китобхон кўзи билан таҳлил қилганда ҳам мантиқ бузилишлари яққол кўриниб туради. «Савол бериб шу асно минг бор» деганин қандай тушуниш мумкин? Бир аснода минг бор савол бериш мумкинми? Бир асно қанча вақт ўзи? «Ўрмонда ҳам даф қилар хира»... Буни-чи? «Қадам қўяр аста соз»нику умуман тасаввур этишнинг иложи йўқ. «Муттаҳам» сўзи халқ тилида бирордан тили қисиқ, қарздор, бурчли одамларга нисбатан ишлатилади. «Майна қилар мисли муттаҳам» сатрида бу сўз ўрнига тушмагани шундоққина кўриниб қолган.

Муҳтарам ўқувчи «Ушбу мисралар асосий матндан юлиб олинган, шунинг учун маънисиздай кўринади, матн яхлит ўқилса, улар ўзини оқлади» деган хаёлга бормасин, уларнинг ҳар бири мустақил гап, алоҳида фикр. Фақат таржима ғализ чиққан, холос.

Юқорида таъкидлаганимиз каби, бу каби мисолларни юзлаб келтириш мумкин. Менимча, Абдуҳамид Парда таржимани шоша-пиша яқунлаган, биронта шоир ёки моҳир таржимон назаридан ўтказмаган.

*Зардўшт ёниб мақсадин айтди,
Халойиқдан ихлоси қайтди.
«Сувратан гар бағоят маъсум,
Гар лабларда ўйнار табассум,*

*Лекин, эвоҳ, гувоҳман ўзим,
Тушунмаслар бирон-бир сўзим.
Очиш учун эл кўзин катта,
Наҳот дакки зарур, албаттa?
Нороғачи сингари ўжар,
Ё жарчидай солиш керак жар?
Омма ичра сўзамол қолиб,
Наҳот бўлса дудуқлар ғолиб?
Во ажаб, бу омма гўл, нодон,
Санар ўзин доно, билимдон?!*

Мана шу парчада сўзларнинг жой-жойига тушганини, уларнинг мантиқий жаранглашини ҳеч ким инкор қила олмайди. Ана шундай ўринларда Абдуҳамид Парданиг таржимонлик тажрибаси унинг шоирлик иқтидори билан уйғуллашиб, гўзал натижалар берган. Асарни худди биронта ўзбек шоири ёзгандек тасаввур пайдо бўлади ўқувчида. Таржимоннинг ютуғи ҳам шунда. Бироқ, энди «Уруш ва аскарлар зикри» бобидан олинган мана бу парчага эътибор беринг:

*«Наинки хунталаб душманим,
Аямасин жондан севганим.
Изн беринг сиз фақат бизга,
Ҳақиқатни сўзларман сизга.
Эй, қасд қилиб тутганлар қурол,
Севарман ҳар бирингиз ҳалол.
Бамисоли ёқа билан енг,
Сиз билан мен аввал-охир тенг.
Ошиб ўтар сарбаланд минг ғов,
Тополмайсиз мендан аъло ёв.
Изн беринг сиз фақат бизга,
Бор рост гапни сўзлайин сизга.
Бамисли қонсираган асад,
Қалбингизда нафрат ҳам ҳасад.*

*Күнгли тоза эмассиз ахир,
Қисматингиз какрадай тахир.
Сўзларимга сиз фақат «Хўп» денг,
Тор кўнглингиз бироз қилинг кенг.
Бўлмасангиз гар илмпарвар,
Жангчиси бўлинг жўмард сарвар.
Жангчики, жонбозликка ҳамроҳ,
Пайғамбардай ҳам айлар огоҳ.
Талай аскар, бирталай сарбоз,
Қанча қўп бўлсалар шунча оз.
Барчаси сувратин сарбозий,
Сийрати бўлса, бас, мард ғозий.
Ҳамиша шай ҳам ҳушёр нигоҳ,
Ғаним-ёвдан бўлгайсиз огоҳ.
Лабингизда заҳарли ханда,
Бағритош, ёв учун қушанда.
Душманингиз қидириб топинг,
Шердай талааб, им каби қопинг.
Ғанимларнинг ҳолин қилиб танг,
Фикратингиз учун қилинг жсанг.
Фикратингиз бермаса ҳам дош,
Номусингиз мисли метин тош,
Баланд тутиб зафар туғин ҳам,
Нишонлагай ўз ютуғин ҳам.
Осойишта тинчлик ҳам комил,
Янги жангу жадалга омил.*

Ўйлайманки, «Ошиб ўтар сарбаланд минг ғов», «Жангчиси бўлинг жўмард сарвар», «Осойишта тинчлик ҳам комил», «Бамисли қонсираган асад» каби мисралардаги мантиқ ва оҳанг бузилишларини оддий ўқувчи ҳам bemalol илғай олади. «Шер» маъносини берувчи «асад» сўзи кейинги мисрадаги «ҳасад» сўзига муваффақиятли қоғия қилинган, аммо равонлик бузилган. Ушбу байтни

*«Бамисоли қонсираган шер
Қалбингизни нафрат, ҳасад ер»,*

тарзида таржима қилған тақдирдаям асар ҳеч нарса ют-қазмасди.

Хүш, ушбу фикрлардан қандай якуний хulosалар чиқариш мумкин? Агар бадий асар яратиш игна билан қудуқ қазиши бўлса, бадий таржимани игна билан дарё чиқаришга тенглаш мумкин. Айниқса, назмий таржима таржимондан нафақат мутаржимлик, балки юксак шоирлик иқтидорини ҳам талаб этади. Ушбу асар таржимаси билан Абдуҳамид Парда ана шу талабларни бажарган, лекин мавжуд нуқсонлардан кўз юмиш ҳам нохолислик бўлар эди. Нима бўлган тақдирда ҳам, таржимон асарнинг асл мақсад ва моҳиятини сақлаб қолиб, уни ўқувчига содда ва тушунарли тилда етказа олган, муҳими – шу. Ўзбек ўқувчилари бундан бир неча минг йил олдин яшаб ўтган Зардўшт таълимоти ва у ҳақда асар битган немис шоири ҳамда файласуфи Нитшени яқиндан таниш имконига эга бўлдилар. Камина файласуф ва ёхуд адабиётшунос эмасмиз, мақсадимиз ҳам Зардўштни ва Нитшени заррабин остида синчиклаб текшириш эмас эди. Асл ниятимиз – Абдуҳамид Парданинг таржимаси борасида фикр юритиш бўлгани боис, ақлимиз етганча хulosалар чиқардик. Зардўшт таълимоти ёки Нитшенинг унга бағишлиланган асари хусусида биронта қалтис, ножоиз гап айтган бўлсак, билимдонлардан узр сўраймиз. Булар – ўз фикрларимиз, билганимизча айтдик. Балки, таълимотни ва асарни тўлиқ тушунмагандирмиз? Ким билсин, ҳарқалай, ҳеч кимни камситиш ёки кўнглига тегиши ниятимиз йўқ. Кимгадир Нитше ёқса, бемалол ўқийверсинг. Бизга мужмаллик, мавҳумлик эмас, аниқлик ва тиниқлик маъқулроқ.

ДҮСТЛАР ЭЪТИБОРИ, ДАВР ЭЪТИРОФИ

Коронавирус туфайли карантин эълон қилиниши айримлар каби Абдуҳамид Пардани зифирчаям ташвишга солгани йўқ. Азалдан ёлғизликни хушловчи (вақти замонида Рауф Парфи каби алломалар билан беармон давр сурган бўлса-да) шоир бугун қадрдан ҳовлисини тарк этишни истамайди. Унинг овунчоқлари – оиласи, неваралари ва китоблари. У ҳозир ҳам тўхтамай ижод қиляпти. Зеро, кўплаб устозлари, дўстлари ва халқи олдида маънавий бурч, ўталмай қолган қарздорликни ҳис этади. Ахир, турли йилларда кўплаб таникли олим, шоир ва адабиётшунослар унинг камтарин ижоди ҳақида кўплаб мақолалар эълон қилишган. Уларнинг айримлари бугун орамизда йўқ (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин), қолганлари ҳали ҳам ижод майдонида от суришмоқда. Биз ўша мақолаларнинг айримларини топиб, ўзгартирмай ушбу китобга киритишга жазм этдик. Зотан, уларнинг ҳар бирида Абдуҳамид Парда ижодининг маълум бир қирраси акс этган, таҳлил қилинган, жўяли фикрлар билдирилган.

«Tafakkur» нашриётида, 350 дона нусхада 2010 йилда босилган «Қалбим – ҳар сатримда» тўпламига шоир Абдуҳамид Парда ижодига оид ана шундай мақолалар киритилган. Уларни мархум дўстимиз Ғулом Каримий тўплаб, нашрга тайёрлаган.

ИХЛОСМАНД

Абдуҳамид Пардани таниганимга ҳам йигирма йиллардан ошиб қолди. Уни гоҳо адабиёт давраларида учратаман. Ўзи отилиб чиқиб шеър ўқийди. Адабиётга ихлоси баландлигидан ўзи китобларини ўқиган, дўстлашган шоиру олиму адиблар ҳақида «Афанди»га ўхшаган нашрларда бағишловлар ёзади. Ўзи хокисор туриб, адибларни кўкларга кўтаради. Унинг ихлосмандлиги – чин ихлосмандлик. Ихлосмандлиги сабаб бўлиб адабиётчилик йўлини тутди. У айни йигитлик, талабалик пайтларида Абдулла Ориповнинг «Йиллар армони» ва Рауф Парфининг «Сабр дараҳти» китоблари чиқди. Абдуҳамид бу китобларнинг девонаси бўлди. Уларни ўзига устоз ва йўлчи юлдуздай қабул қилди. Шу икки бадиий кашфиётларга тўла китобни устоз тутиб, улар ҳимояти ва етагида шеърнинг жунунваш дунёларига қадамини қўйди.

Абдуҳамид Парда қўнгил кўзини ўз дардларига кенг очган қаламкаш. Унинг дардлари ўзи севган ва эътиқод қўйган ўша икки китобга уйқаш дунёнинг носозлигидан, туганмас, битмас, йўқолмас зиддиятларидан туғилган дардлар. Оlam тазодларининг мангулигидан унинг дили яра. Етимликнинг хаста армонлари юрагини дамбадам қиймалайди. Дунёнинг носозликлари ҳеч қачон шеър билан тузалмагандай, унинг тутаб ётган жароҳати – вулқони ҳам тузалмайди. Ундан нафас сайин азоб, алам, армон сочилади. Булар оламнинг танглигига яна танглик қўшади. Ажабланарли эмасдирки, у танглик ва тазоддан шеърий илҳом олади. Аламларини шеърга тўкади. У шу дунё олдида ожиз ва ҳайрон эканлигини таъкидлайди. Бу ҳайроналик ва ожизонакликнинг сабаби – чорасизликдан. Чора қидириб қўп китобларни ўқийди. Лекин барча ўқиган китоблари ва ўзининг турмуш ичи-

да күрганларига кўра дунёning поёнсиз қарама-қаршиликларини шеъру мажозу жарангдор қофия билан тузатиб, тўғрилаб бўлмаслигига ниҳоят ақли етган, ишончи комил бўлгандай кўринади. Эллик ёшида чиқарган «Чорлов» деган шеърлар тўпламини ўқигандага шундай мулоҳазалар хаёлдан ўтади. У худди чин адабиёт ихломанди каби ёзади:

*«Бор дунёни ашъор-шеър дедим
Шеър деганим сайин панд едим...»*

Унинг йигитлик изланишларида ёзган аксар шеърларининг андак дарвешона фалсафаси ҳам йўқ эмас, дарвешоналик «Бу ҳаёт...» деб номланган шеърида чиқарган холосасида янада аёнроқ, кўзга ташланади:

*«Бу ҳаётдан донишманд-доно
Ахтармас ҳеч мазмун ва маъно...»*

Билмадимки, бу фалсафа унинг ўзига тегишлими ё бошқа. Аммо катта абсурд адабиёти намояндаларининг инсон ва умуман ҳаёт ҳақидаги қарашларига ҳамоҳанг. Ионеско, Беккет, Камю қаҳрамонлари шундай ўйлашади, фикрлашади ва ҳаёт тўғрисида шундай холоса чиқаришади. Шундан келиб чиққанда ва шеърларининг тарҳига синчиклаб қараганда, Абдуҳамид Парданинг вазн ҳамда қофияга солиб айтадиган, тизимга соладиган фикрлари хийлагина одми. Унинг шеърининг ўзига хослиги ҳам шу одмилигиди. Одми гапни келиштириб айтади. Абсурд адабиётида одми гапларни келиштириб айтиш санъати мавжуд. Ҳолатлар ва характерлар, уларнинг барча интилишларининг абсурдлигини ифодлаш учун атаядиган одмиликка урғу берилади. Одми гаплар издиҳомидан аста-секин ғалати бир ҳаёт бўй кўрсатиб кела-

ди. Аммо билиш ва тушуниш керакким, бунда одмилик тутуриқсизлик ёки тутал, пала-партиш фикрлашдан кескин фарқ қиласы. Баъзан булар ўртасида қатъий, аниқ чек-чегара күзга күринавермайды. Аммо абсурд адабиёти онгли тарзда атайдан-атай одмиликка интилади.

Реалистик фикр эгалари ҳаётга келдингми, энди кураш, ярат, қур дейдилар ва ҳаёт, тирикликтининг асиш маъносини шунда кўрадилар. Лекин ҳаётни абсурд деб топувчилар бу фикрни қабул қилмайдилар.

Буни улар фойдасиз деб ҳисоблайдилар.

Мана, кўрингким, Абдуҳамид Парда ҳам гарча абсурд адабиёти намояндаси эмас, бир шеърида фақат йиғла! деб нидо қиласы. Кучингни йиғида кўрсат! – дейди.

*«Йиғлай-йиғлай келгансан охир,
Йиғлай-йиғлай кетгайсан охир...»*

Навоий эса «Лайли ва Мажнун»нинг якунида нима дейди:

*Сўғин нечаким узоттим охир
Йиғлай-йиғлай туготтим охир...*

Абдуҳамид Парда китоблар ўқиёди. Таъсирланади. Ўзи ҳам шундай ёзгиси келади. Шеърий шакллар, ритмлар, ажиг жаранглаган нотаниш сўзлардан ҳайратга тушади. Сўфийларда «ломакон» деган сўзни учратади. Унга ошиқ бўлиб қолади ва шеърга олиб киради:

*«Ломаконман маконда
Дўзах рад этар лошим...»
Нега?*

Яссавий, Боқирғоний, Машраб матнидаги «ломакон» билан – компьютер, интернет, уяли телефонлар, ноутбуклар замони қаламкашининг «ломакони» ўртасида фарқ борми, йўқми? Бор. Сўфийлар учун бу яшаш, оламга муносабат, Аллоҳ муҳаббатига эришишнинг жуда чигал фалсафаси. Сўфийликнинг булоғи. Бизнинг бу замонда эса бу – фақат сўз. Бошқа ҳеч нарса. Машрабдай чин маънода дунёнинг дунёлигига этак силкимай туриб ва бутун ҳаётини шунга бўйсундирмай туриб, «маконда ломаконман» дейиш кам деганда, ғалати туюлмайдими? Бу сўфийлик ғоялари ва уларнинг хос тушунчалари, сўзларига абсурд пародия эмасми? Худди шундай Навоийга ўхшатиб айтилган «Йиғлай-йиғлай»дан ҳам шу каби хулоса чиқмайдими? Шеърки «қўз ёши-да қудратли қурол» деб турса, ўқувчи нима қилсин? Яссавийда бу йиғлаш фалсафаси теран тизимдаги ғоя эди. Лекин нима қилайлик, сизни чаққонлик билан алдаётган башанг одамга қараб йиғлаб ўтирайликми? Йифи қилиб ким қачон нимага эришибди бу дунёда?

Абдуҳамид шеър ёзиш билан бирга бадиий таржи-мага ҳам қизиқади. «Чорлов»га жаҳон мумтоз шеъриятидан қилган таржималарининг ҳам намуналари жой олган. У таржималарида аслиятнинг оҳанги, ифодаси, шаклини, шеърнинг ширасини сақлаш ва қайта яратишга интилади.

Улар текис ўқиласиди. Улар лаёқатли шеър таржимони етишиб чиқаётганидан дарак беради.

**Иброҳим ҒАФУРОВ,
филология фанлари номзоди,
Ўзбекистон Қаҳрамони**

МЕН БИЛГАН АБДУҲАМИД

Баъзан шундай инсонлар бўладики, улар сизнинг эътиборингиз доирасидан мутлақо ташқарида туюлади. Улар билан бир кун келиб яқинлашиб кетиш ҳатто хаёлингизнинг қиррасида ҳам бўлмайди. Лекин қандайдир баҳонаи сабаб билан уларни тақдир сизга рўбарў қилиб қўйса, қаршингизда бегонани эмас, балки қуончак хайриҳоҳни, муносиб дўстни кўра бошлайсиз. Ва бундан беихтиёр мамнун бўлиб кетасиз.

Менда Абдуҳамид Парда билан худди шундай бўлган эди. Мен уни авваллар Республика радиосида мухбир бўлиб ишлашини билардим. «Жаҳон адабиёти» журнали янги ташкил этилган йиллар эди. Бош мухарриримиз устоз Озод Шарафиддинов билан таҳририят бўлимларига ходимлар олиш борасида муттасил бош қотирардик. Ўша даврларда Абдуҳамидни бизга тавсия этишганда, дастлаб рўйхуш бермадик. Ёш ижодкор эса астойдил ишлаш аҳдида эди. Ниҳоят устоз рози бўлдилар.

Кўп муддат ўтмай таҳририят ёш қаламкаш тимсолида адабиётнинг самимий бир фидойисини кўриб, катта қониқиш ҳиссини тыйди. Кейин орадан қанча йиллар кечди, қанча сувлар оқиб ўтди. Абдуҳамид шоир бўлиб шаклланди. Айниқса, унинг таржимонлик истеъдоди ярқираб очилди.

Бир сирни айтсам, ҳамма ҳам таржима иши билан шуғулланиши мумкин. Шу боисдан бу соҳа баъзан хунармандчиликка ҳам ўхшаб кетади. Лекин маромига етказиб таржима қилиш, бадиий асарни бошқа тилда қайтадан юксак асарга айлантириш, яъни юқорида айтганимдек, уни «ярқиратиб» юбориш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун ижодкорда, хусусан, чинакам таржимонда сўз завқи бўлиши керак. Абдуҳамид ана шунаقا сўз завқини энг нозик жилвалари қадар

туядиган таржимондир. У таржима қилган асарлар шу боисдан файзли ва тароватли бўлади, анвойилик касб этади.

Абдуҳамид бугунги кунда энг салмоқли бадиий асарлар таржимасига ҳам дадил кириша оладиган даражада таржибага эга. Лекин биз журнал учун унга кўпроқ мурракаб адабий-танқидий ва теран фалсафий асарларни таржима қилишга «буюртма» берамиз. Чунки бундай асарларни таржима қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Чунончи, биз журнал саҳифаларида Фарбнинг машхур адилари ва файласуфлари Ф.Нитше, Э.Фром, С.Беллоу, О, де Гессет, А.Бердяев асарларидан намуналарни унинг таржимасида ёритдик.

Абдуҳамид Парда ҳақида гап кетганда, унинг шоирлигидан гап очмасак, таърифимиз, албатта, тўқис бўлмайди. Абдуҳамидинг шеърий ижоди тулпор устида кенг майдонда югуриш каби кўламлидир. Абдуҳамидинг шеърларидағи фикр ва туйғу шу боисдан шитоб ва учқурдир. Балки шу боисдан «тулпор» гоҳо бўйсунмай, уни бошқа сарҳадларга ҳам олиб кетиб қолар...

Абдуҳамидинг яна бир бошқа фазилати – яхши кўрган, хурмат қилган инсонига у, албатта, шеърий қасида бағишлиайди. Шеърий қасида бамисоли шеърий гулдаста демакдир. Абдуҳамид бундай гулдасталарни ўз шеърий чаманидан дасталар экан, уни азбаройи ихлоси туфайли «териб» эмас, «ўриб» олгандай туюлади. Ана шундай «гулдасталар»дан биз ҳам бир неча бор олганмиз.

Бу мутойиба гаплардан қатъи назар, Абдуҳамид бугунги кунда шоир сифатида ҳам ўз овозини қозониб келмоқда. Бунга унинг «Чорлов», «Ичсўз ифшоси» ва яна бир неча тўпламлари далил бўла олади.

Кези келганда, Абдуҳамидинг кулогида ушбу сўзни шивирлаб айтиб қўймоқчиман: «Агар сиз янада катта-

роқ шоир бўлишни истасангиз, исмингиз жарангини бот-бот эсга олиб туинг...»

Сўзим аввалида таъкидлаганимдек, Абдуҳамид мен учун мутлақо бошқа дунё кишиси эди. Уни яқиндан билганимдан кейин самимий дўстимга айланди.

Мен ундан ҳамиша мамнунман.

**Мирпўлат МИРЗО,
мархум, Ўзбекистонда хизмат қурсатган
маданият ходими.**

МУРОД МАРРАСИ

Абдуҳамид Парда «Ичсўз ифшоси» тўпламида тўртлик, туюқ ва фард, яъни уч шеърий жанрда кучини си наб, нозик туйғуларини, ҳаёт, муҳаббат, ижод, эътиқод имон ҳақидаги ўйларини лирик эҳтирос, ички ҳаяжон билан баён эта олган.

«Тоққа чиқмасанг дўлана қайда, жафо чекмасанг жонона қайда», дейишади. Севги ва муҳаббат, ишқ – бу сеҳр. Бу сеҳр барчани таслим этади. Аммо унинг жағосини тортиш осон эмас. Бундан қатъи назар, ошиқ учун маъшуқа хоки пойи бамисоли жанннат боғи: Дарди ишқ татирми доғи бўлмаса,

*Ҳажрнинг зил-замбил тоғи бўлмаса.
Пойингга эрта-кеч урармидим бош,
Кўйингда гар жанннат боғи бўлмаса.*

Навбатдаги тўртликда вазмин табиати туфайли дилидагини севгилисига айта олмаса-да , «оташ ишқи» тинчлик бермай «сирини ошуфта кўзи фош айлаши»ни қофияли ва мос ўхшатишлар билан куйлади:

*Висолинг васфига ожиз калом бу!
Пойинг узра пояндоз ассалом бу!
«Жамолим мухлиси, дема ҳеч Ҳамид!»
То абад банданг сенинг, вассалом бу!*

Ҳаёт – бу яшаш учун кураш. Нафақат инсон, балки барча тирик жон шу ғамда. Алломмалардан бири яшаш – қурашдан иборат, дея жуда ҳақ гапни айтган. Бинобарин, оддий ҳәёт ҳақиқати шундан иборатки, жамики мавжудлар Яратган лутфи бўлган ризқу рўз туфайли барҳаёт. Шоир қуйидаги тўртликда айни шунга ишора қиласди:

*Тирик жон дарди ёлғиз: «бер-бер» мудом,
То тирикдир бандалар ер, ер мудом,
Кетмагунча бу дунёдан бош олиб,
«Берарингдан қисма, Тангрим!» дер мудом.*

Абдуҳамид Парданинг қатор тўртликларида тушкунлик кайфияти устунлик қиласди. Шоир аксарият қора хаёллар домидан кутила олмайди. Дунё азал-абад бир кам, деган ақидани яна ҳам кучайтиради. Дунёнинг бир кам бўлишига харсифат бандаларнинг кирдикорлари сабабчи, деган фикрга китобхонни ишонтиromoқчи бўлади:

*Бор шундай бандалар хардан йўқ фарқу,
Сариқ чақага ҳам арзимас нархи,
То абад бири кам, сакта бу дунё,
То шундай касларнинг измида тарҳи.*

Тўпламни ўқиши асносида айрим тўртликлар шунчаки қофиябозликдан иборат экани афсуслантиради:

*Замин – замон ичра қалқиб борармиз,
Бўронда чайқалиб-чалқиб борармиз.
Дема ҳеч офтобдай балқиб борармиз,
Во дариф, сарғайиб салқиб борармиз!*

Оҳангдош сўзларни шунчаки қофиялаш натижасида ясалган мазкур «тўртлик»да на бетакрор кечинма, на пи-choққа илинадиган ҳаётий ҳикмат бор. Ҳолбуки, Абдуҳамид Парда нафақат шаклан гўзал, балки мазмунан теран тўртликлар ёзиш ҳадисини олган шоирлар сирасидан.

*Ким Аллоҳ лутфининг қадрин ҳеч билмас,
Ким ота-боболар удумин қилмас.
Ҳар икки дунёда аросат жойи,
На телба, на нодон ва на оқил, бас!*

«Аллоҳ лутфи» – марҳамати нима? Албатта, ҳаёт! Дарвоғе, инсон илоҳий неъмат қадрига етиши учун асрлар синовидан ўтган ота-боболар удумига риоя қилиши зарар. Аксинча «На телба, на нодон ва на оқил» сифатида аросатга тушиб қолади.

«Ичсўз ифшоси»дан жой олган фардлар мақол ва матал услубида битилган. Ҳар бирида мақсад ва маъно аниқ.

Абдуҳамид Парданинг «Чорлов» шеърий тўпламидан публицистик кўтаринки руҳ билан битилган шеърлар билан бирга лирик тизмалару жаҳон шеъриятидан таржималар ўрин олган.

Шоир «Чорлов» шеърида ўз овози ва сози борлигини намоён қилгани ҳолда ўз мақсадини аниқ баён этиб, шаффоф шишадий тиниқ само ва ундаги ҳадсиз юлдузлар порлаб, атрофга ёғду сочаётгани ҳамиша эътиборини тортаётганини, нигоҳини узмай уларга талпинишини тараннум этаркан, ноёб бу фазилат соҳиби бўлишини истайди ва дейди:

*Бироқ порлаб чорлар то
Юлдузларнинг гулшани,
Бир қун узилгай тайин
Гуноҳкор ер кишани.*

Шоирнинг безовта шахси, лирик қаҳрамони ўзини ўзи тафтиш қилиш билан кифояланмайди. Айни замонда замон ва макон билан баҳсга киришади. Барча мақонлар ва замонларга хос муаммоларни бадиий идрок қилишга, уларнинг бадиий ечимини топишга ҳаракат қиласиди. Шоирнинг «Муножот»лари ўзига хос бадиий услуб сифатида ҳам диққатга сазовор.

Хадянинг катта-кичиғи бўлмайди. Аммо севишгандар учун совға камлик қиласиди. Абдуҳамид «Ошиқона» шеърида маъшуқасига сира мос совға тополмай қалбини тортиқ қилганини нозик ҳис-туйфу билан ифодалайди.

«Тун», «Фаввора», «Муножот», «Кетиб борар...» шеърларида шоирнинг безовта шахсияти кўзгусида замон ва замондошлар бор бўйи билан акс этган. Атоқли адиб Асқад Мухтор таъкидлагандек, «Шеъриятда гражданлик руҳини бадиий нуқтаи назар даражасига кўтариш – талантнинг муҳим жилоси». Бинобарин, айни руҳдаги шеърлар – «доим баҳс, эзгулик билан ёвузлик, поклик билан чиркинлик, ёруғлик билан зулмат, кураш билан лоқайдлик, ёлғон билан ростгўйлик ўртасидаги баҳс».

Пушкин, Лермонтов, Блок сингари шоирларнинг шеъриятидан қилинган таржималар эса шоир лирик қаҳрамонининг тўлақонли қиёфасини яратишида муҳим восита вазифасини ўтайди.

Александр Пушкиннинг «Отцы пустынники, жены непорочны» мисраси билан бошланадиган машхур шеъри ҳам моҳиятан муножот бўлиб, комилона илтижо билан якунланади:

*Владыко дней моих! Дух праздности унылой
Любоначалия змеи скрытой сей,
И празднословия не дай душе моей.*

*Но дай мне зресть мои, о боже, прегрешенья,
Да брат мой от меня не примет осужденья,
И дух смирения, терпения, любви
И целомудрия мне в сердце оживи.*

1836 йил.

Пушкин мазкур шеърига сарлавҳа қўймаган. Шеърнинг таъсир қучини яна ҳам ошириш мақсадида таржимон «Оят» сарлавҳасини қўйган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Абдуҳамид Парда шеърий таржимада сўзма-сўз таржима қилишга зўр бермайди, балки муайян шеърга хос руҳни сақлашга интилади ва салмоқли натижага эришади. Пушкиннинг мазкур шеъри таржимасида ҳам шундай йўл тутади. Яратгандан меҳру муҳаббату, сабру тоқат илтижо қилиши баробарида художўй шарқ фарзанди сифатида илоҳий покликни ҳам ўтиниб сўрайди:

*Эй фикру зикримни банд этган оят,
Ялқов-танбалликдан асрасанг шояд;
Маддоҳлик, такаббур ҳар не даъводан,
Ҳам ўзинг сақлагил кибру ҳаводан.*

*Вале ҳар нуқсоним қилгайсан аён,
Ва мендан ҳеч кимга етмагай зиён.
Ато эт итоат, севги саодат,
Илоҳий покликни одат қил, одат!*

Мўмин тоат-ибодат воситасида Яратганга юзлангани сингари шоир муножот қилиш асносида Парвардигори оламга нола қиласиди. Шоир шахсий кечинмалари доирасида чекланиб қолмасдан башарият миқёсида мулоҳаза юритиши эътиборни тортади.

Лермонтовнинг «Демон» поэмасини таржима қилишда Усмон Носир қандай маҳорат қўллаган бўлса, Абдулҳамид Парда ҳам Александр Блокнинг «Қузғун» шеърини таржима қилишда бетакрорликка эришади. Ва беихтиёр барча даврларнинг йирик шоирлари руҳан эгизак, деган фикр хаёлдан кечади:

*Бийдай дала поёнсиз,
Ғам-ғуссалар баёнсиз.
Қора қузғун айланар,
Ўлжса излар шайланар.
Чордевор қулба, она,
Алла айтар парвона;
Бешикни қучиб йиғлар,
Боз юрак-бағрин тиғлар...*

*Минг бир аср мавжидга,
Эврилишлар авжига.
Ўзгача замин-замон,
Ёлғиз сен, юртим, ҳамон,
Ҳамон ўша-ўшасан,
Дардларга дард қўшасан!
Токай қузғунлар йўлдош,
Токай ғам-ғусса, қўз ёш?!*

Абдулҳамид Парданинг шеърияти билан яқиндан танишиш асосида комил ишонч билан айтиш мумкинки, у катта имкониятларга эга қаламкашлар сирасига киради. Шу боис ундан яна ҳам мукаммал, мангуликка даъво қиласиган асаллар кутишга ҳақлимиз.

Эркин САЙДКАРИМОВ,
Тошкент вилояти, Бўка тумани
Қорақўйли қишлоғи

ИЙМОН - ШОИР ИЖОДИНИНГ БОШ МАВЗУЬИ

Навоий ўз тазкирасида шоирларни гурух-гурухга бўлганидек, ҳозир ҳам шеърий истеъдодга эга соҳиби қаламлар ҳар турли.

Абдуҳамид Парда тузук-тузук манзумалар ёёса ҳам, биронга кўрсатишга ийманиб юраверадиган хилидан.

Ютуғи шундаки, ундаги кўнгилчанлик шеърларига шундоққина ўтган-кўйган. Сатрларида сохта сухандонлиқдан асар ҳам йўқ. Бу эзгуталаб кўнгил, бир қарасангиз, «бемаъни ҳаёт»дан шундай задаки... Гоҳ эса ҳаётнинг ширин гўзалликларидан шундай болаларча завқ-қа тўлиб:

Наҳот шундай саодат ҳам бор? –

дея ҳайратга ҳам тушади. «Сочлари супурги, қўллари ўтин» онагинасини – «шўр пешонагина»сини мустар-мустар шеърга солганда, сиз ҳам онангизни соғиниб кетасиз...

Биламизки, оиласи ҳаёт – Тоҳир-Зухролик эмас. Кўплар умр йўлдошларига бағишлиланган шеърларида ана шу нозикликни унутадилар. Оқибатда шеърхон баландпарвоз гапларга ишонмайди... Абдуҳамид Парданинг мантиқан умр йўлдошига аталган шеъри бундай эмас. У меҳрлари товланган кезларда бир-бирларини Фарҳоду Шириндек суйганларини айтадики, бу чин кўнгилдан чиқсан гап.

Шеърнинг кутилмаган якуни эса янада самимий:

*Сўнгги сафар чоғи биз учун, эркам,
Жаннатга элтгувчи таҳт бўлсин тобут.*

Қиёматни ўйлаш – иймондан. Дарвоҷе, иймон – шоир ижодининг бош мавзуи. Охират барҳақ эканми, бу дунё

бағоят ўткинчи, ўта ғанимат. Рўзи Маҳшар масъулиятини ҳис қилиб дунёни ғанимат билиш эса киши қўнглини поклайди, унга бошқача руҳ ва фараҳ бағишлайди.

Абдуҳамид Пардада шу туйғуларни нозик англаш ва шеърга солиш салоҳияти бор. Унинг машқларини ўқиб, бу – адабиётимиз учун неча-неча ўн ийлар унут бўлган, қайта куртак отаётган бир йўналиш эканини ҳис қиласиз.

*Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари номзоди,
Халқаро Аҳмад Яссавий мукофотининг соҳиби,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ходими.*

ШОИРЛИК – ҲАВАС, ШОИРЛИК – ҚИСМАТ

Шоирлик ҳавас дейишади. Шоирлик – қисмат, дейишади. Шоирликни дард пайдо қиласди, дейишади. Назаримда, Абдуҳамид Парда деб танилган ижодкорнинг қўлига қалам олишига дастлаб ҳавас сабаб бўлган бўлса, кейин унинг баридан дард тутди. Дард йўлбошчилик қиласди. Ниҳоят, бугунга келиб ҳаммаси қисматга айлангандек.

*Тонг саҳарда чиқдим ташқари,
Елар эди бир сарин сабо.
Уғуради баҳор бўйини
Чиннидай соғ, мусаффо ҳаво.*

*Қараканман тепамга нигоҳ
Юлдузчалар жилмайиб боқди.
Ва ошуфта қалбимда ногоҳ –
Юлдузчалар шуълалар ёқди.*

Ҳа, шоирнинг қалби ошуфта эди, у дунёга маҳлиё бўлиб боқарди. Дунё ҳам юлдузчалар тимсолида унга жилмайиб қарапди. Лекин шоир шеърияти тарихини кузатганимизда юқоридаги кайфият уни бора-бора тарк этаётганинг гувоҳи бўламиз. Чунки у улғаяётган, нигоҳи тийраклашиб, атрофнинг ҳақиқий ҳолини кўраётган эди. Натижада шоир дардга рўбарў келади:

*Бу ҳаётда фожеадан-да
Даҳшатлироқ ҳодисотларнинг
Афюнидан телбаман басир.*

*Юрагимни қиймалар тақрор
Қабоҳатнинг қаттол ханжари.
Йўқ, йўқ, ҳаёт демангиз, йўқ, йўқ,
Хиёнату фисқу фужурлар
Адоватдек тубан иллатлар
Бижғиётган мудҳиш дунёда
Лошим судраб юрибман аранг.*

Демак, улғаяётган шоирнинг қўзлари дунёнинг асл ҳолини ич-ичидан ҳис қиласапти. Ҳар қадамда хиёнат, фисқу фужур, адоват бижғиб ётган дунёда юриш шоирга оғир, шу даражада оғирки, натижада у лошини аранг судраб юради. Натижада бундай юриш – қаландару дарвешдек кезиш унинг қисматига айланади. Умуман, ўтмишда ҳам, бугунги кунда ҳам ижодга мойиллиги бор кишиларки бор, аксариятида ана шундай қаландарликдан бир мисқол бўлади, дегим келади. Шоирнинг дўстига бағишлиб ёзган достонида «Дарвешлардан фарқингиз йўқ сизнинг ҳам, Қисматимиз қаландарлик бизнинг ҳам» дейиши бежиз эмас.

Демак, гўзал дунёга ҳавасдан, унга маҳлиёликдан бошланган шоирнинг йўли дард ва ҳижрон даштидан

ўтди, бора-бора эса ҳавосида дарвешлик – қаландарлик бўйи бўлган манзилга келиб қолди. Ҳавас билан бошланган иш дард билан юзма-юз келгач, қисматга – тақдирдига айланди.

Абдуҳамид Парда серқирра ижодкор. У санъат майдонида дастлаб шеър орқали ўзини танитган бўлса ҳам навбати билан пишиқ-пухта адабий мақолалар ёзди, бадиий таржималарга қўл урди. Кузатишлар шуни кўрсатадики, адабиётга меҳр қўйган, ижод табиатини, мазмун-моҳиятини теран англашни мақсад қилган ижодкорки бор, ҳаммасида битта муштарак жиҳат бор – ижодкорнинг ўзи аввало ўз ижодини тушунишга интилади. Натижада, илмий-оммавий мақолалар, баъзида эса илмий тадқиқотлар рӯёбга чиқади: Улуғ Навоийдан, буюк Бобурдан тортиб XX асрнинг Фитрат, Чўлпон, Ойбек,Faфур Гулом каби аллома, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи каби ҳассос шоирларигача – бари-барчаси фақатгина бадиият соҳасида қалам тебратиш билан чегараланиб қолмаган. Айни чоғда ўз замондошларининг ижодларини таҳлилу тадқиқ этиш орқали умуман назм оламининг баланд-пастликларини англашга ва англатишга уринганлар. Чунончи, Абдуҳамид Парда шоир бўлмагандан ҳам, барибир, сўз санъати баҳридан баҳраманд бўла билган бўларди. Яъни адабиётчи, адабиётшунос сифатида. Унинг «Сирли руҳнинг сеҳрли қўшиқлари», «Хонанишин хониши», «Ҳуррият шоири», «Ҳувайдо орзулар», «Умид маҳзани», «Таржима ҳам – ижод», «Само қўйнидаги руҳ», «Мен паноҳ тилайман», «Эрка кийик, майлим, бир эркаласам?..», «Бўрон мадҳи» каби ўнлаб адабий мақолалари юқоридаги даъвомизнинг исботидир. Ижодкорнинг қўлимдаги барча ёзганларини ўқиб туриб беихтиёр равиша китобнинг четига ёзиб қўйибман: «Абдуҳамид Парда тўғри ва яхши одам. Унда қувлиқ, айёрик, най-

рангбозлик, манманлик күзга чалинмайды. Шоирнинг ҳалол ва мард, тўпори ва самимий юраги бор». Дарҳақиқат, у ўзи тўғри деб билганини тўғри деб, нотўғрисини нотўғри деб айта биладиган ижодкор. Шунинг учун ҳам Абдуҳамид Парда адабиётдаги ютуқларидан севинчи ичига сиғмай баҳс этса, ўз назаридаги камчиликларни куйиниб танқид қиласди. Унда шаклланиб улгурган танқидчи олимнинг нуқтаи назари борлиги га шубҳа йўқ. Лекин олим ҳам олимдан фарқ қиласди. Олим бор – қилни қирқ ёриши, лекин иймон-эътиқоди суст, олам ва одамга муносабати қинғир бўлиши мумкин. А. Парданинг эса одамлиги баланд. Унинг олам ва одамга муносабати тўғридир. У. Азимга бағишланган «Само қўйнидаги рух» мақоласида олим қўйидагиларни ёзади:

«Бугунги шеърхон талаби ўзгарган», дея эътиroz билдираманг. Замон ўзгаргани билан меҳр-муҳаббат ха-зинаси – қалб ўзгармайды. Бинобарин, қалб инъикоси – шеърият ҳамиша событ! Шу боис Усмон аканинг айрим шеърларидан яланғоч дидактика, панд-насиҳат ҳиди келиши энсангизни қотирмасин. Илло, кунига беш маҳал намоз қарз бўлгани, кунига лоақал уч марта боқий дунёни эсга олиш ҳикматдан холи эмаслиги сингари ҳаёт мезони ҳисобланувчи панд-насиҳат – қадриятларни қанча тақрорласак, шунча оз. Қолаверса, эзгулик, иймон, эътиқод жарчиси билан маддоҳ орасида еру осмонча фарқ бор».

Олим сифатида А. Парда асосан шеъриятни ўрганади. Чунки ўзи шоир бўлганлиги боис назм дунёсини яхши билади, энг муҳими, жони-дили билан севади. Шунга кўра шеър санъатида сакталик юз берган ўринларда жим туролмайди. Ҳатто у шоир Усмон Азимдек, Иқбол Мирзодек донғи чиққан бўлса ҳам. Чунончи, олим Усмон Азимнинг:

*Агар дўстинг ноҳақ эрса,
Ҳақ сўзингни айтабер.
Дўстлик сени ерга урса,
Кўтаради қора ер*

деган шеърини келтириб, «Менга қолса, сўнгги сатрни «кўтаради қаро ер» эмас, «Кўтаради она ер» деб бироз сайқаллаган бўлардим» дейди. Ёки Иқбол Мирзо шеъриятига бағишиланган «Хуррият шоири» мақоласида шундай ёзади: «Иқбол айрим шеърларида «шубҳали», дафъатан англаш, идрок қилиш мушкул, жуда содда, тўғрироғи, жўн, пишиб етилмаган, сайқалталаб ибораларни қўллайдики, улар зар тўндаги чит ямоқдай дилингизни хира қиласди».

А. Парда шеърларида кўп бор ўзининг мискин ва қаландар ҳолидан баҳс этади. Лекин адабий мақолаларида гап бадиий адабиётнинг мукаммаллиги устида кетар экан, энди у ўз эстетик идеаллари учун курашчига айланади. Бояги қаландар қани – топиб бўлмайди. Хусусан, зукко ва заҳматкаш адабиётшунос олим Эргаш Очилнинг улкан меҳнати ва жасоратининг самараси ўлароқ дунёга келган «Муҳаббат тароналари» номли таржима асарига ёзган мақоласи сўзимизнинг гувоҳидир. Бу ўринда А. Парда таржи-манинг бутун фазилатларидан гапира туриб ёзади:

«Муҳаббат тароналари» тўплами, шубҳасиз, мақтовга лойиқ. Афсуски, шундай беназир китобни нашрга тайёрлашда шошма-шошарлик қилинган. Аввало, китобга пухта муҳаррир тайёрланмаган. Дейлик, Иброҳим Ҳаққул, Нусратилла Жумахўжа сингари форсий адабиёт билимдонлари ёхуд Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол, Асқар Маҳкам каби форсийзабон шоирлар асарларини таржима қилишда катта тажрибага эга шоирлар бу хайрли ишга жалб қилинганида, тўпламнинг бадиий қиймати яна ҳам ортган бўларди...

Қатор рубоийлар оч қофия билан таржима қилинганини ҳам маъқуллаб бўлмайди. Ҳолбуки, рубоий асосан, тўқ қофия асосида яратилади. Мутаржим «мен», «менинг» сингари олмошларни суистеъмол қилгани ҳам ғашни келтиради. Ваҳоланки, рубоийда наинки ортиқча сўз, ҳатто ортиқча қўшимча ҳам бўлмаслиги керак. Умуман, шеър тили ўта ихчам, лўнда, аниқ-равшан бўлиши шарт». Мана шу тарзда чинакам адабиётшуносга айланаб фикр юритган Абдуҳамид Парда шеър учун, унинг бекаму кўст бўлиши учун майдонга тушган жангчига айланаб боради. Ўз сафдоши Эргаш Очилов таржималари шаънига носамимий мақтov ёғдирмай холис бўлишга, дўстининг кўзига тик қараб, ғоят салмоқдор «Муҳаббат тароналари» китоби бўйича ўз назаридаги ҳақ гапни айтишга интиладики, бу олим шахсига нисбатан кишида чуқур ҳурмат туйғусини уйғотади.

Абдуҳамид Парда яна таржимондир. Унинг Фоний, Пушкин, Лермонтов, Блок, Мандельштам, Есенин, Бродский, Байрон, Шелли, Сеферрис, Р. Тхакур, Лойиқ Шерали, Паймон каби ўнлаб жаҳон шоирларидан қилган таржималари эътиборга молик. Ўгирмалар шоир А. Пардага хос услугуб ва оҳангда жаранглайди. Чунончи, Сергей Есениндан қилинган «Хотира» деган шеърдаги қўйма мисралар асл нусхадек ўқувчи кўнглига завқ бағишлайди:

Кундан-кун чиройинг очилар сенинг,
Кундан-кун заволим яқин, оҳ, менинг...

Ёки улуғ Лермонтовнинг «Шоирнинг ўлимни» номли машҳур шеърини олайлик. Ахир бу шеър XX асрда ўзбекнинг номдор шоирлари томонидан қойиллатиб таржима қилинган эди-ку. Нега яна унга қўл урилди экан? Назаримда, таржимон салафлар таржимасидан қониқмай, ўз версиясини яратмоқчи бўлган.

*Шоир шаҳид! Шаън, олиймақом,
Пок шаънига тегдилар унинг.
Қалбида қўрғошин, интиқом,
Мағрур бошин эгдилар унинг...*

*Шоир ўлди! Фарёд на даркор,
Ҳамду сано, олқишилар нечун?!
Қилмишингиз оқламанг бекор,
Қаттол қисмат кўрсатар кучин!*

Дарҳақиқат, ифода силлиқ ва аниқ, оҳангдор ва таъсирилдири.

Абдуҳамид Парда шеъриятида мусиқийлик бор. Уқа олган киши учун шу оҳангдорлиқда мазмун бор. Дард бор. Гёё Ҳамид Олимжонга хос бўлган оҳанг бу шоирда қайтадан жаранглаётгандек. Шу билан бирга айтиш жоизки, шоир ўз дунёсини асосан, кечаги оҳанглар воситада чизаётгандек, янги – оҳори тўкилмаган йўллар билан унчалик иши йўқдек таассурот қолдиради, ўқувчида. Чунончи, унинг «Изҳори дил», «Фахрия», «Озод қалб», «Кўк юзида», «Қишининг илк куни», «Машрабона» каби ўнлаб шеърлари Ҳамид Олимжоннинг машхур «Ўзбекистон» шеърининг йўлида битилгандек.

Абдуҳамид Парда:

*Қуёш каби порлайди қалбим,
Оғушига чорлайди қалбим.
Нолалари мунгли най бу кун,
Сархуш этар ўткир май бу кун.*

Ҳамид Олимжонда:

*Водийларни яёв кезганда
Бир ажисб ҳис бор эди манда.
Чаппоруриб гуллаган боғин,
Ўпар эдим Ватан тупроғин.*

Ҳам ритм, ҳам қофияланиш, ҳам пафос жиҳатидан уйғунлик бор. Ажаб, нафақат бунда, балки уларнинг исмларида ҳам ўхшашлик бор: Ҳамид – Абдуҳамид.

А. Парда жуда кўп ўринларда XX асрнинг забардаст икки шоири – Абдулла Орипов ва Рауф Парфини ўзига устоз деб билади. Уларга бағишилаб маҳсус шеърлар ёзади, бошқа айрим шеърларида устозларига мурожаат этади. Шоир шеърларини обдан ўқиб чиқиш ва уқишга, ҳис қилишга уринишим натижасида шундай хуносага келдимки, устозлар қаторига – балки энг олдинги сафга Ҳ. Олимжон номини қўшиш керак. Чунки А. Парда оламни бадиий эстетик жиҳатдан қабул қилиш принцип ва характеристига кўра шу шоирга жуда яқин туради. Мана шу маънода шоир Навоийнинг эмас, балки Ҳ. Олимжоннинг нигоҳи билан дунёга боқаётгандек. Ҳолбуки, Ҳ. Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеъри шу йўлда – шу оҳангда ёзилган шоирларнинг энг порлоқ юлдузи бўлиб, XX аср ўзбек поэзияси осмонини чароғон этиб турибди. Кўринадики, ҳар бир шоир ўз нигоҳи билан дунёга боқиши лозим ва бу нигоҳда ўтган ва ҳозирда яшаётган замондош ижодкорларнинг маънавий ўгити, эстетик таъсири айрилмас бир парча сифатида яшashi мумкин.

Бир шеърида А. Парда:

*Навоийнинг нигоҳи-ла дунёга боқ,
Шогирдлик ҳайф, устозидан зўр бўлмаса,*

дейди. Иккинчи мисрадаги халқ мақолига ўхшаб кетадиган истак – эзгудир. Лекин биринчи мисрада Навоийнинг номи турибди. Демак, шоир илҳом онларида – қўтаринки бир лаҳзаларда шундай кайфиятда яшаганки, ҳатто шеъриятимиз гултожи – Навоийдек даҳодан ҳам ўзишга азм қилмаслик, унга шогирдлик шаънига муовфиқ эмасдек туюлади ва юқоридаги бандни битади. Би-

роқ бизнингча, Навоийдан ўзишга жаҳд қилган ёки умуман, яхши шоир бўлишга интилган ижодкор алал-оқибат ўз нигоҳига эга бўлиши даркор. Биронинг нигоҳи билан дунёга боққан киши шу одамнинг соясида қолиб кетади. Бинобарин, юқоридаги банднинг бири иккинчисини инкор этиб турибди.

А. Парда шеърият орқали ҳикмат айтишини севади. Дарҳақиқат, шеърият ҳикматдангина иборат бўлмасада, ҳикматдан холи эмас. Яъни шеърият ҳикматга тенг эмас. Лекин унинг бағрида ҳикмат яшайверади. Шу маънода қўйидаги ҳикматомуз мисралар ўқувчининг маънавий эстетик дунёсига завқ беради:

*Бошим эггандан қўра
Бошдан кечарман, жўра!*

Ёки

*Келдиму кетмоқлик қўйига тушдим,
Беш кунлик дунёда ахир меҳмонман.*

Ёки

*Дўсту ғаним демай бори улусга бол-асал тутдим,
Ки қайтарда тобоғимда аксарият заҳар келди.*

Ёки

*Кутуб олган доям сўз билан,
Янграгай ҳар ғоям сўз билан,
Рўзи маҳшар савол-жавобда,
Шубҳасиз, ҳимоям сўз билан.*

Яхши шоирларда ёдласа арзийдиган сатрлар бўлади. Юқоридаги каби бандлар шоир А. Парданинг ана шун-

дай арзийдиган, ёдлаб айтиб юришни күтариадиган ба-ланда мисраларидир.

А. Парда «Эй, ёронлар» деб номланган каттагина шеърида «Келмаганман минг бир дардан нолиш учун» деб даъво қиласи назмининг талай қисми нолиш асосида бунёд этилган. «Тун», «Муножот», «Кетиб борар», «Юрагимга», «Наҳот» каби ўнлаб-йигирмалаб шеърларнинг мазмун-моҳияти бир – дардни санъат йўлида изҳор қилишдан кўра уни дуч келган кишига тўкиб солишдаги шошилинчлик бор.

*Кел, эй қўнглим, барчасин қўйиб,
Йиғлаб олгин тўйиб ва тўйиб.
Вафоси йўқ дунёдан ииғла,
Минг бир макр, риёдан ииғла.
Йиғлагил боз ҳасрат, аламдан,
Мудом сакта, бир кам оламдан.
Йиғлагил, кел, ўтган умрга,
Дийдалардан кетган хур нурга.
Ёлғон дунё, ёлғондир яккаш,
Йиғлайвергин дилинг бўлса ғаш.*

Шу тахлитда 70-80 мисра йиғлашга даъват билан кечади. Ниҳоят, шоирнинг мақсади аёнлашади:

*Ёмғирдан сўнг дунё ёшарар,
Йиғи – дилда завқинг оширап.
Демагил ҳеч нечун ғам-қайғу!
Минг бир дардга даво бу оғу.*

Йиғининг дардга даво эканлиги тўғрисидаги хулосани айтиш учун ўқувчини бунча узоқ йўл босишига мажбур қилиш шартми? Умуман, шеър бирон хулосани етказиб қўйиш учун ёзиладими? «Бир вақтлар Чўлпон ва Ойбекни «йиғлоқилик»да айблашганди. Сиз ҳам А. Пардани шу айблов билан муҳокама қиляпсиз», деманг. Асло. Шоир –

эркин. Шеър – дард айтиш майдони. У истаган йўлида, хоҳлаган ҳажмда дардини тўкиб солиши мумкин. Бунга эътиrozимиз йўқ. Фақат адабиётнинг битта муҳим – ҳеч бир шоир, ҳеч бир замон буза олмайдиган темир қоидаси бор – санъат, санъат ва яна санъат! Буюк Чўлпоннинг бир шеъри мазмуни қуйидагича: «Дардимни ҳикоя қилиб, айтиб берсам уни ҳеч ким эшитмади. Лекин шеърга согланимда эса ҳамма жон-дили билан тинглади». Демак, ўша дард қандай бўлишидан қатъи назар санъатга айлантирилиши лозим. А. Парданинг кўпгина шеърларига ана шу санъаткорлик етишмайди. Шоирнинг 2000 йилда нашрдан чиқсан «Муножот», 2008 йили чоп этилган «Чорлов» каби китобларидан жой олган бир талай шеърлари ана шундай нуқсондан, яъни хулоса учун, бир муҳим гапни етказиб қўйиш учун, ҳали қиёмага етиб улгурмаган кайфиятни оҳангга солишга уриниш, дунёдан, одамлардан, замондан қуруқ нолишлар кабилардан холи эмас. Ниҳоят, шоирнинг ўзи «Тобакай» деган шеърида ўзига қараб насиҳат этади:

*Тобакай нолийсан феъли ёмондан,
«Серташиши, серғалва қажрав замон»дан.*

Демак, шоирнинг ўзи ҳам ўз таврини билади. Билгани учун ҳам бу кайфиятдан кутулиш кераклигини англайди. Олдинда эса яна-да муҳим иш бор – кўксисда мудраб ётган Фарҳодни уйғотиш:

*Тобакай тилингдан тушмайди фарёд,
Тобакай қўксингда мудрайди Фарҳод.*

А. Парда шеъриятида яна сўзбозлик, оҳанг кетидан, қофия ортидан қувиш сезилади. Ҳамма биладиган ва назаримда фикрловчи кишининг бадига уриб кетган фалсафага маҳлиёлик бор. Деярли ҳар учта шеърнинг бирида қуйидаги кайфият такрорланаверади:

Яшаяпмиз амал-тақал қилиб мана,
Хаётимиз қушандаси ҳар бир сана –
Умримиз шоҳ илдизига урап болта,
Үлда-жўлда хизмат-пизмат, ишлар халта.
Армон билан ўтаяпмиз, дунё бир кам...

Адабиётшунос Эргаш Очиловнинг таржималари ҳақида сўзлай туриб, шоир олимни «сира» деган сўздан қўп фойдаланишини, аслида унинг муқобил вариантлари борлигини айтади. А. Парданинг ўзижодида ҳам «боз» сўзи шундай серқатновдир. У қўпинча қофия учун, бўғин ва оҳанг учун ишлатилганлиги шундоқ кўриниб туради:

Тақдир бизни хўрлагандан хўрлади боз,
Пешонамиз шўрлагандан шўрлади боз
(«Дўстнома»дан)

Ўғирладинг хаёлимни боз,
Фикру ёдинг ила мен ҳамроуз.
(«Изҳори дил»)

Юракларга солгай боз туғён,
Туғёнлардан туғилгай исён
(«Машрабона»)

Йиғлагил боз ҳасрат, аламдан,
Мудом сакта, бир кам оламдан.
(«Наҳом»)

Элим обод кўрсам дедим боз,
Дилини шод кўрсам дедим боз.

Танлаб олинган бу шеърий иқтибосларнинг ҳаммасида ҳам «боз» калимаси узукка ярашиб тушган чиройли кўздек эмас, албатта.

«Фаввора» деган яхши бир шеърда «тошбақа» сўзи «чақа» сўзига мажбуран қофия қилинган:

*Ёнингда гар бўлмаса чақа,
Сендан азиз тубан тошбақа.*

Хўш, нега мажбуран? Чунки тошбақанинг тубанлигини ким кўрган, ким билади? Унинг пастда – оёқнинг остида юришига ишора қилинган бўлса, бу ҳам табиий эмас. Чунки халқ орасида тошбақанинг билинган – машҳур бўлган сифатлари бор – имиллашлик, узоқ яшашлик, яна косасининг пишиқ-пухталиги каби. Унинг тубанлик сифатида эса зўрма-зўракилик бор. Гўё бу сифат «чақа»га қофия учун ўйлаб чиқарилгандек таассурот қолдиради.

А. Парданинг кўпгина шеърларида воқеабандлик устун. «Бобур Мирзо ва Ҳумоюн», «Кетиб борар», «Машрабона», «Юрагимга», «Эй, ёронлар», «Бағишлов» ва ҳоказо шеърларида муҳим гап айтишга мойиллик сезилади. Уларда кўпсўзлилик бор. Шеъриятда сюжет парчаси ҳам, воқеабандлик ҳам бор нарса. Лекин юқорида саналган аксар шеърлардаги мазмунни мақола ёки наср йўли билан айтса, яна-да жўялироқ бўларди, деган фикр ўтди хаёлимдан. Умуман, А. Парда дарди, айтадиган гапи кўпижодкор. Шунга кўра у насрда ҳам ўзини синаб кўрса яхши бўларди деган, ўйдаман.

Нихоят, шоирнинг ғазал йўлида ёзган шеърлари хусусида бир-икки оғиз сўз. А. Парда ўз эстетик принципига кўра анъанавий шоир бўлгани боис ҳам унинг аруздаги изҳори дили кўнгилга малҳамдек ёқимли қуилади. Негадир шундай ўйладим. Чунки бармоқ, сарбаст шоирдан қандайдир новаторликни талаб қиласди. Бу шарт эмас, албатта. Лекин новаторлик яратмаган шоир «бармоқда» эсда қолмайди. Арузда образлардан тортиб ифода усулигача ҳамма-ҳаммаси қатъий бир маромга бўйсинади. Шоирнинг новаторлиги айни шу ўзгармас қонун-қоида, вазнлар ичида бўлиши керак. Шу маънода ўз бадиий эстетик табиатига кўра анъанавий бўлган

ижодкор – А. Парданинг аруздаги новаторлиги шундан иборатки, у арузга бугунги куннинг нафасини олиб кирмоқда. Худди бир вақтлар Э. Воҳидов, А. Орипов, Ж. Камол каби шоирлар олиб кирганидек:

*Берай жон боқишингга – оташин бир ёлқини бордур,
Лабингдан бўсалар тердим, илоҳий талқини бордур,
Сочинг ўрдим узун тунлар, сўлим сир, салқини бордур,
Карашма денгизин кўрдим, на нозлик тўлқини бордур,
Халокат бўлғусин билмай қулични катта отдим-ку.*

Чўлпоннинг ғазалига мухаммас тарзида битилган ушбу шеър ғоят жозиб, ғоят хуш ўқилади ва худди шу тарзда бизнинг эстетик оламимизни тўлқинлантиради. Гўё Чўлпоннинг ғазали билан уйғуналашиб, уни тўлдирив тургандек у.

Энди қуйидаги мусаддасга эътибор беринг:

*Дўсту ёрдан ғаним бисёр дунё қолгай,
Бешуур гоҳ, гоҳо ҳушёр дунё қолгай,
Ҳали ҳануз ғамбода, ҳор дунё қолгай,
Ташнаи ишқ дилларга тор дунё қолгай,
Кел, эй жоним, толмас қанот буроқларга,
Йироқларга учайлик, ёр, йироқларга.*

Бу мусаддасдаги нолиш нолиш ўрнига ўтмайди. Чунки шоирнинг ўзи энг сўнгги икки мисра – «Кел, эй жоним, толмас қанот буроқларга, Йироқларга учайлик, ёр, йироқларга» деган истак – илтижо билан дунёдан норози бўлиб турган чорасиз бир кишининг чорасизлигига чора топиб беряпти. Ҳа, айнан шу икки мисрада шоир ўзи ва ёрининг боши берк кўчага – дунёning бошқотирмаси – кроссвордига очқич – калит таклиф этмоқда, нажотбахш сўз айтмоқда. Таъбир жоиз бўлса, Абдуҳамид Парданинг бутун ижоди билан танишган одамнинг кўз

ўнгига бир киши образи гавдаланади, дегим келади. У ҳам бўлса «кўнгли қаттиқ ҳалойиқ»дан безган, бевафо дунёнинг найрангларидан толган – чарчаган, энг яқин одамлари – дўст-биродарлари, умр йўлдошию кўзининг оқу қораси – фарзандлари муомаласидан ҳам қониқмай, ота-онасининг дийдорига тўймай бораётган ва буларнинг ҳаммасидан ичи куйиб кетган ташнаи зор кишининг тимсолидир. Шунинг учун ҳам шоир бир шеърида «Ташна жонимга уммон излайман» дер экан, илтижонинг самимийлигига шубҳа қилмайсан, киши.

«Чорлов» тўпламидан «Навоий» номли достон ўрин олган. Шоирнинг улуғ Навоидан тинимсиз ўрганиб бораётгани ижодида сезилиб туради. Лекин достон биргина гапни айтиш учун ёзилгандек таассурот қолдиради. У ҳам бўлса, Навоий ҳажга боролмади, бунинг сабаби Ватани озод қилиш учун бел боғлаган шоҳ Бойқарога ёрдам беришга аҳд қилганидир. Гарчи достон:

*Ким ватанга фидо этар жон,
Ҳаж савобин топар бегумон!*

деган гўзал мисралар билан якунланган бўлса-да, унда шиддатли тўқнашувлар, қалбни ларзага соладиган драматик вазиятлар, чуқур – оригинал фалсафий умумлашмалар, ёдда қоладиган лирик ёнишлар «ярқ» этиб турмагани боис достон ўқувчида катта таассурот уйғотолмайди, деб ўйлайман.

Шоирнинг қиёматли биродари, олим ва адаб Фулом Каримга бағишлаб ёзган достони эса қурилиши, баён тарзи, мазмун-моҳияти жиҳатидан ўқувчида илиқ муносабат уйғота олади. Чунки достонда шоир ўзини эркин ҳис қиласи ва бу эркинлик унга ўтмишига, дўстлари билан бирга ўтган дамларига, уларнинг ҳаётларига, бугуни ва қилаётган ишларига саёҳат қилиш имконини беради. Ўз навбатида шоир шахсий ҳаётини, ўтган ва

ўтаётган умрини сарҳисоб қиласы. Шундай сарҳисоб одимларининг бирида шоир ёзади:

*Шаҳри Шошнинг күчаларин кезганим рост,
Қисматимдан қониқмасдан безганим рост.
Эллик ёшга етиб ҳолим ёмон бўлди,
Умидларим сароб, рангим сомон бўлди.
Гар шоирлик даъво қилдим эртаю кеч,
Ўтолмадим шу даъводан мен ношуд ҳеч.*

Ўзидан, ўтган кунидан, қилган ишидан қониқмаслик ҳисси мана шу тарзда шоирнинг юрагига тинимсиз равишда ўт ёқади. Бу ҳис А. Парданинг бутун ижоди бағрида оловли чизиқ бўлиб кўриниб туради. Лекин достон якунланиб борар экан, шоир яна ёзади:

*Гар дарвеш қаландармиз,
Қирқ минг жон – Самандармиз.
Гар заминда пойимиз,
Хаёл қасри жойимиз.
Оллоҳдан ўзга ҳеч ким
Бизга бўлолмас ҳоким.*

Оёғи ерда бўлса ҳам ўзи хаёл қасрида бўлган шоир Яратгандан ўзгага муҳтож бўлмай яшашни ҳәётининг бош аъмоли ҳисоблайди. Шу пайтгача бандасига банда бўлишдан қочишига уринган ва ўз асарларида бунинг уддасидан чиққанлигини куйиниб айтиб турган Абдуҳамид Пардага бундан кейин ҳам шундай яшаш насиб этаверсин.

2008 йил

**Улугбек ҲАМДАМ,
филология фанлари доктори.**

ОЗОД РУҲ

Не бахтки, истиқлол шарофати билан ўлмас ва озод руҳ ҳозирги ўзбек шеъриятида жамол кўрсатмоқда. Кеинги йилларда «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида чоп этилган Абдулла Орипов, Шавкат Раҳмон, Азим Суюн ва бошқа таниқли шоирларимизнинг сайланма асарлари, «Ёзувчи» нашриётида «Назм гулшани» туркумида чоп этилган янги шеърий тўпламларда ҳам шундай бир эрк нафаси, озод руҳ, руҳнинг озодлигини туйиш мумкинки, уларни мутолаа қилиб, чинакам руҳий озодлик нашидасини яна бир карра ҳис эта оласиз. Ўқиш учун сарфланган қимматли вақтингизга ачинмайсиз, аксинча, назардан четда қолдирмаганингизга суюнасиз.

Бу ўринда фикрим куруқ бўлмаслиги учун кейинги йилларда кўплаб чоп этилаётган ёш шоирларнинг дастлабки шеърий тўпламларидан бирига батафсилроқ тўхталишни истардим. Бу – Абдул Ҳамид¹нинг ўтган йили чоп этилган «Таҳаммул» китобчасидир.

Тўпламдаги талай шеърлар ёшлар ижодида анчагина урф бўлган оҳанжамалар, жимжималар, ясамаликлардан холилиги, оҳорлилиги, ўзбекона соддалиги, болаларча самимий беғараз оҳангиги, ўта табиийлиги билан одамнинг эътиборини ўзига тортади. Бугина эмас. Тўпламда маснавий, қасида, ғазал, рубоий, фард каби кўхна шеърий жанрларга навқирон умр бахш этилган. Дейлик: «Онамга» деб номланган дастлабки маснавийда дил қаъридан сизиб чиққан фарзандлик меҳрига лиммолим дил изҳори содда, равон ва ўйноқи сатрларда гўёки тоғ жилғасидек ўйнаб-ўйноқлаб оқади. Нима десангиз денг, лекин мен ҳам рўй-рост изҳори дил қилсан, Мирте-

¹ Абдуҳамид Парданинг дастлабки тўпламлари Абдул Ҳамид тахаллуси билан нашр этилган (муҳаррир).

мирнинг «Онагинам» ва Абдулла Ориповнинг «Онажон» шеърларидан кейин она шаънига битилган бундай таъсирчан шеърни камдан-кам ўқиганман.

«Таҳаммул» китобчасига киритилган икки қасида айнан ҳозирги шеъриятимизнинг икки яловбардори – Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов шаънига битилгани, менимча, ғоят ўринли, таҳсинга лойик ишдир. Бу қасидалардан бирининг таркеъбанд, яна бирининг маснавий шаклида битилгани ҳам бежиз эмасдек. Ҳар икки қасидада қарийб унутилаёзган қадими жанрга хос ўйноқи оҳанг, кўтаринки рух, шоирона таъриф ва ташбеҳлар билан бир қаторда ҳар икки шоирнинг бетакрор шеърий услубини ҳам ҳис қилиб турасиз. Масалан, биринчи қасидадаги ҳар бир бандда фақатгина Абдулла Орипов шеъриятига хос, «Шашмақом»га ҳамоҳанг ўта чуқур нафасни ҳис қилгандек бўлсангиз, иккинчи қасидада Эркин Воҳидовнинг латиф ва дилбар шеъриятига хос ўйноқи оҳанг, воҳидовона лутф «мана мен» деб турибди. Иккинчи қасиданинг сўнгги тўрт сатрига дикқат қилинг:

*Шуқур бўлгай, олтмишдан ҳам ошяпсиз,
Мангаликнинг қасри томон шошяпсиз.
Ўтингчим шул: бор эди деб битта укам,
Шу қасрдан олиб қўйинг жой менга ҳам!*

Шоирона лутф-карам ва журъат-жасорат бу! Зеро, чинакам шоир ижод майдонига югурдакликни, мулошимликни, фонийликни бўйнига олиб эмас, устознинг хурматини жойига қўйган ҳолда мангаликка даъвогар бўлиб, мангалик қасридаги ўзига тегишли қонуний ҳаққини довлаб киради!

Ўйлайманки, бу довда ортиқча даъво йўқ. Тўпламдаги ғазаллар ҳам шоирона дов бор-у, даъво йўқлигини аён кўрсатиб тургандек.

Очиғи, «Ёшлик девони»дан кейин ўзбек шеъриятида бундай ўйноқи ва дилрабо ғазалларни учратмаганман. Ҳар қалай, шуниси аниқки, ҳали ҳеч ким «Хастаман» ғазалидаги бир йўла ўн икки саволни ўзаро боғлаб, зичлаб, жиддий қилиб кўндаланг кўймаган. Мана, шулардан дастлабки иккитаси – ғазалнинг матлаъи:

*Хастаман, дардимга бир даво борми?
Навосиз қалбига, оҳ, наво борми?*

Бу икки саволдан биринчиси Мавлоно Муқимийни (Кўй, табиб, боқма; дардим бедаволардан бири), иккинчиси ҳазрат Навоййни («Навосиз улуснинг навобахши бўл») нимаси биландир эслатиброқ турибди дейлик, лекин иккинчи банд-чи:

*Нидо қилдим ахтариб оромижон,
Даъватимга бирон-бир нидо борми?*

Бу банд кимни эслатади? Шоҳ Машрабними? («Оромижоним, қайдасан?») Нидога жавобан нидо, ақалли ана ўша нидонинг акс-садосини тополмасликдан афғон чекиш – саволни бу тарзда кўндаланг қўйиш, нима десангиз дeng, менимча, шоирнинг ўзига хос шеърий санъати, маҳоратини кўрсатади.

Сўнгги – ўн иккинчи савол, ғазалнинг мақтаъи, табиийки, ҳаммасидан яхши:

*Ташналаб ўтди Ҳамид илинж бирлан,
Ки жсаннатда суви соф дарё борми?*

Ҳа, бор! – дегимиз келади беихтиёр. Бу ҳам бўлса нозик ўзбекона қочирим, латиф ўзбекона лутф, инжа бадиий санъатларга бой шеърият дарёси. Чинакам жаннатий дарё шу!

Оққан дарё оқмасдан қолмас әкан, минг йиллик мұмтоз шеърият дарёси гувраниб оққан қадимий заминимизда бу дарё эндиликда тобора покланиб-софланиб, мавжланиб, жилваланиб оқмоқда. Бұ ҳам мустақиллигимизнинг шарофати, албатта. Айниқса, қуйидаги рубоий, рубоидаги ҳар бир қуйма сатр, ҳар бир сатр замиридаги сидқидил истак, тилак, илтимос, тавалло, муножот...

*Нағсум тий, тилимни тотли қил, Тангрим,
Бохикмат қалбимни ўтли қил, Тангрим.
Коримга ярагай бўлса гар бисёр,
Эл-юртни уловли, отли қил, Тангрим.*

Илоё шу тилак ижобат бўлиб, не-не уловларию отларини йўқотган, бу қадимий эл-юрт энди ҳамиша уловли-отли, Фиротли, Бойчиборли бўлғай!

Раҳимжон ОТАУЛИ

ЧОРЛОВ ёхуд орзуманд шеърият

2008 йилда шоир Абдуҳамид Парданинг бир йўла учкитоби чоп этилди. «Чорлов»¹ тўплами улар орасида алоҳида хусусиятга эга. Унда жамланган муаллиф қаламига мансуб аксарият шеърлар ҳам, таржималар ҳам ботиний изтироб, теран фалсафийлик, шоирона нафислик, ҳақ-адолатга ташналиқ ва адолат ғалабасига комил ишонч руҳи билан йўғрилган. Тўплам юксак «юлдузлар гулшани» орзузи билан бошланиб, Рабинранат Тагордан таржима қилинган Тангрининг байти – ибодатхона

¹ Абдуҳамид Парда, «Чорлов», «Шарқ» НМАҚ, Т., 2008 йил.

ҳақида баҳс юритувчи манзума билан якунланишида ўзига хос ҳикмат мавжуд.

Хофиз Шерозий ғазалларидан бирида, орзулар оламига талпиниб, шундай хитоб қиласы:

*Билимдонлик ва хушхонлик эмас Шерозда ҳеч манзур,
Кел, эй Хофиз, ки биз юзни бўлак юртга ўгиргаймиз.*

Абдуҳамид Парда ҳам шоирона тахайюл кучи билан ўзига хос афсонавий олам яратади. Бинобарин, шоирлар хаёл фарзандлари. Шу боис Абдулҳамид Чўлпон шундай деб ёзганди:

*Ҳаёл. Ҳаёл. Ёлғиз хаёл гўзалдир,
Ҳақиқатнинг қўзларидан қўрқамен.*

Шуниси эътиборга моликки, Абдуҳамид Парда ҳақиқатнинг қўзига тик қарашга-да журъат этади.

Шоирнинг ижодий такомили тадрижи кўздан кечирилса, шеърдан шеърга мавзулар кенгайиб, фикр-мулоҳазалар ёрқин тус олиши баробарида шоирона маҳорат ҳам ортгани қузатилади. Жумладан, «Чорлов» шеъри ёлғиз «Бир кун узилгай тайин / Гуноҳкор ер кишани» деган фикрни айтиш учун дастлабки даврда ёзилган шеърлар жумласига кириши сезилади.

«Тавалло» шеъри ҳам шу жумлага киришидан қатъий назар ўзгача қимматга эга:

*Беҳишт дея билдим дунёни,
Ҳар инсонни фаришта ҳур деб.
Захмин татиб аксар риёни,
Ғазабландим минг карра панд еб.*

Бу шоир тафаккурида бурилиш рўй берганини, унинг кўнглида шубҳа-гумон пайдо бўлганини кўрсатади. Но-

бель мукофоти совриндори Иосиф Бродскийнинг эътироф этишича, наинки шеърият, балки умуман санъат айни шубҳа-гумондан бошланади.

Шоир «Риёлар дунёси ҳисобланмиш гуноҳкор ер» иллатлари ҳақида дастлабки шеърларида умумий маънода баҳс юритса, ижодининг кейинги даврларида битилган шеърларида мавжуд иллатларни бирма-бир тилга олади. Айни шундай шеърлар, Асқад Мухтор таъбири билан айтганда, «эзгулик билан ёвузлик, поклик билан чиркинлик, ёруғлик билан зулмат, кураш билан лоқайдлик, ёлғон билан ростгўйлик ўртасидаги баҳс»га айланади.

Аввало, Абдуҳамид Парда лирик шоир. Айни пайтда унинг шахсига маҳдудлик бегона. Шоир лирик қаҳрамонига илоҳий юксакликлар орзуси асло тинчлик бермайди. Айни пайтда шоир шеърхон-китобхонни ҳам юксакликларга чорлаши айниқса диққатга сазовор.

Мунаққид Эргаш Очилов шоир ижодига шундай таъриф беради:

«Абдуҳамид Парда шеърлари содда тузилиши, оддийлиги, самимий фикр-туйғуларга йўғрилганлиги билан, ташқи ялтироқлик, ортиқча безаклардан холилиги билан алоҳида ажралиб туради. Лекин уларни чўнг бир инсоний дард ичдан нурлантиради. Тириклилик ташвиши билан оёғини тушовлаган заминдан узилиб, тоғларга, кўкларга интилиши унинг беором қалби, безовта руҳининг парвозга ташналигидан».

Таниқли мунаққид эътироф этганидек, шоир «Юрагимда дардим кўп, дардим» сатри билан бошланувчи шеърида ўзига хос «бадиий топилма» кашф этади.

«Чорлов» тўпламидан жой олган қатор шеърларнинг «Илтижо», «Тавалло», «Муножот» тарзида номланиши миллий шеъриятимизга азалдан хос исломий оҳанглардан далолат беради. Айни пайтда Абдуҳамид Парда лирик қаҳрамонининг Парвардигори оламга интили-

ши мутаассибона художўйлиқдан тубдан фарқ қиласи. Унинг наздида Тангри мутлоқ адолат, ижтимоий фаровонлик, инсоний баҳт-саодат ва баркамоллик тимсоли.

«Фалвирдай тешилган юрагим хаста» дея фифон қилишидан қатъи назар, шоир чорасизликдан умид чечакларини ўстиради. Гёте таъкидлагандек, Шоир қалбидаги «дунёни кезиш, янги кашфиётлар қилиш ва кенг бўшлиқлар оғушига талпиниш ниҳоятда кучли», қолаверса, «энг буюк, энг тотли ҳислар лаззатига ташна». Лаҳзалик оний кайфият ҳосиласи ўлароқ яралган «Наво истаб» шеъри халқона содда йўсинда ҳазин қўшиқдай янграгани боис ҳам икки-уч ўқиш асносида хотирага муҳрланади:

*Кўксимдаги доғларга,
Шифожў даво топсам.
Чиқиб баланд тоғларга,
Илоҳий наво топсам.*

*«Кўксингдаги доғларнинг
Давоси йўқ!» – дедилар.
«Сен учун бу тоғларнинг
Навоси йўқ!» – дедилар.*

*Мен ҳамон бор доғларга
Бедорман даво истаб.
Ва хаёлан тоғларга
Чопарман наво истаб.*

Агар синчиклаб назар ташлайдиган бўлсак, шоир шифо ва даво сўзларини тилимизга хос луғавий имкониятлардан санъаткорлик билан фойдаланган ҳолда бир йўла бандда турли мақсадларда қўллаб, шеърнинг таъсиранлигини оширган.

Китобнинг катта бўлаги жаҳон шеъриятидан қилингани таржималардан ташкил топган. Блок ва Есениндан таржималар айниқса ўйноқи чиққани диққатни тортади. Блокнинг қуидаги сатрларини ўқир экансиз, улар бегона тилдан таржима қилингани асло хаёлингизга келмайди. Айни пайтда ёвқур Блок руҳига таржимон шоир руҳи яқинлигига беихтиёр ишонч ҳосил қиласиз:

*Ҳаловатга, ҳузурга ташна,
Бу гўшага бегонаман мен.
Бўронларга, курашга ташна,
Жаҳонгашта девонаман мен.*

Блокнинг «Қузғун» шеъри таржимасида ҳам шафқатсиз ҳаёт ҳақиқати «Шашмақом»ларга хос юракни беаёв ўртайдиган дардчиллик билан йўғрилган ҳолда ёрқин акс этган.

«Чорлов» муаллифи мажнунона муҳаббат дардига мубтало. Шоир лирик қаҳрамонининг ўзига хос жиҳати шундаки, оташин муҳаббати билан кифояланмайди. Чунки унинг пировард мақсади шахсий баҳт-саодати эмас, балки дунёни обод, инсонни комил ва фаровонликдан шод кўришдан иборат. Шунинг учун ҳам Яратгандан «Юрагимга қанча муҳаббат, бўлса шунча нафрат жойлагин», дея илтижо қиласди. Мазкур покиза нафрат алангаси воситасида жамики иллатлар кулга айланиб, олам мукаммаллик, бани башарни эса баркамоллик касб этишини тилайди.

«Чорлов»да шоир шахси ярқ этиб кўзга ташланади. «Илоҳий наволар» илинжида қалам тебратадиган шоир ўз ҳаётига ҳам, макон ва замонга ҳам ниҳоятда юксак мезонлар, ўта талабчанлик билан ёндошади.

Кейинги пайтларда бошқа шеърий жанрлар қатори тўртлик жанрида ҳам шоирлар баракали қалам тебра-

тяпти. Китоб жавонларини тўртликлар тўпламлари ҳам безаётгани қувонтиради. Абдуҳамид Парда ҳам мазкур жанрда эркин қалам тебратади. Ҳар бир тўртликда янги фикр айтишга интилади, самимияти билан китобхон кўнглига йўл топади:

*Ишим йўқ нариси-бериси билан,
Ҳамон авжисда қўпкариси билан.
Минг бир ҳамду сано, Парвардигорим
Никоҳлаган илҳом париси билан.*

«Илҳом париси билан никоҳланган» шоирнинг «яҳши-ёмон кўнглин олай деб қалбини Жоми Жамшид – май коса» қилиши, «бор-будини шеърга баҳш этиб, имонталаб, эътиқодталаб қалбларга бош олиб кетиши» ҳам табиий қабул қилинади.

Мумтоз адабиётимизда беназир рубоий намуналари мавжуд. Абдуҳамид Парда тўртлик ёзишда салафлар месросини кунт билан ўрганади. Улардаги фикрларни ривожлантиради.

*Убайдий рубоийларидан бирида ёзади:
Дунёning ўтар аввали нодонлиғ ила,
Ўртаси анинг ғаму паришонлиғ ила.
Оҳири доғи ўтгусидур, оҳким, анинг
Ҳасрат била, андуҳу пушаймонлиғ ила.*

Абдуҳамид Парда айни фикрни индивидуаллаштирган ҳолда ривожлантириб, тўртала сатрни қофиялаштириб, ўзига хос тўртлик яратади:

*Болаликда ношуду нодон,
Йигитликда телба-паришон;
На бирон ном, на бирон нишон –
Бу кун ўртар минг бир пушаймон.*

«Чорлов» шеърий жанрларнинг ранг-баранглиги билан девонни ёдга солади. Шоир туюқлардан бирида «Камина ҳам ниҳоят туздим девон» дея бу фикрни эътироф этади. Тўпламдан жой олган ғазал йўлидаги яратилган шеърлар мумтоз ғазалиётимизга хос залвор билан йўғрилган.

«Анорга қасида» фикримизга яққол мисол бўла олади.

Мунаққид Нусратулло Жумахўжа ёзади: «Соҳир табиат яратган мўъжизалардан бири анор бўлиб, жаҳон адабиёти тарихи унинг тасвирига бағишланган гўзал асарлар гувоҳи. Анорнинг ташқи ва ички тузилиши, ранги, мазаси, шифобахш хосиятининг ўзиёқ талай манзара шеърларга асос бўлган. Анорнинг санъаткорона тасвири ўзбек адабиётида дастлаб Алишер Навоий ижодиётида кўзга ташланади.

Ўзбек адабиёти тарихида анорнинг салмоқдор ижтимоий мазмун билан йўғрилган илк ҳайратомуз талқинини оташқалб шоира Увайсий ижодида кўрамиз»¹.

Мунаққид ҳазрат Навоий ва Увайсий қаламига мансуб анорга бағишланган асарларни таҳлил қилиш баробарида ўзбек шоираси Дилшод, форсигўй шоир Ирож Мирзо, қолаверса Шавкат Раҳмон ижодидаги «ижтимоий мазмундорлиги залворли» асарларни тилга олади. Хусусан, ҳазрат Навоийнинг «Луғз» (назмий топишмоқ) жанрида яратилган асари бадиий қиймати ҳақида алоҳида тўхталади:

«Агар шоир ташбеҳсозлик билан чекланганида, анор тасвири воситасида замин ва замонни қонга эвурган «даврони мушаъбид» қиёфасини яратолмаганида, бу шеър навоийвор асарга айланмаган бўларди»².

¹ Н.Жумахўжа. «Сатрлар силсиласидаги сехр», «Ўқитувчи» нашриёти, Т.1996 йил, 52-бет.

² Ўша асар, 51-бет.

Н.Жумахўжа эътироф этгандек, «поэтик ашё ёки образнинг бадиий имконияти бир неча асар яратиш билан чекланиб қолмайди». Бу фикрни Абдуҳамид Парданинг «Анорга қасида»си исботлайди. Анорга бағишиланган асарларга хос хусусиятларнинг барчасини жамлаган ҳолда ўзига хос асар яратади, «анорга бағишиланган шеърлардан яралган назмий саватга» (Нусратулло Жумахўжа) баҳоли қудрат ҳисса қўшади. Шоир талқинида анор «бағридаги болини бахш этар она»ю «Мазлумларга қариндош бағри қон ғамхона»гина эмас, балки алантага-исёнга айланади, айни замонда Чингизхондай қонхўр тимсолига киради:

Қай битта ёв беаёв, қадар кўксингга ғаров,
Нечун бағринг ўт олов, алангадай ёнасан.

Қасдма-қасд қай замонга, юрагинг тўлди қонга,
Ўхшаб ё Чингизхонга қон биланми қонасан.
Шавкат Раҳмон анорга шундай таъриф беради:
Тутилган ой, қадимги
фанорсан, анор.
Ёқут тўла қип-қизил
қанорсан, анор.

Абдуҳамид Парда салафининг мазкур фикрлариға сайқал бериб, уларни бир байтда яна ҳам гўзал назмий нафосат билан ривожлантиради:

Не қадимги фанорсан, таърифи беканорсан,
Ёнар, қонар анорсан – ҳамватан, ҳамхонасан.

Ҳазрат Навоий анорга бағишиланган шеърида, Н.Жумахўжа эътироф этгандек, «ҳаётига оид маълумотни» тилга олади:

*Нечаким табъи норидур, ва лекин меъда норига
Берур таскин, унинг нафъин топибмен воқеан ман ҳам.*

А.Парданинг қасидасида ҳам мазкур неъматнинг шифобаҳш хусусияти таъкидланиши билан бир қаторда шоирнинг, қолаверса оддий омма ижтимоий ҳолатига ишора қилинади:

*Нархинг бу кун осмонда, етган борки дармонда,
Етмаганлар армонда – менга ҳам бегонасан.*

Ўзбек адабиёти бадиий тафаккурида XX асрда бир йўла уч марта туб бурилиш кузатилади. Дастребки ўн ийлликларида жадидлар, 60-ийлларда «илиқлик даври» шарофати билан Рауф Парфи авлоди, ниҳоят, 90-ийлларнинг охирларида ва, энг муҳими, мустақиллик туфайли миллий адабиётда, хусусан шеъриятда кескин юксалиш бўлди.

Таъбир жоиз бўлса, «Руҳи ҳур одамнинг юраги ботир бўлади. У ҳамма нарсани ёрқин кўради, моҳиятни тўғри англайди. Бугунги кун адабиёти кечаги кун адабиётидан бир қанча хусусияти билан фарқ қиласди. Яъни, одамнинг қалб изтироблари, қувончларининг бетакрор таҳлили ва руҳиятининг турфа кўринишлари инкишофи ҳамда воқеа-ҳодисалар тасвирининг батафсиллиги, уларнинг ҳар бири мақсад сари йўналтирилганлиги, қаҳрамонларнинг ўта миллий ва индивидуаллашганлиги, бозор иқтисодининг моҳиятини очиб бериши илиа ўзига хосликка эга»¹.

Профессор X.Каримовнинг мазкур фикрларини ривожлантириб айтиш мумкинки, бадиий ижодда Шахс ҳамиша ҳал қилувчи аҳамиятга молик. Гомер асарларининг

¹ X.Каримов. Истиқлол даври насли. Зарқалам нашри. Т.: 2007. З-бет.

беқиёслиги, Навоий ғазалиётининг боқийлиги, Шекспир трагедияларига хос афсунгар сир-синоат моҳияти, аввалио, бадиий ва лирик қаҳрамонлар бетакрор шахс экани билан изоҳланади. Бинобарин, «бугунги одам алоҳида шахс. Кечагина у бирор ижтимоий табақанинг вакили саналарди. Бугун у – ўз шахсиятининг элчиси, ўз «мен-»ининг вакили, холос. Шахслиги теранлашмаган кишилардан иборат миллат аҳлининг қизиқишилари бир хил ёхуд бир-бирига яқин бўлади. Шахсияти чуқурлашган миллатнинг ҳар бир аъзоси ўз олами билан яшайди»².

Устоз Абдулла Ориповнинг «Сароб» манзумаси «Олти ойким шеър ёзмайман юрагим зада» тарзида шикоятомуз оҳанглар билан бошланиб, бекиёс қалб соҳиби бўлган лирик қаҳрамоннинг шахсий кечинмалари ғоят кенг кўламли ижтимоий мазмун-моҳият касб эта бориб, сатрма-сатр, бандма-банд ҳадди аълога кўтарилиши ҳолати Абдуҳамид Парданинг «Муножот» манзумасида кўзга ташланади. «Ислом асотирлари ва ғоялари билан суғорилган» «Муножот»да шоирнинг лирик қаҳрамони башарий хусусиятга эга иллатларга қарши қилич ялан-ғочлайди, ижтимоий дард индивидуаллашади. «Даврнинг кўзи, қулоги ва виждони» (Иzzat Султон) бўлишга бел боғлаган шоир бир шахс доирасидан чиқиб, наинки умуммиллий, балки умуминсоний даражага юксалади. «Муножот» манзумаси «Тирик қолмоқ ё ўлмоқ, шудир масала» сатри билан бошланадиган гамлетона ҳайқириқдай янграйди.

Бинобарин, Абдуҳамид Парданинг лирик қаҳрамони барча эзгу ниятли сиймолар сингари дунёни поклашдек юксак мақсад билан майдонга чиқади. Бу хусусият унинг йирик манзумалари, бағишловларида, жумладан «Навоий» достонида ҳам ярқ этиб кўзга ташланади.

² Н. йроқова. Услуб жилолари. Рисола.Т.: 2008 йил, 13-бет.

Мұхаббат армони шоирни дунёга келтиради, изтироб чекишиңа күнкитиради, дард-изтироб әгизагига айлантиради. Илло, «Шоирнинг онаси – Изтироб» (Рауф Парфи). Бодлер эса, изтироб –мангу шұхратта әлтүвчи ягона йўл, дея ҳайқиради:

*Страданье - путь один в обитель славы вечной,
Туда, где адских ков, земных скорбей конец;
Из всех веков и царств Вселенной бесконечной
Я для себя сплету мистический венец!*

Адабиётшунос Султонмурод Олим фикрига қўра, «имон - Абдуҳамид Парда ижодининг бош мавзуси. Унинг шеърларини ўқиб, бу – адабиётимиз учун нечане ўн йиллар унут бўлган, қайта куртак отаётган йўналиш эканини англайсиз». Бинобарин, «Чорлов» тўплами ўзига хос замонавий девонни эсга солади. Ғазал йўлидаги шеърлардан тортиб фардларгача жой олган. Шоир Мирпўлат Мирзога «Бағишлиов» эса аслида шеърий мактуб жанрида битилган.

Мумтоз шеъриятимизда, хусусан Фурқат ижодида шеърий мактубнинг гўзал намуналари мавжуд.

Абдуҳамид Парданинг шоир биродари Мирпўлат Мирзога шеърий мактубини тарихий нуқтаи назардан келажакка мактуб тарзида ҳам талқин қилиш мумкин. Чунки мазкур «Бағишлиов»да шоир наинки ўзининг ва ижодкор дўстларининг, қолаверса замондошларининг ҳаётини Виждон тарозуси билан ўлчайди:

*Айланиб замона ҳувайдосига,
Етдиқми қалбимиз сувайдосига.
Домла Миртемирдек жўмард ва танти,
Видо қўшиғимиз тайёрми банди?
Не қилдик муazzам ҳам азим Ватан,*

*«Ўғлоним!» деб бизни олмоғи-чун тан?!
Аллоҳга банда ҳам Расулга уммат
Бўлгудай топдикми қадр ва қиммат?
Айланиб ва четлаб мардлик дарасин,
Бўғиб ўтдикми ё виждан наърасин?*

«Аллоҳга банда», «Расулга уммат», «замона хувайдоси», «қалб сувайдоси», «мардлик дараси», «виждан наъраси» сингари олимақом ибораларнинг ўзиёқ мазкур шеърий мактубнинг қанчалар юксак туйғулар билан йўғрилганидан далолат беради.

Шоир «Етдикми қалбимиз сувайдосига» дея савол бепар экан, қалб кўзимиз очилдими ёхуд ҳар лаҳзаси тиллога тенг умримизни ғафлат ичра барбод этдикми, дея масалани кўндаланг қўяди.

Абдуҳамид Парда шунчаки ҳақиқат жарчиси эмас, балки ҳақ-адолат ҳимоячиси сифатида унинг ғалабасига комил ишонч билан қалам тебратади:

*Адолатни эзив-топтаб янчганлар,
Юрагим поралаб қилич санчганлар.
Кай қаттол ҳақиқат узра от солар,
Қалқонсиз кўксимни нишонга олар.
Ҳақиқат қуёши бўлиб порлайман,
Имон-эътиқодга элни чорлайман.*

Асрлар мобайнида шоирлар томонидан камолга етказилган қатор шеърий жанрларга кейинги йилларда яна қайтадан ҳаёт бахш этилмоқда. Хусусан, шоирдан катта маҳорат талаб қиласиган туюқлар тўпламлари чоп этилмоқда, ҳикматомуз фардлар яратиляпти. Абдуҳамид Парда айни шеърий жанрларда ҳам эркин қалам тебратади.

Мунаққид Улуғбек Ҳамдам шоирнинг анъанавий йўсинда ижод қилишини таъкидлар экан, бу хусусда шундай ёзади:

«Абдуҳамид Парда шеърият орқали ҳикмат айтишни севади. Дарҳақиқат, шеърият ҳикматдангина иборат бўлмаса-да, ҳикматдан холи эмас. Яъни шеърият ҳикматга teng эмас. Лекин унинг бағрида ҳикмат яшайверади. Шу маънода қуйидаги ҳикматомуз мисралар ўқувчининг маънавий эстетик дунёсига завқ беради:

*Бошим эггандан кўра
Бошдан кечарман, жўра!*

Ёки:

*Келдиму кетмоқлик қўйига тушдим,
Беш кунлик дунёда ахир меҳмонман.*

Ёки:

*Дўстуғаним демай бори улусга бол-асал тутдим,
Ки қайтарда тобоғимда аксарият заҳар келди.*

Ёки:

*Кўзим очган доям сўз билан,
Янграгай ҳар ғоям сўз билан.
Рўзи маҳшар савол-жавобда,
Шубҳасиз ҳимоям сўз билан.*

Яхши шоирларда ёдласа арзийдиган мисра бўлади. Юқоридаги каби бандлар шоир А. Парданинг ана шундай арзийдиган, ёдлаб айтиб юришни кўтарадиган баланд мисралариридир».

Абдуҳамид Парда шеърлари самимиятдан холи эмаслиги қувонтиради. Бироқ шеърий санъатни пухта эгал-

ламагани, шеърхон қалбини ларзага соладиган фалса-
фий мушоҳадалар етишмаслиги қатор ўринларда шоир-
га панд беради. Айни пайтда шеърларга етарли даражада
сайқал берилмагани, поэтик фикр ёрқин ифодалан-
магани ҳам шоир ҳали кўп тер тўкиб, жиддий изланиши
лозимлигини кўрсатади. Бинобарин, шоир навбатдаги
тўпламларида баркамол шеърий асарлари билан талаб-
чан шеърхонларни мамнун этади, деган умиддамиз.

Манзар АБУЛХАЙРОВ,
филология фанлари доктори.
Обида БЎРОНБОЕВА,
ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

АВЖ ПАРДА
(Абдуҳамид Парданинг «Чорлов» шеърий
тўпламини ўқиб)

Мен булбул ҳақида ёзмоқчийдим. Дараҳтлар қийғос гуллаган боғда сайраш учун тонгни кутаётган булбул ҳақида.

Кунлар ўтаверди... Аммо негадир Тонг йўқ эди. Булбул сайрамасди. Фақат баъзан қисқагина овоз чиқаргандай бўларди. Бу ҳали сайраш эмасди. Балки у Тонгни чақираётгандир. «Тонг» – бир бўғинли қисқагина Сўз. У ҳар замонда шу сўзни айтгандай бўларди. Шундан боғда булбул борлигини билардим. Эҳтимол, у ёлғиз эмасдир? Мен эса кунларни варақлайман. Унинг сатрларига кўз юргутираман. Булбул Тонгни, мен унинг сайрашини кутиб чарчадим. Охирги вараққа етишим учун яна бир варақ қолганди. Бир нафас тин олмоқчи бўлдим. Боғдан булбулнинг яна ўша қисқагина бир бўғинли товуши эшитилди.

«Тонг!»

Кўксимни ҳаётбахш ҳаво билан тўлдирмоқни истадим. Бироқ оғир нафас олдим. Қарасам, кутавериб-кутавериб, тонгнинг ярми тошга айланиб бўлган экан.

Кўрқиб кетдим! Сўнгги икки саҳифани варақлашга улгурманми? Вужудимнинг тошга айланиши тезлашаётганди. Кўлларим ҳам тошга айланса тамом, улгурмайман...

Куннинг охирги варағига етганда қўлларим тошга айланди. Шошилиб сатрларга кўз югуртираман. Унда оппоқ соқоли кўксини тўлдирган Нуроний пайдо бўлади. У: «Эй ғофил!» дея хитоб қиласиди бенгали тилида¹. Мен тушунмайман. Шунда У имо қилганди, бир булбул елкасига келиб қўнди ва унинг айтганларини ўзбек тилига таржима қила бошлади:

*Чопар айтар: «Эй Рожа, бир қошиқ қонимдан кеч,
Маъбадингга авлиё ѿқин йўламагай ҳеч.
Ўрнашиб йўл бўйига туташган қир-адирга,
Тақводорлар билан у ибодат қиласар бирга.
Тангрига ҳамду сано айтар уларчувиллаб,
Зарҳал ибодатхонанг ётар бунда ҳувиллаб...»²*

Ниҳоят кутилган наво саси келди. Булбул мени сехрлаб қўйди. Мўйсафид сўйларди. Булбул нола қиласарди. Мен эса Тонгни кўриш умидида атрофга сўнгги бор назар солардим. Булбул сайрашда давом этарди:

*Рўшнолик топмай сендан аҳли юрт, қашшоқ, ғариб,
Тарқаб кетди тўрт томон бошпана, ризқ ахтариб...
Сўнгги варақ, У Авж Парда эди.*

¹ Р. Тагор бенгали тилида ижод қилган.

² Р. Тагорнинг А. Парда таржима қилган «Авлиё» шеъридан.

Ҳар қалай, булбулни кўрдим. Унинг ноласини эшигдим. Шу таскин кўнглимга кириб келганда мен бутунлай тошга айланиб бўлгандим...

Абдусаттор ЖУМАНАЗАР,
Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институтининг илмий ходими.

«ШОИРМАН ҲУР – САТРИМГА МАСЪУЛ»

*Biz sevdik âşik olduk sevüldük ma'suk olduk
Herdem yini dirlikde bizden kim usanasi .*

...

*Биз севдик ошиқ бўлдик, севилдик маъшуқ бўлдик,
Ҳар он янгидан тирилурмиз биздан ким ҳам зерикар.*

Юнус Эмра

Ҳар бир шоир шеърларидан баҳра олиш, гўё ҳеч қандай воситадан фойдаланмасдан туриб янгича дунёда, бошқа замон ва маконда, табиати ва иқлими ўзгача оламда саёҳат қилишга ўхшайди. Ҳар бир шоирнинг ички туйғулари ва ўз қарашлари асосида битилган сатрларини мутолаа қилас эканмиз, ўз туйғуларимиз, фикрларимизни тарқ этиб, бошқа бир замонга «парвоз» қиласмиз. Шундай ҳолатларда инсоннинг фикрлари қанот қоқиб, вужудини тарқ этади; ён-атрофидаги бор нарсалар ғойиб бўлиб, бутунлай бошқа бир дунёning эшикларидан киради; у чек-чегараси йўқ, худудсиз ва ҳали кашф этилмаган самолардан биридир.

Сўзга жон бағишлаган³ шоирнинг ички оламида яралган туйғулари, қалbdаги туғёнлари сўздан жон кашф этиши, руҳий дунёси ва кўнглининг сўз ила ян-

³ Шайх Ғолиб

гидан намоён бўлиши, эҳтимол, шеър аслида оламнинг яратилиш моҳиятида, асосида бор бўлган нарсаларнинг ошкор этилишидан бошқа нарса эмас. Шу сабабли оламнинг яратилишини ишқ билан изоҳлаган, гўзал назар, гўзал фикр воситасида ақл, мантиқ ва тажрибанинг ҳам аслида ишқдан зоҳир бўлганини, ишқнинг яратилишдан олдин ҳам намоён эканлигини ва ҳар нарсанинг сабабини ҳам ишқ бўлганлигини Фузулий ушбу мисралари билан тилга олади:

*Ишқ эмиш ҳар на бўлса оламда,
Илм бир гилу лоф эмиш фақат*

Хусусан, битган шеърларида шундай ишқ ўтида ёниб-куйган, бу куйинишларнинг меваси бўлмиш оху фарёдини шеърий тарзда ифода этган, шу билан бирга «бошининг устидаги зангори денгиздан, оёқларининг остида чўзилиб кетган жўшқин денгиздан»¹ таъсирланиб илҳом олган, даврга ёзилган сўз ва келажак санъатга қолдирилган бир мерос мазмунида куйлаган Абдуҳамид Парда, бу меросини «Олтин беланчак» (1986), «Таҳаммул» (1997), «Муножот» (2000), «Соҳил оҳанглари» (2004), «Ичсўз ифшоси» (2006), «Чорлов» (2008) ва «Дўстнома» (2008) номли асарлари билан абадийлаштириди. Шоирни Э.Очилов ««Жаҳон адабиёти» журнали орқали Ғарб насли ва назмидан етук таржималари билан адабий жамоатчиликнинг эътирофига сазовор бўлган таниқли таржимон, республика матбуотида ўзининг долзарб мавзудаги чиқишилари билан танилган ҳозиржавоб мақоланавис, айни пайтда, оташнафас ва исёнкор шоир»² сўзлари билан таърифлайди.

¹ Парда А. Чорлов, -Б.109.

² Очилов Э. Муқаддас даргоҳ даъвати / Соҳил оҳанглари, «Наврӯз» нашр., -Т, 2004., -Б.3.

Шеърларида шакл жиҳатдан анъанавийликни ва мумтоз шеъриятдаги байт, тўртлик каби назмий бирликларни афзал билган А.Парда шеъриятдаги янгича йўналишдаги шаклларни устун қўймайди. Мухаммаслари билан бирга А.Навоий, Атоий ва Насимий каби шоирларнинг давомчиси бўлгани ва мумтоз шеъриятга туркий халқлар томонидан ҳадя қилинган жанр, яъни туюқлари, бир қатор тўртлиқдан ташкил топган шеърларининг сони ҳам талайгина. Шунингдек, А.Парда шеърлари якунида анъанавий қофия тизимиға асослангани ҳам кўзга ташланади.

Умуман, А.Парда шеърияти ҳақида фикр билдирад эканмиз, унинг шеърлари мавзу ва ғоя жиҳатдан хилма-хил, шу билан бирга қимматли ҳамдир. «... ҳад-худудсиз самода ҳадсиз нуқраи анвар»нинг³ раҳнамолигида у «бехад, бепоён ва бетимсол»⁴ бўлган «дунё»ни ва уни безаган унсурларни «қалб қуши»га азиз бир ошиён, «ўқсик дилнинг» биттаю битта суюнчиғи бўлиб қўринади. Шоир хаёлидаги дунёсига, шеърларига ўқувчини «оқ дарвоза»дан, «оппоқ дарвоза» тўрига таклиф қиласди. Ҳаётда юз бераётган турли ҳодисаларга кўп эътибор қаратиб, ўзида уларга нисбатан қизиқиш ҳис этган шоир, руҳий кечинмаларини шеърларида маҳорат билан акс эттиришга ва бадиий тил имкониятларидан унумли фойдаланишга интилади. Ижодкор шеърларини мазмун ва мавзусига кўра ишқ ва севги, садоқат, камтарлик, дўстлик, айрилиқ, ёлғизлик, ишонч, инсон, шоир «мен»и, ватан, табиат, ғурбат, қайтиш (ватангана) ва танқид каби бир қанча қисмларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Бенишон отилган ўқнинг манзилга етиб бормаслиги асосий мавзу бўла олмаслигини ҳис қилган Парданинг

³ Парда А. «Чорлов» / Чорлов. -Б.4.

⁴ Парда А. «Оқ дарвоза» / Чорлов. -Б.5.

турли жанрда (фард, мураббаъ, туюқ, ғазал ва в.б.) битган шеъларининг маъно ва мазмуни битта мақсадга йўналтирилганини шеърхон ҳар қандай ҳолатда ҳам фарқлай олади. Унинг шеърият дунёсини тасаввур этиш, шеърлари, шоирлиги ҳақида тушунча ҳосил қилиш албатта, шоирнинг ўз мухлиси билан бўлган муносабатда, яъни шеър мутолаасида намоён бўлади. Тошкент вилоятининг Бўка туманида, Қорақўйли қишлоғида дунёга келган шоир «Таржимаи ҳолим» шеъридаги,

*На дўст тона олдим ёлғон дунёдан,
На маҳрам ташна бу жонимга малҳам.
Шу боис мен ҳаёт номли дарёдан,
Конмай ўтаяпман минг симирсам ҳам.*¹

мисралари билан шоирликнинг ва шеъриятнинг чашмаси ҳақида ўқувчига нишона беради. Шоир, яна номи келтирилган шеърида болалик ҷоғларининг машаққатли ўтганини, бу каби мазмундаги шеърларида ҳаётининг охирги дамларида ҳам худди шунга ўхшаш хусусиятлар уни тарқ этмаганини тилга олади. Унинг фикрича, инсоний етуклика, комилликка яқинлашишни таъминлаб берган унсурлар ҳам шу машаққатлар туфайлидир.

Абдуҳамид Парда шеъриятига қадам қўяр эканмиз, хаёлан саёҳатга йўл олиб, бутунлай ўзга туйғулар дунёсига бориб қоламиз, ўзимизни тамомила бошқа бир оламда кеза бошлагандай сезамиз. Хаёлот дунёсидаги саёҳатимизда фикрлар қанот ёзиб, вужудимизни тарқ этаётганини ҳис қиласиз. Деярли атрофимиздаги бор нарсалар ғойиб бўлиб, эртаклар оламида уча бошлаймиз, гўё. Шоир бу оламни,

¹ Парда А. «Таржимаи ҳолим» / Тахаммул. 1997. -Б.50-51.

*Шаффоф шишадай тиниқ,
Юлдузлар сочар зиё.
Мусаффо ёғдусига,
Чўмиб мудрайди дунё.*

*Ҳад -худудсиз самода,
Ҳадсиз нуқраи анвар.
Айлаб қалбимни асир,
Этар равшан, мунааввар...²*

мисралари билан бизга тақдим этади. Хаёлот дунёсида-
ги инсон шеър қанотлари воситасида самога баландлаб
дардларидан, ғам-аламларидан, бутун дунёнинг оғир юк-
ларидан қутулади; деярли бутун вужуди қаерларгадир
ғойиб бўлиб, вазни танасини тарқ этади. Гўё ўзини енгил
ҳавода учайтган эркин капалаклар каби ҳис қиласиди. Худ-
ди қулоқлари остида фақат кую қўшиқ навоси, қўзлари
ўнгига эса фақатгина гулу гулзорлар манзараси намоён
бўлади. Лекин шоир бамаъни сўзлар орқали бунёд қил-
ган бу хаёлот дунёсини бу оламга олиб киролмайди. У
сизни бу дунё билан боғлиқлигингизни узмаган тарзда,
янгидан ҳақиқий оламга чақиради. Шоир сизни бепоён ва
худудсиз дунёдан юлиб янгидан ер юзига; кўчалар, йўл-
лар, уйлар яъни худуди маълум дунёнинг, сиз уни ташлаб
кетишингизга ижозат бермайдиган дунёнинг борлигини
қўйидаги сатрлари билан қайтадан эсга солади:

*Бироқ порлаб чорлар то
Юлдузларнинг гулшани.
Бир кун узилгай тайин
Гуноҳкор ер кишани.³*

² Парда А. «Чорлов» / Чорлов. -Б.4.

³ Парда А. «Чорлов» / Чорлов. -Б.4.

Абдуҳамид Парда шеърларининг асосий қисмидаги «лирик туйиш ва ифода тарзи», ишққа доир ёзган шеърларида ўз туйғуларини ҳис қиласди. Ишқ ва у билан боғлиқ бор хусусиятларни, бошқа бутун сўзлардан устун қўя олган оташнафас шоир, ошиқ ва маъшуқ муносабатларини шеърларида акс эттиаркан мумтоз шеъриятимиз намуналари таъсири сезилади. Парданинг хусусан, мумтоз шеърият таъсирида ёзилган шеърларида кечган ишқда эса ҳар доим ошиқ севган, маъшуқ эса бундан фарқли ўлароқ ошиққа кўп ҳам аҳамият бермаган образ ҳисобланиб келган, яъни мумтоз шеъриятдаги ёр образи кўз ўнгимизда намоён бўлади. Шоир бу турга мансуб шеърларида айтмоқчи бўлган туйғуларини мажозий ишқ орқали ҳақиқий, яъни илоҳий ишққа йўғириб, қайси вақтда инсоннинг дунёвий масалаларга қарашига танқидий яқинлашишини тасвирлаб, шеърини яна ибтидога қайтиш билан якунлайди. Бундай ҳолат қалбимизда шоирнинг асосий фикрини ишқий кўринишда безаб берган изланишини уйғотади:

*Қуёш каби порлайди қалбим,
Оғушига чорлайди қалбим.¹*

Маъшуқа ишқ баҳсида уста, ҳамиша ғолиб ва муҳаббат гулшанининг султони; аммо шоир, яъни ошиқ учун муҳими маъшуқанинг унинг пешонасига ёзилган бўлиши ва ўзининг, билвосита йўлдан имо қилса-да, сўз баҳсида доимо ғолиб бўлиши, яъни сўзининг султони бўлишидир:

*Фариштадай бўлиб намоён,
Ўғирладинг хаёлимни боз.*

¹ Парда А. «Изҳори дил» / Чорлов. -Б.9.

*Фикру ёдинг ила мен ҳамроз:
Соғингандан соғинарман, ёр,
Манглайимга битилган дилдор!²*

Шоир ишқ мавзусини куйлаган баъзи шеърларида Фарҳод ва Ширин каби қаҳрамонлар севгисини эсга олади, ўзи билан уларнинг муҳаббати ўртасида ўхшашликлар яратишга интилади ва ҳатто ўзининг муҳаббатини уларни кидан ҳам янада буюкроқ эканлигини тилга олади:

*Мехримиз товланган кезларда, дилдор,
Бир-бирни Фарҳоду Шириндек сүйдик.³*

Севгилиси билан бирга ўлишни, абадий бўлмиш оламга у билан бирга кетишни орзу қилган шоир, инсонни абадий истироҳатгоҳига элтадиган воситани ҳам жаннатга олиб борувчи тахт сифатида ташбеҳ этади. Абдуҳамид Парда мумтоз шеърият намуналарида қўлланилган воситалардан мос ўхшатишлар келтириб, ўз услуги асосида тасаввурнида шаклланган янги тасвирлар ва рамзлар яратишга интилади.

Шеърларида асосан ишқ мавзусининг илгари сурилиши, қалбимизда унинг романтик ишққа мойил шоир, шунингдек, севгиси кучли ва қўнгил кишиси сифатида таассурот уйғотади. Бироқ, А.Парда фақат ишқни тилга олиш билан чегараланмайди, у билан бирга ҳаётга назар, инсонлар ўртасидаги муносабатлар, чин маънодаги инсон бўла олиш кераклигини уқдириб, уларни шеърларида акс эттиришга ҳаракат қиласи. Бу борада шоир жўшқин, жозибали шеърий усуллардан унумли фойдаланади.

² Парда А. «Изҳори дил II» / Чорлов. -Б.9.

³ Парда А. «Изҳор» / Чорлов. -Б.20-21.

Шунингдек, Абдуҳамид Парда, шеърларида ватан мавзусига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Унинг шеърларида ватан қадри, тарихий жараёнда ватан етиштирган авлодлар, улар амалга оширган тўғри, намуна бўлишга арзигулик ишларнинг янги авлодга ва келажак авлодларга ўrnak бўлиши каби хусусиятларни қаламга олади. Шоир назарида, ватан, ундан ҳам олдин тупроқ юзида макон тутган халқ томонидан яратилган тили, тарихи, анъана ва урф-одатлари, ахлоқ қоидаларининг пайдо бўлиш маданияти билан, яъни руҳи билан ватандир. А.Парда фикрича, маънавий боғларда боғли бўлгани, дунёга келиб кўз очган вақтда илк маротаба қўргани, ҳавосидан нафас олиб, сувидан ичгани, оёқ босган жойи ватандир. Ватан ва миллатнинг маънавий дунёсига кириш: тилини, мусиқасини ва руҳини ўрганиш болалиқдан бошланади.

Ватан севгиси, она сути билан эшитилган аллалар, оҳанглар, мани¹лар ва эртаклар воситасида инсоннинг руҳига сингиб кетади. А.Парда шеърларида асосан кимёвий моддалардан таркиб топган оддий тупроқнинг қандай қилиб ватан шахсиятига чулғанганини, билвосита ватаннинг нима эканлигини; уни юзага келтирган унсурларни, ватанни асраб, обод ҳолга келтириш учун чекилган барча заҳматларни ва унга лойиқ бир фарзанд бўла олиш орзусида ёнади. Соҳибқирон Амир Темурга бағишлиган манзумада она-Ватан, мустақиллик мавзуви пайваста тараннум этилади:

Ҳаёт карвон, кимлар келиб кетаверар,
Кимлар мағлуб, ким муродга етаверар,
Дунёйи дун токи давом этаверар,

¹Турк халқ оғзаки ижодидаги лирик қўшиқ турларидан бири.

*Темур бобом рұхы мангу билмай завол,
Юртим билан, әлім бирлан топгай камол!*

*Искандардан ҳатто зиёд зобит бобом,
Эңтиқоди ҳам иймонда собит бобом,
Соҳибқирон неки, доно обид бобом,
Марду майдон сиймосида барҳаётсиз,
Аҳли ашъор шоҳ байтида ҳур баётсиз!..²*

Абдуҳамид Парда ватанини бутун борлиғи билан сев-
ган ва ундан ажралмас инсонлардан биридир. У туғилиб
үсган қышлоғини, оёқ босган тупроғини, ҳидлаган гул-
ларини, оппоқ қорлар ёғишини, ғұнча очилишини, тоғ-
ларнинг мағұр түришини баҳона қилиб ватан гүзал-
ликларини ҳар доим, ҳар битган шеърларида ёдга ола-
ди ва ватан чиройини шеърларида тасвирлайди. Чунки
шоир ватаннинг боғу роғини, тоғини, қиры адирини,
чұлу даштини, гүзаллигини бутунича севилған диёр си-
фатида баҳо беради ва ватан гүзалликларини жаңнат
билан муқояса қиласы:

*Самоларга бош урган тоғлар,
Бағри болға лиммо-лим боғлар.
Дарёларим, ҳар баҳор тошған,
Карғон каби минг манзил ошған.*

*Ой-офтобим оташ ашула,
Юрагимда ёнған шаңын шуғла.
Ҳар жон учун бошпана гүшам,
Гоҳ Бекішт, гоҳ Аросат-Бешам.³*

² Парда А. «Соҳибқирон» / Чорлов. -Б.7-8.

³ Парда А. «Фахрия» / Чорлов. -Б.15.

Абдуҳамид Парда ватан мавзусидаги шеърларининг ибтидосида ватаннинг кечасини, бугунини ва келажагини тилга олар экан, уни пайдо қилган қийматлардан ҳам баҳс юритади. Унинг ватанида ўстирган орзулари муқаддасdir. Шу сабабдан ҳам юртининг тоғларида эсган елларида, қушларнинг сайрашида, кишиларнинг қувончида ва қайғусида ватанини ҳис қиласи; санъаткорларнинг мисраларида, оҳангига бутунлай ватан мадҳи куйланади. Бу тупроқларда яшаганларнинг ўзлигини ватан беради; бу тупроқларда ўсиб-улғайган инсоннинг «ишқи» ҳам, «орзуси» ҳам ватан ҳисобланади. Абдуҳамид Парданинг ота-боболари ўтмишда доимо ватанинн хўрлашдан, асирикдан, қўл-оёғи боғланганларни қутқариш учун кураш қилиб, керак бўлса жонларидан воз кечиб, дуч келган ҳар қандай фалокатга кўксини кериб, саодат йўлида азму қарор қилганликлари шеърларида илгари сурилади. Ота-боболари босиб ўтган йўлдан кузатиш орзузида бўлган шоир ҳам ватанига ва ҳам миллатига ошиқ-у бекарордир.

Ўтмишга қаратилган кўзгу воситасида Ўзбекистоннинг таърифи ва тарихини ифодалаган «Широқ», «Таржимаи ҳолим», «Фахрия», «Зафар алёри», «Мардуми Ўзбекистонман» шеърлари билан шоир Э.Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидасига бағишлиб ёзган мусаддаси ва бошқа шеърларида ватанга лойиқ фарзанд бўла олиш орзузи ва уни рўёбга чиқариш учун ўзини фидо қила олиш фикри, ота-боболарининг ўтмишда буни ҳақиқатга айлантиришни истаганлари, ватаннинг обод этилиши, ватан фарзанди бўла олиш, ватан севгиси, ватан қадрқиммати ва буни ҳис қилиш; ватаннинг гўзалликлари ва бу гўзалликка муҳаббат, гўзалликлардан воз кечилмаслиги, бу гўзалликнинг моддий унсурлар билан муқояса этилиши каби бир қанча хусусиятлар Парданинг ватанинн мадҳ этган шеърларидаги мавзулардандир.

Абдуҳамид Парданинг, айниқса, ватан пайдо бўлишида аҳамиятли унсурлар акс этган шеърларида, уларни муҳофаза этиш учун турли азобларга дучор бўлган бобокалонларининг келажак авлодга мерос байроғини бор кучи билан қўриқлаб юксалтириб келганлиги, кейинги авлодларга топшириш орзуси ва бу йўлда қилиниши керак бўлган улуғ мақсадлар тилга олинади. Шунингдек, бутун дунё шаҳмат чемпионатида ғолибликни қўлга киритган Р.Қосимжонов ҳурматига ёзилган «Зафар алёри» номли шеърида ватангага лойиқ фарзанднинг тақдири ва Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёшларга ҳам ибрат бўлиши талқин қилинади. Шоир назарида, ҳар бир ватан фарзанди ота-боболарига муносаб фарзанд бўлиши керак; чунки энг олдинда юриш, яхшиларнинг яхиси бўлиш, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва Чўлпон ўхшатишида Ўзбекистон боболарининг орзусидир. Янги авлод Ўзбекистон «аждодларига лойиқ инсонлар» бўлганида, ҳар бир шахси билан мағрур бўлажакдир.

*Голибона тўрт томон солиб тақрор суронлар,
Бежиз биздан чиқмаган ахир соҳибқиронлар,
То сафарбар Рустамдай забардаст навқиронлар,
Жаҳонни қайта-қайта лол айлар ҳали ўзбек,
Не-не полвон қаддини дол айлар ҳали ўзбек.¹*

Шеърларида тарихий сиймоларга, ватангага эга бўлиш ва миллатнинг тили бўлишни, адолат, куч ва қурашнинг воситаси ҳақида Абдуҳамид Парда, «Соҳибқирон» номли шеърида Амир Темурни шундай сўзлар билан тилга олади:

¹ Парда А. «Зафар алёри» / Чорлов. -Б.22.

*То биз сизга ворис бўлдик, бўлдик толиб,
Руҳингиздан қуч-қувват ҳам мадад олиб,
Эрк жангида музafferмиз, ўқтам, ғолиб,
Қалбимизда Сиздан мерос оловимиз,
Ҳалпираиди мустақиллик яловимиз.¹*

Шоир мозийда чекилган заҳматлар эвазига қурилган мустақил давлатни ва ҳаётни асраш, яна аждодларининг буюк хизматларини унутмасликларини ва ҳар доим огоҳ бўлиш кераклигини «Широқ» номли шеърида шундай ифодалайди:

*... Ривоят бўлиб боис,
Кечмишга солдим назар.
Юртим, сенга не зобит,
Чанг солмаган, алҳазар!*

...

*Ҳасад билан кўз тиккан,
Бугун ҳам мудом бисёр.
Ҳайҳот, ўлжса бўлмас ҳеч,
Хурликни севган диёр.²*

Яширинча қанчадан қанча жонлар берилган тупрок, боболарининг уларга қолдирган энг қимматли, энг муқаддас армуғонидир. Бу муносабат билан ўзбек ҳалқи зиммасига тушган вазифа, ватан тупроғини кейинги авлодларга худди шу тарзда эсон-омон етказишdir. Бунинг учун шоирнинг ўзи ҳам энг олд сафларнинг биридан жой олади:

*Юрагим қўлга олай,
Ҳаётим йўлга солай.*

¹ Парда А. «Соҳибқирон» / Чорлов. -Б.7-8.

² Парда А. «Широқ» / Таҳаммул. -Б.44-46.

*Ҳар баҳтга ташна йўлчи –
Юлдузи бўлиб қолай!³*

Абдуҳамид Парданинг шеърларида вақт мавзусига ҳам алоҳида эътибор берилади. У баъзан тонгу кечани, баъзан баҳор-у қиш манзараларини ўз шеърларида акс эттиришга интилади. Бу жараённи тасвирлар экан, бу даврдаги кўришга оид унсурларнинг гўзалликлари ниҳоясига етади, яна унинг инсонларга қилган азоблаш ва жафо этувчи томонлари ўртага чиқади. Шоир янгидан уйғонган табиат каби инсонларнинг ҳам яхшилик, гўзаллик ва тўғри ишлар қилиши кераклигини тавсия қиласди ва ҳатто талқин этади. У ҳар тонг қуёш чиқиши билан бошланган янги бир кунни, топ-тоза вақт каби инсонлар ҳам ҳар тонг уйғониши билан тўғри ва гўзал ишлар қилиши кераклигини таъкидлайди. Баҳорнинг хабарчиси бўлмиш Наврўз айёми нафақат шоирга, балки бошқа инсонлар кўнглига ҳам баҳтиёрлик, сурур ва баҳт нашидасини баҳшийда этади. Олам ўзгача уйғонмоқда ва инсонлар ҳам ўзгача баҳтиёрликни кашф этмоқда:

*Бу не тотли руҳий осойиш,
Бу не лутфу бу не қушоийиш.
Ҳар дақиқа мангулликка ёр,
Наҳот шундай саодат ҳам бор?⁴
Наврўз келиши билан бирга шоир;
«Юрагимда илоҳий сурур,
Мен – бир малак, мен гўё бир ҳур.*

...

³ Парда А. «Орзу» / Чорлов. -Б.11.

⁴ Парда А. «Наврўз нашъаси» / Чорлов. -Б.12.

*Кучга тўлган мисли шер йигит,
Шиддатимдан қўрқудек бургут.
Гўё завол-ўлим бегона,
Бор бу дунё меҳрибон она.»¹*

мисралари ҳам табиатнинг, ҳам шоирнинг шиддатли ҳолатини бизга изоҳлайди.

Абдуҳамид Парда шеърларида умуман, вақтнинг, яъни қиш-у баҳорнинг акс этиши, кун тугашидан кейин давом этувчи оқшом ёки янги бир куннинг бошланишидан таъсиrlаниб, саҳар вақтининг тасвиридаги хусусиятлар диққатни тортади. А.Парда табиатнинг уйкуга кетиши ёки уйғонишини, куннинг тугаши ёхуд бошланишини, азобларга тўла даврнинг, ой, куну соатнинг, ҳатто лаҳзанинг тугаши ёки бошланиши сифатида баҳолайди. Баҳор фаслида шоир ҳам табиат билан биргаликда янгидан жонланиб, ҳаётида янги бир давр бошлаш орзуси борлигини тилга олади. А.Парда шеърларида табиатда, қиш мавсумида бўлиб ўтганларни, баъзан тўғридан-тўғри тасвирлайди, баъзан эса имо билан ўз дунёсида қайтадан кашф этади. Қиш фаслидаги зери-кишлар шоирга, гўё ўз ҳаётининг қиш фасли бўлиб тавсиф этилган давр, яъни болалик ва ўсмирлик йилларида – ва ҳаётининг турли даврларида – чеккан азобларини эслатади. Бу азобларга чидаган шоир, ҳаётнинг бу каби қийинчиликларидан чиниқиб, камол топганини англатади. Аммо у ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан ҳар доим ҳаётдан умидвор бўлганини тилга олади:

*Наврўз! Наврўз! Келдингми қайтиб!
Қувончим ҳеч эмас беҳуда,
Зор эдим, зор васлингга жуда.*

¹ Парда А. «Наврўз нашъаси» / Чорлов. -Б.12.

...
*Дарду ғамлар ўтди бошимдан,
Чақыр тошлар чиқди ошимдан.
Шафқат билмас ҳаёт беомон,
Тақрор-тақрор этди имтиҳон.
Кимлар учун ҳаётим эртак,
Кимлар учун мен ҳануз эрмак.*

...
*Мен-чи яхши-ёмонни күрдим,
Аксар телба замонни күрдим.
Күрдим нағс бандаларини...²*

Аслида ўз бошидан кечирган азоблари, ватан бошига ёғилган турли қулфатлар ҳақида ёзишни ўзи учун маңқул деб билмаса-да, кинояга мурожаат қиласы, вақти-вақти билан бу күргуликларни ватан билан боғлиқ тушунчаларини ифода қилишда күпприк сифатида фойдаланади ва бундай ватаннинг фарзанди бўлгани учун баҳтиёр эканлигини куйлади:

*Ўғил-қизлар шириндан-ширин
Иқболида баҳтим яширин.
Баҳти бутун улусга фарзанд,
Толе борми бундан сарбаланд.³*

Абдуҳамид Парда эрта саҳар вақти ва тонг мавзуларини ёритган шеърларида куннинг бу вақтлари билан бирга яхши ният ва умидлар билан бутунлай бошқа бир дунёга, янги бир эшикнинг очилганини тилга олади:

² Парда А. «Наврўз алёри» / Муножот. -Б.6.

³ Парда А. «Наврўз алёри» / Муножот. -Б.6.

*Бир туйғуки, тоза, мусаффо,
Бир туйғуки, бокира, асил.
Шараф сенга қалбимга сағо,
Бағишилаган нақырон фасл!¹*

А.Парда шеърларида ватанга қайтиш ва туғилиб ўс-
ган қишлоғига бориш орзуси, табиат қучоғида сайр қи-
лишни хоҳлаганини тез-тез тилга олади:

*Яна йўлга тушдим мен,
Қишлоғимга талпиниб.
Кўш қанот боғлаб қушдай,
Қалбим шошар талпиниб.*

*Шамолларга тўши уриб,
Яёв юргим келади.²*

Эҳтимол, шеърларида ифодаланган қишлоқ, тоғ, дала,
қир каби унсурлар, шоирнинг азоблари, аламлари, дунё-
нинг бесаранжомлигидан, инсонларнинг бир-бири билан
бўлган муносабатларидан қутулиш, булардан халос
бўлишнинг; деярли бежавоб ва манфаатсизлик асосида-
ги маконга қайтиш орзусининг ифодаси эканлиги тал-
қин қилинади. Бу ерларга бўлган соғинч деярли орзуси
ўчоқда ёнаётган олов каби куйишда давом этмоқда:

*Оташ қалар соғинчимнинг ўчоғига,
Тоғлар чорлар, чорлар қайнок қучоғига!³*

Шоир мавзуни бу ерлар ва табиатга янгидан қайтиш
истагининг сабабини;

¹ Парда А. «Тонг саҳарда» / Тахаммул. -Б.21.

² Парда А. «Йўлда» / Тахаммул. -Б.11.

³ Парда А. «Тоғлар» / Чорлов. -Б.7.

*Токай дилим вайрон қиласар ох-воҳларим,
Токай сизни йиғлаб қучар нигоҳларим?!*

...

*Ёниб-йитмай армон оташ ўчогида,
Яйрасам бас баланд тоғлар қучогида!⁴*

мисралари билан тилга олади.

Тоғларга, табиатга қайтиш орзуси ва уларга эришиш; бу ерларга эришганида вазиятнинг қандай бўлиши мазмунидаги ноаниқлиги, деярли шоир чеккан ҳасрати ва шаҳардан зерикиб бўғилганининг фарёди шундай тасвирланади:

*Оташ қалар соғинчимнинг ўчогига,
Тоғлар чорлар, чорлар қайноқ қучогига!
Дардларимнинг деворидан ўтолмайман,
Етолмайман тоғларимга, етолмайман.
Бўлсам нетар булутларнинг ўтовида,
Ё елдирим ҳур елларнинг етовида.
Нигоҳимдай оламни жо этсам нетар,
Етсам нетар, тоғлар, сизга етсам нетар!
Токай дилим вайрон қиласар ох-воҳларим,
Токай сизни йиғлаб қучар нигоҳларим!
Ёниб-йитмай армон оташ ўчогида,
Яйрасам бас баланд тоғлар қучогида.⁵*

Шоирдаги тоғларга ва табиатга бу каби етишиш орзуси, дардларига фақат бу ерларда даъво топа олиш умиди борлигидан сўз очади:

⁴ Парда А. «Тоғлар» / Чорлов. -Б.7.

⁵ Парда А. «Тоғлар» / Чорлов. -Б.7.

*Кўксимдаги доғларга,
Шифожў даво топсам.
Чиқиб баланд тоғларга,
Илоҳий наво топсам.¹*

Абдуҳамид Парда инсонни таниш, инсонларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини шеърларида акс эттиради, инсон учун ақл, виждан каби тушунчаларнинг муҳим омил эканлигини англатади; ростгўйлик, адолат ва раҳм-шафқат каби хусусиятлар ҳар бир инсон ҳаётининг шиори бўлиши кераклигини ифода этади. Шундай шиор остида ҳаёт кечираётган ва бунга муносиб инсон бўлиб яшашни, тавсия этилган фазилатларни ўзида мужассам этишга диққат қаратишни, фақат ҳаётига татбиқ этган бу хусусиятларни ўз дунёсида ҳисоб-китоб қилиш кераклигини уқтиради. Чунки инсоннинг яхшилиги учун айтилган гаплар, унинг ўз дардига давони ўзидан топишига ишора қиласди. Бу фикрлар асосида умр кечирган ҳар бир инсон, ўзини рўпарасидаги инсонлар билан тенг ҳисоблади. Эҳтимол, бу тарзда яшаган инсонларнинг дўсти ҳам ўзига яраша бўлади. Асосан инсонлар ўртасидаги муносабатларни акс эттиришга ҳаракат қилган Абдуҳамид Парда шеърларида дўстлик, яқинлик, самимият, ростгўйлик, мардлик каби мавзуларни ҳам қаламга олади. Дўст деб аталган киши А.Парда учун жуда катта аҳамиятга эга. Албатта, шоир учун аҳамиятли бўлган кишининг ҳам бир қанча ҳасратлари шеърларига кўчиши керак. Дўстлик, руҳан яқинлик билан боғлиқ шеърларида биродарлик, сухбат этиш орзуси, мashaққатларни бирга енгиш, дўстларидан ҳол-аҳвол сўраш, руҳан яқинликни, ўз манфаатини кўзлаб ёки ўз фойдаси учун бошқалар-

¹ Парда А. «Наво истаб...» / Чорлов. -Б.11.

га азоб бериш, шунингдек, хиёнат каби тушунчаларга алоҳида эътибор қаратади.

А.Парданинг дўстликка оид битилган сатрларида ва дўстларига бағишилаган шеърларида² дўстликка қай даражада аҳамият бергани кўзга ташланади. Ҳақиқий дўст топиш борасида шоирнинг ҳаётда кечиргандари баъзан уни умидсизликка тушишга, бу дамларда унга ёнида туриб куйинадиган ҳақиқий дўст ҳақида ўйлашга мажбурлик ҳис қиласи, аммо ҳар қандай шароитда ҳам ҳаёт унга бир қанча дўстларни тухфа этди. Абдуҳамид Парда назарида, инсон дўст-у биродарлари соясида ўзини баҳтли ҳис қиласи; дўстлик бор жойда ғам-андуҳ камлигини, баҳтиёрлик ҳукм суришини таъкидлайди. Баҳтиёрлик эса аслида инсон ўз қўли билан яратиши мумкин бўлган тушунчалардан биридир. Шоир ҳаётда дуч келган дард ва азоблар олдида баҳтли бўлиш йўлини;

*Гар бошингга тушса ғам,
Чекаверма дод-фарёд.
Сендан-да бечорароқ,
Бандаларни айла ёд*

*Кўрмай десанг бошингга,
Бевакёт қўнган қировни.
Шодликда ҳам, ғамда ҳам
Маҳкам тут, бас, жиловни!³*

мисралари билан ифодалайди.

Қалбан ёлғизликини инкишоф этган шоир туйғуларини айрилиқлар билан изоҳлайди. Вақти келганда ёлғизликини севган, атрофидаги муҳитнинг ёлғизлигига

² Қаранг: Дўстнома, -Б.55-70.

³ Парда А. «Таҳсин» / Чорлов. -Б.13.

чанг солишини түғри қабул қылмайды, унда пессимистик қарашлар намоён бўлади. Баъзан ёлғиз қолишини, бу бадбинликнинг давом этишини истаган шоир, эҳтимол ички оламида мистик қарашга эҳтиёж сезади. Абдуҳамид Парда шеърларининг аҳамиятга молик бўлган қисмида айрилиқ ва чорасизликдан юзага келган умидлари пуч ва тушкун кайфиятни ифодаловчи мисралари ҳам кўзга ташланади. Бундай руҳият «ўткинчи онларда» намоён бўлган «пессимист» бир ҳолни намоён этади. Ташқи олам билан фаол муносабатдаги шахснинг аксарият шеърларида унинг ҳаёт ва ҳақиқатга қарши зерикиши кузатилади. Бундай руҳиятнинг пайдо бўлишига сабаб эса А. Парда шеърларида бирон сабаб билан тилга олинган болалигидаги, ҳаёти аввалидаги кечмишларидир. Шоир ҳам зоҳирان, ҳам ботинан дардга тўлган; бу дардларни булатлар, осмонлар, тоғлару тошларга айтганида уларнинг ҳеч бири шоир азобларини тушунмайди ва унинг тортган жабрларига чидай олмайди, дардига малҳам бўла олмайди. Шоир дардига ҳатто табиат унсурлари бардош беролмагани, уни фақат инсон қалби тушуниши мумкин эканлигини таъкидлайди:

*Юрагимда дардим қўп, дардим,
Дардларимга даво ахтардим.*

...

*Дардим тинглаб ҳаттоки тошлар,
Мумдай эриб, тўқди кўз ёшлар.
Дарддан фориғ бўлсан деб зора,
Дардим борин қўмдим, начора¹.*

Ёлғизлик ва умидсизликдан туғилган тушкунлик шеърларида хаёл парчаларини, итоат ва ички исёнлар-

¹ Парда А. «Шукронा» / Чорлов. -Б.8.

ни акс эттиради. «Алданиш ва ёлғиз қолиш»ни ўз кўзи билан кўрган шоир, қалбида узоқ вақт яшашни истаган умид билан ҳақиқат ўртасидаги бекарор ва мураккаб бир руҳий оламда яшайди. Ўзи учун маъқул кўрмаган эътиқодни ўзгартириш, ноҳақиқат ҳақиқатлар қаршисида «олди-қочди бир оптимист»ни кўрсатиш, шоир учун таомомила ёт хусусият ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам унинг баъзи шеърларида акс этган пессимилик руҳият, аслида тақдирнинг шоирга тухфа этган шахсий ва ижтимоий ҳақиқатларидан бошқа нарса эмас. Шоирнинг умидсизлик ва тушкунликни ифодалаган шеърлари муқаддимасида турфа фикрлар асосида ҳақиқатлар орасидаги зиддиятлар кўрсатилади, шеър якунида эса хаёл оламига эътибор қаратилади. Бу хаёлот олами шоирни мураккаб руҳий ҳолат сари етаклашга мажбур этади. Ушбу руҳий ҳолатнинг шоирдаги энг аниқ белгиларидан бири «акс таъсир» ва «рад» механизмлариdir. «Муножот»², «Яхши дам...»³, «Ўзим билан савол-жавоб»⁴, «Сиз ғоят улуғсиз»⁵ каби шеърларида унинг ички руҳияти билан яқинлиги ва ҳаётни тафтиш қилиш асосий ғоя ҳисобланади. Ҳатто муаммони яна ҳам юксакларга кўтарган шоир, инсоннинг инсонга қуллиги, инсонларнинг ўз манфаатлари учун қилган ишларини қоралайди. Бундай фикрлар билан яшаган инсонларни ўз дунёсига қабул қила олмаган шоир, бу вазиятни тузатиш учун чорасизлигини ва уни тушунтириши мумкин бўлган ягона даргоҳга қайтиб, Яратганга бош эгади ва саволларига жавоб излайди:

*Нечун мени бадбинларга қўшиб қўйдинг,
Бир чилвирга, бир арқонга эшиб қўйдинг.*

² Қаранг: Парда А. Муножот. -Б.9-11.

³ Қаранг: Парда А. Муножот. -Б.12-13.

⁴ Қаранг: Парда А. Муножот. -Б.14-15.

⁵ Қаранг: Парда А. Муножот. -Б.16-17.

*Нечун ахир тубан мұхит фарзандиман,
Юхолардек нафсимга мен ҳам бандиман.
Нечун ахир айро тушиб иймон билан,
Сулҳ тузай Худо безор шайтон билан.¹*

Инсонларнинг баъзан адолат ва тўғрилик, баъзан эса ёрдамсеварлик ва динни ниқоб қилганларини тушуммаган шоир деярли исён кўтаради. Шоирнинг адолатни қидириши ва ундан ҳисоб сўраш воситаси сезилган мисраларида инсоннинг инсонга қуллиги, ноаҳил инсонлар бир-бирларига кўрсатган зулмлари натижасида юзага келган турли сиқилишлар, очкўзлик, айёрлик, манфаат, ожизнинг эзилиши, яхши ниятни суситеъмол қилиш, нафрат, маккорлик, ёлғончилик, риё, мақом ва мартаба ишқи, вақти келганида булар учун ҳар нарсага тайёр туриш, имонсизлик ва идроксизлик, ҳаром луқма каби қусурлар асосида яшаётган инсонлар сокинлиги қаршисида баъзан шоир ҳам жим қолади. Ёмонлик ва биродарларига ёмонликраво кўрган инсонларга бардош беролмаган шоир, яхши инсонлар ҳам баъзида улар сафидан жой олиши мумкинлигини таъкидлайди. Бу каби муаммолар қаршисида шоир нима бўлишидан қатъий назар Яратгандан умидини сўндирамайди. Чунки шоир назарида инсоннинг яратилишида, ўзлигидаги яхшилик ва гўзаллик хусусиятлари уни осонликча тарк этмайди.

Ҳаётни оддий инсонларга нисбатан ўзгача талқин қилган шоир, ўз тушунчаларини англашиб, бир тарафла-ма англаш учун бу тарзда ўйлашнинг аҳамиятсиз эканлигини, ҳатто унга қилинган зулмлардан шикоят қиласди; аҳволини Яратганга ситам тўла сатрлар ила изҳор қиласди. Ҳаётда нима бўлишидан қатъий назар, у такрор

¹ Парда А. «Муножот». / Муножот. -Б.9.

ва такрор Яратганга сиғиниб, инсоннинг бу дунёда қилган ишлари ёхуд амалга оширмоқчи бўлган ишлари бир кун келиб ниҳоясига, якунига етиши мумкинлигини айтади. Шоир назарида, инсоннинг қилган ишлари-ю нияти, ҳамма қилмиш-қидирмишлари Яратганга маълумдир. «Одам бисёр одамийлик оздан ҳам оз»² деган оташнафас шоир одам сифатида яратилганларнинг ҳам инсон эканлигини, ниҳоясида эса буларни амалга оширишда Яратганинг қудрати бекиёслигини тилга олади. Шоир бу каби хусусиятлар орқали Яратган билан сухбатга киришади. Шоирнинг орзуси, Яратгандан қуллагирига соҳиб бўлишидир; чунки ҳар нарсага қарамасдан унга ва унинг ҳақлигига ишонганлар бисёрдир:

*Токи бари эрта-ю кеч Худо дегай,
Ҳақ йўлида жисму жоним фидо дегай
Худо деган ахир ҳануз кам бўлмади,
Худо деган бошлар ҳануз хам бўлмади.³*

Абдуҳамид Парда ўз «мен»ини тилга олган шеърларида самонинг ҳурлигини, озод қалбнинг, топ-тоза бир фикр иқлимининг макони эканлигини таъкидлайди. Шоир, осмоннинг ва осмонда парвоз қилган қушларнинг жимлигидан, шамоллар тўплаб келтирган булатлардан бутунлай бошқа-бошқа маъноларни қидиради. Уларни сокинлаштирувчи бу ҳол қаршисида унинг юрагида изтироблар пайдо қилган дардлари, ақлу идроки, чап томонини увштирган нарса борки, сўз мавзуси муаммоларига қалбининг таяниш кучи камаяди. Чунки савоб бисёр⁴ бўлса ҳам, бисёр[дир] гуноҳлар ҳам...⁵ Ҳаёт-

² Парда А. «Муножот». / Муножот. -Б.10.

³ Парда А. «Муножот». / Муножот. -Б.11.

⁴ Парда А. «Кўк юзида». / Чорлов. -Б.19.

⁵ Парда А. «Кўк юзида». / Чорлов. -Б.19.

га меҳру муҳаббат кўзи ила назар соглан шоирнинг ҳар доим севгига, яхшиликка ва дўстликка ташналиги сезилади. Инсонларнинг севгидан узоқлашиб кетишини қоралайди; чунки одамнинг яратилишида, унинг моҳиятида севги мавжуд эди ва бундан узоқлашиш мумкин эмас, дейди.¹

Абдуҳамид Парда шеъриятида поэтик фикрлаш ҳам кўзга ташланади, ўзига устоз деб билган кишиларни эса ўқувчига таъкидлаб кўрсатади. А.Парданинг шеърият гулшанида сайр қилиши учун йўл кўрсатган илк устозларидан бири, ўзбек мумтоз шеъриятининг асосчиси Алишер Навоийдир У нафақат Алишер Навоийнинг, балки шеърият осмонининг юлдузлари Ҳофиз Шерозий, Фитрат, Усмон Носир, Чўлпон каби шоирларнинг шеърий санъатига хос хусусиятларни пухта ўрганади ва улардан илҳомлангани сезилади.Faқат очиқдан-очиқ ўзига устоз деб билган, устозим дея шеърларида таърифлаган шоир А.Ориповдир:

*Сиз туфайли қалам тутиб қўлимга,
Кирганим рост шеъриятнинг йўлига.*

*Ашъорингиз юрагимга битганман,
Пойингизга жоним нисор этганман.*

*Устозим деб тутганман этагингиз,
Сўйлаганман умрбод эртагингиз.*

*Отам каби азиз билган устозим,
Таронаси, авжи баланд шўх созим.²*

¹ Парда А. «***Яхши дам...». / Муножот. -Б.12.

² Парда А. «Бағишлов». / Муножот. -Б.3-4.

Нафас олаётган ҳаётини, атрофидаги инсонлар аҳволини, кўнгли тубидаги изтиробларни шеърларида акс эттирган Абдуҳамид Парда шоирлигини шундай ифодалайди:

*Мен шоирман, ҳақиқатнинг муazzини, қорисиман,
Биз майизни қирққа бўлиб еганларнинг ворисиман.
Гарчи аксар ғуссаларим билан маъмур қиссаларим,
Армонли ҳар кўнгил борки, дармониман, дорисиман.*

А.Парда шоир, ҳаётнинг гўзалликларига маҳлиё бўлиб, уни тараннум этишда қалбан ёниб ёзиши кераклигини айтади. Ҳақиқат куйчиси бўлмиш шоир, қаламга олмоқчи бўлган изтиробни албатта, ўз бошидан кечирмоғи, бу каби кечмишларни ҳар бир сатрига моҳирона кўчириши керак бўлади. Чунки бундай руҳий вазият на шоир қўлидаги қаламни тўхтата олади, на қалбини қийнаётган дардларни тарк эта олади. А.Парда, аслида бу руҳий ҳолатни илоҳий наво сифатида тасаввур қилаади. Шоир бошидан ўтказган азобу ғамларга қарамасдан, ўзини шеърга, шеъриятга бахшида қиласди, сабаби эса у – озод қалб эгаси. Шоирнинг шиори – унинг оташин қалби ўзига ҳақ ва гўзал фазилатларга эга инсонларни, хато ва камчиликларни тузатиш учун керак бўлган йўлларни куйлашни истайди. Шунинг учун ҳам шоир шеърларида Ҳақ деганини айтиш, йўлларида учраган чақмоқларнинг кескинлиги-ю шиддатига ва қировли бўронларига арслон жасорати каби кўкрак кериб курашиш қудрати сезилади:

*На таъма бор дилда, на гумон,
Яловим тек – Эътиқод, Иймон.
Ўз ҳолимга қўйингиз фақат,
Эркалансанам, айлангиз шафқат.*

*Гоҳо йиғлаб, қуларман гоҳо,
Гоҳо яшнаб, сүларман гоҳо.
Парирўйлар жонимни олар,
Юрагимга туғёнлар солар!¹*

Абдуҳамид Парда назарида, ҳар бир ижодкор яратган асарлари билан абадий тирик яшайди. У, шоир юрагидан тўқилган ҳар битта мисра келажак авлодга етказилиши ва уларга ҳаётда тўғри йўл кўрсата олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши кераклигини алоҳида таъкидлайди.² Шу сабабдан ҳам А.Парда ашъорни Яратганинг яратганларини эъзозлаш, у кўрсатган адолатга эргашиш, ҳаётда ҳар томонлама етук ва баркамол инсон бўлиш, шунингдек, атрофдагиларга фойдаси тегадиган шахс бўлиб етишишдаги восита деб билади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Парда А. Таҳаммул. -Т.: «Босқон», 1997.
2. Парда А. Муножот. -Т.: «Босқон», 2000.
3. Парда А. в.б., Соҳил оҳанглари. -Т.: «Наврўз», 2004.
4. Парда А. Дўстнома. -Т.: «Санъат журнали», 2008.
5. Парда А. Чорлов. -Т.: «Шарқ», 2008.

Вали Саваш ЙЕЛЎҚ,
туркиялиқ адабиётишунос олим.

¹ Парда А. «***Юрагимга етказган...». / Муножот. -Б.19.

² Парда А. «Мангулик сири». / Муножот. -Б.28-29.

ТҮРТ САТР ИМКОНИЯТИ

Қадимги даврдан тўрт, ҳатто икки сатрдан иборат шеърий жанрлар Шарқ шеъриятидан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Ҳар бири бир неча минг байтлик «Хамса» дostonларини яратган Алишер Навоий рубоий, туюк, фард каби жанрларда хам баракали ижод қилган. Мумтоз шоирлар чуқур фалсафий фикрларни катта санъаткорлик билан ихчам сатрларга жо эта олганлар.

Қардош тожик халқи шоири, марҳум Лойиқ Шерали Умар Хайёмга бағишиланган шеърида рубоийнинг таърифини қуидагича келтирган:

*Чу андар чор сатри ҳар рубоий,
Чор унсури азал пайдост.
Чу андар чор сатри ҳар рубоий,
Чор самти олами паҳност.*

Таржимаси:

*Рубоийнинг ҳар тўрт сатрида,
Азалий тўрт унсур муҳайё.
Рубоийнинг ҳар тўрт сатрида,
Оламнинг тўрт тарафи пайдо.*

Ўзбек шоири Абдулла Шер рубоийга берган таъриф ҳам шу фикрга ҳамоҳанг:

*Рубоий тўрт мисра, тенги йўқ миқёс,
Тўрт уммон, тўрт томон унгадир қиёс.
Оламу одамни таърифлагандা,
Тўртала фаслнинг ранги унга хос.*

Янги давр адабиётида қадимий аруз вазнидаги ру-
боийнавислик бармоқ вазнидаги тўртликнавислик
билин алмашди. XXI асрда тўртликларини алоҳида
китоб ҳолида чоп эттираётган ўзбек шоирлари сони
тобора кўпаймоқда. Тошпўлат Аҳмаднинг «202 атиргул» (2002й.), Сирожиддин Саййиднинг «Кўнгил сохи-
ли» (2004й.), Шукур Курбоннинг «Қалбдаги шамлар»
(2006 й.) тўртликлар китоблари шеърият маҳлисла-
рига манзур бўлди. Шоир Азим Суюн бу жанрга янада
ижодий ёндошиб, «Эй дўст» (2005 й.) қайирмалар ки-
тобини нашр этди.

2008 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриётида шоир Абдуҳамид Пар-
данинг «Ичсўз ифшоси» номли тўртликлар, туюқлар,
фардлар китоби чоп этилди.

Маълумки, алоҳида тўртликлар китобини нашр этиш
шоир зиммасига масъулият юклайди. Зеро, устоз шоир
Эркин Воҳидов айтгандек:

*Шеърнинг сози – тўрт сатр,
Тўрт ажойиб – зўр сатр.
Шоир одам ўзини
Тўрт сатрда қўрсатур.*

А.Парданинг олдинги «Таҳаммул», «Соҳил оҳангла-
ри», «Чорлов» каби тўпламларида ҳам қатор тўртлик-
лар борлигини назарда тутсак, «Ичсўз ифшоси» узоқ
йиллик самарали изланишлари натижаси эканига амин
бўламиз.

Тўпламдаги тўртликларнинг салмоқли қисми ишқ-
муҳаббат мавзусида: баъзиларида шоир бир даража
ютуққа ҳам эришган. Масалан, Аҳмад Яссавий бир шеъ-
рида «Дам бу дамдир ўзга дамни дам дема» сатрида
«дам» сўзини тўрт марта такрорлаб юқори таъсирчан-

ликка эришгандек, А.Парда қуйидаги түртлиқда «дард» ва «дил» сўзларини бир неча бор тақрорлаши ҳам ўрин-лидир:

Дардингдан ўзга дард нетар дилда, айт?!
Дардинг нелар содир этар дилда, айт?!
Қон билан кирса ҳам, чиқмай жон билан,
Наҳом, дардинг мангу кетар дилда, айт?!

Бошқа бир түртлиқда лирик қаҳрамон ва маъшуқасининг булат ва камалакка ўхшатилиши ҳам муваффақиятлидир:

Кўзларимда ҳалқаланар ёш,
Сен қуласан, лабингда ханда.
Камалак ҳам сендек бағритош,
Кулар булат йиғлаб турганда.

Бироқ юзлаб түртликлар орасида бундай оҳорлила-ри кўп деб айтиш мушкул.

Муҳаббат боғида сайрайман мудом,
Ҳар пари васлидан яйрайман мудом.
Не тонг, қай касларга санчилсам тиғдай,
Тилим қилич каби қайрайман мудом,

каби анча бўш, мазмуни ғариб, сатрлари ички яхлитликдан маҳрум түртликлар китобга фақат сон учун киритилганга ўхшайди.

«Ичсўз ифшоси» тўпламида фардлар ўндан ортиқ саҳифани эгаллагани диққатга сазовор. Бу тасодифий эмас. 1988 йилда чоп этилган ва йигирмата бошловчи шоир ижодидан намуналарни ўз ичига олган «Олтин баланчак» тўпламида А.Парданинг бошқа бир нечта

шеъри билан бирга тўртта фарди эълон қилинганди. Тўпламга сўзбоши ёзган мархум шоир Сайёр А.Парда изланишларини ўшандәёқ «кatta адабиёт йўлларига етиб олишга интилиш», дея баҳолаган.

Фард ихчам жанр. А.Парданинг баъзи фардлари бир неча сўздангина иборат бўлса-да, маънодан холи эмас:

*Умр – туш,
Бахт – қуш.*

*Оши ҳалол,
Ер бемалол.*

Аскарият фардларда ҳаётий ўгитлар акс этган:

*Аксарият аҳли мансаб заволи –
Таъмадан холи бўл, таъмадан холи!*

Турмуш ҳақиқати енгил юморга йўғрилиб тақдим этилган, таъбир жоиз бўлса, «кулдириб йиғлатадиган» фардларга мисоллар:

*Тўғри сўзнинг тўқмоғи бор деганлар,
Тўғри сўзнинг тўқмоғини еганлар.*

*Бошлиқ гапирап муштлаб,
Мулозим тилин тишлаб.*

Хуллас, «Ичсўз ифшоси» тўртлик, туюк ва фардлардан тузилган мўъжаз назмий гулдаста бўлиб, ушбу жанрлар мухлисларига манзур бўлса, ажаб эмас.

Ғулом КАРИМИЙ.

МУҚАДДАС ДАРГОҲ Даъвати

Абдуҳамид Парда – «Жаҳон адабиёти» журнали орқали Ғарб насри ва назмидан етук таржималари билан адабий жамоатчиликнинг эътирофига сазовор бўлган таникли таржимон, республика матбуотида ўзининг дол зарб мавзудаги чиқишлари билан танилган ҳозиржавоб мақоланавис, айни пайтда, оташнафас ва исёнкор шоир.

Унинг шеърлари содда тузилиши, оддийлиги, самимий фикр-туйғуларга йўғрилгани билан, ташқи ялтироқлик, ортиқча безаклардан холилиги билан алоҳида ажralиб туради. Тирикчилик ташвишлари билан оёғини тушовлаган заминдан узилиб, тоғларга, кўкларга интилиши – унинг беором қалби, безовта руҳининг парвозга ташналигидан. Бу шеърлар етарли даражада бадиий мукаммаллик касб этмаган бўлса-да, муҳими, уларда шоирнинг ўқувчига айтмоқчи бўлган ўз сўзи борлиги сезилиб турибди. Чунончи, дардларимни булатуга, шамолларга, қушлар, заминга айтдим, ҳеч бири кўтаролмагач, қайта юрагимга жойладим, мазмунидаги шеърида яхши бадиий топилма бор. Айниқса тўртликлари кишида илиқ таассурот қолдиради – улар муаллифнинг ҳаётни, одамларни кузатиши натижасида туғилган фалсафий хуносалари. Жумладан, қуидаги тўртликда унинг шоирлиги ҳам, шоирликнинг моҳияти ҳам, қандай улуғ миллат, буюк аждодларнинг давомчиси эканлигидан чексиз ғуур ҳам, дардли кўнглидан тўкилган сўзлари армонли кўнгилларга малҳам ва юпанч бўлиши ҳам, қисқаси, бир олам маъно ўз аксини топган:

*Мен шоирман, ҳақиқатнинг муazzини, қорисиман,
Бир майизни қирқча бўлиб еганларнинг ворисиман.
Гарчи аксар ғуссаларим билан маъмур қиссаларим,
Армонли ҳар қўнгил борки, дармониман, дорисиман.*

Абдуҳамид Парда Сергей Есенин ижодидан таржима қилган бор-йўғи бир жуфт шеърни тўпламга киритган бўлса-да, улар кишида умид уйғотади: у ҳассос рус шоири руҳига кира олган. Бу ҳар қандай мутаржимга ҳам насиб қиласкермайди.

Эргаш Очилов,
Филология фанлари номзоди,
ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги
Тил ва адабиёт институти етакчи илмий ходими.

ТАШСЎЗ ИХФОСИ

Абдуҳамид Парда – туғма шоир. Бу гапни мен дўстимга хурматан атайлаб айтиётганим йўқ. Ҳа, хурмат юзасидан не-не сўзлар айтилмайди. Аммо айни ҳолда бу – истисно. Биз анча йиллар «Жаҳон адабиёти»да бирга ишладик. Тўғриси, дўстлик ришталаримиз ҳам шу даргоҳда боғланди ва Худога шукурки, минбаъд ечилмас, узилмас бўлиб қолди.

Абдуҳамид ҳаёт мазмунини шеърсиз, адабиётсиз тасаввур этолмайди. Ўтаётган ҳар бир кун ҳисобини олиб боради ва сония-сонияларигача шеърият шарбатига «чўмилтиради», ранг-тус беради, таъмсиз жойлари бўлса, туз ҳам беради. Тузи бўлмаса, ошлиқда таъм қаён дейдиганлардан у. Мен бу дўстимдаги қойил қолган бир жиҳат – Абдуҳамидинг сўзларни турли маъноларда ўрни билан ишлата билишидир. Унинг сўз бойлиги ўзига яраша катта хазина – замонавий сўзларни-ку қўяверинг, бизлар архаик деб ўрганиб қолган, ҳатто улардан фойдаланишни гоҳо эп билмайдиган сўзларни у шуна-қанги «питпилдиқ» қилиб сайратадики, бир кур рашикингиз ҳам келади – эсиз, мен ҳам билардим-ку бу сўзни,

вақтида ишлатсам дуруст бўлар экан, деб ичикиб қоли-шингиз ҳеч гап эмас. Ҳеч айби йўқ, дўстимнинг шеърларини мутолаа қилганимда бундай фикр миямга неча бор келмаган! Ахир, зиёлиман деган халқнинг биргина бойлик-бисоти бор, у ҳам бўлса – СЎЗ!

Абдуҳамид ўзига етганча «ичидан пишган» . . . шоир. Чунки унинг шеърлари олдин узоқ вақт ичидা – қалбида юради. Кўзи билан кўрганларини дилига жойлайверади, жойлайверади. Бир куни қарабсизки, йўлда учраб қолганида сизга янги нашрдан чиққан китобини лутф қилиб турибида. Суюниб олиб, ўқийсиз, айрим шоирларда бўлгани каби, ҳа, мана бу шеърини фалон йил-ойда фалон газета-журналда ўқигандим, деган ҳолни кўрмайсиз – ҳамма шеъри яп-янги, «оҳори тўкилмаган!»

Абдуҳамиднинг шеърлари маддоҳликдан холи, фақат илҳом келганда, юрагида изтироб тўлиб-тошганда, ҳислари жиловини йўқотиб, қанот боғлаб, ҳавода парвозлар қилганда ёзилган. У фақат биргина буюртмачини билади – **юракни**. Абдуҳамиднинг китобларини (шеърларини!) мутолаа қилгингиз келганда, дуч қелган жойидан очиб ўқийверасиз, юракдан айтилган сўз тўғри юракка боради-да. Баъзан атайлаб дўстимнинг китобини бир неча жойидан очиб-очиб мутолаа қиласман, айрим шеърларининг мағзини яхшироқ чақиш учун қайта-қайта замзама қиласман. Ҳар такрорлаганда мисраларнинг тобора миллийлашиб, туркийлашиб, ўзбеклашиб боришини ҳис этаман. Абдуҳамид киндик қони тўкилган ери – қишлоқ одамларининг руҳини жуда чуқур эгаллаган. Айрим ибораларни (албатта, бадиий сайқалланган) фақат ўша жойнинг ўзида учратиш мумкин – Абдуҳамид уларни ўша ерлик одамларнинг азта-ҳидил розилиги билан кенг жамоатчиликка тортиқ қилган – элга хизмат деган қутлуғ вазифа аслида мана шу! Ижодда журъат бўлмаса, ундей ижод узоққа бормайди,

сабаби, ҳар дафъада журъатсизлик қиласверса, у қўрқоқликка айланади, қўрқоқ ижодкор нимани ҳам ижод қиласарди? Дўстимнинг бундай нуқсондан холийлиги менга жуда ёқади ва юзма-юз бўлганда ҳам, орқаваротдан ҳам унга оғаринлар ўқийман.

Абдуҳамиднинг яна бир ажойиб томони (шоир сифатида!), дўстларидан қанчалик хурсанд бўлса, шунча хафа ҳам. Нима бўпти, ҳар нарсанинг икки томони бўлади! Яхши бўлса, ёмони бор, оқ бўлса, қораси бор... Хурсанд бўлиш мумкин-у, хафа бўлиш мумкин эмасми? Элимизда, гинали қариндошдан умид, деган нақл бор. Абдуҳамид тўғри қиласи, дўстлик деган обидада у заррача нуқсон бўлишини истамайди. Дўстликда нуқсон бўлиши – деярли душманлик билан тенг-да. Ҳаёт деган дошқозонда ҳаммамиз қайнаймиз, пишамиз. Абдуҳамид дўстлик ҳақида нимаики ёзган бўлса, шу дошқозонда пишиб ёзган, шунинг учун унинг дўстлардан гинаси зинҳор ҳақорат ё таъна эмас, ё бўлмаса ҳаётни сендан кўра мен кўпроқ биламан, деган иддао ҳам эмас. Боз устига, Абдуҳамид шахсан ўзи шу қадар хоксор, камтаринки, ундан ҳалигидаقا гап чиқмаслигини кўпчилик билади. Унинг биргина «камчилиги» (аслида зўр ютуғи!) айрим шоирлар ё писанд қилмай, ё андиша юзасидан, ё ... ишқилиб бирон-бир сабаб билан қаламга олмай юрган «нозик» мавзуларни, юқорида айтганимдай, буюртмасиз, илҳом келганда шартта ёзиб ташлайверади ва шартта китобхонларга ҳавола қиласверади. Шундан келиб чиқиб, шоир дўстимнинг ижодидаги ана шундай (озроқ бўлсада) «шартта»киликни жон-жон деб қўллайман.

Абдуҳамиднинг бир тўплами номи «Ичсўз ифшоси». Буни ўқигансиз, маза қилгансиз. Мен, тўғриси, китобни дўстимнинг қўлидан совға қилиб олаётганимдаёқ сарлавҳанинг жуда ўйлаб-ўйлаб, дид билан қўйилганини ҳис этгандим. Яширишнинг ҳожати йўқ, бирдан қулоққа

сингиши оғирдай туюлади. Нихоят, қулоққа сингди. Энди юракка, шуурга сингиши керак эди. Нима қилиш керак бунинг учун? Жавоб битта: тўпламни ҳижжалаб ўқиб чиқиш! Шундай қилдим ҳам. Мана натижаси – аввало «Ичсўз ифшоси» сарлавҳаси, ундан кейин тўпламнинг ўзи юрагимга сингиб, сим-сим оқизиб юборди. Абдуҳамидан ибрат олиб, мен ҳам илҳом шаробидан истифода этиб, дарҳол қоғозга тушира қолдим. Барча гапларим ташқаридан туриб айтилгани, бу ҳам дўстимнинг юрагига етиб борсин, дея сарлавҳани ҳам «Ташсўз ихфоси» деб атадим.

Амир ФАЙЗУЛА,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган
маданият ходими, «Жаҳон адабиёти» журнали
бўлим мудири.

КОМИЛЛИККА ЧОРЛОВ...

Ҳазрат Навоий сўзда руҳ бор дейдилар. Шу боис баъзан бадиий жиҳатдан мукаммал, мазмуни гўзал туюлган шеърлар бўлса ҳам, ўқиб қўнглинг «жиз» этмайди. Улардан бироз йироқлашсанг, ўқиган сатрларни унутасан. Оддий айтганда, улар «жонсиз». Гўё табиий гулни ҳидлайман деб эгилиб, сунъий гул эканини ҳис қиласан киши. Сабаби, бундай шеърларни (агар «шеър» деб аташга муносиб бўлса) яратиш жараёнида юзаки тафаккур фаол бўлгани ҳолда қалб иштироки, руҳ таъсири сезилмайди. Руҳсиз, яъни жонсиз сатрлар эса қалбингизни ишғол қилолмайди.

Шукрки, Абдуҳамид Парда шеърлари қўнглингизни озорлайди, даволайди, қийнайди, айни дамда, ором бахш этади. Негаки, улар шоир қалб қийноғи ва дил оромидан туғилган.

«Соҳил оҳанглари» жамоа тўпламидан ўрин олган назмий туркум «Чорлов» шеъри билан бошланади. Абдуҳамид Пардани «Юлдузларнинг гулшани чорлайди». «Ҳад-худудсиз самода»ги «нуқраи анвар» шоир қалбини асир айлар экан, у «гуноҳкор ер кишани» бир кун узилишига ишонади. «Чорлов»дан кейин жой олган «Софинч» шеъри ҳам шоир истеъодини, унинг ўз овози, ўз сози борлигини намойиш этади. «Дардлар деворидан ўтолмаган» шоир «булутларнинг ўтовида» бўлишни орзу қиласди. «Армонларнинг ўчоғида ёниб-йитмай, тоғларнинг қучоғида яйраш»ни орзу қилган шоир руҳияти сарҳад билмайди. У ўз дардларининг сўқмоқ-йўлакларидан ўтиб, халқ дардлари оламига йўл ола билган. Шу боис «Бус-бутун бўларми элнинг баҳти» деб, «Жафокаш юрт билан юраги қон», ўзи «мардуми Ўзбекистон».

А.Парда ғазал йўлида ва бармоқ вазнида баракали ижод қилиб келаётир. «Чорлов» тўпламидаги «Озод қалб», «Қишининг илк куни», «Тун», «Тоғлар» каби шеърлар беихтиёр кўнглингизга кириб келади. Шоирнинг самимий такрорланмас сатрлари унинг шахсиятидан, бепоён дунёсидан хабар беради:

*Кетолмадим ташлаб қаламни,
Қалампирдан аччиқ аламни
Болдан тотли умидга қўшдим,
Ва эринмай чилвирдай эшдим.
Пайдо бўлди дунё ранг-баранг,
Асаблардай тортилди таранг.
Хиёлгина чертиб қўйсанг бас,
Жаранглагай илоҳий ҳур сас.*

Шоирнинг дилтортар сатрлари «То ҳали ҳануз бироқ, Авом қавмин оломондан фарқлаб бўлмас» сингари тандидий руҳ билан йўғрилган.

*Кетиб борар умримизнинг карвонлари,
Карвонларда дилимизнинг армонлари,*

каби сатрларга хос халқона оҳангни туйиб, дили яйраган мухлис

*Чақмоқдайин кескир, шиддатли,
Арслондай ёвқур, ҳиддатли,*

мисраларини ўқиб ҳайратга тушади.

Абдуҳамид Парда гоҳ бармоқ вазнида, гоҳ арузда «ранг-баранг дунё»ни намоён қилар экан, ғазалларни «Ғазал йўлида» деб тақдим қилиши ўринли. Негаки, ғазаллар вазнида айрим сакталиклар учрайди. «Мардуми Ўзбекистонман», «Юзингизда», «Кенг далалар» каби ғазаллари мазмунан гўзал, шоирнинг арузда қалами чархланиб бораётганини кўрсатса-да, вазндаги нуқсонлар журъатли шоиримизнинг бу борада ҳали изланиши лозимлигини таъкидлайди. Мардона айтиш керакки, бугун аксарият шоирларимиз арузни тушунмайдилар ёхуд аруз вазнларида шеърлар ёзишга журъат қилмайдилар. Абдуҳамид Парда эса фард, туюқ, тўртлик, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, ғазал каби жанрларда ижод қилиб, бадиий, фалсафий, публицистик асарлар таржимаси билан шуғулланиб, серқирра ижодкор эканини на мойиш қила олди.

Бизнингча, «Ичсўз ифшоси»даги «Фардлар»ни «Иккиликлар» деб берилса, нур устига нур бўларди. Бoisи улар мазмунан шеърхон мақтовига, ҳайратига лойиқ бўлса ҳам айримлари арузда, айримлари бармоқда ёзилган. Фард икки мисрадан иборат бўлиши билан бир қаторда арузда ёзилиши лозим.

Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий, Убайдий, Ниҳон, Чўлпон каби улуғ шоирлар панжасига панжа ургани учун ҳам шоирдан ўлмас асарлар кутишга ҳақлимиз:

*Бир бοқиб қотил қўзи беруҳу бежон айлади,
Кошки бир кўрсам дебон қўйида сарсон айлади,
Лолу ҳайрон кўнглими боз лолу ҳайрон айлади,
Бул замон дину дилимни хонавайрон айлади,
Билмадим, кимнинг эрур у мунису ҳамхонааси.*

Шоирнинг туюқлари сўз моҳиятини чуқур идрок эта-
диган моҳир ижодкор эканидан далолат беради. Тўрт-
ликлари Ҳақ васлини истайдиган, бугуннинг тили би-
лан айтганда, комиллашиб бораётган, кўнглини тозар-
тираётган покдомон инсон руҳиятини ўз бағрида яшир-
ган. Уларни ўқиган мухлис ҳам комиллашиб борар...

Абдуҳамид Парда тўпламдан тўпламга улуғлашиб,
покланиб бораётган шоир. Зеро, асл шеърият шоирни
юксакликка, Ҳақقا элтади. Оқибат ундаги бу улуғлик
шеърият мухлисларини ҳам комилликка чорлайди.

*Лайло ШАРИПОВА,
филология фанлари номзоди,
Бухоро Давлат Университети
Тил ва адабиёт кафедраси ўқитувчиси.*

«ЧОРЛОВ» ТЎПЛАМИ ХУСУСИДА МАКТУБ

Муҳтарам Абдуҳамид ака!
«Чорлов» гўзал китоб бўлибди. Тashi ҳам, ичи ҳам.
Табриклиман. Янглишмасам, уни девон шаклига яқин-
лаштирибсиз. Рост, «Соҳил оҳанглари»га кирган шеър-
лар ёхуд «Дўстнома» даги уринишлар ҳам мухлис ва ука
сифатида биз учун қадрли. Аммо, «Чорлов» муаллифи-
нинг кимлигини, бўй-басти, дунёқараши, ҳаётий мезон-
ларини очиқ айта оладиган тўплам. Бобур Мирзо айт-

ганларидек, сўзини ўқиганда ўзини кўра олсангизгина у чинакам шоир бўлади.

Турли қиёфаларга кириб, умрбод ниқобда юрадиганлар, айтар сўзи айёр кўзига ўхшамайдиганлар ҳам бор. Тўпламдаги турли йилларда битилган шеърларни бирлаштириб турувчи бир ғояни, фикрни илғагандек бўлдим. Менимча, бу – некбинлик, умид устиворлиги, одамларга яхшилик тилаш. Лекин, оғажон бир нарсани айтиб қўяй: умр ўтиб боряпти, ҳаётий хуласалар янада кўпроқ қаймоқ боғлаши, қуюқлашмоғи керак эди бу ёшда, ўзингиз айтганингиздай:

*Кетиб борар умримизнинг карвонлари,
Карвонларда умримизнинг армонлари...*

Менинг бир тутинган синглим бор, шоира қиз. Унинг «Алданиб яшашни яхши қўраман», деган сатри Сиз билан бизга айтилгандек туюлади. Биз хаёлимизда ўзимиз яратган дунёда яшаймиз, атрофда эса шафқатсиз Бошқа Дунё бор. Биз эса, «Масканим – муҳаббат дараси» деб ўзимизни алдаб, овутамиз.

«Чорлов»ни ўқиб гоҳ ўйга толдим, гоҳ лочин каби юксакларга парвоз қилдим, гоҳ ижобий маънода, албаттат: ғазабландим!

Қолаверса, Абдуҳамид Парда әлликка кирав-кирмас тап-тайёр файласуф бўлибди, деган ўй хаёлимдан кечди. Лекин, оғажон, тан олишимиз керак: шеъриятни ҳаракатлантирувчи куч – ҳаяжон, эҳтирос!

Фалсафа насрга кўпроқ ярашади, шекилли. Бу билан: «Соч оқарганда ҳам ўлдим-куйдим қилиб юриш лозим» демоқчимасман, аммо барибир, ўзимизни доно, файласуф санаганимиз сари кўнглимиз қариб бораверади. Яқинда ТВда бир гапни эшитдим. Бир кино қахрамони шундай дейди: «Биз қарий бошлаганимиз учун севиши-

дан тўхтамаймиз, балки севишдан тўхтаганимиз учун қариймиз».

Тўртликларни, таржималарни дўндирибсиз, гап йўқ. Битта «лекин»и бор. Агар шеъриятни инсонга таъсири жиҳатидан жанрларга бўлиб, номлашганда, мен айнан тўртликни «қўнгилни қаритувчи жанр» деб атаган бўлардим. Сабаби маълум: тўртликда иста-истама, фалсафа тўқишига мажбурсан.

Аруздаги машқларингиз ҳам менга ёқди. У ер-бу ерида гоҳ-гоҳ учрайдиган жиндай сакталик (асосан, оҳанг бузилишлари) – тузатса бўладиган камчиликлар. Оғажон, бир фикрим бор: аruz осмонида парвоз қилиш учун шоир ё нуроний қария ёхуд ҳофиз бўлиши керак. Қариянинг соч-соқоли шеър машқида оқаради, ҳофизда эса, худо берган «оҳангни ҳис қилиш» бор. Насиб этса, етмишга кирганингизда менга ўхшаган маҳмадоналарнинг оғзига салмоқли девон билан урасиз.

Тағин бир гап: китобга кирган шеърларнинг аксариятида қаҳрамон шоирнинг «мен»и. Бу балки яхшидир, билмадим, лекин атрофда каттакон дунё, ундаги одамлар ва бошқа жонли-жонсиз нарсалар мавжуд. Айтмоқчиманки, ҳадеб «оҳ-воҳ» деяверган билан одамларнинг шоирга муносабати ҳам, Дунё ҳам яхшиланиб қолмайди. Биз фақат зиммамиздаги миссияни бажаришмиз керак. Бу – ҳаёт учун, Дунё учун масъуллик туйғуси бўлса керак. Қолаверса, бу ҳолни япон ёзувчиси Акутагаванинг «Курбақа» деган новелласида қаҳрамон, яъни қурбақа айтади: «Все в мире, все без исключения существуют для нас». Ҳамма нарса, ҳатто душманларимиз ҳам биз учун яратилган. Айтмоқчиманки, улар ҳам шеърга мавзу бўлишга ҳақли.

Сиз умр бўйи матбуотда ишлаб юргандай туюласиз менга. Тўғри, газета – журнал қаламни чархлайди. 30-йилларда Америкада шуҳрат қозонган Джон Кэмп-

белл ҳам «Эстаундинг» журналини бошқарган. Айнан шу журналдан Клиффорд Саймак, Айзек Азимов, Ван Волт, Каттнер, Роберт Хайнлайн каби буюклар етишиб чиқди. Лекин, матбуот тили ижодкорга салбий таъсир этиши ҳам бор гап. Айрим шеърларингиздаги бироз баландпарвоз рух мени шундай хулоса чиқаришга мажбур этди. (Масалан, «Соҳибқирон» сарлавҳали шеър.) Аслида шеърнинг бирламчи шарти самимилик эмасми?!

Мухаммасларни, айниқса, қониқиши билан ўқидим. Боплабсиз, офарин. Бироқ, айрим ўринларда юқорида айтилган оҳанг бузилишлари ҳам учрайди (бу ҳолат адабиётшуносликда қандай аталишини билмайман, назарияни билмаганимиз туфайли-да бу). Масалан, Ҳофиз Шерозий ғазалига боғланган мухаммасдаги «Борми бир банда илоҳий васлига мос-муносиб» сатри, Навоийга боғланган мухаммасдаги «Аввалу охир ошиқлар мустаҷоб ул даъвоси» сатрида равонликка путур етгандай. Ҳолбуки, Ҳазрат ишлатган «шеваси» сўзига «меваси», «теваси» каби қофияларни топса бўларди.

Азиз Абдуҳамид ака, бир дўст, ука сифатида кўзим илғаган ютуқлару камчиликлардан айримларини айтдим, холос. Аслида, Сизнинг камтарину камсуқум, хокисор эканлигинизни яхши биламан. (Агар айтганларим оғир ботса, бу фикрларни Абдунаби эмас, Эргаш Очил айтди деб ҳисобланг, илтимос! Чунки, аслида адабиётшунос ҳам, профессионал танқидчи ҳам – у. Биз энди, газетадан чиққан бир мухбир. Мақтовни дўндирамиз). Мухтасар гап шуки, «Сиёҳ бўлар қалбим қони тома-тома» сингари рост ва гўзал сатрларингизни кутиб яшаймиз. Ижодингизга омад тилаб, мухлисингиз ва укангиз –

Абдунаби ҲАМРО,
«Олот ҳаёти» газетаси бўлим мудири,
Бухоро вилояти, Олот шаҳри.

ҲАР ДОНАСИ ДУРДОНА...

(Абдуҳамид Парданинг «Анорга қасида»си
ҳақида мулоҳазалар)

*Гумбазмисан ё қаср, назммисан ё наср,
Асрлар қилмас таъсир муazzам кошонасан.
...Неки Нусратуллога ва не Ҳамидуллога
Ҳар шеърпааст муллога беназир баҳонасан.*

А.Парда

Бир кашфиётга бир олма сабаб бўлганини бу кун бутун олам билади. Лекин гап фақат олмадами? Йўқ, ўша олма тушган бошда гап кўп.

Бадиий адабиёт, шеъриятда ҳам шундай ажиб кашфиётларга сабаб бўлган олмаю анорлари бисёр. Биз ушбу муҳтасар мақоламизда анор образи ҳақида фикр юритамиз.

Дарҳол хаёлингизга Увайсийнинг машхур чистони келгани аниқ, албатта. Бироқ ундан аввал ҳам бу мавзуга қўл урилган.

«Анорнинг санъаткорона тасвири ўзбек адабиётида дастлаб Алишер Навоий ижодиётида қўзга ташланади. «Луғз» (назмий топишмоқ) жанрида яратилган бу тасвир қуйидагича:

*Не мижмардур, тўла ахгар, vale ул мижмар андоми
Эрур сунъ илгидин гоҳе мусаддас, гаҳ мусамман ҳам.
Чиқар равзандин ахгари дудиу бу турфаким, онинг
Ўтиға дуд йўқтур, мижмариға балки равзан ҳам.
Ўту мижмар дема, бор ул садафким, дурларин онинг
Эвурди қонға даврони мушаъбид, чархи пурфан ҳам.
Агар бу наевъ эмас, бас не учун бармоқ кучи бирла
Бўшар жисми, оқар қони, анга мажруҳ ўлуб тан ҳам.*

*Нечаким табъи норидур, ва лекин меъда норига
Берур таскин, мунунг нафъин топибмен воқеан мен ҳам».*

(Қаранг: Алишер Навоий. Бадоев ул-васат, Лугз-чистонлар бўлимида; Яна қаранг: Нусратилла Жумахўжа,
«Сатрлар силсиласидаги сеҳр», 50-бет.)

Олим ушбу шеърни таҳлил қиласди. Ва умуман шу мақоласида анор ҳақида ёзилган мумтоз адабиётимиздаги Увайсий, Дилшод Барнонинг, XX аср шеъриятидаги Шавкат Раҳмон қаламига мансуб «Анорга қасида» шеърларини таҳлилга тортиб, теран илмий-бадиий хуросалирини баён этади.

Анор ўзбек шеъриятида жуда кўп ва хўп қаламга олинган ва ажиг шеърий образ-кашфиётларга мавзу бўлган.

А.Парда эса анорга қасида айтар экан, уни бутун, барча сифату жиҳатларини таъриф этади. Гўё ҳар донаси дурдана бўлган анорнинг ҳар бир донасини таърифу ташбеҳ қилиб, таъбир жоиз бўлса, бунинг учун турли шеърий санъатларни ҳам анор доналаридаи бир-бир қаторлаштиради, бир сафга (яъни мисрага) маржондай теради:

*Гар марварид донасан, гавҳар – дона-донасан,
Қасрдай қават-қават неча минг бир хонасан.*

Қасида ана шундай «қават-қават» сифатлар ва ўхшатишлар ила бошланади.

Навбатдаги сатрларда анорнинг ўзбек шеъриятидаги яратилган образи тасвиirlарига ишора бор:

*Жамулжам етти пуштинг, гўё тугилган муштинг,
Гумбаз – қафасга тушдинг, ки асил дурданасан.*

Бундаги «тугилган муштинг» ташбеҳи Шавкат Раҳмоннинг «Анорга қасида»сидаги «Ернинг қонга бўялган муштисан анор» сатрини ёдга солса, «Гумбаз – қафас» ўхшатиши эса Увайсийнинг машхур чистонидаги «Бу на гумбаздур» жумласини эслатади. Ўтмиш адабиётидаги тасвиirlарга ишора асносида, анорнинг мозий кўзгусидағи бадиий акси, шакл-шамойили чизилади. Уни «гумбаз – қафасга туш»ганини «ки асил дурданасан» деб изоҳлар экан, шоир асил нарсаларнинг қисмати шундай кечганини билвосита таъкидлайди. Кейинги мисраларда бу ҳол, маъно янада кучайтирилиб, кенгроқ ифода этилади:

*...Мазлумларга қардошсан, бағри қон ғамхонасан.
Қай битта ёўв беаёв қадар қўксингга ғаров,
Нечун бағринг ўт-олов, алангадай ёнасан.
Гар ғаройиб тарҳинг бор, қадр-қиммат чарҳинг бор,
Қиёматли чарҳинг бор, бунча шўрпешонасан.*

Бу «шўрпешона»ликдан анор исёнга келган:

*Қасдма-қасд қай замонга, юрагинг тўлди қонга,
Ўхшаб ё Чингизхонга қон биланми қонасан?!*

Шоир анорнинг турли хил жиҳат ва сифатларини образли тарзда тасвиirlаш асносида маълум бир фикр-хуносани, концепциясини ҳам илгари суради.

Увайсийнинг «Анор»ида ҳам замона зайлар ва золимлар «майли» билан тутқунлиқда «бағриқон» бўлган «гулгунпўш» қизларнинг ачинарли аҳволи тасвиirlанган. А.Парданинг бу сатрларида эса қай бир бедод замонлар захмидан «юраги қонга тўлган» анор ҳақида гап борар экан, шоир тажоҳили ориф санъатини қўллаб, анорга яна ўзи савол тарзида мурожаат қиласади:

Ўхшаб ё Чингизхонга қон биланми қонасан?!

Мазкур сатрлардаги ички қофия, қон ва «қонмоқ» сўзларидағи тақорийлик ўзига хос оҳанг ҳосил қилмоқдаки, бу қуюқ бадиий бўёқ тасвир объекти – анорни янада ярқиратиб порлатиб, алвонлатиб юбормоқда.

Айни пайтда бу анорда қай бир замонларнинг қонга тўлган юз-кўзи, таъбир жоиз бўлса, қип-қизил башараси ҳам акслангандай.

Кейинги сатрларда анор билан боғлиқ барча жиҳатлар худди тезкор лавҳаларда ялт-юлт акс эттирилган киноленталардай ўтади. «Гоҳи дашту далада, гоҳ тарози паллада, гоҳ ашъор, гоҳ яллада тайёр» анорнинг турли бадиий суратлари усталик билан чизила боради.

*Ким эзиб ичар қонинг, ғазал-чистонинг – шонинг,
Қувада асил конинг, меваи Фарғонасан.*

Бу ерда анорни истеъмол қилиш шакли («ким эзиб ичар қонинг»), анорга бағишиланган асарлар жанри («ғазал-чистонинг – шонинг»), анорга кон жой васфи («Қувада асил конинг») кетма-кет берилганки, бу бир-бirlаридан йироқ ҳолат-тушунчалар анорга алоқадорлиги учун ҳам боғланиб, маълум маънода яхлитлашган. Умуман, шоир гоҳ боғдан, гоҳ тоғдан келса-да, асосий нишон – анор бўлгани учун фикрлар марказлашади, тарқоқ бўйлайди. Худди шунга ишора қилгандай:

*Гарчи асил мевасан, шеър-шикоят шевасан,
Гўё бебош бевасан – ҳар ўққа нишонасан,*

деб ёзади у.

Анорга турли-туман, илиқ-совуқ сифатлар «тақиб» келаётиб, бирдан унга меҳр-муҳаббати жўш урган шоир қасида якунларида унинг «муazzзам» тасвирини чизиб, «Синои замона». «ҳамватан, ҳамхона» деб атайди:

*Гумбазмисан ё қаср, назмисан ё наср,
Асрлар қилмас таъсир муazzам кошонасан.
Дастурхоннинг безаги, май-шаробнинг газаги,
Дардга дармон ўзаги – Синои замонасан.
Не қадимги фанорсан, таърифи беканорсан,
Ёнар, қонар анорсан – ҳамватан, ҳамхонасан.*

Қасида сўнгидა қанча таърифу тавсиф этилмасин, ҳали анор яна не-не асарларга мавзу – «беназир баҳона» бўлиши самимий эътироф этилган:

*Неки Нусратуллога ва не Ҳамидулллога
Ҳар шеърпааст муллога беназир баҳонасан.*

Мазкур қасида адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Нусратулла Жумахўжа ўғлига бағишиланган. Ундаги ажойиб шеърий санъатлар, ўхшashi йўқ ўҳшатишлар, сифатли сифатлашлар, бетакрор такрорлар, ишонарли муболағалар шоир кўнглидаги изтиробли фикр-мулоҳазаларнинг кўтаринки руҳда ифодаланишига хизмат қилган. Қасида яхлит ҳолда ёқутдай товла-наётган сержило, чиройли, гўзал анор кабидир. Хусусан, маҳорат билан яратилган ички қофиялар ажойиб мусиқа-оҳангни ҳосил қилганки, шеър анор ҳақида равон куйланган бахшиёна ғазал каби хуш ёқади.

Мазкур қасидада сайқалталаб мисралар ҳам йўқ эмас. Шоир қуийдаги байтда анорни таърифлашда гўзал, бироқ мантиққа хилоф қофия қўллайди:

*Покиза ҳилолингни, ҳаётбахш зилолингни,
Бағринг тўла болингни бахш этар ҳур онасан.*

«Покиза ҳилолингни» таърифи ўрнига «Невмати ҳилолингни» ибораси қўлланилса, мақсадга мувофиқ бўйларди.

Атоқли ва ардоқли халқ шоири Эркин Воҳидов шоир қалбини анорга менгзайди:

*Шоир қалби гўё анор,
Шеъри унинг шарбати.
Бўлмас экан шеър аҳлининг
Ўз қалбига шафқати.
Тинмай эзар-эзар уни...*

Назаримда, шоир Абдуҳамид Парда ҳам «Анорга қасида»ни ёзиш жараёнида қалбини шундай эзиб, сиққан ва ундан сиёҳ қилиб, ушбу гўзал асарни яратган.

Дилшод РАЖАБОВ,
филология фанлари номзоди, шоир.

«ЗАРДУШТ НИДОСИ» – ЎЗБЕК НАЗМИДА

*«Мени яхши ўқишини ўрганинг».
Фридрих Нитше.*

Биз атоқли немис шоири ва ёзувчиси сифатида биладиган ва улуғлайдиган жаҳон миқёсидаги даҳо адаб Фридрих Нитше (1844-1900) айни вақтнинг ўзида файласуф, филолог ва бастакор ҳам бўлган. Дарҳақиқат, Ф.Нитшега нисбатан «сиёsat соҳасининг файласуфи» деган таърифни қўлласак, бу энг тўғри баҳо бўлади, деб ўйлайман. Чунки унинг деярли барча асарлари марказида сиёsat туради.

Нитше ўзининг 56 йиллик қисқа умри давомида ёзган «Фожианинг мусиқа умридан туғилиши» (1872), «Тарихнинг ҳаёт учун фойдаси ва зарари» (1874), «Шопен-

гауэр мураббий сифатида» (1874), «Рихард Вагнер Бай-рейтда» (1875-1876), «Эркин тафаккур соҳиблари учун қўлланма» (1876-1878), «Тонг яллиғи» (1881), «Зардушт таваллоси» (1881-1885), «Қувноқ билим» (1882), «Ёвуз донишмандлик: ҳикматлар ва доно сўзлар» (1882-1885), «Эзгулик ва ёвузликнинг нариги томонида» (1886), «Ахлоқ генеологияси» (1887), «Сажда қилинадиганларнинг хира тортиши» (1888), «Ҳокимиятга интилиш» (1906) каби машҳур асарлари адабнинг илмий-фалсафий ва бадиий меросини ташкил этади.

Муҳтарам китобхон, қўлингиздаги ушбу китобда Фридрих Нитшенинг шоҳ асари – «Зардушт таваллоси» насрый достони илк бор ўзбекча назмий тилда «Зардушт нидоси» номи билан эътиборингизга ҳавола қилинмоқда. Аввало, бу асарнинг ёзилиши ва нашр этилиши тарихи ҳақида қисқача фикр юритамиз.

Бу фалсафий достон Ф.Нитше ижодида ҳамда XIX аср иккинчи ярми немис фалсафаси тараққиётида том маънодаги юксак босқичдир. Адибда китобни бунёд этиш фикри 1880 йилларнинг бошларида, янада аниқроғи, 1881 йилнинг августидан 1883 йилнинг январигача бўлган давр оралиғида пайдо бўлган. Кейинчалик Ф.Нитшенинг эътироф этишича, унга икки марта «башорат» келади: дастлаб «абадий қайтиш» ғояси, сўнг Зардушт образи тасаввурида гавдаланади. Бу икки «башорат» унинг Шарқдаги таълимотлар билан яхши танишлигидан далолат беради¹.

Маълумотларга қараганда, 1883 йилда чоп этила бошлаган бу китоб бир йил давомида битилган учта алоҳида фаслдан иборат бўлган. Ф.Нитше китобнинг яна уч фаслини ёзишни мўлжаллаган, бироқ уларнинг фақат

¹ Қаранг: Саидов А. «Зардушт: инсон ҳақидағи ҳақиқатни излаб». Давра сұхбати // «Жаҳон адабиёти» журнали, 2005 йил, 3-сон, 169-171-бетлар.

биттасини – тўртинчи фасл сифатида ёзиб тугатишга улгурган, холос. Адиб вафотидан сўнг китобнинг ана шу тўрт фасли яхлит-ягона асар сифатида нашр этилган.

Асар жамиятда инсон қандай ўрин тутиши, ўз ҳаётини қандай англаши, қандай саёҳат қилиши, ўзини ва дунёни қандай идрок этиши хусусида Ф.Нитшенинг нуқтаи назарини ифода этадиган фалсафий достондир. Унда инсоннинг табиат билан, ўзи билан ва атрофдаги одамлар билан муносабатига катта эътибор қаратилади, ҳар кимнинг ўз ҳаёт йўлидан бориши зарурлиги ғояси мадҳ этилади.

Янги даврнинг энг муҳим асарларидан бири бўлмиш ушбу китобда Ф.Нитше Уйғониш давридан бошлаб европаликларнинг ўй-фикрларида ҳукмрон бўлган тараққиёт назариясига ўзининг абадий қайтиш, ҳар қандай ривожланишининг давомийлиги тўғрисидаги таълимотини қарши қўйган. Фақат аъло одам²гина бир сафар бошидан кечиргланлари қайтадан такрорланишини, шу жумладан, энг қайгули дамлар ҳам узлуксиз қайтишини қабул қилишга қодир. Буюк адиб фикрига кўра, бундай комил зотнинг оддий одамдан фарқи худди одамнинг маймундан фарқига ўхшайди.

Ф.Нитшенинг **«Билимга чанқоқлар ҳақиқат дарёсига у лойқалигида эмас, балки саёзлигида шўнғиши хуш қўрмайдилар»**, деган ҳикмати бор. Мана, бир асрдан ошмоқдаки, билимга ташна китобхонлар Зардушт жарчиси бўлган Нитшенинг ҳақиқат уммонига тинимсиз шўнғийдилар. Бинобарин, XX аср бошларида рус файласуфи С.Франк: **«Мен Нитшенинг таълимотидан эмас, балки «Зардушт таваллоси» китобидан уфуриб**

² «Аъло одам» (немисча «Übermensch») – Фридрих Нетше томонидан яратилган тўқима умумлашма образ. Бу атама ўзбек тилида «ало одам» (Иброҳим Рафуров), «олий одам» (Абдиҳамид Пардаев, Нарзулла Жўраев), «ғайриодам» (Эркин Эрназаров) каби шаклларда ҳам қўлланилган – А.С.

турган маънавий ҳаёт, маънавий кураш мухитининг нечоғлиқ теранлигидан ҳайратдаман», деб ёзганди.

Ҳақиқатдан ҳам, бу китобни ёддан чиқарип, таъсири ни эса унутиб бўлмайди. Модомики, унинг теранлиги, серқирралиги англаб етилса ҳамда сержило маъноси онг-тафаккурингиз ва қалбингиздан ўрин олса борми, ўшандада ушбу достон мангуга ўзингиз, ўзлигинизнинг узвий бир қисмига айланади.

Асаддаги баъзан соғлом фикрга зид, қахру маломатга тўла, тушкунлик ва аламзадалик сингган, бироқ ҳамиша аниқ ва ақл бовар қилмайдиган даражадаги жозибадор жумлалар хотирангизда яна ва яна жонланаверади. Ф.Нитшенинг тиғдек ўткир сатрлари онгу шуурингизга ёриб кириб ҳамда қалбингизни маҳв этиб, оддий тасаввурларингизни тилка-пора қиласди.

Китоб ҳақиқатдан ноёб, айни чоғда, ҳамма ҳам уни англаб етолмаслиги ва яхши кўриб мутолаа қила олмаслиги бор гап. Ф.Нитше фалсафасини қабул қилиш учун аввало китобни ўқиш биланоқ уни дарҳол рад этмайдиган, унга қўл силтаб қўймайдиган даражада бироз «орсиз»ларча ҳафсала ва муайян маънода «ихлоснинг қайтиши» тажрибаси талаб этилади. Чунки китобда борлиқ оламга мутлақо ўзгача нуқтаи назар тарғиб қилинган, дунёга тамомимла бошқача қарашлар ҳақида панд-насиҳатлар берилган.

Нитше бизни эзгулик ва ёвузликка, Тангри ва одамларга, ҳақиқат ва ёлғонга, ҳатто ўз-ўзимизга ҳам буткул янгича нигоҳ билан қарашга ундейди ҳамда аксар ҳолларда бу нидо-таваллоларига кўндиради. Шу боис китобни ўқиб чиққач, эндиликда ўзингизни, ўз сийратингизни мутлақо танимай қоласиз. Шу пайтгача феълатворингизга хос бўлган қандайдир биқиқлик, муроса-созлик, ақидабозликлардан асар ҳам қолмайди.

Китобда ўта ҳаққоний ва ҳозирги давримизга жуда яқин бўлган, айни шу жиҳатлари билан китобхонни ас-

тойдил хижолатга қўядиган, ҳатто руҳий қийноққа со-ладиган кўплаб киноялар мавжуд. Масалан, «йиқилаёт-ганни туртиб юбор», «ҳамдард бўлма», «садақа берма», «одамлар ўзаро teng эмас», «ҳаммадан ҳам кўра омади чопганлардан кўпроқ нафратланилади», «баъзи бирорларга қўлингни эмас, фақат панжангни узатишни ўрган, ўшандаям панжангда ўткир тирноғинг бўлсин» сингари очиқ ва аччиқ қочиримлар шулар жумласидандир.

Умуман олганда, асар том маънода изоҳ бериш ёки қўшимча қўшишга асло ўрин қолдирмайдиган закиёна иқтибослардан ташкил топган. Аммо, баъзан Ф.Нитшенинг бундай заковати, хусусан, «ортиқча одамлар ниҳоятда кўп», «дунё одамларга қаллашиб кетган», «барча яқинларингизга ва уларнинг қўшниларига ҳам тоқат қила олмайдиган аҳволга тушишингизни истардим», «одам бор-йўғи восита-буюқ, аъло одам томон қўйилган кўприк», «вақтида қазо қил» деган мазмундаги бир қатор шафқатсиз иқтибослари моҳиятидаги қаҳр ғазаб ва файриинсоний кайфиятдан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Яна бир ўзига хос жиҳат. Ф.Нитшенинг ваъзларида далил-исботларнинг ўзи йўқ. У ўқувчига ўзига-ўзи фалсафий савол бериш ва буни фикран мустақил мушоҳада этиш имконини қолдирмайди. Аксинча, адид китобхон учун ҳам ҳаммасини ўзи ҳал қиласиди.

Адибнинг энг севгани – ҳикматларки, бу «қанотли сўзлар» парвозига бас келиш қийин. Айниқса, улардаги пичинг ва киноя, кесатиқ ва заҳархандалар маъно ва мантиқдан нуқсон ахтариш борасидаги ҳар қандай хомтамангизни чиппакка чиқаради. Бошқа томондан, чўрткесар, қўрс ва муросасиз руҳдаги баён услуби ҳамма нарсани куч билан ҳал қилишга бел боғлаган одам учун жуда мосдир.

Энг асосийси, Ф.Нитшенинг ушбу китоби одамга ўзи ҳақида мушоҳада юритишига ёрдам беради. Асарни ид-

рок этиш мушкул бўлса ҳам, у ўқувчи дунёқарашида бир умрга ўз изини қолдиради.

Китобнинг бош ғояси – аъло одамни, инсоннинг янги тоифасини тарбиялаш назариясидир. Ф.Нитше ўта қаттиққўллик, шафқатсиз ва мажбурий тартиб-интизом билан тарбиялаш мумкин бўлган бениҳоя қудратли ва мукаммал шахсни мадҳ этади.

Бу борада Ф.Нитшенинг қарашида ақл мағзи бор, деган фикрдаман. Гарчанд адабнинг фалсафаси ақл ва мантиқни инкор этса ҳам, ўйлашимча, унинг айнан шу ғояси, муайян жиҳатдан жуда оқилона таълимот. Эҳтимол, ундаги зиддият ва қарама-қаршиликларнинг туб моҳияти ҳам шундадир?

Нима бўлганда ҳам, «Зардушт нидоси» асарида кучли шахсларни тарбиялаш ғояси илгари сурилгани эътиборга лойиқ. Бинобарин, Нитшенинг Зардушти бирорлар устидан ҳукмроник қилишга интилмайди, аксинча, у ўз ортидан иродасиз кишилар оммасини етаклашга қодир бўлган иродаси кучли шахсларни тарбиялаш тарафдоридир¹.

Агар Ф.Нитшенинг мактублари асосида фикр юритиладиган бўлса ва шу негизда унинг ҳаётига назар ташланса, адеб ўз фалсафасида чинакамига самимий бўлмаганини англаш мумкин. Унинг «аъло одам» фалсафаси кўпроқ феъл-атвордаги идеалистик ва ниҳоятда бўрттирилган хомхаёлга, янада содда қилиб айтганда, ёш боланинг бетийиқ ва бемисл учкур фантазиясига, ушалмайдиган орзу-ўйларга ўхшаб кетади.

¹ Қаранг: Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар: тажрибавий матн. I китоб / Тузувчи ва илмий муҳаррир Қ.Назаров. – Т., Ўзбекистон файласуфлари миллый жамияти нашриёти, 2004. – 358-380-бетлар. Яна қаранг: Нерсесянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси: Қисқача ўқув кўлланма / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т.: «Адолат», 2003. – 57-бет; Фалсафа асослари. – Т.: «Ўзбекистон», 2005.

Шу маънода, Ф.Нитше асарнинг иккинчи нашрига «Ҳамма учун ва ҳеч ким учун» деган тагсарлавҳани бекорга қўймаган. Зотан, достонда илгари сурилган аъло одам ғояси, демакки, баркамолликка, етуклика даъват ҳаммага, бутун инсониятга тегишилдири. Аммо, ҳеч ким бундай юксак талаб ва олий меъёрларга жавоб беролмайди.

Бошқача айтганда, Зардушт таваллосининг, Нитше муножотининг замирида идеал инсон ғояси мужассам экани ҳолда, афуски, бундай баркамол инсон ҳалигача шакллангани йўқ. Зотан, «аъло одам – илоҳга яқин одам». Айни чоғда, «аъло одам ҳам энг аввало одам». Адибнинг китоби ҳаммага, айни пайтда ҳеч кимга, яъни мавжуд бўлмаган ана шу инсон – аъло одамга бағишланган.

Чиндан ҳам, Ф.Нитшенинг ушбу китобида ўта баҳс-талаб, ўз даврида муайян маънода инқилобий аҳамият касб этган, экзистенциализм² ва постмодернизм³

² Экзистенциализм (лот. existential – мавжудлик) – XX аср бошларида Россия ва Германияда, Иккинчи жаҳон уруши арафасида эса Францияда пайдо бўлган фалсафий йўналишлардан бири. Экзистенциализм мавзу доираси жиҳатидан соф фалсафадан йироқ бўлиб, асосан, инсоннинг мавжудлиги, тақдир, имон-эътиқоди, ҳаётининг мазмуни ва мақсадлари сингари масалаларга эътибор қаратгани боис, у кўпроқ табиий ижодкорлар орасида кенг тарқалган. Бошқа томондан, экзистенциалистларнинг ўзлари ҳам асарларида санъат ва бадиий адабиёт воситаларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қиласан. Қаранг: Маянвият: асосий тушунчалар изоҳли лугати. – Т: Фағур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.-649-650-бетлар.

³ Постмодернизм (лот. post – кейин, moderne – янги, замонавий) – тарихий, ижтимоий ва миллий контекстга боғлиқ, фалсафий-эпистемологик, илмий-назарий ва ҳиссий-эстетик тасаввурлар мажмуси. Бу атама XX асрнинг 20-30-йилларида илмий мумомалага модернизм адабиёти ўрнини босувчи адабиёт матьносида киритилиб, аниқ тарихий мазмунга эга бўлган. Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб тарихчи ва адабиётшунослар постмодернизмга ғоявий дастур кўринишини бериб, дунёқараш даражасига кўтаргандар. Постмодернизм фалсафаси стурктурализм, марксизм, фрейдизм ва нищечилик каби оқимлар дунёқарашига оид ғояларнинг айримларини сақлаб қолиш, баъзиларини бартараф этишга уриниш натижасида вужудга келган. Қаранг: Фалсафа: энциклопедик луғат. – Т: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2010.-230-231-бетлар.

оқимларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган, эндиликда эса соғлом фикрлайдиган ҳар қандай инсон учун хос бўлган фикр-мулоҳазаларга айланган эзгу даъватлар, кейинги даврда ўз исботини топган башоратомуз нодир фикрлар беҳисоб.

Энг муҳими, бу асардан ҳар ким фикр юритиш, мулоҳаза, мушоҳада қилиш учун етарлича озиқ, ўз дунёқарашидан келиб чиқсан ҳолда қабул қилса ёки инкор этса бўладиган талайгина оқилона, диққатга сазовор ғояларни топа олади.

Шунинг учун ҳам китобни ўқинг, муҳтарам китобхон! Ф.Нитшега катта шуҳрат келтирган бу шоҳ асарни ўзбек тилига илк бор таниқли адабиётшунос олим, ҳассос адиб ва таржимон Иброҳим Ғафуров соҳир дид ҳамда юксак маҳорат билан таржима қилган¹. Сиз бу насрый достон таржимасини бундан саккиз йил илгари алоҳида китоб ҳолида кўрган, харид қилган ва ўқиган чиқарсиз, албатта.

Энди Ф.Нитше асарининг яна бир моҳир таржимони Абдуҳамид Пардаев қаламига мансуб янги, шеърий таржимасини ҳам мутолаа қилиб кўришини тавсия этаман. Сизда: «Таржимонга бу борада нималар илҳом ва мадад берган?», «Насрий достонни назмий вазнда таржима қилиш учун таржимоннинг қандай асослари бор эди» ёки «Таржимачилик соҳасида бундай тажриба илгари ҳам кузатилганми?» каби саволлар туғилиши табиий.

Бу ҳақда сўз борганда, даставвал, Ф.Нитше Шарқ фалсафасининг катта билимдони бўлганини яна бир бор таъкидлаш ўринлидир. Ф.Нитше – Шарқ тафаккур тарзини чуқур ўрганган, унга эътиқод билан қараган ва кенг тарғиб этган дунёвий алломалардан бири. Ф.Нит-

¹ Ф.Нитше. Зардушт таваллоси: Насрий достон. Иброҳим Ғафуров таржимаси. – Т.: «Янги аср авлоди», 2007.

ше ўз ғояларига илоҳий тус бериб, Шарқ инсонпарвар ғояларидан нажот излайди. Нитше, хусусан, Зардушт тимсолида эркин ва озод инсонни кўради. Бошқача айтганда, адид таълимоти Шарқ фалсафасининг нитшёёна ифодасидир.

Қолаверса, Ф.Нитше асарининг фалсафий достон деб аталишига ҳам аҳамият берайлик. Бинобарин, Шарқ адабиёти анъаналарига кўра, бу каби маънавий-маърифий асарлар азалдан асосан шеърий вазнда ёзилган. Кези келганда, буюк аждодимиз Заҳирридин Муҳаммад Бобурнинг шоҳу шоирлик қатори фиқҳ илми, ҳозирги замон ибораси билан айтганда, ҳуқуқшунослик билан шуғуллангани ва шу мавзуда «Мубаййин» (тариҳий манбааларда – «Мубайян») деб аталган эътиборли асар ҳам яратганини эслатиш ўринлидир. Маснавий жанрида, яъни шеърий услубда яратилган ушбу асар Истиқлол йилларида, хусусан, 2014 йилга қадар мамлакатимизда икки марта нашр этилди².

«Мубайян», бир томондан, ўзбек тилида яратилган ва мумтоз шоир қаламига мансуб бўлган эътиборли асарлар туркумига кирса, иккинчи томондан, тилимизнинг шираси ва бойлигини тўлалигича акс эттирадиган диний ва бадиий адабиётнинг ёрқин намунаси эканини унутмаслигимиз керак. Бу асар исломшунослар ва ҳуқуқшунослар, тарихчи ва файласуфлар, тилшунос ва адабиётшунослар каби турли соҳа тадқиқотчилари учун қимматли ва мумтоз манбадир.

Шу жиҳатдан, Мирзо Бобур қаламига мансуб ушбу китобнинг учинчи нашрига таниқли шоир, таржимон ва аллома Мирзо Кенжабек қўл ургани айни муддао бўл-

² Қаранг: Бобур Заҳирридин Муҳаммад. Мубаййин / Нашрга тайёр-ловчи Ҳ.Ҳасанов; масъул муҳаррир С.Ҳасанов. – Т.: «MUMTOZ SO'Z», 2011; Бобур Заҳирридин Муҳаммад. Мубаййин / Масъул муҳаррир А.Рустам. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000.

ди, деб ўйлайман. Нега деганда, янги нашрнинг олдинги нашрлардан фарқли хусусятларидан бири шундаки, асар насрый баёни билан бирга ёнма-ён саҳифада жойлаштирилган ҳамда «Мубайян» ва насрый баёни» деб номланган¹. Эндиликда китобхон шеърий ва насрый матнни ўқиб, иккисидан ҳам баробар истифода этиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ф.Нитшенинг ўзи ҳам аслида шоир бўлган. Шундай экан, таржимон Абдиҳамид Пардаев асар тарижмаси асносида улуғ адибнинг ана шу шеърий даҳосига ҳақли, асосли ва муваффақиятли урғу берган, деб ўйлайман. Ўз навбатида, ўзбек китобхони Ф.Нитшенинг асарини ҳам насрый («Зардушт таваллоси») ва назмий («Зардушт нидоси») таржималарида мутолаа қилиш имкониятига эга бўлиб турибди.

Фурсатдан фойдаланиб, мазкур китобнинг қуйидаги хусусиятларига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчи хусусияти – китобнинг жанри. Асар насрда битилган, лекин бу наср шоирона, яъни шеърий қофиялидир. Жанр ҳақида сўз борганда, ҳақиқатдан ҳам, уни **фалсафий достон (поэма)** дейиш мумкин. Достон муқаддас китоблар услубида битилган, яъни воқеалар баёни изчил эмас, тили эса ташбеҳларга бой. Бундай матнни идрок этиш одатда китобхоннинг интеллекти, ақлий салоҳияти, фикрлаш қобилияти, умуман, руҳий ҳолатига боғлиқ бўлади.

Иккинчи хусусияти – китобнинг тили. Нитшенинг тили стихияли, содда қилиб айтганда, қўйма ва табиий. У аслида ёддан айтиш, таъбир жоиз бўлса, қироат қилишни тақозо этадиган мукаммал сўз ўйинлари, вазн мезонлари ва оҳанглар жилосини ўзида мужассам этган.

¹ Бобур Заҳирриддин Муҳаммад. Мубайян ва насрый баёни / Насрий баёни ва шарҳлар муллифи М.Кенжабек. – Т.: «Шарқ», 2014.

Шу маънода, Нитшенинг Зардушти бир ўринда: «**Ким қони билан ривоятлар ёзаркан, у ўзини шунчаки ўқишларини эмас, ёдлаб олишларини истайди**»², деб айтиши бежиз эмас.

Учинчи хусусияти – китобнинг тузилиши. Асар Зардустнинг ваъзлари, ривоятлар, саноларни қамраб олган тўрт фаслдан иборат. Унда кундалик турмушнинг барча жабҳалари – ахлоқ-одобдан бошлаб токи ҳаёт майшатлари, ўзаро муомала-муносабат ва яшашдан мақсадгача бўлган турли-туман мавзулар қаламга оли-нади. Китобнинг ҳар бир бўлими «**Зардушт шундай деган**»³ жумласи билан тугайди.

Тўртинчи хусусияти – китоб қаҳрамони. Зардушт – бу исм эрамиздан аввалги VIII-VII асрларда қуий Амударё худуди ва Марғиёнада вужудга келган, яккахудоликни тарғиб этадиган дин бўлмиш зардустийлик (оташ-парастлик, зороастризм) динини ислоҳ қилган ҳамда та-комиллаштирган улуғ файласуф-дарвеш, яъни тарихий шахснинг номидан олинган.

Манбаларда Зардушт таълимоти:

биринчидан, жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини сақлаб қолиш учун хизмат қилиши;

иккинчидан, уруғ ва қабила динларидан устун турувчи ҳамда улар манфаатларига мос келадиган эътиқод шаклини яратиши;

учинчидан, ҳар қандай қонли уруш ва хунрезликларга қарши халқларни осойишталикка чақириши;

тўртинчидан, давлат чегараларидан ташқари қўчманчи чорвадор қабилалар хужумига қарши мамлакат ичкарисидаги кучларни жисплаштирувчи ғоялар тизи-

² ИброҳимFaфуров: «Одам оламнинг сайқали»: Суҳбатдош Умид Ёкубов // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2006, 13-сон.

³ Бу жумлани Иброҳим Faфуров: «Зардўшт шундай зикр қилди» деб, Абдиҳамид Пардаев: «Зардўшт ёниб қилар тавалло!» тарзида ўгирган – А.С.

мини шакллантирши ва бундай ғоялар тизими ўз даврининг сиёсий мафкурасидан бошқа нарса бўлиши лозим эди¹, деб қайд этилади.

Бу ҳақда фикр юритганда, Шарқнинг бебаҳо ҳуқуқий ёдгорлиги – энг мўътабар қадимги қўлёзма бўлмиш «Авесто» ҳақида тўхталиш мақсадга мувофиқdir. Президентимиз сўзлари билан айтганда, **«Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий хужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди»².**

Ҳақиқатдан ҳам, «Авесто» зардустийлик диний ҳуқуқий китобининг тўплами, яъни мажмуаси ҳисобланади. Зардустийлик асосчиси Сипийтмон Зардуст (Спитак Спитама Заратуштра) бундан уч минг йиллар илгари инсониятга бирон-бир бошқа диндан кўра бевосита ёки билвосита катта таъсир кўрсатган энг қадимги жаҳон динини яратган³. Манбалар авесто жамиятида «Тангри суди» борлигига йўл қўяди. Зардустийлик насронийлик, яхудийлик ва буддавийлик динлари ривожига, уларнинг энг муҳим назариялари, сиёсий ва ҳуқуқий ғояларини шакллантиришга катта таъсир ўтказган⁴.

Ўз навбатида, Зардуст образи талқинига қайтадиган бўлсак, Нитше зардустийлик таълимоти тарихидан

¹ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Фафур Ғуломномидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.- 174-бет.

² Каримов И.А. Адолатли жамият сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 39-40-бетлар.

³ Бу ҳақда батафсил қаранг: Саидов А.Х., Жузжоний А.Ш. Шарқ цивилизацияси: инсон ва ҳуқуқ. Ўтмиш ва ҳозирги замон. – Т.: «Адолат», 2005. – 50-72-бетлар.

⁴ Ўша манба. – 72-бет.

хабардор бўлишига қарамай, файласуф учун Зардушт сиймосини антик давр муаллифлари каби коҳин ва файласуф сифатида ёритиш муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш лозим. Айнан Аристотель, Плинний, Апулей асарларида у шундай талқин қилинганди. Антик давр филологиясининг йирик муутахассиси ҳиобланган Ф.Нитше, табиийки, бу адабий анъана билан яқиндан таниш бўлган.

Эътиборли томони шундаки, китобда хилма-хил **ғоя** ва **тимсоллар** жуда кўп. Шу ўринда фалсафий-бадиий жиҳатдан чуқур талқин этилган ва эсда қоладиган қуидаги энг муҳим ғояларга тўхталамиз.

Биринчи ғоя – «**Абадий қайтиш**» ғоясидир. Бу ғоя Ф.Нитше фалсафий тафаккурида ўзига хос алоҳида мавқе эгаллади. Ф.Нитшенинг фикрича, борлиқ олам муттасил равишда такрорланаверади, демакки ҳеч қачон йўқолмайди, йўқликка дучор бўлмайди. Яъни, бу олам чархпалақдек мангу айланишга ва ундаги воқеликлар абадий қайтишга, такрорланишга маҳкум. Аммо, энг ёмони, инсон ҳам абадий қайтишга маҳкум этилган бўлиб, мутлақ якун, таъбир жоиз бўлса, қиёмат куни яқин эканлиги доимо даҳшатли қурқув уйғотиб туради.

Бу назариянинг асосида, айрим талқинларга кўра, буддавийликдаги «инкарнация» ва «реинкарнация»⁵, яъни жоннинг қайта дунёга келиши, шунингдек тасаввуп фалсафасидаги руҳнинг қайталаниши ғоялари ётади. Қолаверса, абадий қайтиш, йўқликдан борлиқнинг

⁵ Қаранг: Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар: тажрибавий матн. I китоб / Тузувчи ва илмий муҳаррир Қ.Назаров. – Т., Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2004. – 358-380-бетлар. Яна қаранг: Н.Жўраев. «Авесто заррияти». Сўзбоши. // Авесто. – Т.: «Шарқ», 2001; Н.Жўраев. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: «Маънавият», 2008; Н.Жўраев. «Авесто» мўъжизаси. – Т., Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013; Н.Жўраев. Таваллодан муножотгача, Жаҳон адбиёти, 2013. - 6-сон.

пайдо бўлиши ва яна ўз ҳолига қайтиши ҳақидаги назария қадимги бобил, ҳинд ва хитой табиий фалсафасида мавжуд бўлган.

Абадий қайтиш ғояси Ф.Нитше учун ҳаёт рамзиdir. Абадий қайтиш ғоясини янада содда қилиб тушунтирадиган бўлсак, Шарқ фалсафий тафаккурига кўра абадий барҳаёт инсон руҳи Ерга тушиб, унинг қалбига ўрнашади, қалб жавҳарига айланади, инсонни ҳаракатга келтирувчи куч-кудрат мақомига эга бўллади.

Дунё файласуфларининг талқинича, Ерга тушган рух, яъни инсон руҳи синовлар, изтироблар, имтиҳонлар йўлидан ўтади. Йўлда учраган қийинчиликлар, азоб-уқубатлар инсон руҳи ғуборларини софлашга, инсон та-насини поклашга ёрдам беради. Инсоннинг иродасини мустаҳкамлайди, руҳиятидаги олийжанобликни кучайтиради.

Иккинчи ғоя – аъло одам назарияси. «Инсон – бу ҳайвон билан аъло одам ўртасида тортилган арқон, бу – жар устидаги арқондир», дейди бир ўринда Ф.Нитше. Яъни, аъло одам – бу инсон маймундан қанчалик қудратли ва мукаммал бўлса, ҳозирги давр одамидан шу қадар қудратли ва мукаммал бўладиган комил инсонни ифода этиш мақсадида Ф.Нитше томонидан яратилган тўқима умумлашма образдир. Ф.Нитшенинг фалсафий назариясига кўра, аъло одам инсон тури ривожланиши тарихида қонуний босқич бўлиб, ҳаётнинг илоҳий кучлари эктироси олий чўққиларини ифода этиши керак.

Аъло одам бунёдкор, унинг бекиёс қудратга эга иродаси тарихий тараққиёт йўналишларини белгилаб беради. Ф.Нитше аъло одамлар тимсолида жаҳоний салтанат барпо этган македониялик шоҳ, саркарда Искандар Зулқарнайнни (эрамиздан аввалги тахминан 356-323 йиллар), қадимий Римнинг давлат ва сиёsat арбоби, саркарда, ёзувчи Гай Юлий Цезарни (эрамиздан аввалги

100-44), Уйғониш даврининг испаниялик сиёсий арбоби, Италияни Муқаддас Черков шафелигида бирлаштиришга ҳаракат қилган Чезаре Боржиани (1475-1507), Франция императори ва саркардаси Наполеон Бонапартни (1769-1821) кўрган.

Учинчи ғоя – бу руҳнинг уч марта эврилишидир. Бунда Ф.Нитше томонидан инсон руҳи ривожланишининг қўйидаги шартли размларига эътибор қаратилган.

Туя – оғир юк ташийдиган ўта чидамли ҳайвон. Ана шу тимсолдаги руҳ ҳамиша мушкулотларга талпинади, ҳамма нарсани ўз гарданига ортмоқлади, «буни мен қилишим шарт», деган масъулият юкини мудом зиммасига олиб яшайди. Яъни, Зардуштнинг руҳи даставвал туя бўлиб ўз-ўзини енгади.

Арслон – эркинликни исташ, «мажбурман» дейишдан халос бўлиб, «хоҳлайман» дейишга интилиш, ҳукмдорлик ва кибр рамзи. Бу эса елкадаги мажбурият юкини итқитиб ташлаш, Ф.Нитше таъбири билан айтганда, эскича одатларга, «куллик-мутелик ҳулқи»га чек қўйиш ва уларни янги қадриялар билан алмаштириш деганидир. Лекин шер (арслон) яратиш, бунёдкорлик салоҳиятига эга эмас.

Бола – руҳнинг кейинги эврилиши рамзи. Нитше сўзлари билан айтганда, «Гўдак – янгича муқаддимадир». У ўз дунёсини яратади.Faқат бола бунёдкорликларга қодир, фақат унгагина мўъжизалар яратади олиш қурб-салоҳияти насиб этган, чунки энг катта мўъжиза унинг ўзидир. Бола ўзигача яратилганлардан бехабар, ўзи яратганларидан эса бемисл ҳайратда яшайди. Зоро, болада ҳаётий қуч жўш уради, у ўзини бутун олам, коинот билан тенглаштиради¹.

¹ Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар: тажрибавий матн. I китоб / Тузувчи ва илмий муҳаррир Қ.Назаров. – Т., Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2004. – 366-бет.

Кўриниб турганидек, Ф.Нитшенинг Зардушти кўнглидаги гапларини рамзлар воситасида айтади, нафакат айтади, балки зикр тушиб куйлайди, нидо қиласди, тавалло этади. Албатта, бутун инсониятнинг, айниқса, Шарқнинг неча минг йиллик адабий-бадиий ижодиёти, мифологиялар дунёси бу каби ранг-баранг тимсолу рамзларга ниҳоятда бой.

Айни вақтда Ф.Нитшенинг Зардуштидек ўта муножотгўй, таваллочи ва нидокор зот тимсоли кўз ўнгимизда, таъбир жоиз бўлса, қалбларимиз саҳнида зикри самоъ тушаётган буюк сўфий боболаримиз – Аҳмад Ясавий ва Сулаймон Боқирғоний, Занги ота Ҳимматий ва Султон Мир Ҳайдар ота, Алишер Навоий ва Бобораҳим Машраб сиймоларини гавдалантиради, десак, хато қилмаган бўламиз. Шундай экан, устоз Иброҳим Faфуров: «**Фридрих Нитше – Европанинг сўфийси**» деганида айни ҳақиқатни айтган.

Албатта, Ф.Нитшенинг бу ажойиб асарини оддий романдек шунчаки ўқиб бўлмайди. Уни ҳафтасига 2-3 бобдан ўқиб боришни, лекин ҳар ҳафта изчил мутолаа қлишни тавсия этаман. Бундан кўп ҳам, тез ҳам ўқимаган маъқул. Ўшанда орадан 5-6 ой ўтиб, мутолаа натижаларини ҳис эта бошлайсиз.

Ф.Нитшенинг китобини ўқиш билан боғлиқ якуний натижалар нималарда намоён бўлади?

Биринчидан, ушбу китоб мутолааси туфайли туғилган фикрлар, эҳтиросу ҳис-ҳаяжонлар билан таққосланганда, асарнинг тили бир қадар чегараланганини ҳис этасиз. Бинобарин, бу билан Ф.Нитше Сизнинг бугунги кунда ўзингизга маълум бўлган сўзлар ва атамалар билан баён қила оладиган бугунги ҳиссиёт ва мушоҳадалингизни идрок этиш чегарасидан чиқиб кетишингиз учун шарт-шароит яратади.

Иккинчидан, ҳозирги вақтда Сиз фақат оқ-қора тусдагина кўраётган жуда кўп нарсалар камалакнинг барча жилоларида намоён бўлади. Бу билан Ф.Нитше ҳар бир китобхонга рангни ўзи танлаши учун шарт-шароит яратади.

Учинчидан, Ф.Нитше китоб пировардида ўқувчи учун энди ўзи билиб олганларига мувофиқ ҳолда ҳаратат қилиши ёки ҳаракатдан тўхтаб туриши учун имконият яратади.

Китобни нима учун ана шундай секин ўқиш керак? Чунки Ф.Нитше китобида акс эттирган вазиятларнинг ҳар бири бўйича дарҳол бир тўхтамга келиб бўлмайди. Бу – имконсиз!

Шу боис Ф.Нитше асарлари орасидан биринчи бўлиб айнан ушбу китобни ўқиш жоиз эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки ана шунда адабнинг бошқа асарларида давом эттириладиган фикрларини осонгина идрок эта оласиз. Бошқача айтганда, шу тариқа Сиз Нитше билан ўзаро мулоқотга киришишга қодир бўласиз.

Асарни ўқиб чиқиши билан дарҳол ўзгариб қоласиз. Ф.Нитшенинг ғояларига зид бўлган аввалги фикрларингиз, интилишларингиз, қизиқишлиарингизни батамом унутасиз. Китобдаги Нитше фалсафасининг моҳиятнингина эмас, бу фалсафанинг нечоғли жозибали битилгани ҳам бутунлай ҳайратга солади! Тўғри, бу осон ўқилмайди, аммо кейин Сиз ғоят гўзал маъвога дахлдор бўлганингизни ҳис этасиз.

Бу китоб кейинги даврда менинг ҳамроҳимга айланган. Вақти-вақти билан уни такроран ўқиб турман. Ф.Нитше асарлари мутолаасини узоқ вақт кўз остимга олиб юрганман. Сабаби – бу асарлар ўшанда китобсеварлар орасида жуда урф эди. Ҳамма Нитшени ўқирди, ўқиётганди, ҳозир ҳам ўқияпти ва ўзлари учун қандайдир фикр-хулосалар чиқариб оляяпти. Мухтасар қилиб

айтганда, бир асрдан буён Нитше урфдан қолгани йўқ, аксинча, бугун нитшехонлик ўзига хос анъанага айланниб улгурди, назаримда.

Хўш, Зардушт ўзи нима деганди, неларни тавалло, муножот ё нидо қилганди? У инсон юксалиши керак бўлган зот, дерди. Зардушт одамни разил ҳисобларди, унинг мавжудлигини фақат аъло одамга айланиши, яъни юксалиш босқичини ўташи учунгина оқларди.

Аъло одам эса барча инсоний хусусиятларини йўқотган одамдир. Аъло одам эзгулик ва ёвузлик хусусида фикр юритмайди, у ҳасадгўй ҳам, раҳмдил ҳам эмас. Эмишки, у – чўққи, у оддий одам идрок этиши мушкул бўлган Янги Тангри эмиш, зоро у ҳар қандай чегаралар, тоифалардан ташқарида ва буларнинг барчасидан баланда тураг эмиш.

Одатда, мутахассислар Ф.Нитше ўз даврининг фалсафий дунёсига янги исёнкор ғоялари билан отилиб кирди, деб ёзишади. Бироқ аъло одам тўғрисидаги ғоя ҳақиқатдан ҳам янгиликми? Агар матннинг услубий муракабликлари ва интеллектуал мушоҳадаларини таҳлил қилишга эришсангиз, асарнинг асосий маъносини англаш учун **Ф.Достоевскийнинг «Ака-ука Карамазовлар»** романини очиб, «Иван Федоровичнинг босинкираши» бобига кўз югуртиринг.

Ўша жойда асар қаҳрамонининг кўзига кўринган шайтон айнан Ф.Нитше Зардустининг тили орқали ифода этган кўпгина фикрларини сўзма-сўз айтганига дуч келасиз. Албатта, Нитше бу мушоҳадаларни изчил ривожлантирган. Аммо, шунга қарамай, улар асардан асарга кўчишда ўз моҳиятини йўқотмаган.

«Зардушт таваллоси»нинг диққатга сазовор ва энг муаммоли жиҳати – ундаги ифода услубидир. Асадаги муаллифнинг шунчаки фикрлари акс этган жумлалар эмас, балки кўпинча сизни дабдурустдан

жунбушга соладиган, жуда «башанг» қочиримларга тұла қақшатқыч иборалар олдида бирдан ўзингизни йүқотиб құясиз.

Тұғри, даставал ҳаммаси жойидадек туюлади. Ҳар ҳолда, асарадаги битикларнинг мазмун-моҳиятини деярли доимо илғайсиз. Лекин мутолаани давом эттирганингиз сари бу ўтиб бўлмас чангальзор ичида адашиб кетаверасиз. Пировард натижада китобда битилганларнинг ярмидан кўпроғи идрокингизни четлаб ўтганини сезмай ҳам қоласиз: қандайдир алоғ-чалоғ туш кўргандек бўлиб, китобни истар-истмай ёпасиз. Орадан кўп вақт ўтмай эса беихтиёр яна илк варақдан мутолаани бошлайсиз...

Ф.Нитше мутахассис файласуфлардан кўра кўпроқ адабиёт ва санъат аҳлига улкан таъсир кўрсатганини инкор этиб бўлмайди. «Зардушт таваллоси» фақат файласуф ва адиларнигина эмас, шунингдек, бастакорлар ва рассомларни ҳам илҳомлантирган. Хусусан, Ф.Нитшенинг китоби асосида **Рихард Штраус «Зардушт таваллоси»** симфоник поэмасини яратган бўлиб, бу мусиқа оҳанглари қатор фильмларда янграйди.

Ф.Нитше китоби матнларидан фойдаланган ҳолда, композитор Фредерик Делиус «Тириклар ибодати» ораториясини битган. Густав Маллер ўзининг «Учинчи симфонияси»га Зардуштнинг «Ярим тундаги сано»сини қўшган. Нитше китоби асосида Лена Хейдиз туркум суратлар ва графика расмларини ишлаган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Энди Ф.Нитше асарининг жаҳон адабиёти ва санъати намояндаларини ўзига бу қадар жалб этган файлсуфона ҳикматларини иложи борича қисқа ифода этишга ҳарарат қилиб кўраман:

- **Қийинчиликларни мунтазам енгиб ўтиш ва ўз-ўзинг билан мудом курашиб яшаш. Бундан кейинги ғоя келиб чиқади.**

- «Одам – юксалиши керак бўлган хилқат», яъни аъло одам тўғрисидаги фоя.
- Бахтнинг ҳамма нарсада, айниқса, қийинчиликлар замирида мавжудлиги.
- Инъом этиладиган эзгулик (Инъом этиш – бу эзгулик).
- «Тангри ўлди» – қадриятлар ўлди ва таянч йўқолди.
- Даврийлик ва абадий қайтиш – ҳатто ёмон нарсаларнинг ҳам қайтиши.
- Хукмронликка (ҳокимииятга) интилиш.

Агар аҳамият берсангиз, бу ҳикматларнинг маъно-мағзида XIX асрнинг иккинчи ярмида Европада тарқалган дарвинизм¹ ва нигилизм² дунёқарашлари акс-садо-сини илғаш мумкин.

Афсуски, Ф.Нитшенинг ушбу китоби ўз даврида фашизм назариётчиларига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган. Айнан шунинг учун шўролар замонида бу асарни чоп этиш тақиқлаб қўйилган. Бугунги кунда, Истиклол шарофати туфайли, бу асарнинг барча фазила-

¹ Дарвинизм – органик дунёнинг тарихий ривожланиши тўғрисидаги Ч.Дарвин асос согланган илмий дунёқараш. Дарвин кўрсатишича, ирсий ўзгарувчанлик ва табиий танланиш эволюциянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари ҳисобланади. Ўзгарувчанлик организмлар тузилиши ва функциясида янги белгиларнинг ҳосил бўлишидан иборат. Ирсият орқали бу белгилар наслдан наслга ўтади. Яшаш учун кураш туфайли муҳит шароитига энг яхши мослашган белгига эга бўлган индивидлар яшаб, насл қолдиради, яъни табиий танланиш юз беради. Табиий танланиши натижасида янги турлар пайдо бўлади. Шу билан бирга, организмларнинг ташки муҳитга мосланиши нисбий ҳусусиятга эга. Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси: Д ҳарфи. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 89-бет // zyouz.com кутубхонаси.

² Нигилизм (лот. nihil – ҳеч нима) – мавжуд ижтимоий ҳаёт шакли ва ахлоқий нормаларни, маданий мерос ҳамда идеалларни инкор этиш. Ижтимоий-тарихий тараққиёт инқирозга учраган давларда айниқса кенг ёйилган. Бу терминнинг биринчи марта немис файласуфи Ф.Г.Якоби (1743-1819) қўллаган. Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси: Н ҳарфи. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 206-бет // zyouz.com кутубхонаси.

ту нуқсонларини тўғри идрок этган ҳолда, Зардушт ва Нитше билан бирга ҳақиқатнинг мashaққатли йўллари-дан юриб, мунофиқликлар, ёвузликлар ва турли сохта таълимотларга қарши курашиш учун йўл очилди.

Энг муҳими, асарнинг ўзбекча таржималари китоб-хонларимиз, айниқса, ёшларимизга бугунги нотинч дунёда инсоният бошига ёғилаётган турли муаммоларни, турли вайронкор мағкураларнинг зиён-заҳматини тўғри англаб етишлари, ўзлари ҳаётда дуч қеадиган салбий ҳолатларга танқидий қараб, холис баҳолай олишлари учун катта имкониятлар очиб беради, деб ҳисоблайман. Зеро, ҳақиқат баҳсларда туғилади, дейдилар. Ф.Нитшенинг ушбу китоби чинакам баҳслар, мунозара ва мушоҳадалар учун кенг майдон, демакдир.

Китобни сабот билан ўқиш ва ҳар бир жумла устида мулоҳаза юритиш – энг маъқул йўл. Ўшанда у Сизга кўп нарса беради. Асар Сизни фақат ғоялари билан эмас, балки гўзал тили билан ҳам мафтуну маҳлиё этади:

*«...Ёришиди жумла жаҳон,
Зардушт пойида арслон.
Тиззасига қўйган бош,
Мушук сингари юввош.*

*Во ажаб, шер жангари,
Вафодор им сингари.
Қушлар яйрап бошида,
Арслон ҳозир қошида.*

*Зардушт қалбида сурур,
Қироат айлар мағрур:
«Бахт-саодат каҳқашон,
Фарзандларимдан нишон!..»*

*(А.Пардаев таржимаси қўллэзмаси,
221-бет.)*

Ушбу мисраларни файласуф таъбири билан изоҳлайдиган бўлсак, асарда Шарқ фалсафий фикрининг таъсири яққол сезилади. Жумладан, табиат жонли мавжудот сифатида намоён бўлади. Ҳар бир жонзот, дараҳт, ҳар бир харсанг тош, денгиз, тоғлар, ҳаво ҳаёт чашмаси билан йўғрилган. Улар Зардушт билан суҳбат қуради, унинг оламининг бир қисмини ташкил қиласиди. Зардушт ўзини табиатдан ажратмайди, чунки унинг ўзи ҳам табиатнинг узвий бир қисмидир¹.

Шундай қилиб, «Зардушт таваллоси» жуда ноёб, ниҳоятда жозибали, мен учун энг севимли фалсафий асар. Уни мен аслиятда, рус тилида² ва ўзбек тилида насрый достон сифатида (Иброҳим Ғафуров таржимасида) ҳамда шеърий манзума кўринишида (Абдиҳамид Пардаев таржимасида) бирдек завқ билан қайта-қайта мутолаа қиласиди.

Ҳа, мен Ф.Нитше асарларини, бу адабнинг ёрқин истеъдодини яхши кўраман. Нитшенинг шоҳ китобини ўқиш ва юксак заковатли мушоҳадаларини ёнғоқдек чақиб, тўқ мағзидан баҳра олишдек ажиб имконият олдида турганингиз билан Сизни қутлайман, азиз китобхон!

**Акмал Саидов,
академик.**

¹ Янги ва энг янги давр Фарбий Европа фалсафаси. XVII-XX асрлар. Ўкув кўлланма. – Т.: «Шарқ», 2002. – 191-бет.

² Ницше Ф. Дополнения к «Заратустре». – Собр.соч., т.ІХ. – М., изд. Клюкина, 1901; Ницше Ф. Так говорил Заратустра. – М., Издательство Московского университета, 1990; Ницше Ф. Так говорил Заратустра. Избранные произведения: Книга первая. – М.: «Сирин», 1990.

Мазкур тўпламга қуидаги мактубни киритишни ҳам лозим топдим. Чунки бу хат Абдуҳамид Парданинг ижодкор сифатидаги қирраларидан бирини – хусусан қаламкаш дўстларини ижод билан жиёддий шуғулланишга илҳомлантиришининг далили ҳисобланади.

МАКТУБ

*Тошкент шаҳар, «Мажнунтол» маҳалласи,
шоир Ҳамид Пардага.*

Салом, ҳазрат!

Тунда бир-икки марта телефон қилган бўлсам-да сиз билан боғланишнинг имкони бўлмади. Шу сабаб айтадиган гапимни ФБ га қўйдим. Одатингиз маълум, телефонингиз ўчиқ бўлганда интернет «титасиз».

Сизга телефон қилишдан мақсад, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ўзбек адабиётининг йирик намояндаси устоз Шукур Холмирзаевга бағишлиб, сизнинг қаттиқ қистовингиз билан ёзилаётган қораламани тугатдим. Бор-йўғи шуни айтмоқчи эдим, холос. Ёзганларимни эсдалик дейишни ҳам, эссе ёки роман дейишни ҳам билмай қолдим. Бундай дейишинга сабаб, ҳар қандай жанр талабини бузиб, ўзим ҳоҳлагандек, ўзим истагандек эркин ёздим.Faқат қўзим билан кўрган ва қулоғим билан эшитган воқеаларга асосландим. Ўтрик гаплардан қочдим. Яширмайман, ёзишда жуда қийналдим. «Бор-е!» деб ташлаб қўймоқчи ҳам бўлдим. Ҳаётнинг ҳар қандай синовини писанд қилмайдиган устознинг ётиб-туришидан тортиб, босган қадамигача – ўзга бир сир, ўзга бир дунё. Жуда устамонлик билан, қаергадир безак учун ёлғон-яшиқ гап қўшсангиз, қўйлар орасига кириб қолган филдек дарҳол кўриниб қолади. Боз устига устоз бошидан охиригача қараб тургандек, ёлғон қўшсам тарсаки тортгудек туюлди.

Тадбиркор дўстим Камолиддин, «Ёзувингиз битса Москвага ё Питерга бориб, бир ҳафта маза қилиб айланаб келамиз, харажатлар мендан» деган эди. Не ажабки, саёҳат насиб этмайдиган бўлди. Ўзим ҳам ишим битса, енгил тортаман деб ўйлагандим. Адашган эканман. Сўнгги нуқтани қўйишим билан, бошимда кучли оғриқ турди. Бир зумда эгаси кўчиб кетган уйдек ҳувиллаб қолдим. Кутимаганди оғриқ юрагимга кўчиб, ҳолсизландим. Ярим тунда кўргани келган Қодир дўхтири пастки лабини тишлаб: «Анча чарчабсиз, шифохонага ётмасангиз бўлмайди», деб туриб олди. Унинг қистови билан ИИВнинг Қорақамишдаги госпиталига ётдим.

Қораламани «Замин юлдузи» деб номладим. Дастрраб Сурхон ёки Бойсун юлдузи демоқчи эдим. Қарасам бу ўлчов устозга кичиклик қилди. Негаки, Шукур оғанинг жуссаси кичик бўлса-да, ватанга, адабиётга бўлган меҳроқибати, садоқати, фидойилиги шундай чексиз эдики, сиғдиришга дунё етмасди.

«Замин юлдузи»ни суяги меники, эти сизники. Ўғлим Исфандиёр уни сизга етказади. Вақтингизга қараб, синчковлик билан танишиб чиқсангиз. Камчиликларни рўй-рост айтинг. Баҳолашда ҳамюртлигимиз ғов бўлмасин. Фикрингизни қай йўсинда бўлса-да етказсангиз, камтарин қулингизнинг боши осмонга етарди. Имкони бўлса, дўстим Набижон Боқий ҳам бир кўз югуртириб чиқса, чакки бўлмасди. Қораламадаги кўп воқелар у билан боғлиқ. Боз устига Шукур оғанинг феълини ундан яхши биладиган одамни топиш даргумон. Мабодо сўзбоши ёзиш лозим бўлса ё Усмон Азим, ё Эркин Аъзам ёзгани маъқул. Сабаби улар бунга ҳаммадан кўра ҳақлироқ деб ўйлайман. Яна ўзингиз биласиз.

Ўзингиздан қолар гап йўқ, мен бу қораламани газета ё журналда чоп этиш учун ёзмадим. Шу сабаб уни қўлтиқлаб у редакциядан бунисига юргургим йўқ. ФБ да

ёритай десам, уч юз бетдан ошиқ, қунт билан ўқишига унча-мунча одамнинг сабри чидамайди. Менга қолса қораламани Шукур оғанинг суюкли қизи Сайёрахонга берганимиз дурустга ўхшайди. Қиз бола отасига меҳрибон бўлади. Бўш пайтида ўқиб юради. Жондан ортиқ кўрган дадажонисининг ўзига маълум бўлмаган қирраларини, меҳрини, садоқатини янада чукурроқ англайди. Дўрмон деб аталмиш боғнинг нафақат кўрки, фахри бўлганидан қувонади. Ёзганларим Шукур Холмирзаевдек буюк устознинг қизига ёқиб, шод этиб, уни янгидан-янги хотирадар оламига етакласа бас, шу баҳтнинг ўзи менга етади. На газетада босилишининг, на китоб бўлиб чоп этилишининг қизиги бор. Ҳали айтганимдек, мен бу қораламани ўзим учун ёздим. Ёзиш бўйнимдаги қарз эди. Бу қарзни тириклигимда узмасам, маҳшар тонгидаги дийдорлашувда устознинг юзига қай кўз билан қарайман, ахир?! «Ўла, худбин!» деб қовоғини солиб олмайдими?

Билсангиз, тунда юрагим қийнаб турган бир кезда Сурхоннинг Шўрчисидан Шуҳрат иним телефон қилса бўладими. Касаллигимни айтмадим. «Ака бу йил баҳор бизга камида ўн беш кун олдин келди. Бодомлар гуллаб, кун бўйи невараларингиз ҳовлида майкачан чопқилаб юришди, ўзим эса Шукур устозингизнинг «От йили» деган ҳикоясини ўқияпман, тунов куни мени телпонда гаплаштирган ошнангиз Хамид Парда билан қачон келасизлар?» деди.

Ишонсангиз, кўзимдан ёш думалади. Қаранг, Сурхонга Шукур оға кутган баҳор келибди. Шукур оға севган бодом гуллабди. Яна у баҳор ярим ой олдин келибди. Демак, баҳор Шукур оғани соғинган. Сурхонни соғинган, Бойсунни соғинган. Ҳа, ҳа ишонаверинг, баҳорнинг сабри чидамаган. Соғинчдан ёрилиб кетай деган. Соғинчдан портлаб кетай деган. Тўполнончи шамоллар Бойсун тоғлари узра эсиб, устоз қолдирган изларни силаб-сий-

палагиси, қўли теккан арча баргларига қайноқ лабини босиб, тўйиб-тўйиб ҳидлагиси келган. Шукур оға юрган қирларни кезгиси келган. Шуларни ўйлаб додлагим келди, ҳазрат! . Тўйиб-тўйиб йиғлагим келди, ҳазрат! Бўлажак тўйларга, сайилларга, зиёфатларга олдиндан тайёргарлик кўрамиз. Ўнадиган жой сира-сира ёдимииздан чиқмайди. Аммо ҳар гал Шукур Холмирза деган буюк адабни фақатгина туғилган кунида бир эслаб қўямиз, холос. Шунда ҳам номига, эл кўзига, уялганимиздан. Тўйни кутгандек, зиёфатни кутгандек интиқлик билан кутмаймиз. Соғинмаймиз. Айтинг, ҳазрат! Айтганда ҳам бор овозингизни ҳамма эшитадиган қилиб айтинг. Ҳақиқатни сиз айтмасангиз, мен айтмасам, биздан ўтиб ким айтади, ҳазрат? Қабрда чириб ётганлар айтадими? Уларга фоний дунё ташвиши на керак? Бу қандай синоат бўлдики, биз тек турган чоғда тилсиз табиат устозни соғинса, қийналса, юраги гуп-гуп урса, шамоллари замин узра эсиб табаррук изини изласа, азалий қонунларини четлаб, ўн беш кун олдин йўлга чиқса. Наҳот бизда уят қолмади, ҳазрат?! Наҳот бизда хотира қолмади, ҳазрат?! Наҳот бизда қадр қолмади, ҳазрат?! Наҳот биз ҳамма нарсани тез унутамиш, ҳазрат?! Наҳот биздан табиат ҳам ақлли, ҳам меҳрли, ҳазрат?!

Қораламага янги руҳ бағишлиш мақсадида устознинг бунгача эълон қилингган ҳар қандай суратидан воз кечдим. Сурат композициясини ўзим кашф қилдим. ФБ га қўйганим, айнан ўша сурат. Уйда олдим. Ёзув машинкасидан тортиб шляпа ҳам ўзимники. Машинка билан шляпани Москвага, устозим Тоҳир Маликнинг яқин дўсти, машҳур фантаст ёзувчи Юрий Михайлович Медведевнинг уйига меҳмондорчиликка борганимда, марказий универмагдан сотиб олганман. Эътибор берган бўлсангиз, суратдаги ҳамма нарса устозниги жуда-жуда ўхшаш. Ўхшашлиги учун олганман, ҳавас қилганимдан

олганман, устозга ўхшашни хоҳлаганимдан олганман. Суратда иккита камчилик мавжуд. Биринчиси, кулдон йўқ. Чекмаганим сабаб, уйдан кулдон топилмади. Иккинчиси, кўзойнак йўқ. Шу сабилни роса қидириб топмадим. Охири суратга олишини тугатиб қарасам, кўзойнакни тақиб олган эканман. Ўзимни-ўзим роса койидим. «Эсар»дедим, «телба» дедим, «бир қайнови кам» дедим. Тилимга нима келса шуни айтдим. Балки бу нуқсонни тузатиш чораси топилиб қолар.

Бор гапим шу. Сувтилик чаласаводнинг қораламасини ўқишида Оллоҳим сизга сабр берсин, куч-қувват берсин. Юртимизда тинчлик-омонлик бўлсин. Баҳорнинг ажиб бир тунини устоз Шукур Холмирзаевнинг қадами теккан Бойсун тоғларида, қалин арчазорлар орасида ўтказиши Оллоҳим насиб айлаган бўлсин.

Сизга чексиз эҳтиром билан Сувтилик тоғангиз, нафақадаги бекорчи мелиса:

Муҳаммаджон Соипов,
ёзувчи.

Абдуҳамид Пардага яна бир мактуб. «Қутадғу билиг» табдил-таржимаси тўғрисида

Ассалому алайкум, Абдуҳамид ака, юборган матнларингизни ўқидим. Табдилни ҳам бироз аслият билан солиштириб кўрдим. Аввало шуни айтишим керакки, катта ва муҳим ишни бажаргансиз. Чиндан ҳам «Қутадғу билиг»дан бугунги ўқувчи баҳраманд бўлиши керак. Аммо, афсуски, орадаги минг йиллик масофа бугунги ўқувчига аслиятдан фойдаланиш имконини бермайди. Табдилингизни ўқиб тушундимки, бу ерда насрий таржима ўзини оқламайди. Чунки «Қутадғу билиг» Навойи «Хамса» достонларидаи воқеа, сюжетга бой эмас. Шундай экан, сиз энг тўғри йўлни танлагансиз. Шеъ-

рий ўгирмангизда менга энг ёққан байтлар, сатрлар аслият жуда кам ўзгартирилган, аслият материалидан имкон қадар түлиқ фойдаланилган ўринлар бўлди. Мисол учун:

*Биридан бирига меросга қолиб,
Нодонларга бермай ўзига олиб.*

Аслият:

*Бириндин бирингә мэрраслар қалыб,
Наданларқа бәрмәз өзингә алыб.*

Мен табдил имкон қадар аслиятни тўлақонли акс эттириши керак, деб ўйлайман. Табдилчи (таржимон) имкон қадар шаффоф бўлиши керак, токи табдилдан бизга табдилчи эмас, аслият муаллифининг ўзи боқиб турсин (2000 йили «Навоий «Хамса» достонлари насройлаштириш: анъана, табдил, талқин» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган эдим. Ушбу диссертацияда айтилган асосий гап ҳам шу эди. Икки йил олдин ёзган «Таржима машаққатлари», кейин «Аслият ва талқин» номли мақолаларимдаям шу фикр айтилган).

Табдилингиз равон ўқилади, яхши топилмалар кўп, лекин аслият билан солиштирганда баъзи жузъий фарқлар ҳам кўзга ташланади. Агар улар бирма-бир таҳрир этилиб, аслиятга максимум яқинлаштирилса, «Кутадғу билиг»дай сизнинг табдилингиз ҳам ўлмас асарга айланishi мумкин, деб ўйладим. Мисол учун Қаюм Каримов достоннинг ниҳоятда пишиқ насрой баёнини яратган. Мен Навоий «Хамса» достонлари, «Лисонут-тайр»ни тўлиқ насрой баёнлари билан солиштириб чиққанман ва уларда, барча табдилчиларда, минглаб хатолар топганман. Лекин Қаюм Каримовда бир дона ҳам аслиятга тўғри келмайдиган ортиқча сўз ишлатилмаган. Шу боис

Қаюм Каримовнинг иши асрларга кетадиган фундаментал иш бўлган, деб ўйлайман.

«Кутадғу билиг»дай катта асарни сатрма-сатр шеърий таржима қилиб чиқиш ўта оғир, ҳатто достоннинг ўзини ёзишдан ҳам қийин вазифа деб ўйлайман. Чунки табдилчи муаллифдай эркин эмас, муаллиф чизган чизикдан чиқишга, ортиқча гап гапиришга табдилчининг ҳаққи йўқ. Сиз шундай катта маъсулиятни зиммангизга олгансиз. Албатта, уни қайта-қайта таҳрир қилиш кишини силласини қуритадиган иш. Лекин асосий иш қилинган, сиз достонни бошдан охиригача табдил этиб чиққансиз. Аммо уни янада мукаммаллаштириш, абадиятга дахлдор этиш учун эса, менга таҳрирталаб ўринларни яна бир кўриб чиқиш керакдай туюлди. Албатта ихтиёр сизда, табдил қандай бўлса, шундайлигича қолдиришингиз ҳам мумкин ёки уни янада мукаммаллаштириб ўлмас асарга айлантиришингиз мумкин. Чунки табдиллар бугун бўлмаса, эртага барибир кимлар томонидандир аслият билан солиширилади ва баҳоланади.

Мен диссертацияда Навоий достонлари табдилари ни ҳар доим аслият билан бирга (бир саҳифада аслият, унга ёнма-ён иккинчи саҳифада табдил) чоп этилиши керак, деган фикр билдиргандим. Шу каби «Кутадғу билиг» шеърий таржимаси ҳам аслият билан бирга ёнма-ён чоп этилса, энг тўғри иш бўлади, деб ўйлайман. Чунки табдилдан қониқмаган ўқувчининг аслиятга муружаат этиш имкони бўлади.

Энди бироз сизнинг табдилингизда аслиятдан узоқлашгандай туюлган ўринларга тўхталмоқчиман.

Аслият:

*Уған бир байат-ул қамуғдан үзә,
Өкүш ҳамду өгди аңар-оқ саза.*

Сизнинг табдилингиз:

*Азизу мукаррам қодир Раббано,
Шаънингга беадад минг ҳамду сано.*

Мен учун «Қутадғу билиг» каби асарларнинг энг қимматли ва миллатимиз, тилимиз учун энг фойдали жиҳати – тилининг соғлиги, яъни арабий, форсий сўзларнинг нихоятда камлигидир. Агар юқоридаги аслият ва табдилга эътибор берадиган бўлсак, аслиятда битта арабча (ҳамд) сўз ишлатилган, табдилда эса битта соф туркий сўз (минг) ишлатилиб, қолганлари тўлиқ арабча. Юсуф Хос Ҳожибининг «туркий Шоҳнома»сини ёзишдан мақсадларидан бири, худди Навоийдек, турк тили мавқенини кўтариш, турк тили ривожига ҳисса қўшиш бўлган. Албатта, ҳозирги тилимизда «үған» (қодир), «байат» (худо), «қамуғ» (барча), «окуш» (кўп), «өгди» (мақтов) каби сўзлар ўрнини арабий сўзлар эгаллаган. Лекин барибир, менимча, унинг табдилида баъзи туркий сўзларни қолдириш, туркча қиёфа бериш имкони бор. Мисол учун мана бундай:

*У қодир Эгам бир, барчадин аъло,
Унгадир мақтовлар ва ҳамду сано.*

Аслиятнинг биринчи сатрида муҳим бир санъат бор: «бир» ва «қамуғ», яъни Тангрининг БИРлиги таъкидланаяпти ва ҚАМУҒ, яъни тасаввуф истилоҳи билан айтганда, КАСРАТга қаршилантириляпти. Сизнинг таржимангизда «бир» сўзи табдил этилмаган. Аслиятда Тангри фақат «ўған» (қодир) ва «бир» сифатлари билан сифатланган, «азиз», «мукаррам» сифатлари аслиятда йўқ. Аслиятда «фақат унга» (аңар-оқ) деб Тангри учинчи шахсда тилга олиняпти, таржимада «шаънингга» –

иккинчи шахс. Мен байт таржимаси айнан мен таклиф этгандай бўлиши керак, демоқчимасман. Агар сизга маъқул келса, уни қўллашингиз мумкин. Айтмоқчи-манки, агар бироз изланса, имкон қадар аслиятнинг ўз материалларидан фойдаланиб, имкон қадар тўлақонли аслиятни табдилда ифодалаш, маромига етказиш мумкин.

Кейинги байт:

*Улуғлуг идиси уған зулжалал,
Йаратқан төрүткән ма қадыр камал.*

Табдил:

*Муқтадир, улуғдан-улуғ, зулжалол.
Яратгувчи, аввал-охир баркамол.*

Аслиятдаги баъзи сўзлар оддий ўқувчига қанчалик тушунарсиз бўлса, табдилда қўлланган «муқтадир», «зулжалол» сўzlари ҳам шунчалик тушунарсиз. Айтайлик, Навоий достонлари табдилларида бу каби арабий сўзлар табдил этилган. Мен бу байтда қўп нарсани ўзгартириш шарт эмас, фақат бир-иккита ҳозирда эскирган сўзни табдил этиб, кўпроқ аслият сақлаб қолиш имкони бор, деб ўйладим. Фақат «зулжалол» қофияда келгани учун уни сақлаб, матн тагида унга: «буюклик эгаси» деб изоҳ бериш мумкин. Аслиятда «қадыр камал» дейилганда ғализлик бор. Эҳтимол, бу байтни шундай таржима этиш керакдир:

*Улуғлик эгаси, қодир, зулжалол¹,
Яратган борлиқни ва берган камол.*

¹ Зулжалол – буюклик эгаси

Табдилда навбатдаги 3-4 байтлар, менимча, муваффақиятли ўгирилган.

Ушбу кейинги байт табдили ҳам жуда яхши чиқибди:

*Сира ҳам оч қўймас жонлини барча,
Едирар, ичирар сонлини барча.*

Фақат «барча» сўзини радифга чиқарилиши менга бироз ғализдай туюлди. Агар уни бундай шаклда берса-чи:

*Сира оч қўймагай бутун жонлини,
Едирар, ичирар киши сонлини.*

Кейинги байт табдили:

*Унинг истагича бўлди бор олам,
Кимни у тиласа, айлар мукаррам.*

Аслияти:

*Нэ-тэг ким тиләди ма болди қамуғ,
Кими ким тиләсә қылур ул улуғ.*

Аслият материалидан кўпроқ фойдаланиш учун менмана бу вариантни таклиф қиласдим:

*Унинг истагича бўлди бу борлиқ
У кимни тиласа, айлагай улуғ.*

Кейинги байтлардан менга қуйидаги табдил жуда ёқди:

*Муҳаммад пайғамбар барча эл боши,
Барча аҳли муслим қўзию қоши.*

Кейинги байт:

*Муazzам бу китоб бағоят азиз,
Билимлига бүлгай билимдан денгиз.*

Менимча, бу ерда «муazzам» сўзи ортиқча, унинг ўрнига аслиятдаги «яна» сўзини қўлласа, аслиятга яна ҳам яқин бўлади:

*Яна бу китобким бағоят азиз,
Билимлига бүлгай билимдан денгиз.*

Кейинги байт:

*Азалдан эъзозда билим негизи,
Қаноат, шукрон – толе эгизи. –*

Табдили менга маъқул бўлмади. Чунки аслиятдаги маънога тўғри келмайди. Аслияти:

*Йаратмыш ағырлығ билигләр билә,
Қалы ким шукр ул қанаъат тила.*

Менинг таклифим:

*Билим-ла қадрга мұяссар бўлар
Агар ким шукр ила қаноат қилар.*

Хуллас, Абдуҳамид ака, менимча, табдилни яна бир аслият билан солиштириб, агар маъноси аслиятга тўғри келмайдиган ўринлар бўлса, аслиятга имкон қадар яқинлаштириб чиқсангиз, мақсадга мувофиқ бўлади. Лекин бу жуда катта иш, тушунаман, шунинг учун ўзингиздан бошқа яна кимдир бу ишни зиммасига олиши

жуда қийин масала. Табдилни секин-аста яна кўздан кечириб, бу ишни юз фоиз қила оласиз деб ишонаман. Албатта, бу иш сизга моддий манфаат келтиради, деб ўйламайман, лекин бу иш ўзимдан кейин ўлмас бўлиб қолсин, миллионлар ундан баҳраманд бўлсин, деган нуқтаи назардан ёндошсангиз, бу сизни руҳлантириши мумкин деб ўйлайман.

Мен фақат табдилнинг биринчи бобини ўқидим, ўйлайманки, кейинги бобларда аслиятни мукаммал ифода этган байтлар, топилмалар жуда кўп. Айтганча, аслиятда биринчи бобга сарлавҳа ќўйилмаган, табдилдаям «дебоча» дейилиши, менимча, ортиқча. «Қутадғу билиг»ни Қаюм Каримов «Саодатга йўлловчи билим» деб таржима қилган. Мен ҳам асар номини шундай – «Саодатга йўлловчи билим» деб табдил этилиши маъқул деб ўйлайман.

Ташаккур, Абдуҳамид ака, юқорида ёзганларим албатта менинг шахсий фикрларим, ишларингизга омад! Мулоҳазалар бўлса bemalol.

**Абдувоҳид ҲАЙИТ,
филология фанлари номзоди.**

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

Иброҳим ҒАФУРОВ – таниқли адабиётшунос олим ва таржимон. Ф.Достоевский, Ги Де Мопассан, Ф.Нитше, Ж.Жойс, Э.Хемингуэй, Ч.Айтматов, Г.Маркес каби буюк адаб ва файласуфларнинг асарларини ўзбек тилига ўгирган. Адабиётшуносликка оид юзлаб мақолалар ва бир неча китоблар муаллифи. И.Ғафуров «Миллий тикланиш» демократик партиясида раҳбарлик лавозимларида ишлаганда ҳамда «Миллий тикланиш» газетасига бош муҳаррир бўлганда, мазкур газета республиканинг

энг мазмундор нашрларидан бирига айланди. Кейинги йилларда домланинг адабий мақола ва мансуралари жилдликлар тарзида нашр этилмоқда. Биринчи китоб: «Ҳаё – халоскор», 2006 йил; Иккинчи китоб: «Мангу латофат». Иброҳим Ғафуров адабиётшунослиқдаги са-марали фаолияти учун Ўзбекистон Давлат мукофоти билан тақдирланган. 2021 йилда унга Ўзбекистон Қаҳ-рамони юксак унвони берилди.

Ваҳоб РАҲМОНОВ – таниқли мунаққид ва таржимон, филология фанлари номзоди. Алишер Навоий, Машраб, Аваз Ўтар ўғли каби қатор мумтоз ўзбек шоирлари асарларини нашрга тайёрлаган. «Бобурнома»ни ҳозирги ўз-бек тилига Каромат Муллахўжаева билан ҳамкорликда, «Тарихи Рашидий»ни форс тилидан Янглиш Эгамова билан ҳамкорликда таржима қилган. «Ўзбек классик ада-биёти учун қисқача луғат», «Бадиий санъат жозибаси» каби китоблар муаллифи.

Мирпўлат МИРЗО – таниқли шоир, адаб, таржимон, мунаққид, журналист.

«Тонг жилваси», «Яхши кунлар», «Сунбула» ва «Сай-ланма» сингари ўндан ортиқ шеърий тўпламларнинг муаллифи. Унинг жаҳон шоирларидан қилган таржи-малари «Сомон йўли чечаклари», «Сайра, дўмбирам!», «Ложувард осмон» номлари билан китоб ҳолида чоп этилган. Шоирнинг таржимонлик фаолияти Россиянинг Борис Пастернак номидаги ва Қозоғистоннинг «Алаш» халқаро мукофотлари билан тақдирланган. Ўзбекистон-да хизмат кўрсатган маданият ходими.

2018-йилда вафот этган.

Эркин САЙДКАРИМОВ – шоир, журналист. Абдуҳа-мид Парданинг ҳамқишлоғи. «Қорақўйлинома» китоби муаллифи.

Султонмурод ОЛИМ – филология фанлари номзоди, навоийшунос. Халқаро Аҳмад Яссавий мукофотининг соҳиби. «Ишқ, ошиқ ва маъшуқ», «Нақшбанд ва Навоий», «Бешик» каби қатор китоблар муаллифи. Тўпламдан жой олган мақола – Абдуҳамид Парданинг «Таҳаммул» (1997 йил) тўпламига сўзбоши. Айни пайтда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинган.

Улуғбек ҲАМДАМ – шоир, адиб, мунаққид, таржимон, филология фанлари доктори. «Мувозанат», «Итоат ва исён», «Сабо ва Самандар» каби романлар, бир неча шеърий асарлар, эсселар, бадиий мақолалар тўпламлари муаллифи. «Шоирлик – ҳавас, шоирлик – қисмат» мақоласи илк бор «Моҳият» газетасида қисқартириб босилган.

Рахимжон ОТАУЛИ – таниқли адиб, мунаққид, таржимон. «Турмуш, хулқ-атвор ва меҳнат эстетикаси». «Осмон тўла юлдузлар». «Қалб дарчаси». «Сурнай наволари», «Элчи (Афанди ўлмайдиган бўлди)», «Замона зайди», «Тилсим» (Туркистон достони), сингари китоблар муаллифи. Мазкур мақола «Ёзувчи» газетасининг 1998 йил, 22 апрель сонида босилган шу номли мақоладан парча.

Манзар АБУЛХАЙРОВ – филология фанлари доктори, навоийшунос, шоир, мунаққид. Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университетнинг Хорижий филология факультети доценти. «Алишер Навоий асарларида сўз ва иборалар» монографияси ва бир неча илмий рисолалар, ўнлаб мақолалар муаллифи. Мазкур мақола илк бор Миллий университетнинг 2010 йилда нашр қилинган «Филологиянинг долзабр муаммолари» тўпламида эълон қилинган.

Обида БЎРОНБОЕВА – Мирзо Улугбек номидаги Миллий университетнинг Хорижий филология факультети ўқитувчиси. Ўзбек тили ва адабиётидан дарс беради. Бир неча мақолалар муаллифи.

Абдусаттор ЖУМАНАЗАР – шарқшунос олим, шоир ва ёзувчи.

Ўз ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг илмий ходими.

Мужаддийа-нақшбандийа тариқати тарихига оид «Хилват аҳли» ва Бухоро мадрасалари тарихига оид «Мадорис» туркумидаги асарлар муаллифи. Мирзо Бобур тўғрисидаги шеърий достон ва Зардушт ҳақидаги насрый қисса муаллифи.

Вали Саваш ЙЕЛЎК – Гази Университети Гази Таълим Факультети Турк тили ва адабиёти кафедрасини тамомлаган. 1995-1997 йиллар орасида Оқсанордада Турк тили ва адабиётидан дарс берган. 1997-йилда Гази Университетига қарашли Турк тили кафедрасига Турк тили ўқитувчиси сифатида ишга қабул қилинган. Университетдаги бу лавозимидан ташқари Гази Университети ТЎМЕРъида турли хил ўлкалардан келган ўқувчиларга Турк тилидан дарс берди. Худди шу марказда маълум вақт давомида Таълим-тарбия режалаштириш бўлимида раҳбар мувовини ва ТЎМЕР директор мувовини лавозимида фаолият юритган. Ҳозирда Гази Университети Фан-Адабиёт Факултети Замонавий Туркий Лаҳжалари ва Адабиётлари Бўлими доцентидир. 2009- йил 11-декабрдан бўён Тошкент Давлат Шарқшунослик Институти Туркий тиллар бўлимида вақтинчалик фаолият юритмоқда.

1999-йилда «Даврийи Марказий Туман Лаҳжаси» номли магистрлик ишини, 2007- йилда «Эркин Воҳидов

шеърларида тил ва услуб» номли номзодлик ишини ёқ-лаган. Ҳозирга қадар уч китоб ва бир қанча мақолалар муаллифидир.

Ғулом КАРИМИЙ – Ўз.Р Фанлар Академияси Беруний номидаги Қўллётмалар институти катта илмий ходими, адаб, шоир, мунаққид, таржимон. «Карвон», «Турон қоплони», «Соҳибқирон ва аллома» бадиий китоблари муаллифи. Носир Хисравнинг «Сафарнома», Муиниллин Натанзийнинг «Мунтакаб ут-таворих» асарларини, шунингдек Эрон ёзувчиси Содик Ҳидоятнинг ҳикояларини форс тилидан ўзбек тилига ўгирган. Ёзма мерос ва замонавий ўзбек адабиётига оид мақолалари мунтазам суратда матбуотда чоп этилмоқда. «Тўрт сатр имконияти» мақоласи илк бор «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2009 йил, 20 февраль сонида эълон қилинган.

2014-йилда вафот этган.

Эргаш ОЧИЛОВ – таниқли адабиётшунос олим ва таржимон, филология фанлари номзоди. «Муборак чашмалар», форс тилидан шеърий таржималари жамланган «Ишқ дафтари», «Муҳаббат тароналари», «Минг бир рубойй», «Донишмандлар тухфаси» китобларини, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Умар Хайём, Убайдий каби ўнлаб мумтоз шоирлар асарларини таржима қилган ва нашрга тайёрлаган. Тўпламга киритилган мақола «Соҳил оҳанглари» баёзига ёзилган мақоладан парча.

Амир ФАЙЗУЛЛА – ҳиндий, урду, инглиз тиллари мутахассиси, таниқли таржимон. Ўнлаб насрый ва шеърий асарлар, «Маҳобҳарат», «Рамаяна», «Бобур» номли кўпсерияли кинофильмлар таржимони. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Лайло ШАРИПОВА – шоира, филология фанлари номзоди. Бухоро Давлат Университети Тил ва адабиёт кафедраси ўқитувчиси. «ХХ асрнинг 70-80 йиллари ўзбек шеъриятида фольклоризмлар» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. «Қисмат сурати». «Оқ армонлар». «Бу шундай дунёки...» сингари шеърий тўпламлар муаллифи.

Абдунаби ҲАМРО – журналист, шоир, адиб. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. «Хиёнат», «Оқ алвости», «Отам айтган қўшиқлар» каби йигирмадан ортиқ шеърий ва насрий китоблар ҳамда бир неча детектив қиссалар муаллифи. 2009 йилда «Ўзбекистон» нашриётида «Вақт дарёси», 2012 йилда «Олтин дарвозали юрт» китоблари (қисса ва ҳикоялар тўплами) чоп этилган.

Дилшод РАЖАБОВ – шоир, адиб, журналист, филология фанлари номзоди. «Отамнинг боғи», «Алифбо», «Сукунат сарҳади», «Дарё кўнгил» каби ўнга яқин шеърий китоблар. «Жилвон ўғлони» насрий асарининг муаллифи.

Акмал САИДОВ – хуқуқшунослик фанлари доктори, академик. Ўзбекистон республикаси Инсон хуқуқлари марказининг директори.

Муҳаммаджон СОИПОВ – нафақадаги ички ишлар ходими, журналист, таникли ёзувчи. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

Абдувоҳид ҲАЙИТ – филология фанлари номзоди. Ҳозирги пайтда Канадада яшайди.

ПАРДАНИНГ ПАРВОСИ, ПАРДОЗИ ВА ПАРВОЗИ

ёхуд сўзимизнинг сўнггиси

Ушбу бобни шунчаки «Хотима» ёки «Сўнгсўз» деб атасам ҳам бўларди аслида. Уни маҳсус боб қилмай, якуний фикрларни тўрт оғиз сўзда юмалоқ-ёстиқ қилиб қўяқолсамми деб ҳам ўйладим. Аммо, айтилмай қолган нимадир бордай кўнглим тубида...

Абдуҳамид акани яхши билганим, унинг қалби ва руҳиятини тушунганим учун ушбу китобни битдим. Бўлмаса, қилни қирқ ёрадиган танқидчию таҳлилчилар, адабиётшунослар бисёр, агар лозим бўлса улар Абдуҳамид Парда ҳаёти ва ижодини ипидан-игнасиғача ўрганиб, ўз фикрларини илмий жиҳатдан асослаб ҳам берадилар. Юқоридаги мақолаларни ўқиб бунга амин бўлгандирсиз Камина эса бир дўст, муҳиб ва ўқувчи сифатида қалам юргиздим, холос.

Аввало, ушбу китобнинг тили, ёзилиш услуби учун унинг бош қаҳрамонидан ҳам, муҳлислардан ҳам узр сўрайман. Гарчи жимжимадор қилиб, баланд пардаларда битиш имкони бўлса ҳам, содда ва самимий йўлни афзал кўрдим. Зеро, ўзимнинг тийнатим ҳам шу: пафосни, «кўтар-кўтар»ни унча ёқтирумайман. Абдуҳамид акага ҳам маъқул тушар деган умидим бор, чунки у киши билан неча бора сухбатлашган бўлсан, барчаси ҳам очиқ-ошкора ва самимий кечган.

Ўйлаб қоламан: агар тақдир тақозоси билан у бошқа касбни танлаганда нима бўларди? Менимча, ўртамиёна бир мутахассис бўлиб, бор-йўқлигини кўпчиликка сез-

дирмай нафақага чиқиб кетган бўларди. Чунки, одам ёши ўтган сари бу ҳаётнинг ғалваларидан чарчаб, тў-полонларидан юраги безиллаб, жонини қўйишга жой ахтара бошлайди. Абдуҳамид Пардага ўхшаган туғма эҳтиёткорларку, инчунин! Хайриятки, у Адабиёт деган паривашга парво қилиб, унинг йўлида жон чекди ва мана шундай салмоқли натижаларга эришди. Тўғри, Адабиёт шундай бир улкан уммонки, бизга ўхшаган беш-ўнта адаб бўлмаган тақдирдаям у бутун салобати билан чайқалиб тураверади. Бироқ, устозларимиздан қолган бир ўгит бор: адабиётнинг майдони кенг, унда ҳар бир искеъдоднинг ўз ўрни, ўз айтар сўзи бўлади. Демак, Абдуҳамид Парданинг парвосига, шу нозанинга эътибор қаратганига шукур!

У шоир сифатида ҳар бир сўз устида ишлади, тунларни тонгларга улади. Адабиётшунос ўлароқ ўтган салафарию замондош адиллар ижодига мурожаат қилди, уларни бақадри имкон таҳлил этди, биз учун ҳам, ўзи учун ҳам муайян хулосалар чиқарди. Таржималар устида ишлар экан, ҳар бир сатр устида заргардай тер тўкди, уларни пардозлади, сайқал берди. Бу машаққатли, улкан меҳнатнинг ҳосили эса унинг таржима қилган асарларида кўриниб турибди. Энг асосийси – айримлар каби тирноқдай ишини тудай қилиб кўрсатмади, телевидение ва газета-журналларга чиқиб аюҳаннос солмади, ўзини кўз-кўзламади. Жимгина, тинчгина, беминнат ишлайверди. Унинг хизматлари бугун ҳам эътироф этилаяпти, келгусида ҳам ўз қадрини топади, албатта.

Устоз Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, «қалам деҳқони» бўлган Абдуҳамид Парда чиндан ҳам худди камтарин деҳқон мисол, мана, олтмишдан ошибдики, тиним билмайди. Ҳамон сўз саралайди, сўз сайқаллайди, пардоз беради. Унинг завқу шавқи ҳануз авжида, нигоҳи ўткир, бадиий диди баланд. Бир гўзал сатр, бир

ноёб ташбеҳ топса боладай қувонади, бошқаларга ҳам улашгиси келади. Муҳими – маърифат тарқатишдан эринмайди, оғринмайди. Зеро, чинакам зиёлиниңг асл тийнати шундоқ бўлиши лозим.

Энди ушбу боб сарлавҳасидаги «парвоз» сўзига келсак... Мана, ўзимиз қўриб турибмиз, бир эмас-икки эмас, етти жилдлик сайланма асалари чоп этилибди. Парвоз бундан ортиқ бўладими?

Мен бир оддий инсон сифатида унинг сабру бардоши, иродаси ва меҳнаткашлигига, энг муҳими, ҳафсаласига ҳавас қиласман. Ҳар сафар бу одамни эсласам, устоз Эркин Воҳидовнинг бир шеъридаги инсоннинг чумолидан тарқагани ҳақидаги фикр эсимга тушади.

Абдуҳамид Парда сўнгги йилларда анча хонанишин бўлиб қолди, мулоқотларимиз ҳам асосан телефон орқали кечади. Баъзан анча узоқ гаплашамиз, адабиёт, ижтимоий ҳаёт, келажак режаларини муҳокама қиласми. Ўзбек адабиётининг бир неча бор рўй берган юксалиш даврарию таназулларига тирик гувоҳ бўлиб, бугунги даврга анчайин эътиборсиз бўлиб қолгандай кўринадиган шоир аслида ич-ичидан ҳамиша куйиниб яшайди. Тезкор замон тоза туйғуларни маҳв этаётганидан, китобхонлик даражаси анча пасайганидан, адабий-бадиий нашрларда бир пайтлардаги каби танқиду таҳлиллар йўқлигидан, шогирдпарвар устозларнинг камайиб кетганидан оғринади. Айтмаса ҳам мен буни сезаман. Баъзан дунёсига қўл силтаб, ўз қобиғига бекиниб олган бу одамни руҳий тушқунлик енгиб қўймасайди деб қўрқаман ҳам...

Чинакам ижодкорнинг кўнглида халқига, мухлисларга айтар сўзи тугамайди, чунки айтар сўзининг манбаи – тоза ва самимий кўнгилдир. Агар юрак бедор, руҳ уйғоқ бўлса, ҳар куни янги фикр туғилаверади. Абдуҳамид Парда ҳам ана шундай ижодкорлардан.

У жуда ҳозиржавоб, «милтиғи доим ўқланган», тайёр туради. Ўйлайманки, агар у водий вилоятларидан бирида туғилган бўлса, беназир асқиячи бўларди. Энг зўри – Абдуҳамид Парда ўз устидан ҳам bemalol кула олади, бу эса жуда ноёб фазилат. Аксарият одамлар «сўзим ўлганидан кўра ўзим ўлай» деб, бўлса-бўлмаса тортишаверади, ўз айбу нуқсонини, айрим думбулликларини тан олгиси келмайди. Аслиятини пардозлашга, яширишга уриниш Абдуҳамид акага ёт нарса. У ҳамиша «Менинг бўлиш-туришим мана шу, нима дейсизлар?!» дегандек илжайиб тураверади. Биз ҳам шунга қўнишиб кетганимиз, уни шу туришича қабул қиласиз.

Андак қийналиб ўсгани, етишмовчиликларни кўп кўргани, отадан барвақт етим қолгани учунми, у жуда сабр-тоқатли, қаноатли инсон. Қолаверса, Шўро даврида сиёsat не-не иқтидорларни жувонмарг қилганини ҳам кўрган, шу сабабли бироз эҳтиёткор, унча-мунча одамга сир бермайди. Суҳбат пайтида ҳам умумий гапдан нарига ўтмайди. Тағин бир жаҳатни илғагандайман: у ҳар қандай ҳолатда, ҳар қанақангি шароитда ҳам манфаат қидиради. Чўнтак манфаати эмас, ижод манфаатини излайди. Китоб аввалидаги «Парда ортидаги Парда» мақоласида унинг марҳум дўстимиз Гулом Каримийнинг эҳсон оши куни ҳам китоб сотмоқчи бўлгани ҳақида эслагандик. Мана сизга оддий мисол!

Нима бўлганда ҳам, Абдуҳамид Парда ўзига хос шахс. Барча айтилганларни жамлаб, «яхши инсон, бир китобга қаҳрамон бўлса арзийдиган одам» деган хulosага келиш мумкин. Агар иқтидорли бир ёзувчи шу ишга қўл урса, Абдуҳамид Пардани адабий тип даражасига bemalol кўтара олади. Масалан, Солиҳ маҳдум каби. Айнан унинг даражасида бўлмаса ҳам, шунга яқинроқ бир қаҳрамон образини яратиш мумкин деб ўйлайман.

Йиллар шамолдай ўтятти... Абдуҳамид Парда ҳам етмишни мўлжаллаганча йўлга тушди. Ниятимиз – унга бу йўлда фақат яхшилар ва яхшиликлар ҳамроҳ бўлсин. Агар Аллоҳ умр берса, акамизнинг етмиш-саксон йилликларида бундан-да каттароқ, мукаммалроқ китоблар битилар балки. Яратган барчамизни ўша кунларга етказсин. Омин, Аллоҳу акбар!

ПАРДАНОМА (достон)

1

Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм!

Ҳамд ул зотга бўлсин, беайб-бенуқсон
Фармонида эрур ер ила осмон,
Ўн саккиз минг олам яратувчиси,
Ошиқ қўнгилларнинг сайратувчиси.
Чексиз коинотни яратган қудрат
Кўзни жамолига қаратган қудрат.
Оти пок, Зоти пок, сифоти танҳо,
Аълолар ичинда беназир, аъло.
«Бўл!» деган каломдан олам яратди,
Сўнг бир ҳовуч лойдан Одам яратди.
Еру самоларнинг нигоҳбони у,
Мушфиқ қўнгилларнинг чароғбони у.
Истаса – юлдузни йўқдан бор этар,
Истаса – қуёшга қўкни тор этар.
Мурувват унингдир, меҳр унингдир,
Илтифот унингдир, қаҳр унингдир.
Заррадан самовот қадар қамраган
Макону замонни бирдай жамлаган,
Аввал ҳам Ўзидир, охир ҳам Ўзи,
Ботин ҳам Ўзидир, зоҳир ҳам Ўзи.
Илоҳо, Сарҳисоб онида мени
Бор эт яхшиларнинг ёнида мени.
Ўзинг берган умри жонингга шукур
Ва беминнат парча нонингга шукур.

Айбу нуқсонимни кам эт, Аллоҳим,
Шу дамни илҳомбахш дам эт, Аллоҳим.
Бир битик бошладим, кучу қувват бер,
Дилимга илҳом бер, сабру тоқат бер...

2

Хотамул анбиё, фахри коинот,
Суюклар ичида суюк бўлган зот.
Сизга саловоту дурудлар бўлсин,
Қабрингиз то абад нурларга тўлсин.
Сарвари коинот, Аҳмад ўзингиз,
Муҳаммад Мустафо, раҳмат ўзингиз.
Тонгла Маҳшар куни шафоатчимиз,
Уммат соябони, ҳимоятчимиз.
Сиз боис яратди дунёни Аллоҳ,
Сиз учун таратди зиёни Аллоҳ.
Тангриниг ҳабиби, суюк ўзингиз,
Пайғамбарлар аро буюк ўзингиз.
Саловотлар сизга, Расули акрам,
Набийлар ичинда азиз, мукаррам.
Мўминларга берган жаннат хабарин,
Офтоб каби порлок, Ердай камтарин.
Мен – бир нотавонман, серайб, қароюз,
Отим Абдунаби, Сизнинг қулингиз.
Хожам, Расулиллоҳ, Қиёмат куни,
Ҳисоб-китоб куни, адолат куни –
Мени ҳам умматим десангиз басдир,
Дийдорингиз кўрмоқ менга ҳавасдир.
Ёдингиз барқарор мудом ёдимда,
Оtingиз жаранглар ҳар дам отимда.
Дийдорингиз бир бор кўрсам қанийди,
Пойингизга юзим сурсам қанийди...
Хожам, сўраб беринг Аллоҳдан илҳом,
Дилимда завқу шавқ бўлсин бардавом.

Күнгилларга манзур калом айлайин,
Достонни соғ-омон тамом айлайин.

3

Бўка, Қорақўйли қишлоғи, 1958 йил

Оддий бир кун эди ўшанда асли,
Биттага кўпайди Тошбойнинг насли.
Тошбой йилқибоқар эди азалдан,
Хиргойи қиласарди ўлан, ғазалдан.
Ўғил ҳадя этди Анорхол унга,
Кулган эди гўё баҳт-иқбол унга.
Чақалоқ бешиқда ётатурсин тек,
Дунёга ҳам назар ташлайлик жиндек.
Эллик саккизинчи йилнинг январи,
Миш-мишлар кезарди элда сарсари.
Улкан бир мамлакат талотўп эди,
Ваҳима кўп эди, фитна кўп эди.
Сталин шахсига топинганларни,
Алвон либосларни ёпинганларни,
Хрушчёв қатли ом қилаётганди,
Юракларни тиғсиз тилаётганди.
Ҳайкаллари синди «улуғ доҳий»нинг,
Энди гали келди бошқа ваҳийнинг:
Янги подшо янги сиёsat қилар,
Маккажўхорини хазина билар.
Чаласавод, думбул подшо бечора
БМТ минбарин қилиб ноғора,
Ҳайқирап:» Энди бир ишни бошлаймиз
Импералистни қириб ташлаймиз!»
Бесарҳад мамлакат абгор, дабдала,
Дунёнинг олдида кулги, масхара...
Қорақўйли эса сокин, жим эди,
Ҳаво баъзан очик, баъзан дим эди.

Тошбойнинг ўғли ҳам, янги чақалоқ
Оддий бола эди, боши думалоқ.
Кўзлари қисиқроқ, пешонаси дўнг.
Тез ўса бошлади туғилгандан сўнг.
Унга Абдуҳамид деб ном бердилар,
«Униб-ўссин, қани омин!» дердилар.

4

Абдуҳамид ўсди йиқилиб-туриб
Кўзлари очилди дунёни кўриб.
Уч ёшда отадан етим қолди у
Ва ўтгай отага қарам бўлди у.
Ўтгай отаси ҳам ёмон эмасди,
«Нари тур, бери кел, етим!» демасди.
Абдуллобой асли буғолтириб эди,
Ҳисоблашда пухта ва моҳир эди.
Ишқилиб, ўғилни этди тарбият,
Катта одам бўлсин, деб қилди ният.
Абдуҳамид эса тинмай ўқирди,
Эртаклар эшитиб, шеърлар тўқирди.
Ҳадемай мактабни битирди шоввоз,
Ниятлар мўл эди, имконият оз.
Журналист бўлай деб белни боғлади,
Мўлжалини пойтахт сари чоғлади.
«Журфак»ка ҳужжатин топшириб шу йил,
Қайтиб келди, мурод бўлмади ҳосил.
Аммо, бу йигитча кўп ўжар эди,
Ушлаган жойидан эт узар эди.
Келгуси йил тағин Тошкентга келди,
Имтиҳон топшириб, югуриб-елди,
Кундузгига кира олмай бечора
Кечки бўлимдан сўнг тополди чора.
Нима бўлса ҳам, у талаба бўлди,
Ҳаётида улкан ғалаба бўлди.

Қунт билан ўқиди, тинмай ўқиди,
Ишлади, ирода синмай ўқиди...

5

Диплом қўлга теккан куни
Абдуҳамид шод бўлди,
Руҳи баланд, жисми эркин,
Кўнгли ҳам обод бўлди.
Ўзбекистон радиоси –
Дастлабки ишхонаси.
Аста-секин пайдо бўлди
Дўст-ёри, ҳамхонаси.
Ижара уйлар азоби
Ҳамон унга ёр эди,
Аммо, юрак тубида зўр
Умидлари бор эди.
Кундуз турли мавзуларда
Эшиттириш қиласиди,
Тунлар қоғоз қораларди,
Шеър дардини биларди.
Кунлар, ойлар ўтаверди
Бир тахлитда, бир тарзда,
Мусофирилик экан, баъзан
Ботиб турагди қарзга.
Лекин, Абдуҳамид қайсар
Бир сўзли йигит эди,
Назм осмонида гўё
Лочину бургут эди.
Иш баҳона таниб олди
Ўнлаб катта шоирни,
Шеър ясовчи косиблару
Сўз илмида моҳирни.
Шеърларини радиога
Ёзиб олди қўпларнинг,

(Гўрига ғишт қалар эди
Ельцин, Гарбачўпларнинг).
Ихлос қўйган эди чиндан
Абдулла Ориповга,
Уни саркарда санарди
Қарши туролган ёвга.
Қайда йиғин, анжуман бор,
Зиёлилар бўлса жам,
Диктофонин кўтарганча
Пайдо бўларди у ҳам.
Баъзан «отиб» ҳам турарди
Жиндек, «ярим-ярим»дан,
Интервью олди бир кун
Ҳатто Ислом Каримдан!
Абдуҳамид Парда деган
Тахаллуси жарангдор,
Газетаю журналларда
Кўринди бир неча бор.
Адабиёт илмин пухта
Ўрганиб чиққан эди,
Ҳатто бир неча юз китобни
Уйига йиққан эди.
Ўйлар эди: «Ўзлаштиридим
Адабиёт оламин,
Сирларини билиб олдим
Навоийнинг қаламин!
Ёдлаб олдим Ориповни
Қолдирмай бир ҳарфини!»
Ва бир куни дуч келтирди
Қисмат Рауф Парфини...

6

Бу ҳаёт бунчалар жумбоқдир чигил,
Хаёлот олами синганди чил-чил,

Совун пуфагидан бўлган саройлар
Минбарлар, унвонлар ва «ёғли» жойлар –
Бари икки пулга қиммат экан-ку,
Жаннат деб билгани зулмат экан-ку!
Рауф Парфи уни ҳақ йўлга тортди,
Гўё гарданига зилдай юқ ортди.
«Иймону адолат, ҳақиқат учун,
Ҳақ қарор топган бир дақиқа учун,
Шоир жонин берса арзиди, эй дўст,
Миллат кўзин очса қанийди, эй дўст...»
Рауф Парфи шундай сабоқ берарди,
Адолат қўлига яроқ берарди.
Авж олди суҳбатлар, мунозаралар,
Баъзан аралашди ичи қоралар.
Устоз Рауф Парфи ҳазин жилмайиб
Дерди:»Сўзни қилманг мажруҳ ва майиб.
Ҳар сўз ўз сўзини айтсин бемалол,
Оlamда одамдай яшасин ҳалол.
Пароканда эллар, доно, закийлар,
Дунёга сочилган турклар-туркийлар
Бирлашса, яхлит бир миллат бўлади,
Ёвга қарши куч ва қудрат бўлади.
Салобат бўлади, савлат бўлади,
Туркистон деган чўнг давлат бўлади!»
Үқтирарди Рауф Парфи шундай деб,
Пивони симириб ва шўр балиқ еб...

7

Йиллар ҳам бир-бирин этагин тутиб,
Абдуҳамид ёши бир жойга етиб,
Минг тўққиз юз саксон олтинчи йилда
Бир олам орзулар қайнаб кўнгилда,
Машкурахонга у ногоҳ уйланди,
Оила қасрига ипсиз бойланди.

Вақти келиб, фарзанд кўришди тўртта,
Улкан ўзгаришлар бўларди юртда.
Бу орада қизил салтанат синди,
Ўзбекистон халқи мустақил энди.
Абдуҳамид Парда қаламин олиб
Ватан муҳаббатин қалбига солиб,
Тинмай ижод қилди кечаю кундуз
Юртда эса давом этарди»буз-буз».
Мамлакат бузилди, эллар бузилди,
Мезонлар бузилди, диллар бузилди.
Парда «Ўзбекистон матбуоти»да,
Ундан сўнг «Жаҳон адабиёти»да,
Ишлаб юраверди камтар, хокисор,
Таржима қиласарди қатор ва қатор.
Байрон, Тагор, Пушкин қолмади ундан,
Лермонтов, Есенин қолмади ундан.
Блок, Бродский таржима бўлди,
Ўзбекча сўзлади, жимжима бўлди.
Цвейг, Беллоу ва Кунин романи,
Марах Руссларнинг романи қани –
Барини ағдарди ўзбек тилига,
Кейин ҳадя қилди ўзбек элига.
Де Гассет, Фромм ва Бердяевнинг
Трактлари бордир, мисраси минг-минг,
Севги ҳақидаги афсоналарин,
Жаҳоннинг бу ноёб дурдоналарин,
Ўзбекча сўзлатди моҳир таржимон,
Ҳар бир мисрасига қўшиб тер ва қон.
Озод Шарофиддин устоздан сабоқ,
Мирпўлат Мирзодир унга чин ўртоқ,
Яна қанча ҳамкасб дўстлари билан,
Ютуқлари, каму қўстлари билан,
Жавлон урди ижод майдонида у,
Озод мустақиллик давронида у.

Бу орада иши ўзгарди юз бор
(Шоир зоти ўзи бироз бекарор),
Юртнинг Маънавият марказида ҳам,
Гоҳ бўлим бошлиғи, гоҳи бўлиб «зам»,
Сўнг ишлади «Сувмаш» заводида у,
(Таржимага моҳир, саводли-да у).
Маҳаллага пособон бўлиб ҳам кўрди,
Халқ дардига дармон бўлиб ҳам юрди.
Нафақага чиққач, қамалди уйга,
Камроқ борар бўлди азага, тўйга.
Оқ қоғоз устида яна тўқди тер,
Сирдошлари турфа китоб, компьютер...

8

Ҳазрат Навоий ёди
Шоирни қўймасди тинч.
Қалбимга илҳом бер деб
Тангрига қилди ўтинч.
Тушида Навоий дер,
Навоий дер ўнгида.
Ва бир қарорга келди
Ўйларининг сўнгида:
Ҳазрат ҳақида улкан
Достон ёзай деди у,
Достонлар саройини
Мен ҳам безай деди у.
Заҳираси мўл эди
Етарли билими ҳам.
Ишга киришар энди
Белини боғлаб маҳкам.
Ҳазратнинг достонларин
Бир-бир табдил қилганди.
Унинг умр йўлини
Озми-кўпми билганди.

Ишга киришди шоир,
Яратган берди илҳом.
Бир неча ой ичида
Достонни қилди тамом.
Тушларида Навоий
Бошини силаб қўйди.
Янги достонга парвоз,
Оқ йўл ҳам тилаб қўйди.
Шундан сўнг у илҳомнинг
Қанотига бойланди.
Темур ҳақида достон
Ёзмоқ бўлиб шайланди.
Аллоҳ ўзи қўлласа
Ҳар бир иш битгай осон,
Достонда бўй қўрсатди
Ҳазрати Соҳибқирон.
Абдуҳамид Парданинг
Кўп эди дўсту ёри.
Маслаҳатлар беришди
Ҳар ким ўзида борин.
Шиддат билан ишлади
Шоир сермаҳсул эди.
Темур руҳи олдида
Жавобгар, мастьул эди.
Достон битгач ўқитди
Бир неча сирдошига.
(Умр ўтиб, ёш ҳам етди
Пайғамбарнинг ёшига).
Достон кўпларга маъқул,
Манзур бўлди, хайрият,
Муаллифнинг кўнгли ҳам
Сернур бўлди, хайрият.
Шундан сўнг фалсафага
Кўнгли бироз талпинди.

Нитше шарофатидан
Юрагига тафт инди.
Боқса, Иброҳим Ғафур
Саралаб сўз созини,
Таржима қилиб қўймиш
«Зардўшт таваллоси»ни.
Донишмандни ўқигач
Доно бўлди Парда ҳам.
Нитшенинг дил розига
Шайдо бўлди Парда ҳам.
Ва дадил оёқ қўйди
Зардўшт деган кемага,
Қўрқмай, дадил киришди
У назмий таржимага.
«Зардўшт нидоси» бўлиб
Қайта яралди достон,
Равон, халқона тилда
Элга таралди достон.
Зардўшт руҳи ёр бўлиб
Қўллаб Нитшенинг руҳи,
Гўзал таржима бўлди
Туркийларнинг андуҳи.

9

Бир кун тонгда назар солса
Хотираю ёдига,
Холис мундоқ кўз ташласа
Борига, бисотига –
Жилд-жилд китоб қилса бўлар
Йиллар бўйи ёзганин.
Ўз ижодий дарёсини
Игна билан қазганин.
Сўнг ўтирди, саралади
Ажратиб жанрларга,

(Эҳ-ҳе, қанча шеърлар тушди
Үчоғу тандирларга).
Инжиқ эди Абдуҳамид,
Талабчан ўз-ўзига,
Хор, бекадр бўлмоқликни
Раво кўрмас сўзига.
Шундай қилиб шеър, таржима,
Достонлар сараланди.
Тўртликлардан яхшилару
Ёмонлар сараланди.
Ҳар бир жанр бир жилд бўлди
Иш сўнгига етди-да,
Мундоқ аста санаб кўрса
Жилд бўлибди еттита.
О, китобни ёзиш осон,
Чиқартиromoқ қийиндир.
Чиқарсанг ҳам, сотилмасдан
Хор бўлиши тайиндир.
Тавакқал деб Абдуҳамид
Етти жилдни чоп этди.
Умр бўйи битганини
Еттита китоб этди.
Мана энди тайёр тураг
Етти жилдлик сайланма.
Тарқалсину элга, бўлсин –
Харидоргир, айланма.

10 ХОТИМА

Азиз дўстим, биродариму
Оғам десам муносиб инсон.
Қалбимдаги чексиз хурматни
Баён этдим, битиб бир достон.
Абдуҳамид Парда деганда

Ёдга келар дўстим Ғуломжон.
Иккаласи – эт билан тирноқ,
Гўё икки танда битта жон.
Қадрлади Ғуломни Парда,
Тиригига бағишилаб достон.
Шу қарзни мен узсам агар-да,
Дўстим руҳи шоддир бегумон.
Маҳшар куни Аллоҳ олдида
Учовимиз букиб туриб тиз,
Шоду шодон дийдорлашармиз
Беқарз, бедард ҳамда ёруғ юз.
Эй қалби пок, беғараз улфат,
Эй гўдақдай масъум биродар,
Бошингизга тушмасин кулфат,
Сиз сўз мулки ичра бир аскар.
Шеър қўшини ичра сарбозсиз,
Шерсиз сухан салтанатида.
Сўзни суйиб, Сўзга суюниб
Давр суринг назм тахтида.
Сизга адлу омонлик тилаб,
Сўраб элга бахту рўшнолик,
Юз йил ширинзабонлик тилаб –
Сўраб кўп йил дўсту ошнолик –
Мен сўзимни айладим адо,
Нуқра басдир, гар бўлмаса зар,
Лабларимдан тўкилгай дуо:
Қани омийн, Аллоҳу акбар!

**2021 йил, августъ-декабръ,
Олот шахри.**

МАҲБУС

**(Шоир, адабиётшунос, таржимон ва журналист
Абдуҳамид Пардаевга)**

Ўз уйида тутқун бўлиб яшайди у,
Эшик-деразаси тун-кун бекитилган,
Гўё улкан гуноҳкорга ўхшайди у,
Маҳшаргача ёлғизликка хукм этилган.

Уни ҳушёр қўриқлашиб турар Сўзлар,
У жим яшар орзулари билан ёлғиз.
Сўзлар унга бу дунё макридан сўзлар,
У жим тинглар, Сўз қошида букканча тиз.

Ташқарида жўшиб оқар Ҳаётдарё,
Турланади мезон, удум, урф, анъана.
Дарвозадан қайтар баъзан дўсту ошно
«Шоир қўрқоқ қарибди...» деб, қилиб таъна.

У Сўз билан сўзлашади узун тунлар,
Гоҳ ўзбаки, баъзан ўрис лисонида.
Таржимадай туюлади баъзан кунлар,
Сўз бекадр бўлган темир замонида.

Сўзлар уни қўриқлайди, у – сўзларни,
Ҳазорисбанд тутагандай тутар юрак.
Дарвозадан қувиб солар сук, қўзларни
То тонггача руҳ ва кўнгил бўлак-бўлак.

Маломатгўй кимсаларга қўлин силтар:
«Бу дунёдан зарра қўрқув йўқдир манда.
Унинг нимасидан қўрқай, оғайнилар,
Дунё мендан қўрқмасин деб, чиқмайман-да...».

Ҳар кимсанинг аъмолига – Тангрим гувоҳ
Ўзи ато этган каму тўқисликни,
Унга боқиб туриб баъзан...астағфуриллоҳ,
Орзу қилиб қоламан-да... маҳбусликни...

МУҢДАРИЖА

Муқаддима	3
1-боб. Парда ортидаги Парда.....	4
2-боб. Сўзга сажда	19
Кетиб борар...	29
3-боб. Достон даъватларию даъволари	42
Бадиий ҳужжатли лаҳзалар.....	57
4-боб. Номалар – ҳангомалар	70
5-боб. «Гиламнинг орқа томони»даги гуллар.....	98
Битиклар	106
6-боб. Мақбул мақолалар, шарҳу ҳаволалар	112
Ажиб дунё	115
7-боб. Заррабиндаги Зардўшт.....	120
8-боб. Дўстлар эътибори, давр эътирофи	133
Ихлосманд	134
Мен билган Абдуҳамид	138
Мурод марраси.....	140
Иймон – шоир ижодининг бош мавзуъи.....	146
Шоирлик – ҳавас, шоирлик – қисмат	147
Озод рух	163
Чорлов	166
Авж парда.....	179
«Шоирман хур – сатримга масъул»	181
Муқаддас даргоҳ даъвати.....	211
Ташсўз ихфоси.....	212
Комилликка чорлов.....	215
«Чорлов» тўплами хусусида мактуб	218
Ҳар донаси дурдона...	222

«Зардушт нидоси» – ўзбек назмида.....	227
Мактуб.....	249
Муаллифлар ҳақида маълумотлар	260
9-боб. Парданинг парвоси, пардози ва парвози.....	266
10-боб. Парданома	271
Маҳбус.....	284

Адабиёт-бадиий нашр

Абдунаби Ҳамро

СҮЙГАНИМ – СЎЗ, СУЯНГАНИМ – СЎЗ

**ёхуд
сўз салтанатининг сарбози**

Муҳаррир Ойдин Йўлдошева

Бадиий муҳаррир Камолиддин Нурманов

Саҳифаловчи Иномжон Ўсаров

Нашриёт лицензияси: AI №299, 2017.22.05.

Теришга берилди: 28.02.2022 й.

Босишга рухсат этилди: 15.03.2022 й.

Офсет қофози. Қофоз бичими: 84x108 $^1/_{32}$.

Cambria гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб-нашриёт т.: 9,58. Шартли б.т.: 15,1.

Адади: 40 нусха.

Буюртма №

«OYDIN» нашриёт компьютер
марказида саҳифаланди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Амир Темур кўчаси, 25 уй.

Тел.: (+99871) 209-38-43, (+99890) 959-58-60